



Министерство народного  
образования Республики Узбекистан



Министерство инновационного  
развития Республики Узбекистан



Республиканский центр  
социальной адаптации детей



# МАТЕРИАЛЫ

## МЕЖДУНАРОДНОГО ФОРУМА

### «Укрепление социальной работы в обеспечении благополучия детей и семей в Узбекистане»

21-22 ноября 2019 г.

ТАШКЕНТ

Халқаро форум материаллари тўпламида Ўзбекистон ва хорижий давлатларда болаларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари; психология, педагогика, социология, ҳуқуқ, ижтимоий иш, тиббиёт соҳаларида олиб борилган илмий-амалий ишларнинг натижалари, назарий ютуқлар акс этган.

В сборнике научных тезисов отражены теоретические достижения научно-практической работы в области психологии, педагогике, социологии, права, социальной работы, медицины; даны результаты исследований в сфере социальной защиты детей в Узбекистане и зарубежных странах.

Таҳририят ҳайъати: / Редакционная коллегия:

В.С. Алимова	тиббиёт фанлари номзоди, РБИММ кандидат медицинских наук, РЦСАД
Л.Р. Муминова	педагогика фанлари доктори, профессор, РБИММ доктор педагогических наук, профессор, РЦСАД
М.Х. Ганиева	социология фанлари доктори, ЎЗМУ доктор социологических наук, НУУ
Д.Д. Шарипова	педагогика фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги ТошДПУ доктор педагогических наук, профессор, ТГПУ им. Низами
Н.А. Исраилова	фалсафа фанлари номзоди, РБИММ кандидат философских наук, РЦСАД
А.А. Базаров	юримдик фанлар номзоди, РБИММ кандидат юридических наук, РЦСАД
М.М. Махмудова	психология фанлари номзоди, РБИММ кандидат психологических наук, РЦСАД
Г.В. Хрульнова	психология фанлари номзоди, РБИММ кандидат психологических наук, РЦСАД
З.И. Шокирова	«Bola va Zamon» журнали, бош муҳаррир главный редактор журнала «Bola va Zamon»
М.Ш. Яхниева	«Bola va Zamon» журнали, бош муҳаррир ўринбосари зам. главного редактора журнала «Bola va Zamon»

Халқаро форум материаллари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ажратилган БФ-1-001-рақамли фундаментал ва ПЗ-20170928428-рақамли амалий лойиҳалар доирасида тайёрланган.

Материалы Международного форума был подготовлен в рамках фундаментального (БФ-1-001) и прикладного (ПЗ-20170928428) проекта Мининновации Республики Узбекистан.

«Ўзбекистонда бола ва оилаларнинг фаровонлигини таъминлашда ижтимоий ишни мустаҳкамлаш» – РБИММ Халқаро форуми материаллари. – Тошкент, 2019.

«Укрепление социальной работы в обеспечении благополучия детей и семей в Узбекистане» / Сборник научных тезисов Международного форума РЦСАД. – Ташкент, 2019.

# ЭШИТИШДА МУАММОСИ БЎЛГАН БОЛАЛАР ОИЛАСИДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- **М.М.Абдуллаева,**  
Низомий номидаги ТДПУ Сурдопедагогика кафедраси ўқитувчи

Эшитишда нуқсони бўлган болалар оиласида шахслараро муносабатининг ўзига хос хусусиятларини Рене-Жиле томонидан ишлаб чиқилган шахслараро муносабатларини аниқловчи методика асосида ўргандик. Тошкент шаҳар Олмазор туманидага 106-сонли махсус мактаб ўқувчиларининг психолог билан машғулоти, сайр қилишлари, ўйнаш жараёнлари ва ота-оналари билан мулоқот қилишлари вақтида кузатиб борилди. Кузатиш жараёнида болалар ўзларининг нутқий баёнларини ифодалашларига, эшитишда нуқсони даражасига, атрофдагилар билан мулоқотга киришиш усулларига, нутқининг тўғрилигига (грамматик тўзилиш, лексикаси ва товушлар талаффузи), турли нутқий вазиятларга реакция билдиришиги, боланинг нуқсонга диққат қаратишига, шахс сифатларига, ақлий қобилиятларнинг ривожланганлик даражасига, психик хусусиятларга эътибор қаратилди. Шунингдек, болаларга бегона киши (экспериментатор) га кўникишга, у билан мулоқот ўрнатишга имконият – вақт ажратилди. Болалар жамоаси томонидан қабул қилинган улар билан индивидуал суҳбатлашилди ва бу жараёнда кузатиш вақтида олинган маълумотлар аниқлаштирилди: боланинг нуқсонга диққат қаратиши, мураккаб нутқий вазиятлар, мулоқотга интилиш ёки ундан қочиш даражаси. Эшитишда нуқсони боланинг оиладаги шахслараро муносабатлари доирасини тадқиқ этиш учун биз томондан И.Н.Гиляшева ва Н.Д.Игнатевалар томонидан мослаштирилган. Рене-Жиленинг болалар учун лойиҳавий методикаси танланди. Ушбу методиканинг мақсади боланинг ижтимоий мослашувчанлиги, шунингдек, оиладагилар ва атрофдагилар билан ўзаро муносабатларини ўрганишдан иборат. Улар турли-туман ҳаётий вазиятлар, бола учун муҳим бўлган ва унинг бошқа кишилар билан муносабатига дахлдор бўлган ҳулқининг ўзига хос томонларини аниқлашга йўналтирилгандир. Рене-Жиленинг методикаси – визуал-вербал бўлиб, нутқий фаоллиги ўзига хос бўлган болалар учун ҳам қўллаш имконини яратади. У болалар ёки болалар ва катталар тасвирланган 42 та расм ҳамда бир қатор матнли топшириқлардан иборатдир. Бола тасвирланган кишилар орасидан ўзига жой танлаши ёки гуруҳдаги у ёки бу ўринни эгаллаган қаҳрамонни ўзи билан мослаштириши, яъни ўзини унинг ўрнида деб тасаввур этиши керак бўлади. У жойни маълум бир шахсга яқин ёки ўзоқ қилиб танлаши мумкин. Матнли топшириқларда болага одатий ахлоқ шакллари танлаш таклиф этилади, айрим топшириқлар социометрия тарзида қурилгандир. Шундай қилиб, методика болани атрофидаги турли кишилар ва ходисаларга муносабати ҳақидаги маълумотларни олишга имкон беради. Боланинг шахсий муносабатлари тизимини тавсифловчи барча психологик материалларни шартли равишда иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин [3.4]:

- Боланинг аниқ-шахсий муносабатларини тавсифловчи (оилавий муҳитга, дўстларга, нуфўзга эга катталарга ва бошқаларга муносабат) ўзгарувчанлик
- Турли муносабатларда ўзини намоён этувчи боланинг ўзини тавсифловчи (мулоқотга киришувчанлиги, чегараланганлик, устунликка эга бўлишга интилиш ва бошқалар).

1-жадвал.  
Рене-Жиле методикаси

№	Ўрганилган муносабат	Топшириқ рақамлари	Топшириқларнинг умумий сони
1	Онага бўлган муносабат	1-4, 10-12, 14-15, 18-19, 27, 38, 41-42,	15
2	Отага бўлган муносабат	1-5, 14-15, 17-19, 37, 41-42.	15
3	Онага, отага, ота-она сифатида муносабати	1-4, 6-7, 14, 17, 19	8

4	Ака – сингилларга бўлган муносабат	1, 2, 4-6, 8-19, 30, 40, 42	11
5	Буви ва бувага бўлган муносабат	1,4, 7-13, 17-19,30, 40, 41	9
6	Дўсти (дугонаси)га бўлган муносабат	1-4, 8-19, 25, 30, 33-35, 40	9
7	Педагогга бўлган муносабат	1, 4, 5, 9, 11, 13, 17, 19, 26, 28-30, 32, 40	6
8	Қизиқишлари	5, 22-24, 26, 28-32,	10
9	Устунликка интилиш	20-22, 39	4
10	Мулоқатга киришувчанлик	16, 22-24	4
11	Ижтимоий ҳулққа хослиги	9, 25, 28, 32-38	10

Ушбу методиканинг шак-шубҳасиз таъкидлаш мумкин бўлган устун томонлари орасида (соддалиги ва кетма-кетлиги ҳам сифат, ҳам миқдорий жиҳатдан натижаларнинг намён этиб бериши) мавжуддир. Шу билан боғлиқ равишда методикани бизнинг талабларга мослаш керак, деб топдик. Матнли топшириқлар ўқишни истамаган, ёки ёмон ўқийдиган, ёки умуман ўқишни билмайдиган болалар учун ўқиб эшиттирилди. Қўғирчоқлар ёрдамида кутилаётган жавоблар стол устига шундай жойлаштирилдики, бола ўз жавобини оғзаки баён этиши учун ҳам, кўрсата олиши учун ҳам имконият яратилди. Кўпгина ҳолатларда болаларнинг тез толиқишлари сабабли биз топшириқларни навбати бўйича (1 дан 42 гача) икки гуруҳга ажратдик ва синов ишларини бир неча босқичда амалга оширдик. Топшириқларни биз болаларда топшириқларни бажаришга қизиқиш ва истак сақланиб қолиши учун энг қизиқарли жойига келганда тўхтардик. Тест топшириқларини ўйин тарзида амалга оширилиши электив мутизм бўлган болаларнинг нотаниш нарсаларга тўқнаш келганда юзага келувчи зўриқишини олдини олиш; экспериментаторнинг саволлари нутқий фаолликни талаб этмаган ҳолда қизишни уйғотиш имконини берди. Эшитишда нуқсони бўлган ота-оналарининг оиласида шахслараро муносабатининг ўзига хос хусусиятлари ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳар Олмазор туманидага 106-сонли махсус мактаб ўқувчиларидан 10 нафар эшитишда нуқсони бўлган фарзанди бўлган эшитишда нуқсони бўлган ота-оналари ва 10 нафар эшитишда нуқсони бўлган фарзанди бўлган соғлом ота-оналари фарзандлари ўртасида ўтказдик. Эшитишда нуқсони бўлган ота-оналарининг оиласида шахслараро муносабатининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мақсадида Рене-Жиле методикаси ўтказилди. Олинган маълумотларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш учун қиёсий фоизларда кўрсатиб ўтилган. У ёки бу белгиси бўйича максимал танлов 100% деб кўрсатилди. Ҳар бир белгининг (онага муносабат, отага муносабат, устунликка интилиш ва х.к.) баён этилиш даражаси шартли равишда учта даражага ажратилди: паст даража (0-30%); ўрта даража (31-60%); юқори даража (61-100%). Қуйида ўрганилаётган ҳар бир белги бўйича эгалланган балларнинг ўртача қиёсий кўрсаткичи фоизларда ифодаланган жадвал келтирилган.

**2- жадвал.**  
**Оиладаги муносабатлар кўрсаткичларининг ўртача даражаси**

№	Ўрганилган муносабат	Топшириқ рақамлари	Топшириқларнинг умумий сони
1	Онага бўлган муносабат	1-4, 10-12, 14-15, 18-19, 27, 38, 41-42,	15
2	Отага бўлган муносабат	1-5, 10-12, 14, 15, 18-19, 37, 41, 42	15
3	Онага, отага, ота-она сифатида муносабати	1-4, 6-7, 14, 19	8
4	Ака-сингилларга бўлган муносабат	1, 2, 4-6, 10-12, 18, 19, 41, 42	11
5	Буви ва бувага бўлган муносабат	1, 4, 7, 10-12, 18, 19, 41	9
6	Дўсти (дугонаси)га бўлган муносабат	1, 4, 10-12, 18, 19, 25, 34	9
7	Педагогга бўлган муносабат	1, 4, 5, 11, 19, 26	6

Жадвалдан кўриниб турганидек, барча текширилувчилар учун оиладан ташқаридаги паст даражадали боғлиқлик билан таъкидланувчи оилавий ички боғлиқликнинг умумий даражаси юқорилиги хосдир. Эшитишда нуқсони бўлган болалар 60% оналарига кўпроқ боғланганликлари кузатилди. Бундай кўрсаткичларни оналар томонидан фарзандларига кераклигидан ортик меҳрибончилик қилишлари, бунинг оқибатида эса боланинг оила аъзолари ва бошқа кишилар билан мулоқотини чеглаб қўйиши ёки аксинча, ўзларининг бандликлари ва бошқа сабабларни ваз қилган холда бола билан жуда кам мулоқотга киришадилар. Бу оталар танловини жуда камлиги билан мос келади [1.2]: эшитишда нуқсони бўлган болалар 40%, оталарига бўлган ижтимоий муносабатни кўрсатганлар. Ҳаётини шароитларда (оилани уй шароитида, оилавий-гуруҳли жараёнларда кузатилганда) болалар оталарини инкор этганлар, улар билан мулоқотдан қочганлар ва оналарининг оталари билан мулоқотини ҳам чегаралаб қўйганлар. 60% болалар учун ўз ота-оналарини ота-она қирраларини тан олиш да паст кўрсаткич кузатилган. Кўрсаткичларнинг бундай пастлиги бизнинг фикримизга кўра, оиладаги мулоқотнинг турли равишдаги, ота ва она орасидаги муносабатларда уйғунликнинг, илиқлик ва ишочнинг, бола билан она ўртасидаги симбиотик боғлиқлик мавжуд эмаслиги сабаб бўлади. Ота-оналарнинг кўпчилиги ўз оилалари, ижтимоий-маиший шароит ва ишдан қониқмасликларини билдирганлар. Болаларнинг барчасида бувиси ва бувасига боғланганлик жуда паст даражаси намоён бўлди. 30% болалар учун ўз ота-оналарини бувиси ва бувасига боғланганлик кузатилган Бунинг сабаби кўпчиликнинг алоҳида яшаши бўлса, отаси ва онаси ўртак бўлмаган ҳолатлардагина бувиси ва бувасини таъкидлаб ўтиш кузатилган. Дўст (дугона) ларига боғлиқликнинг мавжуд эканлигини текшириш кўрсаткичлари ҳам жуда паст бўлиб 10% кўрсатди. Обрўга эга бўлган катталарга муносабат сушт намоён бўлган болалар 20% ташкил этди. Реал ҳаётда мактабда улар учун кўпинча обрўли инсон қариндошлардан бири ҳисобланади (холаси, катта акалар, отаси, буваси ва бошқалар), кичик мактаб ёшдаги болалар учун асосан бу ролни ўқитувчи (расм ўқитувчиси, жисмоний тарбия ўқитувчиси, якка шуғулланувчи логопед, мусиқа ўқитувчиси ва ҳ.к.) эгаллайди. У ёки бу белгининг намоён бўлиш даражаси, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, учта даражага: паст, ўрта ва юқори даражага ажратилди. Қуйида болаларнинг ўрганилаётган белгилари мана шу уч даража бўйича фоиз кўрсаткичларда таққосий тақсимоти акс эттирилган.

### 3- жадвал.

#### Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг шахсларо муносабатлари хусусиятлари

№	Ўрганилган муносабатлар	Топшириқ-ни умумий сони	Муносабатлар даражаси		
			Паст (0-30%)	Ўрта (31-60%)	Юқори (61-100%)
1	Онага бўлган муносабат	15	-	40	60
2	Отага бўлган муносабат	15	60	40	-
3	Онага отага, ота-она сифатида муносабати	8	80	20	-
4	Ака-сингилларга бўлган муносабат	11	-	100	-
5	Буви ва бувага бўлган муносабат	9	70	30	-
6	Дўсти (дугонаси)га бўлган муносабат	9	100	-	-
7	Педагогга бўлган муносабат	6	80	20	-

1. Онага муносабат. Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг бирортасида ҳам бундай паст кўрсаткич қайд этилмаган. Ўрта даража – 40% эшитишда нуқсони бўлган болаларда қайд этилган. Юқори кўрсаткич – 60% эшитишда нуқсони бўлган болаларда намоён бўлган.

2. Отага муносабат. Паст даража 60% эшитишда нуқсони бўлган болаларда қайд этилади. Ўрта кўрсаткич – 40% эшитишда нуқсони бўлган болаларда таъкидланган. Юқори кўрсаткич болаларда кузатилмаган.

3. Ота ва онага ота-онага бўлгандек муносабатда бўлиш. Паст даража 80% эшитишда нуқсони бўлган болаларда қайд этилган. Ўрта кўрсаткич эса – 20% эшитишда нуқсони бўлган болаларда кузатилган, юқори даражада қайд этилмаган.

4. Ака-ука ва опа-сингилларга муносабат. Паст даража кўрсатилмаган, ўрта кўрсаткич 100% эшитишда нуқсони бўлган болаларда кузатилган. Юқори даража қайд этилмаган.

5. Буви ва бувага бўлган муносабат. Паст даража – 70% эшитишда нуқсони бўлган болаларда кузатилди. Ўрта даража – 30% эшитишда нуқсони бўлган болаларда қайд этилди. Юқори даража – 0% болаларда қайд этилган.

6. Дўст (дугонага) муносабат. Эшитишда нуқсони бўлган болаларнинг барчасида – 100% паст кўрсаткич қайд этилди. Ўрта даража, юқори даража ҳеч бир текширилувчида кузатилмаган.

7. Педагогга бўлган муносабат. Эшитишда нуқсони бўлган болаларда 80% паст кўрсаткич, ўрта даража эса 20% эшитишда нуқсони бўлган болаларда кузатилди. Юқори даража қайд этилмаган.

Шундай қилиб, шахслараро муносабатлар доирасини тадқиқ қилиш бўйича ва айниқса, эшитишда нуқсони бўлган болалар оналарига икки томонлама кучли боғлиқликка эга бўлишлари, бу эса ота ва оиланинг бошқа аъзоларини инкор этиш билан мос тушувчи, шунингдек, оиладан ташқарида шахслараро муносабатлар боғлиқлигининг умумий паст даражада эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

### Адабиётлар

1. Спок Б. Ребенок и уход за ним. – Л., 1990.
2. Слепович Е.С. Психологическая структура задержки психического развития в дошкольном возрасте. – М., 1994.
3. Эйдмиллер Э.Г., Юстискис В.В. Психология и психотерапия семьи. – Санкт-Петербург, 2002.
4. Сурдопедагогика / Под ред. М.И. Никитиной. – М., 1989. 386 б.

## ВЛИЯНИЕ ФОНЕТИЧЕСКОЙ РИТМИКИ НА ФОРМИРОВАНИЕ УСТНОЙ РЕЧИ У ДЕТЕЙ С НАРУШЕНИЯМИ СЛУХА

• Г.С.Абдуллаева, преподаватель ЧирГПИ

Создание специальных условий обучения для детей с нарушением слуха обязательно предполагает определенное своеобразие содержания образования, изменение темпов и сроков обучения, перестройку методов преподавания в соответствии со структурой основного дефекта, специфическую организацию трудовой подготовки, внеклассных и внешкольных занятий, а также индивидуальную лечебно-профилактическую работу [4, стр. 8]. Проведение коррекционной работы обогащает общее развитие детей, приближая его к развитию нормально слышащих сверстников, и становится основой для подготовки ребенка с нарушением слуха к социализации в обществе [5, стр. 4].

Основной целью реабилитационных занятий является совершенствование навыков восприятия учащимися устной речи на слуховой, слухозрительной и зрительной основе и коррекция произносительной стороны речи.

Фонетическая ритмика органически входит в работу по формированию произношения и играет существенную роль как в коррекции речи слабослышащих детей младшего возраста, так и в развитии у них естественности движений. Фонетическая ритмика – это система двигательных упражнений, в которых различные движения корпуса, головы, рук, ног сочетаются с произнесением определенного речевого материала (фраз, слов, слогов, звуков). Совокупность движений тела и речевых органов способствует снятию напряженности и монотонности речи, которые свойственны детям с нарушением слуха [1, стр. 3]. Слабослышащие дети, в отличие от глухих, уже в дошкольный период могут воспринимать разнообразные тексты на слух. Работа ведется по определенной системе [6, стр. 67]. Раскованность и непринужденность, приобретаемые детьми при выполнении ритмических движений телом, оказывают положительное влияние на двигательные свойства речевых органов [2, стр. 8]. На занятиях по фонетической ритмике большое значение имеет музыкальное сопровождение. Дети слушают музыку, различают ритм, характер, вместе с учителем проводят анализ музыкального произведения. К концу занятий выполняют упражнения



под музыку. В работу по закреплению навыка речевого дыхания постепенно включается речевой материал, который должен произноситься на длительном выдохе: ряд слогов, словосочетания, слова со сменой ритма и темпа, словосочетания и предложения [1, стр. 8]. Двигательные упражнения являются обязательным компонентом каждого занятия. Характер этих движений также различен: от плавных и медленных до отрывистых и резких. Дети учатся управлять своими эмоциями и использовать их в нужных ситуациях в сопровождении естественных движений, жестов, мимики лица. Все эти движения играют важную роль в общении.

**Занятия по фонетической ритмике состоят из нескольких разделов.**

### **Дыхательные упражнения**

Игра «Пузырь». Из группы учеников выбирается один. Его ставят в центр круга. Он водящий, то есть «пузырь». Учитель и ученики, стоящие по кругу, говорят:

– Надувайся, пузырь, надувайся большой, надувайся большой, да не лопни такой!

Водящий делает вдох носом (рука у него лежит на области диафрагмы). Передняя стенка живота выпячивается вперед (как при диафрагмальном дыхании).

**Ученики:** Ой! Лопнул пузырь! Хлоп! (все дружно хлопают)

Водящий делает выдох, говоря при этом: Ш \_\_\_\_\_ или С \_\_\_\_\_

Руки при этом опускаются, имитируя сдувшийся шар. При повторении игры водящий меняется. Дыхательные упражнения в динамике (движения под музыку).

**Речевое дыхание:** Положить руки на область диафрагмы. Вдох – носом, на выдохе произносить слог «ПА» \_\_\_\_. Вдох носом, развести руки вверх в стороны при одновременном произнесении «па» \_\_\_\_. Выпрыгнуть вверх с одновременным разведением рук вверх в стороны, сказать кратко «па» \_\_\_\_. Выпрыгнуть вверх с одновременным разведением рук вверх в стороны и ног в стороны, сказать кратко «па» \_\_\_\_.

**Голос:** Легкий удар кулаками на уровне талии, сказать тихо «па» \_\_\_\_, сильно встряхнуть кулаками рук наверху, сказать громко «ПА» \_\_\_\_. Учитель поворачивается спиной к ученикам, проговаривает речевой материал: па \_\_ ПА \_\_. Ученики повторяют услышанное в сопровождении движений.

**Темп. Ритм:** Громко топать то правой, то левой ногой (стоя на месте): ТОП \_\_ ТОП \_\_. Громко хлопать вправо-влево: ХЛОП \_\_ ХЛОП \_\_.

Чередовать громкие притопывания и хлопки: ТОП \_\_ ХЛОП \_\_ ТОП \_\_ ХЛОП \_\_.

Дети идут по кругу, чередуя громкие притопывания с хлопками: ТОП \_\_ ТОП \_\_ ТОП \_\_ ХЛОП \_\_ ХЛОП \_\_ ХЛОП \_\_, изменяя темп (от медленного до быстрого). Подбор слов и словосочетаний к данному ритму.

### **Интонация. Логическое ударение**

С \_ А \_ С \_ А \_ С \_ А \_ – ВОН летит оса! (движение на звук С соединять со звуком А \_\_, затем, выделяя слово ВОН, показать широким жестом что-то, вытянуть руку вверх). С \_ У \_ С \_ О \_ С \_ А \_ – ТУТ села оса! (соединять движение на звук С \_\_ со звуками У \_\_ О \_\_ А \_\_, затем, выделяя слово ТУТ, показать широким жестом что-то, вытянуть руку вперед и вниз). С \_ А \_ С \_ О \_ С \_ У \_ – мы ПРОГНАЛИ осу (соединять движение на звук С \_\_ со звуками А \_\_ О \_\_ У \_\_, затем, выделяя слово ПРОГНАЛИ, показать двумя руками, махательное движение).

**КТО** прогнал осу? – Учитель задает вопрос, выделяя слово КТО движением.

**МЫ** прогнали осу. – Дети отвечают, выделяют слово МЫ движением.

**КОГО** мы прогнали? – Учитель задает вопрос, выделяя слово КОГО движением.

Мы прогнали **ОСУ**. – Дети отвечают, выделяя слово ОСУ упражнением на звук У \_\_.

Что мы **СДЕЛАЛИ**? – Учитель задает вопрос, выделяя слово СДЕЛАЛИ движением на звук Е \_\_.

Мы **ПРОГНАЛИ** осу. – Дети отвечают, выделяя слово ПРОГНАЛИ естественным движением.

### **Музыкальное развитие**

Декламация песен. Дети слушают музыку, различают ритм, характер, вместе с учителем проводят анализ музыкального произведения. К концу занятий выполняют упражнения под музыку.

### **Коррекционно-развивающие игры**

Игры на слуховое восприятие, игры организующего характера, театрализованные игры, дидактические игры, подвижные игры, сюжетно-ролевые игры, конкурсные игры, настольные игры.

## **Физическое развитие**

Физические упражнения включены во все разделы занятия. Каждое занятие включает в себя несколько вариантов упражнений для снятия психического и физического напряжения: дети стоят, сидят, ходят, бегают, прыгают. Используются спортивные оборудование.

**Упражнения, сопровождающие устную речь на занятиях по фонетической ритмике, направлены на:**

- нормализацию речевого дыхания и связанной с ним слитности речи;
- формирование умений изменять силу и высоту голоса, сохраняя нормальный тембр без грубых отклонений от нормы;
- дифференциацию, автоматизацию звуков в словах, предложениях;
- воспроизведение речевого материала в заданном темпе;
- восприятие на слух речевого материала с помощью индивидуальных слуховых аппаратов и без них;
- восприятие, различение, воспроизведение различных ритмов;
- умение выражать свои эмоции разнообразными интонационными средствами.

Конечная цель занятий фонетической ритмикой – правильно оформленная речь без движений.

## **Форма проведения**

В соответствии с учебным планом обязательная нагрузка в подготовительном классе, 1–4-х классах составляет 1 час в неделю. Занятия проводятся в группе по 40 минут. Большое внимание уделяется развитию слуха детей, а также автоматизации, дифференциации ранее поставленных на индивидуальных занятиях звуков. Кроме того, занятия в группе представляют собой систему двигательных упражнений, направленных на развитие макродвижений (движений тела), что создает готовность к овладению микродвижениями (органов артикуляции). Особое внимание уделяется диафрагмальному дыханию и нормам орфоэпии. Дыхательные упражнения проводятся как под музыку, так и без, сопровождая движениями рук, головы, корпуса.

Двигательные упражнения положительно влияют на развитие чувства ритма и темпа произношения, они являются обязательным компонентом каждого занятия. Характер этих движений также различен: от плавных и медленных до отрывистых и резких. Движение в процессе занятий фонетической ритмикой – это средство для достижения цели, которой является формирование речи или ее коррекция.

На занятиях по фонетической ритмике обязательно использование звукоусиливающей аппаратуры. Инструкции, которые дает учитель в ходе занятий, а также весь речевой материал предъявляется ученикам слухозрительно и только на слух. На основе слуха выполняется большое количество упражнений – как двигательных, так и речевых. Речевой материал, который проговаривается в сопровождении движений, занимает часть занятий по фонетической ритмике.

Рекомендуемый для занятий речевой материал должен отвечать задачам формирования устной речи, служить средством развития речевого слуха и содержать осмысленные речевые единицы: фразы, словосочетания, слова, тексты.

В качестве одного из средств развития внимания, воображения, словесной памяти рассматривается рассказывание, в процессе которого дети рассказывают друг другу короткие рассказы, сказки с эмоциональной окраской. Для лучшего понимания содержания в качестве наглядной опоры используются игрушки, фигурки действующих лиц, картинки, а также ИКТ.

## **Литература**

1. Власова Т.М., Пфафенродт А.Н. Фонетическая ритмика в школе и детском саду: Практикум по работе со слабослышащими детьми. – М.: Учебная литература, 1997. 376 с.
2. Волкова Г.А. Логопедическая ритмика: Учебное пособие для студентов педагогических институтов по специальности №2111 «Дефектология». – М.: Просвещение, 1985. 191 с.
3. Левчук Е.А. Музыка звуков. Автоматизация и дифференциация звуков в стихах, пословицах, поговорках, загадках, рассказах и былинах. – СПб.: «ДЕТСТВО-ПРЕСС», 2004. 64 с.
4. Орлова Л. / Авт.-сост. Дыхательная гимнастика по Стрельниковой. – М.: АСТ; Мн.: Харвест, 2006. 144 с.
5. Коровин К.Г., Зикеев А.Г. Программа специального (коррекционного) общеобразовательного учреждения II вида. – М.: Просвещение, 2006.
6. Пельмская Т.В., Шматко Н.Д. Формирование устной речи у дошкольников с нарушенным слухом: Пособие для учителя-дефектолога. – М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2003. 224 с.



# МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК МАДАНИЯТИГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ – ЭРТАКЛАРНИНГ ЎРНИ

- **Д.А.Абдурахимова, п.ф.н., Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлар Академияси Гуманитар фанлар кафедраси доценти**

Мактабгача ёшдаги бола шахсининг камол топишида диний бағрикенглик (толерантлик) маданиятининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Толерантлик маданияти инсон умрининг муайян бир даврида эмас, балки унинг бутун умри давомида шаклланиб такомиллашиб боради. Бунда дастлабки омил сифатида оила ва мактабгача таълим муассасаси катта аҳамият касб этади. Тадқиқотларга кўра, инсон оламни ҳис этиши учун зарур бўлган асосий билимларни айнан мактабгача ёш даврида эгаллайди.

Толерантлик маданияти – шахсининг диний қадриятларни ҳурмат қилиши, бошқа динлар, урф-одатлар, диний урф-одатлар, ўзга диний қадриятлар, эътиқодлар ва турмуш тарзига нисбатан сабр-бардошлик, чидамлилиқ, виждон поклиги ҳамда руҳий покланишдир.

Толерантлик – бу турли эътиқодларга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда олижаноб гоё ва ниятлар йўлида ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб яшашини ифодалаб беради.

Умуминсоний манфаатлар ва қадриятларнинг аҳамияти ошиб бораётган ҳозирги вақтда мактабгача ёшдаги болаларда диний бағрикенглик маданиятини халқ оғзаки ижоди намуналари- эртақлар воситасида шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

«Ўзини эркин тутиш», «озодалик», «ўзига тегишли бўлган бирор нарчасини тенгдошларидан қизганмаслик», «ёлгон гапирмаслик», «зийраклик», «ўз «Мен»ига эғалиқ, «ўзга миллат вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, «барча миллат болалари билан дўстлашиш», «одамларга ишонч», «ота-онаси, ўзига яқин бўлган инсонларни яхши кўриш», «ота-онаси, яқинлари ва ўртоқларига меҳрибонлик», «чидамлилиқ» каби хусусиятларни толерантлик маданиятига оид дастлабки муҳим фазилатлар сифатида айнан мактабгача ёш давридан бошлаб шакллантириш зарурдир.

Бу ёшдаги болаларда ота-онаси, ўзига яқин бўлган инсонларни яхши кўриш, ота-онаси, яқинлари ва ўртоқларига меҳрибон бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам чидам билан ҳаракат қилиш зарурлигини уларни онгига «Ардоқли қизча» эртагидаги қизчани ибрат, намуна қилиб кўрсатиш орқали сингдириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Эртақ қаҳрамони ўзи яшаб турган юртига, элига сув олиб келиш мақсадида йўлидан чиққан барча ғовларни чидам билан енгиб ўтади ва ота-онасини, халқини дуо ва олқишига эришади.

Қизча юртини, халқини сувсизликдан сақлаб қолиш мақсадида йўлга отланибди. У дастлаб йўлда қалин ўрмонгава ўрмон шоҳи бўлган Шерга дуч келибди. У ўрмондаги дов-дарахтларга ва ўрмон шоҳи бўлган Шерга боши ерга теккунча эгилиб салом берибди. Қизчанинг бошини ерга теккунча эгилиб салом беришини кўрган Шер қизчадан нима мақсадда йўлга чиққани сабабини сўрабди. Шунда қизча:

– Эй, ўрмон шоҳи бўлган Шер. Мени юртим, халқим сувсизликдан ҳалок бўлиш арафасида турибди. Мен уларни сувсизликдан қутқариш мақсадида йўлга отландим. Мен уларга ёрдам беришим, уларни сувсизликдан қутқаришим зарур, деб кўзига ёш олибди. Жажжигина қизчанинг юрти учун чин дилдан қайғуришини, яхши кўришини кўрган Шер қизчанинг жасурлигига қойил қолибди ва қизчага ёрдам бериш мақсадида:

– Мен сенга ёрдам бераман. Йўлингда баланд тоғ бор. У тоққа боришинг учун жуда ҳам кўп йўл босишинг керак. Шу билан бирга у тоғ жуда виқорли. Ўша тоғ сени юртингга борадиган сувни йўлини тўсиб олган. Агар тоғни енга олсанг юртингга сув олиб боришинг мумкин, – дебди.

Қизча ўрмон шоҳи бўлган Шерга эгилиб раҳмат айтибди. Қизчанинг одоб-ахлоқига қойил қолган Шер:

– Қизча, кел, мени устимга мин ва кўзларингни маҳкам юмиб ол. Мен жуда ҳам тез югураман, – дебди.

Қизча Шернинг устига миниб, кўзларини маҳкам юмиб олибди...

Шер жуда ҳам тез югуриб, қизчани тоғ ёнига элтиб қўйибди. Қизча яна бир бор Шерга раҳмат айтиб, унинг бошини аста, меҳрибонлик билан силаб қўйибди. Бундай меҳрибон, ширинсўз қизчанинг хатти-ҳаракатларини кўрган Шернинг кўзларига ёш келибди...

Қизча тоғ ёнига ҳеч қўрқмасдан, иккиланмасдан борибди-да, тоғга ҳам боши ерга теккунча эгилиб салом берибди. Аввалига виқорли тоғ қизчанинг саломига алик олмабди. Чунки тоғга ҳеч ким умри бино бўлиб салом бермаган эканда. Қизча такрор ва такрор салом берганидан сўнг виқорли Тоғ қизчага:

Хой қизча, сен ёлғиз инсон оёғи тегмаган жойларда нима қилиб юрибсан,-дебди. Шунда қизча:

– Эй меҳрибон ва гўзал тоғ. Мен сизни ёнингизга халқим, юртим учун сув сўраш мақсадида келдим. Халқим, она табиатим сувсизликдан қийналиб, қуриб боряпти. Агар сиз сув йўлини очмасангиз, улар нобуд бўлишади, – деб кўзларига ёш олибди.

Қизчанинг бундай гап-сўзларини эшитган виқорли Тоғ қизчанинг жасоратига, она юртини чин дилдан севишига қойил қолиб, ўзи қилган нотўғри ишидан жажжи қизчанинг олдида қаттиқ уялибди ва сув йўлини очиб юборибди...

Юртига сув олиб келиш мақсадида йўлга отланган қизчанинг сабр-бардошлилиги, йўлдан чиққан ғовларни чидам билан енгиб ўтиши ҳар бир инсон қалбини ларзага солади. Бу эртақ мактабгача ёшдаги болаларда худди шу қизчадек она-юртини чин дилдан севиш, ардоқлаш, она-ватани учун ҳар қандай тўсиқни чидам-бардош билан енгиб ўтиш учун ҳаракат қилишдек улуғ мақсадни ўз олдига қўйишга ўргатиб боради.

Мактабгача ёш даври болаларни ҳар томонлама ривожланишларида муҳим даврдир. Бу ёш босқичида кичкинтойларда яхши ва ёмон тўғрисидаги дастлабки энг оддий тасаввурлар, ахлоқ кўникмалари, уларнинг атрофидаги катталар ва тенгдошларига нисбатан яхши ҳис-туйғулар фаол шаклланади. Бу мактабгача таълим муассасаси ва оиланинг мақбул педагогик таъсири шароитида муваффақиятли амалга оширилади. Болаларда мана шу ёшдан таркиб топадиган маънавий-ахлоқий ҳис-туйғулари, толерантлик маданияти тўғрисидаги илк тасаввурлар ва кўникмалар уларнинг келгусидаги маънавий-ахлоқий ривожланишига асос бўлади.

### Адабиётлар

1. Инъомова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Т.: Фан, 1999. 22-б.
2. Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: O'zbekiston, 2008. 80 б.
3. Эгамбердиева Н.Юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг тарбия технологияси. – Т.: Фан ва технология, 2012. 36 б.
4. Қуронов М. Оила ва баркамол авлод тарбияси. – Т.: Маънавият, 2012. 134 б.

## АЛОҲИДА ЭҲТИЁЖЛИ БОЛАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРБИЯСИДА ОИЛАНING ЎРНИ

### • С.Абдурахманова, РБИММ Фарғона минтақавий филиали етакчи мутахассиси

Оила аъзоларининг бир-бирларига бўлган муносабати оилада муҳим рол ўйнайди. Оила кичик ижтимоий гуруҳ сифатида ҳар бир аъзосига ўз таъсирини кўрсатади. Бунинг акси сифатида ҳар бир оила аъзоси ҳам ҳулқи, шахсий сифатлари билан оила ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бу кичик гуруҳнинг айрим аъзолари оила аъзоларининг маънавий қадриятлари шаклланишига, бутун оиланинг мақсади ва ҳаётига таъсир кўрсатади.

Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, урф-одатлар, қадриятлар бола «зуваласини» шакллантиради. Энг муҳими фарзандлар дастлаб оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади. Аммо ҳаётда ҳамма нарса биз ўйлагинимиздек бўлмайди. Ҳар хил сабабларга кўра оилада нуқсон билан туғилган ёки туғилганидан сўнг орттирган, яъни жисмоний ёки психик ривожланиши заифлашган, алоҳида эҳтиёжга эга болалар ҳам учраб туриши, ҳеч кимга сир эмас.

Ота-оналарнинг орзиқиб кутгани – соғлом фарзанд ўрнига алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болани қўлларига олганларида, жамоат жойларда уларга тўғридан-тўғри фарзандларининг бошқаларга ўхшамаслигини кўрсатганларида ёки тиббиёт ходимларининг фарзандингизнинг «имконияти чекланган», деб ташхис қўйишлари натижасида муайян руҳий-эмоционал ҳолатлар юзага келади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ҳолатда ҳам оқилона жамият, тараққиёт йўлида ҳеч қандай, ҳаттоки кичик омилдан ҳам воз кечмайди, аксинча, барча омиллардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилади. Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар жамиятимизнинг маълум бир қисмини ташкил этар экан, улардаги иқтидор, салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, мамлакатимизнинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Бу дегани алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларга янгича нигоҳ билан қараб, уларни ижтимоий фаолиятга жалб этиш керак.

Испаниялик Даун синдромига эга бўлган шахс – Пабло Пинета кинода асосий ролни ижро этиши ва ўзининг шахсий телевидениеси эга эканлигини оиласи уни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиб, оддий болалар қатори тарбиялашгани туфайли, деб тан олади. Шундай экан, ота-оналарнинг вазифаси – ўз жигарларини тушуниш, уларнинг гўдаклигидан бошлаб улғайгунларига қадар нимага муҳтож эканликларини, бошқалардан нималари билан фарқланишлари ва боланинг энг зарур эҳтиёжларининг катталар томонидан эътиборсиз қолдирилиши қандай натижаларга олиб келишини билишларидан иборат. Ота-оналар боланинг ички оламини, унинг ҳиссиётлари ва кечинмаларини билиш малакасини ўзлаштиришлари зарур. Ота-оналарнинг болани индивидуал эҳтиёжлари ва хусусиятларига эътиборларини кучайтиришлари боланинг ривожланиш ва унинг шахс сифатидаги шаклланиш жараёнида педагогик чиқимлардан қочиш имконини беради. Худбинлик, тажовузкорлик, қайсарлик каби хислатлар бола туғилганида бўлмайди, аксинча нотўғри тарбия натижасида сингдирилади.

Ота-оналар болани қандай бўлса шундайлигича қабул қилишга ўрганишлари ва уни ўзларининг стереотипли тасаввурлари ҳамда истакларига мослаштириб, қайта ўзгартиришга уринмасликлари лозим. Кўп сонли кузатув ва тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, болалар орасида аниқланган турли-туманлик меъёр ҳамда умумқабул қилинган кутилмалар тўғрисидаги тасаввурлардан воз кечишни талаб қилади.

Мавжуд тасаввурларга мувофиқ боланинг ривожланиши қачонки унинг асосий ва психик қизиқишларига амал қилинса, нафақат овқатланиш ва парваришга бўлган эҳтиёж, балки ҳимояланганлик ва тушунишга бўлган эҳтиёж ҳам қондирилганидагина мумкин бўлади. Тадқиқотлар бола учун намуна, муҳим шахс, яъни идеал бўлишга хизмат қиладиган яқин катталар, ота-оналарга бўлган болаларча боғланишнинг шаклланиши алоҳида рол ўйнашини кўрсатади.

Бундай идеал замонавий ота-оналар мезони – уларнинг боланинг индивидуал эҳтиёжлари ҳамда хусусиятларини чуқур билиш ҳамда уни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида уларни албатта инобатга олишлари ҳисобланади. Бундай ота-она ўз боласининг ҳиссий оламини тушуниш ва ҳис қилишга ўрганади. Ўзининг бола билан кундалик мулоқотида, айниқса, беш ёшгача улар болага нафақат визуал ҳамда тана алоқаси, балки нутқий ўзаро ҳаракатга энг юқори даражада эътибор қаратишга интиладилар. Ушбу жараёнда ҳамкорликдаги тажриба муҳим, яъни биргаликдаги ижодий фаолият, биргаликда меҳнат қилиш, уйда ва табиат қўйнидаги биргаликдаги ҳиссий кечинмалар болада унинг яқинларига кераклиги ҳамда уларнинг ҳаётида дахлдорлиги туйғусини уйғотади. Бола уни шахс сифатида тан олишларига заруриятни ҳис қилади. Шунга қарамай, бола ва ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам доим ҳам чамбарчас ва дўстона бўлавермайди. Етарли даражада кўпинча улар ота-оналар томонидан гиперғамхўрлик кўринишида намоён бўлувчи ҳамоҳанг бўлмаган характер касб этади.

Ҳар доим ҳам боланинг ривожланиши учун оилада тарбиявий муҳит етарли даражада бўлмайди. Агар оилада болани тарбиялаш қийинчилик туғдирса, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болани тарбиялаш эса оғир ва масъулиятли бўлади. Агар алоҳида эътибор керак бўлган болалар тўғри тарбияланишдан маҳрум бўлса, бундай болалар оила ва жамият учун ортиқча юк каби бўлиб қоладилар.

Америкалик таниқли педиатр Бенджамин Спок алоҳида эҳтиёжли болалар ва уларнинг оилаларини таҳлил қилиб, ота-оналарнинг болаларига бўлган муносабатини қуйидаги турларга бўлади:

1. Болаларининг ўзгача эканликларидан уялишади, болани ортиқча эҳтиёт қилишади. Бундай ҳолатда бола ўзини ҳимояланган ва осойишталикда ҳис қилмайди, у ўз қобиғида ўралиб олади, ўзидан кўнгли тўлмайди.
2. Боланинг бундай бўлишида ўзларини айбдор ҳис қиладилар, доимо болани турли усуллар билан «даволаш»га талабгор бўладилар, аммо бу «даволаш»лар боланинг психологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади ва болага ҳеч қандай ёрдам бермайди.
3. Баъзи ота-оналар болаларига нисбатан «бажара олмайди», «қила олмайди» каби фикрлар билан хулоса чиқариб, уларга нисбатан ўзларининг эътиборларини, меҳр-муҳаббатларини қаратишни хоҳламайдилар.
4. Болаларининг ривожланишида нуқсонли борлигини кўрмасликка олиб, ўзлари ва жамиятга бошқалардан фарқ қилмаслигини исбот қилишга ҳаракат қиладилар.
5. Болани қандай бўлса шундайлигича қабул қилиб, турли хил қарашлар ва гап-сўзларга эътибор бермай, болани ҳамма жойда бўлишида, турли тадбирларда иштирок этишига ҳаракат қиладилар. Бу ҳолатда бола ўзига бўлган ишонч ҳис қилади, ўзини бошқа болалар каби қабул қилади.

Демак, ота-оналарни алоҳида эҳтиёжли болаларига бўлган муносабатларининг таъкидлаб ўтилган турларини ҳаммаси психологлар томонидан таърифланган муносабатлар тизими «ота-оналар – оддий бола»: гиперғамхўрлик, гипоғамхўрлик, ҳис-туйғуларнинг тан олинмаслиги, гипер жамоалашув каби тарбиянинг ўзига хос аномал кўринишлари ҳисобланади.

Ота-оналар кўп ҳолларда болаларига нисбатан меҳрларини кўплиги оқибатида, бола психологик ривожланишининг қонуниятларини билмаган ҳолда, тарбиянинг шундай моделларини қўллашадики, бу болаларда невроз пайдо бўлишига олиб келади.

Психология фанлари доктори Тингей Михаэлис алоҳида эҳтиёжга эга боласини парваришлаш жараёнида ва кундалик кузатувлари асосида шундай деб таъкидлайди: «оилада шундай бола туғилганида боланинг ота-онаси ва мутахассислар болага ҳамда унинг оиласига қандай ёрдам берилиши кераклигини билишса, ҳолат жудаям ачинарли бўлмасди; кўпчилик ота-оналарга хос бўлган ҳолат ўзларини боласининг бахти ва камоли йўлида фидо қилишади, бу табиий, албатта. Лекин бу ҳолат самарасиз бўлмаслиги лозим. Бу фидоликни тўғри йўналтириб, боланинг ривожланиши учун сарфланса, керакли натижага эришиш мумкин.»

Агар боланинг тарбиясида баъзи бир муаммолар туғилса, бунинг сабаби боланинг ривожланишидаги ўзига хослик эмас, бу болага бўлган муносабат услубларининг хатолигидадир. Айрим ота-оналар боланинг ташҳисини қабул қилишни хоҳламайдилар: улар боланинг ҳолатини нотўғри баҳолашади ёки ақлий заифлик «тамға»си билан боланинг келажагини бузишдан хавотир олишади. Бу муаммо ижтимоий аҳамиятга молик бўлиб, жамиятнинг ақли заиф болаларга бўлган муносабати билан боғлиқ ҳисобланади. Масалан, кўпчилик ота-оналарда Даун синдромли, ривожланишида ортда қолган кичкина болалари барча болалар қатори оддий мактабда ўқийдими ёки йўқми деган хавотир бўлади. Болалар катта бўлгани сари ота-оналар махсус (коррекцион) таълим кераклигини тушунишади ва қабул қилишади. Бироқ бу оилани стресс ҳолатидан чиқармайди. Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган боласи бор оила баъзи бир объектив ва субъектив сабабларга кўра, ўз ҳаёти давомида бир қатор қувончли ва қайғули кечинмаларни бошидан кечиради. Оилани жамият ва атрофдагилар томонидан ижтимоий ва психологик қўллаб-қувватлаши орқали юқоридаги ҳолатлари енгил кечиши кузатилади. Ақлий ривожланишида алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг вояга етиш ҳолатининг бошланиши уларнинг ота-оналари томонидан жуда оғир қабул қилинади. Афсуски, айрим мутахассислар томонидан оиладаги бу кризис ҳолатга кўпинча тўғри баҳо берилмайди. Оиланинг олдинроқ кечирган туйғулари, ташҳис қўйиш билан боғлиқ бўлган ёки бола ривожланишидаги бузилишига кўра ўқишга бўлган имконияти чегараланганлигини эшитишлари каби ҳолатларига кўпроқ урғу берилади.

Ота-оналар ҳар доим:

- ўзларининг ғулғулаларини болаларга юқтирмасликлари учун ҳаётга бўлган ишонч, ички хотиржамликни ҳис қилишлари;
- боланинг куч ва имкониятларига ишонч билдирган ҳолда, бола билан бўлган муносабатларни унинг ғалабалари устида қуришлари;
- бола мақтовларсиз ривожлана олмаслигини доим билишлари;
- имкон қадар болага ҳар нарсада ёрдам беришларни қисқартирган ҳолда ўзи бажаришини шакллантириш кераклигини ёдда тутишлари лозим.



Кўпинча алоҳида эҳтиёжли болаларда атрофдагилар билан алоқа муносабатларини ўрнатиш учун тўсқинлик қиладиган ишончсизлик ҳиссиёти туғилади. Бундай болаларнинг дилига тўғри йўл топиш муҳим аҳамиятга эга. Ортиқча эркалаш, турли қийинчиликлардан аяш, бола шахсига шикаст етказди. Чунки алоҳида эҳтиёжга эга боланинг мустақиллик сифатлари пасайиб қолади. Боланинг оила аъзолари билан ҳам яхши муносабатда бўлиши унинг бошқа болалар билан ҳам яхши муносабатларини ўрнатишга ёрдам беради. Алоҳида эҳтиёжга эга бола билан соғлом болалар ўртасида англашилмовчиликлар рўй берганда ота-оналар уларга, айниқса, қар ёки заиф эшитувчи бола билан суҳбатлашиш, кўзи ожиз болага қандай кўмак бериш кераклигини тушунтиришлари лозим. Алоҳида эҳтиёжга эга боланинг нормал болалар жамоаси билан муносабатини унинг ахлоқий тўғуларини, тасавури, дунёқарашини кенгайтиради.

### Адабиётлар

1. Психологическая помощь родителям в воспитании детей с нарушениями развития / Под ред. Савиной Е. А. – М.: ВЛАДОС, 2008. 223 б.
2. Шубина А.В. Особый ребенок: уход и развитие. Пособие для родителей. Т: РЦСАД, 2009.
3. Ганиева М.Х. Алоҳида эҳтиёжга эга болаларнинг ижтимоий ҳимояси ва жамиятга уйғунлашуви/ Халқаро форум материаллари. «Социальное партнерство в сфере социальной защиты детей и семей». Ташкент, 4-5декабрь 2015й.
4. Латипова Н.М. Особенности семейного воспитания. Theoretical and Applied Science – Harrisburg,USA/ №10(30). P79-84.

## МАМЛАКАТИМИЗДА САМАРАЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

- **М.Абдурахмонова, и.ф.н., доцент**
- **Б.Толибов, ўқитувчи, Фарғона давлат университети Ижтимоий иш кафедраси**

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик туфайли барча соҳада бўлгани каби ижтимоий соҳада ҳам кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда инсон энг олий қадрият деб баҳоланиб, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилмоқда. «Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади», – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёев [1]. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш қарорларини, шу жумладан, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқотни йўлга қўйиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолиятида фаол иштирок этиш, аҳоли мурожаатлари ва муаммоларига бепасанд муносабатда бўлиш ва бюрократик ҳолатларга йўл қўймаслик орқали таъминлашга эришиш муҳим ҳисобланади. Ҳаракатлар Стратегиясида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш каби масалалар алоҳида эътироф этилган бўлиб, ушбу мақсадларнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Оилаларни, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизими замонавий иқтисодиётга хос хусусият ҳисобланади. У ҳар бир кишининг ижтимоий-иқтисодий мақомидан қатъи назар, меҳнат имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ва айни вақтда жамиятдаги барқарор ҳолатни қарор қилиш имконини беради, «инсон салоҳияти»ни ривожлантириш имкониятларини яратади.

Ҳозирги шароитда инсон салоҳиятидан самарали фойдаланишга ҳамда жамиятда ижтимоий танглик юзага келишига йўл қўймасликка айнан шундай эришиш мумкин. Бундай муҳофаза таъминланмас экан, кишиларнинг қайта ўқитиш, янгиликни ўзлаштириш, ижод қилиш каби меҳнат имкониятларидан фойдаланиш мумкин бўлмай қолади. Самарали ижтимоий ҳимоя тизимининг мавжудлиги малакали ходим меҳнатига асосланувчи замонавий иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.



Бозор иқтисодиётига ўтиш «аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш» тушунчасининг киритилишини катъий талаб этади.

**Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш** – давлатнинг аҳолига, оилаларга нормал ҳаёт фаолияти учун берадиган шарт-шароитларини таъминлайдиган бевосита мақсадли кафолатлар тизимидир.

Бошқача айтганда, ижтимоий ҳимоя тизими бозор тизими самарадорлигининг тор тасаввурларидан эмас, балки ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлаш масалаларини ҳал қилиш мақсадидан келиб чиқиб ташкил этилиши керак. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоянинг ҳар сафар, ўзи амал қилиб турган ишлаб чиқариш муносабатлари тизими томонидан, жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати имкониятларидан кенг фойдаланади ва ҳозирги замон талаблари асосида ривожланиб боради.

**Самарали ижтимоий ҳимояланиш** деганда, оилаларнинг, жумладан, жамиятнинг ҳар бир аъзосига маълум турмуш даражасини, ўз қобилиятини (меҳнат, тадбиркорлик, шахсий) ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, у ёки бу қобилиятлар йўқотилган тақдирда (кексалар, ногиронлар, касаллар, болалар ва бошқалар) кафолатларни таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизими тушунилади.

Ижтимоий ҳимоя мазмунини аниқлашга бундай ёндошилганда қуйидаги кафолатлар ижтимоий ҳимоянинг таркибий қисмларига айланади:

- меҳнатга лаёқатлилар учун иш (ишсизликдан муҳофаза қилиш);
- меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганлар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий заиф гуруҳларини нафақалар билан таъминлаш;
- меҳнат фаолиятдан олинган даромад ёки нафақа асосида нормал турмуш даражасини таъминлаш (бунга асосий моддий бойликлар, энг аввало, озик-овқат маҳсулоти истеъмоли ҳам киритилади);
- турар-жой, маданий ва соғлиқни сақлаш хизматларини минимал тенг меъёрда таъминлаш;
- замонавий малакали ишчи кучини шакллантириш учун зарур бўладиган маълумотни олиш.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда давлат:

- иш билан таъминлаш турини, шу жумладан, турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;
- ишга қабул қилишни қонунга ҳилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан муҳофазаланишни;
- мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;
- ҳар кимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминлаш шарт-шароитларида, меҳнат ҳақи олишда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;
- янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;
- бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

Иш билан бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш, бунда, энг аввало, ушбу марказлар тузилмасини мақбуллаштириш, глобал инқироз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазибаларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларини амалга оширишни талаб этади [2].

Иш билан таъминлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шартлари ҳамда меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг кафолатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгилаб қўйилади.

Шунингдек, жамият давлат органлари тизими ва бошқа ижтимоий тузилмалар орқали иш кунни, иш ҳафтаси, иш йили тартибини, юқори меҳнат самарадорлиги билан узоқ муддатли меҳнат қобилиятини сақлаш учун қулай шарт-шароитларни қонунчилик йўли билан ҳамда бошқача ижтимоий ҳимоя қилишни кафолатлайди.

**Пенсионерлар** – булар пенсия ёшига етганлиги ёки ногиронлик оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган шахслар, шунингдек, боқувчисини йўқотган болалар (етимлар)дир. Шахсларнинг бу доирасини ижтимоий ҳимоялаш пенсия таъминоти тизими орқали амалга оширилади.

**Ишсизлар** – булар турли сабаблар туфайли ишини йўқотган ва ишга жойлашиш иштиёқи бўлган 16 ёшдан бошлаб то пенсия ёшигача меҳнатга яроқли шахслардир. Бундай шахсларни ижтимоий ҳимоялаш ишсизлик бўйича нафақалар тизими орқали амалга оширилади.

**Кам таъминланган оилалар болалари** – булар ҳар бир оила аъзосининг умумий даромади расмий белгиланган тирикчилик қилиш учун зарур миқдордан кам бўлган оилалардаги меҳнат қилиш ёшига етмаган болалардир. Уларни ижтимоий ҳимоялаш болалар нафақа тизими орқали амалга оширилади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кексалик, меҳнат қобилиятини ёки боқувчисини йўқотишдан суғурта тизими (пенсия таъминоти, шу жумладан, хусусий пенсия таъминоти), кам таъминланган оилаларга ижтимоий тўловлар (болаларга нафақалар), вақтинча ишламаётганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш (ишсизлик бўйича нафақа), аҳолининг айрим тоифаларига уларнинг моддий таъминоти ва хизматларини ҳисобга олиб имтиёз ва афзалликлар бериш (патронаж хизматлар шаклидаги ижтимоий ёрдам, озиқ-овқат, ёнилғи бериш ва бошқалар), оналикни муҳофаза қилиш (туғишдан олдинги ва туғишдан кейинги таътилларни бериш), соғлиқни суғурта қилдириш (тиббий суғурта, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақаси), ўқувчи ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш (стипендиялар), ногиронликнинг олдини олиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш (ногиронларни реабилитация қилиш, протез-ортопедия марказлари) орқали таъминланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар каби, ижтимоий соҳадаги ислохотлар ҳам инсон фаровонлигини оширилишига, янги иш ўринларини яратилишига, аҳоли бандлигини таъминланишига, айниқса, давлатнинг ижтимоий сиёсати орқали болаларни кучли ижтимоий ҳимоя қилинишига қаратилмоқда.

#### Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М.. «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз». – Т.: Ўзбекистон, 2016. 11 б
2. Зокирова Н., Абдурахмонов О. Инкироз: оқибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга чиқиш. – Т.: Фан ва технология, 2009. 136-138-бетлар

## НОГИРОНЛИГИ БОР БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШДА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

- А.А.Абдухалилов, ЎЗМУ, «Ижтимоий иш» кафедраси доц.в.б.

Ногиронлиги бор болалар учун дам олишни ташкиллаштириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан ногиронликнинг ижтимоий модели кенг қўлланилмоқда. Унга кўра ногиронлик инсонни тўлиқ фаолиятини чегараловчи тўсиқлар билан боғлиқ. Ногиронлик туғма ёки орттирилган бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда улар ўз ҳаёт фаолиятини тўлақонли олиб бориши учун шаҳар, туман, вилоятларда ногиронлиги бор инсонларни реабилитация қилиш марказлари ташкил этилиши лозим. Уларнинг вазифалари ногиронлиги бор инсонларни иш билан таъминлаш, жамият учун фойда келтирувчи касб-хунарга ўргатиш ва ўз бўш вақтларини самарали ўтказиш учун имконият яратишдан иборат. Оилада ногиронлиги бор бола дунёга келса, бундан ота-она ташвишга тушиб қолади. Фарзанди жамиятда тўлақонли яшаб кетиши учун нималар қилиш керак каби саволлар ота-оналарни кўп ҳолларда қийнаб келади.

Мазкур саволларга халқаро меъёрий ҳужжатларда жавоб топиш имконияти мавжуд бўлиб, улар ногиронлиги бор инсонларни ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришига ёрдам беради. Шуни айтиб ўтиш жоизки, ногирон кишиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш жаҳон ҳамжамиятини эътиборида бўлган. Бу борада муҳим халқаро ҳужжатлардан

бири БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация ҳисобланади, мазкур ҳужжат 1975 йил 9 декабрида эълон қилди. Унда ногиронлиги бор инсонларнинг қуйидаги ҳуқуқлари ёритилган:

- ногиронлиги бор инсонларнинг кадр-қимати ажралмас ҳуқуқ эканлиги;
- жамиятнинг барча аъзолари қатори ногиронлиги бор инсонлар фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга эга эканлиги;
- ногиронлиги бор инсонларнинг ижтимоийреабилитацияси;
- ногиронлиги бор инсонларнинг таълимолишҳуқуқи;

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодийрежалари барча босқичларида кўзда тутилган. 1993 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Ногиронларга тенг имконият яратиш стандарт қоидалари» қабул қилинди. 2006 йилда БМТ томонидан «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция» қабул қилинди. Ҳозирги кунда ушбу конвенция жаҳоннинг 176 та мамлакати томонидан ратификация қилинган. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари мазкур конвенцияни ратификация қилиш учун замин ҳозирлагани қувонарли.

Ногиронлиги бўлган болаларнинг ижодий фаолиятини оширишга қаратилган қуйидаги шакллар мавжуд: байрам тадбирлари, турли хайрия концертлари, спектакллар, болаларнинг дўст орттириш мақсадида ташкил этиладиган тадбирлар ва ҳоказолар.

Ногиронлиги бўлган болалар бўш вақтини ташкил этишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ҳаёт тарзини ўзгартириш;
- кайфиятни кўтариш ва ижобий ҳиссётларни шакллантириш;
- имкон қадар ижтимоий фаолликни ошириш;
- ўз-ўзини баҳолаш коэффицентини ошириш ва юзага келиши мумкин бўлган стресслар ҳамда руҳимий тушкунликка қарши курашиш.

Ногиронлиги бор болалар реабилитацияси – бу уларнинг жамиятга тўлиқ интеграциясига, ҳаётда ижобий ўзгаришларга ва уларнинг маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ҳисобланади.

Ногиронлиги бор болаларни ижодий реабилитациясинингасосийўналишлари:

- жамиятни ногиронларга ногиронларнинг жамиятга бўлган муносабатларини шаклланишидаги салбий унсурларни йўқотиш мақсадида олиб бориладиган маърифий тадбирлар;
- ногиронлиги бўлган боланинг жисмоний ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тадбирларни ўтказиш;
- жисмоний чекланганликни бартараф этишга қаратилган коррекцион машқларни ўтказиш;
- ногиронлиги бор болаларнинг таълим олишини, маънавий- эстетик тарбиясини оширишга қаратилган фаолиятлар.

Ногиронларни реабилитация қилишда ижодий фаолият муҳим рол ўйнайди, хусусан: библиотерапия; арттерапия; эртак терапияси; изотерапия; лой терапияси; мусиқа терапияси; рақс ҳаракати терапияси; кўғирчоқ терапияси; ўйин терапияси.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда китоб мутолаасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорни мисол қилишимиз мумкин [1]. Ўз навбатида, ногиронлиги бўлган болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш учун қуйидаги китобларни ўқишингизни тавсия қилган бўлар эдик:

1. Льюис Керол «Алиса мўъжизалар мамлакатада».
2. А.Н.Толстой «Олтин калит ёки Буратинонинг саргузаштлари»
3. Х.Тўхтабоев «Сариқ девни миниб»
4. Жюль Верн «Капитан Немо»
5. Г.Христиан Андерсон «Иркит ўрдак»
6. А.Экзюпери «Кичкина шахзода»

7. Ж.Свит «Гуливер»

8. Ж.Свит «Робинзон Крузо» ва бошқалар

Юқоридаги эртақ ва ҳикоялар болаларни ижодий фикрлашга ҳамда ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишга ёрдам беради.

Ҳозирги кунда реабилитологлар ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилишда замонавий усуллардан бири бўлган гул дамламалари билан даволаш усулидан фойдаланишмоқда. Мазкур усулнинг асосчиси Эдуард Бак бўлиб, гул дамламалари жисмоний таъсир кўрсатмайди, у асосан беморларни энергия билан даволашга қаратилган. Бакнинг гул дамламалари билан даволаш усули, инсоннинг руҳиятини ором топишга хизмат қилади. Дамламаларни қабул қилишда вужудга келиши мумкин бўлган салбий энергияларга қарши мувозанат шаклланади. Бунинг натижасида вужудга келган муаммолар аста-секинлик билан чекина бошлайди ва инсон танасидаги ўзгаришлар ижобий ҳал бўлади.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган усул нафақат ногиронлиги бор болалар ва ёшларнинг ижодий салоҳиятини оширади, балки уларни соғлиғига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Айнан шунинг учун мамлакатимизда ўз фаолиятини олиб борилаётган ташкилотлар алоҳида эътиборни ушбу усулларни қўллашга, шунингдек, илмий асосланган янги усулларни ишлаб чиқишга қаратишлари лозим.

### Адабиётлар

1. Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарор (2017 йил 13 сентябрь, ПҚ-3271-сон).

## ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИСИЗ ҚОЛГАН БОЛАЛАР БИЛАН ИЖТИМОЙ ИШДА КАСБИЙ АХЛОҚ МАСАЛАЛАРИ

- **М.Абидова, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Фарғона минтақавий филиали бош мутахассиси**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг асосий устувор йўналишларидан бири алоҳида кўмак ва эътиборга мухтож инсонларга манзилли ёрдам кўрсатиш бўлган ижтимоий ҳимоя ва аҳолига хизмат қилишнинг принципиал жиҳатдан янги тизими шаклланди. Бу шароитда аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатлами билан ишлашда билим ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ходимларга эҳтиёж ва тегишли тарзда янги касбий фаолият – «Ижтимоий ишчи»га зарурият юзага келади. Шу ўринда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар учун муассасалар ва уларда тарбияланаётган болаларнинг ўзига хос хусусиятлари тарбияланувчиларнинг турли ёш ва даврларидаги рухий, ижтимоий ривожланиш хусусиятларини чуқур тушуниш, мазкур болаларга профилактик, соғломлаштириш, абилацион ва реабилитацион чораларнинг мажмуини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, муассасадан сўнг мустақил ҳаётга тайёрлаш кабиларни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 7 февраль куни «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонни имзолади ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Шунингдек, мустақиллик йилларида етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий-профилактик иш олиб боришни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Улар асосида «Меҳрибонлик», «Болалар» уйлари ҳамда «Болалар шаҳарчаси» тўғрисидаги Низомлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 22-моддасида ҳам боқувчисини йўқотган болалар ҳақида шундай дейилган. «Етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларнинг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш ва уларни боқиш давлатнинг тўла таъминоти асосида қонун ҳужжат-



ларида белгиланган тартибда амалга оширилади» [2]. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус Давлат дастурларининг қабул қилинганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, жумладан, ота-она қарамоғисиз қолган болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича яратилаётган имкониятлар, шарт-шароитлар республикамизда ижтимоий соҳа ривожланиши далолатдир. Замонавий жамиятда ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор ортгани сайин улар билан самарали ишлай оладиган юқори малакали мутахассисларга – ижтимоий иш ходимларига бўлган талаб ҳам ортмоқда.

Касбий ахлоқ фанда, хусусан, ижтимоий ишда икки томонлама англанади. Бир томондан, бу касбий фаолият давомида кишилараро муносабатларга тегишли хусусият берувчи ва касб моҳиятига мос кадриятлар, хулқ-атворнинг ахлоқий тамойиллари ва меъёрлари жамламаси борасидаги фан бўлса, иккинчи томондан, касбий ахлоқ – бу ижтимоий ишнинг бош кадриятлари ва ғоялари доирасида ижтимоий иш ходимларининг касбий уйғунлигидир. Ижтимоий иш ходими касбий ахлоқининг маънавий кенглиги – бу оғир ҳаётий вазиятдаги инсонга «инсон – мижозларнинг ижтимоий муҳити» тизимини ўзгартириш орқали ижтимоий ёрдамни таъминлаш жараёнида юзга келувчи муносабатлардир. Шу билан бирга, шахсий ва умумжамиат манфаатларига эришиш жараёнида ижтимоий иш ходими ўз ҳамкасблари, бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлар билан қонун доирасида муносабатларни ўрнатиши зарур.

Ижтимоий иш ахлоқининг бош вазифалари – баҳолаш, тартибга солиш, ташкил этиш, бошқариш, туртки бериш, мувофиқлаштириш, чегараларни белгилаш, ишлаб чиқариш, мулоқотга киришиш, низоларни бартараф этишлардан иборат.

Ижтимоий иш ходимининг касбий ахлоқи билан боғлиқ асосий ғоялар ахлоқ кодексида ўз аксини топган. Ижтимоий иш ходимининг ахлоқ кодекси – бу уюшма ва ижтимоий ишнинг мутахассис ходимлари иттифоқи томонидан бажарилиши қайд этилган касбий фаолиятда ахлоқий муносабатлар стандарти бўлиб хизмат қилувчи маънавий меъёрлар мажмуидир. Ахлоқий меъёрлар асосида умуминсоний кадриятлар, ахлоқий кадриятлар, ахлоқий хайрия анъаналари, бошқа давлатлар ахлоқ кодекслари тажрибаси, мутахассисларнинг шахсий кадриятлари ва ғоялари ётади.

Ижтимоий иш касбий фаолиятининг барча йўналишларига назар солсак, улар орасида ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан иш олиб бориш алоҳида ўзининг хусусиятларига эгаки, бунда ижтимоий иш ходимининг мажбуриятлари, ушбу касб эгасига алоҳида масъулият юклайди. Институционал муассасаларда фаолият юритаётган ижтимоий иш ходимлари кўпинча ахлоқан мураккаб вазиятлар билан тўқнаш келади. Хусусан, тиббиётдаги ахлоқий муаммолар янгиликларда тез-тез муҳокама қилинади. Аммо, ижтимоий иш қайсидир маънода ноёбдир, чунки у парадоксли холатдир. Парадокс (юнон. Кутилмаган, ғалати) – кутилмаган, ноадатий, анъаналарга зид тасдиқлар, фикрлаш ёки хулосадир. Умуман касбий фаолият сифатида ижтимоий ишдаги 4 парадоксни алоҳида кўрсатиш мумкин [3].

Биринчи парадокс – моддий тўқис аҳоли ёрдамида ожиз қатламларни қўллаб-қувватлаш. Бир томондан, бошқа касблардан кўра, ижтимоий ишнинг мақсади камситилиш объекти бўлганлар ёки ижтимоий ожиз қатламлар ёки маргиналларга ёрдам бериш бўлса иккинчи томондан, у тўқис аҳоли қатламлари ва давлат томонидан ташкил қилинган, қўллаб-қувватланади ва хомийлик қилинади.

Иккинчи парадокс – мижоз билан ҳамкорликдаги ишнинг мақсадга мувофиқлиги ва ижтимоий маъқул меъёрларга риоя қилиш. Бир томондан, ижтимоий иш ходимларнинг ўз хизматлари истеъмолчилар билан ҳамкорлиги олқишланса, иккинчи томондан, ижтимоий ишнинг кўпчилик йўналишлари – қариялар, руҳий оғишлар, болалар ва оила билан ишлашда ижтимоий меъёрларга риоя этиш мажбуриятига эҳтиёж сезилса, бир қарорга келишда эса қонунларга мурожаат қилишга йўналтирилган.

Учинчи парадокс – мижоз ва унинг эҳтиёжларини ҳимоялаш ҳамда чекланган захиралар. Бир томондан, ижтимоий иш ходимлари мижозларнинг ҳимоячиси бўлишлари ва уларнинг эҳтиёжларини таъминлашлари керак бўлса, иккинчи томондан, ижтимоий иш ходими чекланган захиралар муаммосига дуч келади. Амалда ижтимоий иш ходимлари хизматлар истеъмолчиларида баъзи турдаги хизматларни кўрсатиш имкони чекланганлиги тўғрисидаги огоҳлантиришларга дуч келдилар.



Тўртинчи парадокс – адолат ва ғамхўрлик ахлоқи. Адолат ахлоқи ўзига ишонч ва адолатга асосланса, ғамхўрлик ахлоқи асосида эса «аёллар» маънавияти, бошқа бир инсон борасида қайғура олишга йўналтирилган ўзи-ўзидан кеча олиш ҳиссиёти ётади.

Тартиблар ва кодекслар ҳар бир касб учун зарурий ва муҳимдир. Аммо яхши ижтимоий иш ходими бўлиш кўп сонли тартиб-қоидаларга бўйсунушигина, дегани эмас. Ахлоқий ижтимоий иш беллашувчилик содиқлик ва беллашувчи талаблар ўртасида мураккаб меъёрлаштирувчанликни ўз ичига олади.

Хўш, профилактика атамаси қандай маънони англатади? Профилактика-тиббиётнинг таркибий қисми ҳисобланади. Аҳолининг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш ишидаги ижтимоий профилактика йўналиши ўз таркибига тиббий, санатор-техник, гигиеник ва социал-иқтисодий тадбирларни қамраб олади. Ижтимоий профилактика аҳоли ўртасида ижтимоий муаммолардан огоҳлантириш ва келтириб чиқарадиган омилларни йўқотишга қаратилган тизимни ташкил этишда давлатнинг тиббий ва ижтимоий-иқтисодий вазифалари ҳисобланади

Инсон саломатлиги ҳолати, касалликни келтириб чиқарувчи омиллар ёки ривожланган патологик ҳолат мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда профилактиканинг учта тури фарқланади.

Бирламчи профилактика – бу касалликларни ривожланишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобланади. Уларга эмлаш (вакцинация), меҳнат ва дам олиш режимини такомиллаштириш, рационал овқатланиш ва жисмоний меҳнат, шунингдек атроф муҳитни соғломлаштириш киради.

Иккиламчи профилактика – бу маълум бир шароитларда (иммун ҳолатини тушиши, зўриқиш) касалликларни ривожланиши ёки қайталанишига сабаб бўлувчи омилларни йўқотишга қаратилган тадбирлар йиғиндиси ҳисобланади.

Учламчи профилактика – бу термин бир қатор мутахассислар томонидан киритилиб, тўлақонли ҳаёт тарзини йўқотган беморларни реабилитация қилиш ҳисобланади. Учламчи профилактика куйидаги мақсадларни ўз ичига олади:

- ижтимоий мақсад – шахснинг социал яроқлилиги ишончини шакллантириш;
- меҳнат реабилитацияси – меҳнат кўникмаларини тиклашга имкон яратиш;
- руҳий раебилитация – шахснинг руҳий фаоллигини тиклаш;
- тиббий раебилитация – ички аъзо ва тизимлар фаолиятини тиклаш.

Барча профилактик муолажаларнинг асосий таркиби аҳолида тиббий ижтимоий фаолликни шакллантириш ҳамда соғлом турмуш тарзини яратишдан иборат.

Шу ўринда, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар билан ижтимоий профилактик иш олиб боришда ижтимоий иш ходими болаларнинг эмоционал соҳада ва шахсий ривожланишдаги мумкин бўлган бузилишларни олдини олиш, болаларнинг ҳар томонлама ривожланишлари учун шароитлар яратиш, бола шахси баркамол ривожланиши учун психологик қулай муҳитни таъминлашни амалга ошириш лозим.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил, 7 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги Қонун 1997 йил 29 август 464-1-сон
3. Ганиева М.Х., Карамян М.Х., Латипова Н.М. Ижтимоий иш асослари ўқув-услубий қўлланма Тошкент 2012 40-бет

# СОВРЕМЕННЫЕ ФОРМЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО УЧРЕЖДЕНИЯ С СЕМЬЕЙ

- **Н.З. Абидова, доцент кафедры логопедии, доктор философии (PhD)**
- **Э. Зохидова, магистрант I курса по специальности «Логопедия»**

Государственная политика по поддержке семьи представляет собой целостную систему принципов, задач и приоритетных мер, направленных на укрепление и защиту семьи как фундаментальной основы нашего общества, сохранение традиционных семейных ценностей, повышение роли семьи в жизни общества, повышение авторитета родительства в семье и обществе, профилактику и преодоление семейного неблагополучия, улучшение условий и повышение качества жизни семей.

Интерес к проблемам семьи связан с пониманием той важнейшей роли, которую она играет в развитии общества. Это главный институт воспитания, в котором ребенок получает первый жизненный опыт, учится преодолевать различные трудности на своем пути. Именно семья признается всеми исследователями основным носителем культурных образцов, наследуемых из поколения в поколение, а также необходимым условием социализации личности: в семье человек обучается социальным ролям, получает основы образования, навыки поведения.

Одной из важнейших функций семьи является обеспечение взаимодействия личности и общества; семья активно участвует в формировании ценностных ориентаций и поведения своих членов, является важным средством воспитания и сферой формирования духовно-нравственных основ подрастающего поколения. В семье совершается процесс становления личности человека, закладываются базисные основы, оттачиваются грани личности через ее приобщение к духовным ценностям. Здесь ребенок включается в общественную жизнь, усваивает необходимые нормы поведения, способы мышления, язык. Иначе говоря, семья является школой воспитания, средством передачи опыта поколений, житейской мудрости.

Изучением проблем семей, воспитывающих детей с ограниченными возможностями здоровья, занимались В. Вишневецкий, Г. Волкова, А. Елизаров, А. Захаров, И. Левченко, Н. Мазурова, И. Мамайчук, И. Марковская, Г. Мишина, Р. Овчарова, И. Саломатина и др.

Вопросы правового регулирования семейных и брачных отношений в период независимости Узбекистана, роль семьи в обществе, воспитание детей с педагогической точки зрения, национальное и всеобщее воспитание в семье изучали А. Мунавваров, О. Мусурманова, Ф. Отаходжаев, Ф. Саиднозарова, О. Хасанбоева и др. В трудах Л. Нурмухамедовой раскрыты различные функции семьи, оценена роль родителей в воспитании ребенка с ограниченными возможностями здоровья, исследованы взаимоотношения детей и родителей, выявлены стили и стратегии семейного воспитания.

Сегодня все специалисты признают важность привлечения родителей к участию в коррекционно-развивающем процессе. Но есть препятствия для этих взаимоотношений со стороны родителей: нехватка времени, недооценивание степени нарушений у ребенка, безграмотность, нежелание нести ответственность за развитие ребенка. Поэтому дефектологи должны проявить инициативу и понять, каким образом взаимодействовать с каждым родителем. Каждый специалист на основе индивидуального подхода прибегает к основным формам взаимодействия с родителями.

Взаимодействие педагогов и родителей, воспитывающих детей с ограниченными возможностями здоровья дошкольного возраста, осуществляется в основном через:

- приобщение родителей к педагогическому процессу;
- расширение сферы участия родителей в организации жизни образовательного учреждения;
- пребывание родителей на занятиях в удобное для них время;
- создание условий для творческой самореализации педагогов, родителей, детей;

- информационно-педагогические материалы, выставки детских работ, которые позволяют родителям ближе познакомиться со спецификой учреждения, воспитывающей и развивающей средой;
- разнообразные программы совместной деятельности детей и родителей;
- объединение усилий педагога и родителя в совместной деятельности по воспитанию и развитию ребенка: эти взаимоотношения следует рассматривать как искусство диалога взрослых с конкретным ребенком на основе знания психических особенностей его возраста, учитывая интересы, способности и предшествующий опыт ребенка;
- проявление понимания, терпимости и такта в воспитании и обучении ребенка, стремление учитывать его интересы, не игнорируя чувства и эмоции;
- уважительные взаимоотношения семьи, махалли и образовательного учреждения;
- посещение педагогом семей, где воспитываются дети с ограниченными возможностями здоровья, выявление материальных, жилищных, семейных, нравственных условий воспитания ребенка.

На сегодняшний день мы имеем большое количество методов педагогической диагностики, с помощью которых учитель может получить необходимую информацию о семье учащегося. Это наблюдение, беседа, анкетирование, тест, метод оценок (независимых оценок), создание специальных ситуаций и т.д.

В настоящее время используются всевозможные методы и формы педагогического просвещения родителей – как и уже утвердившиеся в этой области, так и новаторские, нетрадиционные.

К традиционным относятся:

**Посещение семьи ребенка** много дает для ее изучения, установления контакта с ребенком, его родителями, выяснения условий воспитания, если не превращается в формальное мероприятие. Педагогическая помощь родителям должна основываться на тщательном и всестороннем изучении каждой семьи, каждого ребенка.

**Наглядная пропаганда.** Осуществляя педагогическую пропаганду, можно использовать сочетание различных видов наглядности. Это позволяет не только знакомить родителей с вопросами воспитания через материалы стендов, тематических выставок и др., но и непосредственно показать им воспитательно-образовательный процесс, передовые методы работы, доступно и убедительно давать родителям нужную педагогическую информацию.

В работе с родителями можно использовать такую динамичную форму педагогической пропаганды, как папки-передвижки. Они помогают и при индивидуальном подходе в работе с семьей.

**День открытых дверей,** являясь достаточно распространенной формой работы, дает возможность познакомить родителей с дошкольным учреждением, его традициями, правилами, особенностями воспитательно-образовательной работы, заинтересовать ею и привлечь к участию. Проводится как экскурсия по дошкольному учреждению с посещением группы, где воспитываются дети пришедших родителей.

Только сотворчество педагогов с родителями может принести реальную пользу в деле образования детей. Родители станут вашими единомышленниками и помогут сделать жизнь детей в детском саду ярче, разнообразнее, радостнее.

### Список литературы

1. Антонова Т., Волкова Е., Мишина Н. Проблемы и поиск современных форм сотрудничества педагогов детского сада с семьей ребенка // Дошкольное воспитание. 2008. № 6.
2. Арнаутова Е. Методы обогащения воспитательного опыта родителей // Дошкольное воспитание. 2002. № 9.
3. Белоногова Г., Хитрова Л. Педагогические знания – родителям // Дошкольное воспитание. 2003. № 1.
4. Взаимодействие образовательного учреждения с семьей как с главным партнером в организации воспитательного процесса (методические рекомендации). – Оренбург: Оренбургский ИПК, 2003.
5. Павлова Л. О взаимодействии семейного и общественного воспитания детей раннего возраста // Дошкольное воспитание. 2002. № 8.

# ВАКОЛАТЛИЛИК ТАЪЛИМИ – ОИЛАДАГИ МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

- **Г.Авазова, Термиз давлат университети Денов филиали мактабгача ва бошланғич таълим кафедраси**

Инсоният шаклланишидан буён оилани муқаддас даргоҳ деб билади. Нотинчлик ҳолатларида, табиий ҳодисалар вақтида ҳам оила фарзандлар учун энг беҳавотир жой ҳисобланади. Бироқ кўлимиздаги беш бармоқ баробар бўлмаганидек, муаммоли оилалар ҳам йўқ эмас. Оиладаги notchорлик, нотинчликнинг сабабларидан бири бу оиладаги зўравонликдир. Халқимизда «бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун файз кетади» деган, нақл бор. Оилавий низолар қаердан келиб чиқмоқда, бунинг асл негизи қаерда? Денов тумани «Таскин» аёллар нодавлат-нотижорат ташкилотига, «Оила» марказига мурожаат қилган, оиласида зўравонликка учраган аёллар билан суҳбатлардан, оиладаги зўравонлик ва зўравонлик содир этиш тўғрисидаги дўқ-пўписа зўравоннинг ҳукмдорлигини кўрсатиш, аёлни назорат қилиш ва уни эркинлигидан, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришдан маҳрум этиш учун йўналтирилган ҳатти-ҳаракат, деб тушуниш кераклигини аниқ аниқлаш мумкин. Зўравонлик содир этилишининг турли-туман сабаблари бўлишига қарамай, унинг асосий омилларидан бири – аёл ва эркакнинг жамиятдаги тенгсизлигидир. Аёллар муаммоларини тадқиқ қилиш жараёнида аёлга нисбатан содир этиладиган оиладаги зўравонлик билан, тенг ҳуқуқсизлик ва жамиятдаги аёлнинг камситилиши орасида узвий боғлиқлик борлигини аниқлаш мумкин. «Оила» маркази Денов тумани бўлимнинг 2019 йил 9 ойлик ҳисоботида келтирилишича, ажралиш арафасида турган 42 та оиланинг 20 таси эр-хотин ўртасидаги низолар, 8 та ҳолатда оиладаги учинчи шахс билан ўзаро келишмовчилик туфайли эканлиги маълум бўлди. Оилада вужудга келган низолар эр ва хотин тарбиялаётган фарзандларни ҳам четлаб ўтмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майидаги ПҚ-4342-сон Қарорининг 6-банди «а» кичик банди ва «Оила» маркази ҳамда БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) нинг 2019-2020 йилларга мўлжалланган икки йиллик ишчи режаси ижросини таъминлаш мақсадида «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган болаларни оилалари ва жамиятга реинтеграциялашуви жараёнини қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳаси республика миқёсида амалга ошмоқда. Сурхондарё вилояти бўйича Махсус интернатдаги 33 нафар боланинг оилавий шароити ўрганилганда болаларнинг 75% и бу муассасага оиладаги нотинчлик сабабли келиб қолганликлари аниқланди.

Оила шароитида содир этилаётган зўравонликларнинг озиклантирувчи илдизлари хурофий урф-одатлар ва удумларда мужассамлашган. Бундай хулқ-атворнинг асосида, аввало, анъанавий тарбия туради (ётади). Баъзи эркаклар зўравонлик содир этишни, ўз муоммосининг ечимини топшидаги бирдан-бир йўли деб қабул қиладилар. Одатда, ўғил болалар қаттиққўл, бир сўзлик, ҳаттоки жаҳлдор ва тажовузкор бўлишса, қизлар эса аксинча мулойим, гап қайтармайдиган, индамас, сабр-тоқатли, ҳар қандай шароитга мослаша оладиган тарзда тарбияланадилар. 2019 йил 9 ой давомида Денов туманида содир этилган 21 та суиқасднинг 12 нафари – аёллар, 9 нафари – эркаклар билан боғлиқлиги қайд этилган. Бундай тарбия эркак ва аёл орасидаги ижтимоий тафовутни кучайтиради. Бундай «гендер қарашлар» оилага, жамиятга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта. Бу муаммоларнинг олдини олишни мактабгача таълим муассасаси ходимларини гендер бўйича ўқитишдан бошлашимиз керак. Қачонки бу муассасалар ўз фаолиятлари давомида ота-оналар билан ҳамкорлик қилиб уларнинг ҳам гендер муаммолари тўғрисида хабардорлигини оширишида ва болаларда гендер тафовутларининг бартараф этишда ёрдам берсалар, самаралий натижага эришамиз. Демак, гендер тарбиясини мактабгача таълим муассасаларида, оилалардан бошласак, ота-оналар қизларни ўғил болалардан ажратмасдан тенг кўришса яхши бўларди. Бу фарқ физиологик фарқларга эмас, балки шундай фарқларнинг ўрнини олган ижтимоийлаштирилган фарқларга асосланади. Бундай психологик ёки жинслар ўртасидаги тафовутни акс эттиради. Жинсий роллар жисмоний тафовутлардан келиб чиққан. Аёлнинг роли ҳомиладорлик, бола туғиш ва чақолоқни эмизиш билан табиий равишда боғлангандир.

Бироқ жинсий роллар – гендер ролларининг айнан ўзи эмас. Гендер ижтимоий-маданий негизга асосланган ва жисмоний фарқлардан узоқ бўлган эркаклар ва аёллар ўртасидаги тафовутга асо-

сланади. Айтиб ўтилган муаммоларнинг олдини олишимиз учун Украиналик Галина Дацюг, Олэна Семиколенова ва Олэна Суслвалар томонидан таълим соҳасида ишлаётганлар ҳамда раҳбар ва муаллимлар, барча маориф ва маърифат режаларини ва дастурларини яратаётганлар, ҳар бир ўз-ўзига, ўзининг ривожига, ёшларнинг тарбиясига лоқайд бўлмаган инсон учун ишлаб чиқилган, Ўзбекистонда 2001 йил АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги/Марказий Осиё минтақавий миссияси ва Винрок Интернэшнл маблағлари ҳисобига ўзбек тилига таржима қилинган «Ваколатли таълими» қўлланмаси асосида таълим олган тренерлар (Ўзбекистонда бундай тренерлар кўп) тажрибасидан фойдаланиш лозим. Ваколатлилик педагогикаси қизларга ўз салоҳиятини англаш, шунингдек, истеъдодларини тўла-тўқис рўёбга чиқариш имконини беради. Айни вақтда ваколатлик педагогикаси ўғил болаларни, уларнинг муносабатини баҳолайди. Қизларни, биринчи навбатда, мактабда, уйда, кейинчалик эса жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига имконият беради. Шунингдек, аёлларнинг даромадлари ва иш ҳақини кўпайтириш учун янги имкониятлар яратишига кўмаклашади, шу тариқа уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли кучаяди.

Ваколатлилик таълими ўғил болалар учун ҳам ғоят муҳим, бундай таълим уларни ижтимоий жиҳатдан маъсулиятли, янадамуомалали, тажовузкорликдан холироқ қилиб қўяди. Ва ниҳоят, ваколатлилик педагогикаси ўғил ва қиз болаларни ўзаро мададкорлик, ижтимоий фаоллик ҳамда айни шериклик муносабатлари модели негизида давлат қурилиши роллари бажариш учун тайёрлайди.

### Адабиётлар

1. Галина Д., Семиколенова О., Сулова О. Ваколатли таълим. –Тошкент, 2001.
2. Каримова В. Оила психологияси.- Тошкент – Фан ва технологиялар-2007.
3. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. – Т.: Ўқитувчи,1994.
4. Тўраева О. Оила муқаддас кўрғон (оила педагогикаси). – Т.: Чашма принт, 2009.

## ПРЕИМУЩЕСТВА ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

### ● Н. Азимова, Магистр ТДПУ 1- курс

На земле существует около 7,347 миллиардов людей из них около 10% составляют люди с особыми нуждами. Они представляют собой самую многочисленную группу меньшинств. Во многих развитых странах создаются условия для наиболее полноценного развития детей с особыми нуждами.

Что такое инклюзивное образование? Инклюзивное образование происходит, когда дети с ограниченными возможностями и без них участвуют и учатся вместе в одних и тех же классах. Исследования показывают, что когда ребенок с ограниченными возможностями посещает занятия вместе со сверстниками, у которых нет инвалидности, происходят хорошие вещи.

Долгое время дети с ограниченными возможностями обучались в отдельных классах или в отдельных школах. Люди привыкли к мысли, что специальное образование означает отдельное образование.

Но теперь мы знаем, что когда дети получают образование вместе, положительные академические и социальные результаты достигаются для всех вовлеченных детей. Мы также знаем, что простое размещение детей с ограниченными возможностями и без них не дает положительных результатов. Инклюзивное образование происходит тогда, когда идет постоянная пропаганда, планирование, поддержка и приверженность.

Идеальное инклюзивное образование: это когда, все учащиеся с особыми образовательными потребностями и без них будут чувствовать себя принятыми и любимыми. В инклюзивном классе дети с ограниченными возможностями будут чувствовать себя «как другие дети». Они реже пропускают мероприятия, у них больше возможностей завести друзей и они не боятся критической оценки общественности. Совместное обучение вместе со своими сверстниками, не являющимися инвалидами, благотворно влияет для достижения ими самостоятельности как в учёбе, так и в социальной жизни.



При поддержке квалифицированного учителя они могут стать более социально компетентными и чувствовать себя менее изолированными. Так же есть свои плюсы и для обычных учеников, которые могут получить больше понимания и сочувствия, когда они учатся принимать и ценить своих сверстников с особыми потребностями. Обычные учащиеся получают так же и образовательную выгоду от более индивидуального подхода, который может обеспечить инклюзивное образование.

Кроме того, дети с ограниченными возможностями, которые обучаются в общеобразовательных учреждениях, имеют более высокий балл по грамотности, чем дети, которые обучаются в специализированных образовательных учреждениях. Дети, обучаемые по программе инклюзивного образования лучше понимают и учатся принимать разнообразие, когда в процессе обучения узнают различия и сходства людей в школе или в реальном мире. Понимание, принятие и уважение растёт по мере того, как дети с разными культурами и способностями взаимодействуют друг с другом.

Программа инклюзивного образования позволяет создать места, где дети развивают и формируют дружеские отношения друг с другом, укрепляя свои социальные и интерактивные навыки. Дети в процессе обучения будут учиться друг у друга. Потому что это создает сплоченную группу, в классе где обучаются дети по программе инклюзивного образования отвечает требованиям всех учащихся данного класса, обеспечивает поддержку социальной ценности равенства и уважения, обучает навыкам сотрудничества и социализации, выстраивает взаимозависимость и поддержку между учащимися и позволяет создать микромодель реального мира, где все мы разные и у каждого из нас есть свои особенности.

## **ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ОРАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА МОЙИЛ ЎҚУВЧИЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ЁРДАМ КЎРСАТИШ УСУЛЛАРИ**

- **Ф.Акрамова, психология фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази лойиҳа раҳбари**

Бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳит талабга жавоб бермайдиган кўпгина оилаларда вояга етмаганларнинг жиноятчилик йўлига кириб кетиши, ҳуқуқбузарликка мойиллигининг олдини олиш зарурлиги муҳим вазифа ҳисобланади.

Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш диагностикаси ва коррекциялаш асосан қуйидаги таркибда амалга ошади:

- диагностика ва коррекциялашнинг мақсади ва вазифаларини тўғри белгилаб олиш;
- вояга етмаганларда мулоқот, киришувчанлик, ахлоқийлик нормаларига бўйсунтириш кўникмаларини ривожлантириш.

Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларнинг билиш жараёнлари (сезги, идрок, тафаккур, хаёл ва хотира)ни ўрганиш ташхислашда муҳим аҳамият касб этади. Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларнинг индивидуал, жамоавий хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган ижтимоий ва табиий (туғма) хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини тушунтириб ва уни олдиндан айтиб беришда унинг биосоцидал табиатини ҳисобга олиш зарурлиги ўрганилади.

Маълумки, вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларнинг марказий нерв тизимининг тузилиши, унинг иши (вазифалари) ва хусусиятлари, унинг марказий ва периферик қисми, бош миянинг тузилиши, ҳар бир нейроннинг тузилиши ва унинг иш тартиби, «рецептор» тушунчаси ва унинг турлари, «анализатор» тушунчаси, одам бош мия қобиғининг тузилиши ва унинг асосий майдонлари сатҳи қисмлари устида, бош мия қобиғида содир бўладиган асосий психик жараёнлар ва кишининг психик ҳолатлари, ретикуляр формацияларнинг марказий нерв тизимида тутган ўрни, унинг роли ва вазифалари тўғрисидаги маълумотга эғалик педагогик диагностикани оқилона ташкил қилишга имконият яратади.

Бундан ташқари, ташхислашни амалга оширувчи шахс вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлашда ўсмир ва ўспирин психикаси, унда нерв боғланишларининг принципи ва умумий механизмлари, психик ҳодисаларнинг мия иши билан боғлиқлиги, уларнинг психик жараёнлари билан алоқаси ва ҳулқ-атвор, хатти-ҳаракатларини бошқаришдаги, психик ҳодисалар ва миянинг айрим тузилишининг бир хилдаги ўзаро таъсири, муаммолари ҳақида маълумотга эга бўлгани афзал. Фикримизча, вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлашда қўйидаги жиҳатлар ҳисобга олиниши зарур:

- жисмоний жиҳат;
- табақалаштириш (фарқлаш) қобилиятининг маълум даражасини, шунингдек, хотиранинг ривожланиш даражасини инобатга олувчи интеллектуал жиҳат;
- диққатни, сабр-тоқатни бошқариш, топшириқларни бажариш тайёргарлиги ифодаланган ишга муносабат;
- бир қадар тарбиячидан холи бўлиш гуруҳ билан алоқа ўрнатиш қобилиятини кўрсатувчи ижтимоий жиҳат.

Бугун вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлашда чет-эл методлари («Монтессори», «Брейнринг», «Брейнштурминг»)дан қатор таълим муассасаларида фойдаланишмоқда ва яхши натижаларга эришилмоқда. Шу ўринда вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш таълим муассасалари учун ўзига хос томонларини кўрсатиб ўтиш жоиздир:

1. ҳар бир машғулотдан кўзда тутилган мақсад аниқ ўрнатилади;
2. ёшларнинг индивидуал-психологик хусусиятлари, албатта инобатга олинади;
3. машғулот мазмунини саралашда бир томондан ёшларнинг қизиқиши, эҳтиёжи, қобилиятлари, иккинчи томондан тарбиячининг ижодкорлиги, маҳорати, учинчидан – мавжуд шарт-шароитлар ҳисобга олинади;
4. дидактик жараён тузилмаси кескин фарқланади, яъни унинг мотивацион босқичи кучайтирилади.

Вояга етмаган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга мойил ўқувчилар ўртасида профилактик ишларни олиб боришда қўйидаги омилларни инобатга олиш зарур:

- индивидуал-психологик хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш;
- ҳудудий, регионал яшаш тарзини инобатга олиш;
- коррекцион ишларни амалга ошириш.

Вояга етмаганлар орасида оиласи оғир вазиятга тушиб қолган болаларнинг ижтимоий меъёр ва қадриятларни ўзлаштиришда муҳитнинг салбий таъсири оқибатида нотўғри йўналишга кетиб қолиши мумкин. Шу боис бола меъёрий ижтимоий муносабатлардан четда қолиб, махсус ёрдамга муҳтож бўлиб қолади. Бундай болаларнинг ижтимоийлашув жараёни тарбия орқали амалга ошади.

Тадқиқотимиз доирасида Тошкент шаҳридаги бир қатор маҳаллаларда ҳуқуқбузарликка мойил айрим оилаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, ижтимоий-маънавий муҳитнинг даражасига қараб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойил оилаларни шартли равишда 3 тоифага бўлиш мумкин:

**Биринчи тоифа** – ижтимоий-маънавий муҳит паст даражада бўлган оилалар. Бундай оилаларда ота-она ичкиликка, наркоманияга берилган, жинсий жавобгарликка тортилган, ҳуқуқ-тартибот идораларида доимий равишда назоратда туради. Шу билан биргаликда бундай оилалар моддий жиҳатдан ҳам кам таъминланган.

**Иккинчи тоифа** – оилада маънавий носоғлом муҳит ҳукмрон, оила бошлиқлари, эр ва хотин ўртасида мунтазам жанжаллар бўлиб турадиган, фарзанди жинсий жавобгарликка тортилган, бошқа фарзандларнинг ҳам жиноятга ва ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор.

**Учинчи тоифа** – турли сабабларга кўра (иш излаб чет элга кетиб қолган ёки ўлган) оилада ота ёки она йўқ, қандай йўл билан бўлмасин пул топиб, тирикчилик қилиш асосий мақсад, моддий таъминот жиҳатдан бошқа оилалардан анча паст, фарзандларнинг таълим муассасасига қатнови ҳам, билимларни ўзлаштириш даражаси ҳам ёмон.

Бу учта тоифага кирувчи оилаларнинг ҳар бирига ўзига хос услуб, тартиб, таъсир чоралари билан муносабатга киришиш, тегишли профилактик тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Бунда аввало қуйидагиларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- маҳалла жойлашган республика ҳудудининг геомиллий хусусиятлари,
- аҳолининг тарихий шаклланган характери,
- урф-одатлари, анъаналари,
- оилаларнинг бир-бирлари билан муносабатлари,
- оила аъзоларининг бир-бирлари билан, айниқса, ота-онанинг фарзандлар билан, келиннинг қайнона ва қайнота билан ўзаро муносабатлари,
- ота-онанинг оилада тутган мавқеи, шунингдек, алоҳида-алоҳида отанинг ва онанинг фарзандлар орасида ва умуман оилада тутган мавқеи,
- фарзандларнинг ота-онага муносабати,
- оиланинг молиявий таъминоти,
- оила ўзини иқтисодий жаҳатдан таъминлаш учун шуғулланаётган ишининг характери,
- қўшни оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳит, уларнинг бошлиқлари ва фарзандларининг ушбу оилага таъсири,
- ахборотларни қабул қилиш манбалари,
- динга муносабати,
- ичкилик ва бошқа наркотроп воситаларга муносабати в.б.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5153-сонли қарори. – Тошкент, 2017 йил 27 март.
2. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика / Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.
3. Ғозиев Э. Психология. – Т.: Ўқитувчи, 2009. 144-бет.

## МАМЛАКАТНИНГ БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШИДА РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВИ МАРКАЗИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

- **В.С.Алимова, тиббиёт фанлари номзоди,  
Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази**

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ) ташкил топганига 15 йил тўлди. Тарихга қиёслаганда салмоқли сана бўлмаса-да, ортга назар ташлаш, фаолиятимиз натижаларини сарҳисоб қилиш учун сабаб бўладиган ҳодиса. 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ташкил топган РБИММ мамлакатнинг болаларга нисбатан ижтимоий сиёсатни амалга оширишдаги асосий бўғини ҳисобланади.

РБИММ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳи (саломатлигида имконияти чекланган болалар, ота-она қарамоғисиз қолган болалар, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан хатар гуруҳидаги болалар) га мажмуавий тиббий-ижтимоий, психологик-педагогик ва ҳуқуқий-консультатив ёрдам кўрсатади. Шунингдек, марказ болалар муаммоларини ҳал қилиш ва уларнинг юзага келиш хавфини пасайтириш бўйича мақсадли мажмуавий дастурларни ишлаб чиқади; ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий мослаштириш соҳасидаги илғор маҳаллий ва хориж тажрибаларини ўрганади, болаларнинг ижтимоий мослашуви масалалари билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотларининг амалий фаолиятида улардан фойдаланиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади; болаларнинг ижтимоий мослашуви масалалари бўйича ўқув-услубий қўлланмалар сифатини таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади.

Марказимиз барча хизматларни бепул амалга оширади ва ривожланишида турли муаммолари бўлган болаларни реабилитация қилиш учун замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Турли йўналишдаги мутахассислар жамоаси ҳар бир болани мажмуавий кўриқдан ўтказиб, ҳар бири учун индивидуал реабилитацион дастурни ишлаб чиқадилар. Шундан кейингина бола билан муолажалар бошланади.

Ҳамкорлик асносида аҳолининг кам таъминланган қатламига ногиронлик аравачалари, турли протезлар, эшитиш аппаратлари, тиббий воситалар олиб беришда кўмаклашяпмиз.

Марказ илмий-тадқиқот, илмий-ташқилий, илмий-услубий, амалий, нашриёт фаолиятини олиб боради. Аввал илмий-тадқиқот фаолиятига тўхталамиз:

1. «Чекланган жисмоний имконияти бўлган болалар муаммоларини ўрганиш» бўлими томонидан олиб борилган таҳлил натижасида «ўқимайдиган боланинг ўзи йўқ», деган тамойил асосида иш олиб бориш лозимлиги таъкидланди; ўзбек ва рус тилларида «Оғир ва чуқур ақлий қолқликка эга бўлган болалар билан психокоррекция иш» дастури ишлаб чиқилди ва ЎЗР Халқ таълими вазирлигининг Илмий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланди ҳамда амалиётга татбиқ этилди; бола ривожланишидаги ижобий динамика ва натижани, шунингдек, саломатлигида алоҳида эҳтиёжли илк ёшдаги болаларни парваришlash, тарбияlash ва ривожлантириш бўйича ота-оналарнинг ваколатчилигини аниқlash мақсадида «Барвақт аралашув хизмат натижаларини баҳоlash» мониторинги тизими жорий этилди; Мурувват болалар интернат-уйлари болалари учун ўқитувчи дастурлар ишлаб чиқилди; элементар математик кўникмалар, хотира, тафаккур ва нутқни ривожлантириш бўйича ишчи дафтларлари тузилди, Мурувват болалар интернат-уйлари болалари учун тарбиячиларнинг лавозим йўриқномалари бунёд этилди; «Ривожланишида кўплаб оғир бузилишли болаларнинг ижтимоий-маиший ва меҳнат мослашувига қобилиятини баҳоlash мезонлари» ишлаб чиқилди; 3 ёшгача болалари бўлган оилаларга ёрдамни амалга оширувчи **Илк ёрдам хизмати** ташкил этилди ва Тошкент шаҳридаги 5 та: Яккасарой, Мирзо Улуғбек, Миробод, Чилонзор, Яшнаобод туманларидаги марказий поликлиникаларда, Андижон, Наманган, Фарғона шаҳридаги марказий поликлиникалар қошида илк ёрдам хизматини ташкил этишга асос солинди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ЮНИСЕФ ва Олий таълим бошқармаси кўмагида Ўзбекистонда инклюзив таълимни ривожлантириш юзасидан иккита тадқиқот олиб борилди ва оммага инклюзив таълим нима эканини етказиш борасидаги ишлар бошлаб берилди.

2. БМТ нинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясини амалга оширишнинг асосий мажбуриятларидан бири – оиланинг бола тарбияlashдаги энг мақбул шакли сифатида тан олиниши ҳисобланади. Кўп сонли маҳаллий ва хорижий тадқиқотларнинг бир неча бор исботлашича, болани ота-оналар қарамоғисиз қолган болалар учун муассасаларда боқиш ва тарбияlash тизими унинг шахсини баркамол ривожланиши учун шароит яратмайди. Болани оилавий муҳитга қайтариш учун барча имкониятлардан фойдаланиш керак. Шу нуқтаи назардан «Ота-она қарамоғисиз қолган болалар муаммоларини ўрганиш» бўлими томонидан Республиканинг барча Меҳрибонлик уйларидаги хизматларда психологик-педагогик ҳолат мониторинги, улар фаолиятининг таҳлили ўтказилди, мутахассисларга илмий-услубий ва амалий ёрдам кўрсатилди, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳолатининг мониторинги олиб борилди. Зарур деб топилган ҳолатда болаларни биологик оиласига қайтариш юзасидан чора-тадбирлар кўриб борилмоқда. Ҳукумат қарорларига «лаббай» деб жавоб қайтарганча бугунги кунда бўлим қошида «Тутинган ота-оналар клуби» фаолият олиб бормоқда. Клубга турли сабабларга кўра фарзанд асраб олган ота-оналар жамланган бўлиб, улар ўзаро фикр алмашадилар, зарур ҳолларда номзод тутинган ота-оналарга маслаҳат ва тавсиялар берадилар.


3. Таълим муассасалари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарлик ва девиант ахлоқ профилактикаси бўйича мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш, хатар гуруҳидаги болаларни кўшимча таълим, меҳнат таълими тизимига жалб қилиш, касбий йўналтириш юзасидан муаммоларни ўрганишга йўналтирилган қатор ишлар амалга оширилди. «Ижтимоий ва ҳуқуқий хатар гуруҳидаги болалар муаммоларини ўрганиш» бўлими томонидан болаларнинг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари, Зангиота болалар тарбия колониясига тушиб қолишлари сабаблари ўрганилди, таҳлил қилинди, сўровномалар, давра суҳбатлари, фокус-гуруҳлар асосида мутахассислар ҳамда шахсан болалар ва уларнинг ота-оналаридан фикрлар олинди, бунинг натижасида ижтимоий-ҳуқуқий хатар гуруҳидаги болалар учун индивидуал коррекция дастурлар ишлаб чиқилди ва Вояга ет-



маганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятида татбиқ этиш учун берилди. Хорижий мутахассислар билан тажриба алмашиниш асносида ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатар гуруҳига кирувчи болаларга таъсир кўрсатишнинг медиация, яраштириш усуллари асослаб берилди ва бугунги кунда татбиқ этиш бошланди.

4. Турли сабабларга кўра ҳатто туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси бўлмаган ўсмирлар, эр-хотиннинг ажрашиши туфайли тақдири ноаниқ болалар, мулкий муносабатлар.... мавжуд. Буларнинг барчасига ҳуқуқий жиҳатдан маслаҳат, йўлланма керак. «Болаларнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш» бўлими мутахассислари бу борадаги хизматларни, шунингдек, аҳоли орасида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни ошириш юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқдалар.

5. РБИММ томонидан ўтказилган халқаро форумлар шарофати билан мамлакатимизда янги ихтисослик – «**Ижтимоий иш**» ихтисослиги ривожлана бошлади. 2010 йилди марказ қошида «Ижтимоий иш» бўлими ташкил этилди. Ижтимоий иш бўйича лойиҳалар доирасида ижтимоий иш бўйича профессионал ҳужжатлар: Ўзбекистон ижтимоий ишчисининг профессионал ва этик кодекси, Ижтимоий ишчи профессиограммаси, оила ва болаларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ижтимоий ишчи касби тўғрисида маълумот берувчи буклет ва брошюралар ишлаб чиқилган бўлса, сектор ходимлари томонидан бола ва оила вазиятини баҳолашни ўтказиш учун шакллар пакети ва кейс-менежмент учун бошқа ҳужжатлар тайёрланди. Давлат органлари билан ҳамкорликдаги иш натижасида Меҳрибонлик уйлари ва Болалар уйларида ижтимоий ишчи штат бирлиги киритилди. Мурувват интернат-уйларига ижтимоий ишчи ва логопед штатлари жорий қилинди.



6. Иқтидорли болалар кўпинча ўз иқтидорининг тор қобиғида бўлади. Иқтидорли боланинг бу дунёга қарашлари, бу оламда ўзини ҳис қилиши бошқача, шубҳасиз, бу нарса унинг жамиятдаги муносабатлари тизимига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу нуқтаи назардан «Алоҳида иқтидорли болалар муаммоларини ўрганиш» бўлими очилди. Бугунги кунда иқтидорли болаларнинг ота-оналари ўзларини қийнаган исталган савол билан мурожаат қилиб, тегишли маслаҳат ва тавсияларни олмақдалар.

7. РБИММ қошида **Ахборот консалтинг хизмати (АКХ)** – амалий ёрдам хизматининг ташкил этилиши ҳаётий зарурат бўлиб, мазкур хизмат ота-оналарнинг ўз фарзандларига ёрдамлашиш имкониятини топишлари, зарурий қўллаб-қувватлашлари ва мутахассисларнинг профессионал маслаҳатларига эга бўлишлари учун мурожаат қиладиган нажот маскани бўлди. АКХ фаолияти 0 дан 18 ёшгача бўлган алоҳида эҳтиёжли болаларга индивидуал танланган коррекцион машғулотлар ва машқларни қўллаш йўли билан улар ҳаётининг сифатини яхшилаш, болалар қобилиятини ривожлантириш ва ижтимоий мослашиш имкониятини эгаллашлари мақсадида тиббий-психологик-педагогик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган. **Арт-терапия, мусиқа терапияси, қум терапияси, фитотерапия, монтесорри, сенсор хоналарида болаларни коммуникатив қобилиятлари, кўриш, сезиш, ҳидлаш каби органларини коррекциялаш ишлари олиб борилса, тренажёр залларида ҳар бир бола учун уларнинг соғлиғи ва имкониятларига мувофиқ**



тарзда ишлаб чиқилган индивидуал дастурлар асосида машғулотлар ўтказилади. Дунёда дастлабки ортез-роботли автоматлаштирилган тизим бўлмиш **Lokomat** – кенгайтирилган қайтма алоқа ва сенсор экранга эга тренажёрда шуғулланиш БЦФ, орқа ва бош мия жароҳатлари, паришонхотир склероз ва бошқа неврологик касалликлари бўлганларга тавсия этилади. **Cosmos** – бўшашишнинг индивидуал тизими бўлган югуриш йўлакчаси бўлиб, бола космонавт сингари жилетни кийгач ўзини вазнсиздек ҳис қилади. Йўлакчанинг бўйламасига ва кўндалангига жойлаштирилган тутқичлар юриш ва югуришни энг юқори даражада қулай қилиш имконини беради. **Solo-step** – жалб қилиш билан илгак тизим. Нимаси биландир сим бўйлаб ҳаракатланадиган троллейбус симларини эслатувчи бу тренажёрда шуғулланиш шарофати билан бола юриш давомида кўркувини енгиб ўтади, унинг қўлидан тутиш шарт эмас, у оёқчалари билан мустақил равишда полдан итарилади. **Чангига** ўхшаш яна бир тренажёр мушакларни мустаҳкамлайди, тизза бўғимларига ишлов бериб, юришга тайёрлайди ва қадам ташлаш рефлексини уйғунлаштиради. Эркалатганча «**Мўъжизакор зинапоя**» деб аталувчи тренажёр қадам ташлаш рефлексини яхшилашга ёрдамлашади, тўсиқларни осон енгиб ўтишга ўргатади. **Motomed** – қўл ва оёқларнинг автоматик ва механик босиши билан ишлайди. Бир вақтнинг ўзида қўл-оёқларни ишлатиш мумкин, мушаклар спастиклиги ва тонусини аниқлай олади. Яна АКХ да массаж қилувчи комплекслар «**Аквामембраннали ванна**», «**Аквавиброн**», қўлда қилинадиган вибромассажёрлар ҳамда ёруғлиги билан иситувчи лампалар ҳам болаларни коррекциялаш ва реабилитация қилишда яхши кўмакчи ҳисобланадилар. Бассейндаги гимнастика – **гидрокинезотерапия** – реабилитациянинг ниҳоятда самарали тури бўлиб, умуртқанинг сустлашган мушакларини тиклаш ва мустаҳкамлашга ёрдамлашади, ўта зўриққан мушакларни релаксация қилади. Шунингдек, боланинг нафас олиш, ҳаракатланишига, юрак-қон томир тизимига даволовчи таъсир кўрсатади.

8. Марказнинг «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилиқ болалар жамғармаси билан биргаликда таъсис этган «Bola va Zamon» илмий оммабоп журнали 2005 йил сентябридан бошлаб нашр этила бошланди. Журналда болалар, ўсмирлар психологияси, махсус педагогика, коррекцион педагогика, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва психокоррекция соҳасидаги етакчи маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг илмий тадқиқотлари натижалари нашр қилинади.

Ўзбекистон Республикаси **Хукуматининг қарори билан РБИММ** нинг **Фарғона** (2013 йилдан бошлаб), **Самарқанд** (2014 йилдан бошлаб), **Қарши** (2019 йилдан бошлаб) минтақавий филиаллари ташкил этилди. Ҳозирги кунда мазкур филиалларда аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламига манзилли ёрдам кўрсатиш ишлари самарали олиб борилмоқда.

РБИММ нинг фаолияти ниҳоятда кенг қамровли эканлиги билан ҳам эътиборга сазовор. Хусусан,

- ҳукумат қарори билан марказда ҳимояга муҳтож гуруҳдаги болаларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг назорати ва мониторинги, уйғунлашувини, республикада ушбу соҳадаги ислохотларни қўллаб-қувватлашни таъминловчи **Жамоатчилик кенгаши** фаолият олиб боради. Болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимидаги вазирлик ва муассасаларнинг вакиллари аъзо бўлган ушбу Кенгаш иши изчил тайёрланади. Кенгашнинг ҳар бир мажлисида айни вақтда пишиб етилган, эътибор қаратилиши керак бўлган масала муҳокама қилинади. Бунинг учун аввал барча мутасадди ташкилотлардан таклифлар қабул қилинади, ишчи гуруҳларидаги муҳокамада сўнг Кенгашнинг кун тартиби доирасида кўриб чиқилади. Мажлисида билдирилган фикрлар, тавсиялар тегишли идораларга йўлланади.
- РБИММда имконияти чекланган болалари бўлган ота-оналарни маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга консултив-психологик ёрдам бериш мақсадида **Ота-оналар клуби** ташкил этилди. Бу ерда машғулотлар ота-оналарнинг стрессга чидамлилигини ошириш, уларда психологик-эмоционал зўриқишни олиб ташлашга, боланинг ўзига хослиги оқибатида бузилган ички оламини англаш ҳамда ижобий трансформациялашга йўналтирилган гуруҳли учрашув-тренинглари кўринишида олиб борилади. Клубда жисмоний ва психик ривожланишида муаммолари бўлган болаларнинг ота-оналари ўзларини ёлғиз ҳис қилмасликлари таъминланади, улар ўзаро фикрлашадилар, тажриба алмашадилар.
- РБИММ аутистик спектрдаги бузилиши бўлган болалар (АСББ) билан фаол иш олиб боради. Бугунги кунга келиб АКХ да 200 дан ортиқ аутистик спектрдаги бузилиши бўлган болалар тиббий, психологик ва педагогик ёрдам олдилар. Бундан ташқари, РБИММ да мақсади аутизми

бўлган болаларда шахслараро мулоқот ва ижтимоий-маиший малакаларнинг ижобий шаклини ривожлантиришдан иборат бўлган **«АСББ ли ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари учун мулоқот гуруҳи»** мавжуд. Гуруҳда болалар аҳамиятли ижтимоий муносабатлар ўрнатиш, олам ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ва янги кўникмаларни ривожлантириш имконига эга бўладилар, бу эса аутизми бўлган болаларнинг жамиятга ижтимоийлашувини яхшилашга ва уларнинг келгусидаги мустақил ҳаётга тайёрланишларига кўмаклашади.

- РБИММда 2014-2016 йилларда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Молия вазирликлари билан биргаликда Европа Иттифоқининг техник кўмагида **«Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим»** лойиҳаси амалга оширилди. Бу лойиҳа доирасида 2015-2016 ўқув йилларида республиканинг бешта ҳудуди: Тошкент, Наманган, Урганч, Термиз, Самарқандда 2 ёшдан 10 ёшгача бўлган 1000 нафар бола мактабгача умумтаълим муассасалари ва мактабларга киритилдилар.
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази, шунингдек, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина ва Тожикистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда юзага келган қийин ҳаётий шароит натижасида оилаларидан ажралган ва турли шаҳарларда яшаётган Ўзбекистон фуқароларига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.
- **РБИММ ҳар йили** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ жамғармасининг, шунингдек, Халқаро ташкилотлар ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, Европа Иттифоқининг **кўплаб лойиҳаларини амалга оширади**. Лойиҳаларни амалга оширишнинг амалий натижаси мутахассислар ва ота-оналар, болалар учун семинар-тренинглар ўтказиш, дастурлар, услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва таянч муассасаларга татиқ этиш, шунингдек, мамлакатнинг минтақаларида РБИММ филиалларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий муҳофаза соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш ҳисобланади. Айти дамда Европа Иттифоқининг молиявий кўмаги ва ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг техник кўмагидаги **«Жануби-Шарқий, Жанубий ва Марказий Осиё минтақаларида миграция дахл қилган болаларни ҳимоялаш»** номли лойиҳада марказ мутахассислари фаол иш олиб боришмоқда. Лойиҳа давомида қисқа муддат ичида 4 та вилоятнинг 12 та пилот минтақаларида 403 нафар бола тарбияланаётган 204 оила ўрганиб чиқилди. Ижтимоий етимликнинг олдини олиш мақсадида бу оилаларга ҳужжатларни расмийлаштиришда, юридик маслаҳатлар, тиббий, психологик, моддий, таълимий ёрдам кўрсатилди. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.
- Марказ мутахассислари ҳукумат қарорларининг болаларга тааллуқли бандларини амалга оширишда ҳам жонбозлик кўрсатиб келадилар. Жуладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»** ги Қарорида (27.06.2018 й. ПҚ-3808) кўзда тутилган **«Ота-оналари ёки васийлари фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилган вояга етмаган болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, руҳий қўллаб-қувватлаш тизим ва механизмлари самарадорлигини ошириш»** деб номланган 24-бандини амалга ошириш юзасидан «Оила» илмий-тадқиқотчилик маркази билан биргаликда сўровномалар ўтказиш, натижаларини умумлаштириш ва тавсиялар тайёрлашда фаол иштирок этдилар.
- 2004 йилдан буён Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва «Sen Yolg'iz Emassan» республика жамоатчилиқ болалар жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, шунингдек, ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКО, БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари кўмагида **болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ҳар йили ўтказётган халқаро форум ва конференцияларини ўтказиб келади**. Халқаро форум ва конференцияларнинг инновацион характери қуйидаги масалаларни илгари суришга кўмаклашди:
  - болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш соҳасидаги миллий қонунчиликка хорижий меъёрларни имплементация қилиш;

- ота-она қарамоғисиз қолган болалар деинституционализацияси ва уларни жойлаштиришнинг оилавий шакллари ривожлантириш;
- барвақт аралашув ва болалар ҳаётининг илк йилларидан бошлаб уларнинг мажмуавий абилизациясини таъминлаш;
- «ижтимоий ишчи» касбини ривожлантириш, таълим муассасаларида психологик хизмат ва касбга йўналтириш ишларини такомиллаштириш;
- инклюзив таълим;
- назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тизимига инновацион ёндошувларни, воёга етмаганларга нисбатан судга мурожаатдан бошқа таъсирнинг муқобил шакллари татбиқ этиш;
- ихтисослаштирилган ўқув-тарбиявий муассасалари тарбияланувчиларини ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ва кузатиб бориш.

Бу конференция ва Форумлар доирасида Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимининг ҳолати таҳлил қилинади, бу соҳадаги бирмунча долзарб муаммолар белгиланади, аниқланган муаммоларни ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқилади, якуний тавсиялар эса Ҳукуматга кўриб чиқиш учун такдим этилади.

Республика болалар ижтимоий мослашувининг ташкил топганига 15 йил тўлган бугунги кунда биз фахр билан жамият ногиронлиги бўлган шахсларни борича қабул қилишларига озгина бўлса-да ҳиссамизни қўшдик, дея айта оламиз.

## НЕГАТИВНЫЕ ПОСЛЕДСТВИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ

- **Ш. Аллабергенова,**  
специалист Республиканского центра социальной адаптации детей

«Глобализация в сочетании с усилением различий в условиях жизни как внутри государств, так и между государствами приводит к увеличению масштабов трансграничной миграции во всем мире. Сегодня за пределами своих стран происхождения живут больше людей, чем когда-либо ранее: ориентировочно 200 миллионов человек, по данным 2007 года. За этой огромной цифрой – судьбы конкретных людей: квалифицированного специалиста по компьютерам, нелегального сельскохозяйственного рабочего, женщины, оказавшейся в сетях торговцев людьми, беженца, вынужденного оставить свою страну, и многих-многих других людей».

**Пан Ги Мун, Генеральный Секретарь ООН**  
Из «Послания по случаю Международного дня мигранта»<sup>1</sup>

Сегодня вопрос миграции является одной из актуальных проблем современного мира. С каждым годом возрастает количество людей, мигрирующих в другие страны с целью улучшения материального состояния семьи.

Миграция – это не только экономическое, политическое, но также социальное явление, которое имеет значительные последствия. Прежде всего, переезд в другую страну неминуемо связан со значительным психологическим потрясением для самих мигрантов. Во-вторых, негативные последствия сказываются не только на мигрантах, но и на их семьях, которые остаются (часто) без опоры, а разлучение с родителями может иметь негативные долгосрочные последствия для жизни детей. Кроме того, мигранты могут столкнуться со значительными рисками личного характера: путешествие может быть опасным, связанным с рисками для физического и психологического здоровья; мигранты могут стать жертвой торговцев людьми или эксплуататоров; также они могут быть вынуждены вернуться на родину вследствие экономического кризиса в стране пребывания или депортации.

1. Трудовая миграция в Узбекистане: Сб.ст./ Отв. ред. Е.В. Абдуллаев. – Ташкент, 2008.

Трудовая миграция имеет как положительные, так и негативные последствия. Миграция улучшила социальную и экономическую ситуацию в сельской местности, снизив уровень безработицы, стимулируя рыночные отношения и повышая уровень жизни, но в то же время сохранение семьи и воспитание детей затрудняется отсутствием одного или обоих родителей.

К сожалению, большинство мигрантов имеют ограниченную информацию о реалиях переезда, условиях трудоустройства и нормах законодательства в странах назначения, что может приводить к возникновению их нелегального правового положения. Судя по всему, еще до своего отъезда из страны мигранты не знают, куда обратиться за разъяснениями, или не могут найти нужную информацию о поездке и трудоустройстве в зарубежных странах.

Еще одним негативным последствием трудовой миграции является разлучение детей с родителями на долгое время. Порой дети мигрантов не видят своих отцов, матерей, а иногда обоих родителей месяцами, а то и годами. Деньги, которые мигранты отправляют на родину, в какой-то степени улучшают благосостояние ребенка, но ничто не заменит родительскую заботу и ласку. Согласно оценке ситуации девочек в специализированных учебно-воспитательных заведениях, проведенной ЮНИСЕФ и Комитетом женщин Республики Узбекистан, 21% девочек попали в такое учреждение в результате последствий миграции их родителей<sup>2</sup>.

В Узбекистане мало изучены вопросы социальных последствий трудовой миграции детей и семей. В ноябре 2018 года началась реализация проекта «Защита детей, затронутых миграцией в регионе Юго-Восточной, Южной и Центральной Азии» (ЮНИСЕФ, Европейский Союз, Комитет женщин Узбекистана). Данный проект реализуется в восьми странах Юго-Восточной, Южной и Центральной Азии, включая нашу республику. Проект будет осуществляться до конца 2020 года в четырех областях – Бухарской, Ферганской, Сурхандарьинской и Хорезмской. Основной целью программы является защита прав детей, семей, затронутых миграцией, оказание социальной помощи уязвимым семьям и их детям. В Хорезмской области ЮНИСЕФ совместно с Республиканским центром социальной адаптации детей организовали тренинг по социальной работе, направленной на решение проблем детей и семей, затронутых миграцией. По официальным данным, за пределами Узбекистана работают более 15 тысяч хорезмских женщин, оставив примерно 40 тысяч детей на попечении бабушек и дедушек. В рамках проекта в Хорезмской области изучены ситуации свыше 50 семей, затронутых миграцией, 27 из них были выбраны для оказания социальных услуг. В ходе изучения определено: родители, уезжая на заработки, не оформляют опеку родственников над детьми официально, в результате никто не несет ответственность за их благополучие и безопасность. Порой родители годами не звонят и не приезжают, некоторые заводят новые семьи. Например, Камила (10 лет) вот уже три года не видит свою мать. Ее мать, как и тысячи других хорезмских женщин, не смогла найти работу на родине и уехала на заработки в Россию. Камила с пониманием говорит: «Мама присылает деньги, и бабушка покупает на них все, что нужно». Представители региональных и районных органов опеки и попечительства, комиссии по делам несовершеннолетних, махалли и организации приступили к оказанию социальных услуг семьям, которые оказались в трудной жизненной ситуации по причине отъезда их родных. Благодаря своевременно оказанной консультативной и практической помощи удалось вернуть 3 родителей, 7 семей были поставлены на учет для получения льготного жилья, 4 детям оказана квалифицированная медицинская помощь.

Таким образом, можно сделать вывод о том, что значение трудовой миграции определяется неоднозначно, а порой и противоречиво: как благо для развития производительных сил, как отрицательный фактор, являющийся помехой для роста благосостояния. По этой причине миграционная политика любого государства должна учитывать все последствия трудовой миграции с тем, чтобы данный процесс позволил получить больше выгод и принимающей, и направляющей стране.

---

2. Из доклада семинара «Защита детей, затронутых миграцией» для начальников ЦСППН.



# АНАЛИЗ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО СТРЕСС-ДИСКУРСА СПЕЦИАЛИСТОВ ПО ОКАЗАНИЮ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ПОМОЩИ: СУБЪЕКТИВНЫЙ ОПЫТ СПЕЦИАЛИСТОВ

- Д. Алифановене, Шяуляйский университет (Литва)

Стресс – явление биологического, психологического происхождения, описываемое как давление, напряжение, т.е. состояние человека, возникающее в результате различных экстремальных воздействий. Такое физиологическое и психологическое напряжение иногда испытывают девять из десяти жителей страны, поэтому анализ такого явления биомедицинского и психологического характера мотивирован и понятен (Европейское агентство по охране и гигиене труда, 2009 г.). Создатель классической теории стресса Г. Селье (1936), (Encyclopedia Britannica), утверждает, что стресс – это не только негативное явление, он является необходимым условием для функционирования живых организмов, и его невозможно избежать из-за многих социальных факторов (развитие общества, экономика). Стресс вреден, когда он превышает человеческие ресурсы, истощает нервную систему, вызывает болезни, ставит под угрозу здоровье и безопасность специалистов. Анализируются биомедицинские и психологические научные статьи, тексты о выражении, особенностях и причинах профессионального стресса специалистов разных профессий, которые условно можно поделить на микро- (личный) и макроэкономический (социальная среда) уровни. Изменения на макроуровне (новые информационные технологии, снижение демографических показателей, сокращение числа детей школьного возраста, продолжающиеся реформы в системе образования) и изменения на микроуровне (нагрузка педагога, тестирование учителя, аккредитация школы) приносят много инноваций, неопределенности, напряжения и стресса. В контексте этих изменений работа педагогов находится в процессе постоянных изменений. Это важно для профессиональной деятельности, ее качества и эффективности специалистов, постоянно сталкивающихся с проблемами (Булотайте, Лепешкене, 2006; Бубелене, Меркис, 2012; Гракаускас, 2004; Вайс, Молитор, 2012). Анализ стрессового контекста, его особенностей и возможностей преодоления – это междисциплинарная концепция, актуальная для многих наук, поэтому она была изучена рядом авторов (Lazarus, Folkman, 1984; Kecalaitė, 2013; Kiaunytė, 2012; Kriukova, 2010; Loikienė, Pileckaitė-Markovienė, 2013). С другой стороны, анализ стрессовых особенностей специалистов по оказанию образовательной помощи (специальных, социальных педагогов, психологов, логопедов) требует дальнейших исследований. Поле профессиональной деятельности этих специалистов формируется в социальной среде и включает в себя взаимодействие между людьми. В данном пространстве появляется благоприятный контекст для возникновения стрессовых ситуаций. При сравнении межпрофессиональной стрессогенности выявляется, что наибольший стресс испытывают представители профессий социальной сферы (государственного сектора, сферы услуг, образования, социального обеспечения) (Edwards, Cooper, 1990).

Проблема исследования характеризуется вопросами, требующими нового эмпирического анализа: каково влияние стресса, испытываемого специалистами в области образования, на их профессиональную деятельность? Каков контекст подверженности этих специалистов стрессу с точки зрения их субъективного опыта?

**Цель исследования** – выявить влияние стресса, испытываемого специалистами по оказанию образовательной помощи, на их профессиональную деятельность.

**Объектом исследования** является контекст влияния стресса, испытываемого специалистами по оказанию образовательной помощи, на их профессиональный опыт с точки зрения их субъективного опыта.

**Выборка и методология исследования.** Респонденты были отобраны с помощью целевой удобной выборки: социальные, специальные педагоги, логопеды, психологи (N = 21), работающие в сфере образования и обучения, в учреждениях опеки и попечительства, с профессиональным опытом работы не менее двух лет и имеющие высшее университетское образование. Для анализа субъективного опыта работы этих специалистов был выбран метод качественного сбора данных (частично структурированное интервью), онтологическую основу которого состав-



вила интерпретативная конструктивистская парадигма, предусматривающая, что социальные явления и их значения конструируются людьми, исследователями и экспертами, действующими в различных социальных контекстах. В ходе исследования мы использовали субъективную интерпретативную эпистемологию, которая предусматривает, что социальная реальность понимается и реконструируется путем анализа, отражения и интерпретации. Положения методологии интерпретационного исследования позволяют объяснить, как участники исследования – специалисты по оказанию образовательной помощи – субъективно воспринимают реальное поле профессионального стресса и его значение (Valizkas, Grkauskas, Želvienė, 2010; Kvale, Brinkmann, 2003).

В исследовании использовались открытые, неограничивающие возможные ответы вопросы в соответствии с предполагаемыми областями оценки исследователей, которые были определены после анализа научной литературы и исследований авторов, раскрывающих особенности стресса и возможности его преодоления (Lazarus, 2000; Lazarus, Folkman, 1984). Содержание ответов, сгруппированных по соответствующим диагностическим областям, разбито на обобщенные семантические единицы, а также отобраны иранжированы значения утверждений. Данные исследования анализируются с использованием метода контент-анализа, с применением процедуры открытого кодирования (Corbin, Straus, 2015; Kvale, Birkman, 2003).

Чтобы минимизировать присущую качественному исследованию субъективность интерпретации данных, мы использовали внутренний (группа исследователей) и внешний (эксперты) методы выявления чистоты полученных данных. Таким образом, существуют объективные предпосылки для более глубокого понимания анализируемого явления профессионального стресса: обобщать, критически и рефлексивно оценивать опыт различных участников исследования, его значения и возможные различия между теоретическим и практическим контекстами анализируемого феномена социальной реальности.

#### **Анализ результатов исследования**

Анализируя субъективные контексты опыта специалистов по оказанию образовательной помощи, в ходе исследования мы изучили влияние стресса на их профессиональную деятельность.

**Таблица 1**  
**Влияние стресса, испытываемого специалистами по оказанию образовательной помощи, на их профессиональную деятельность (N = 21)**

<b>Категория</b>	<b>Примеры утверждений</b>	<b>Число утверждений</b>
Непродуктивная профессиональная деятельность	«Больше не работаю так продуктивно в этот день, сосредотачиваюсь только на одном случае, я не могу уделить больше времени другим учащимся», «Мне не удастся «включиться» в работу и хорошо выполнить ее до конца», «После пережитого стресса производительность труда значительно снижается в течение нескольких часов», «Не хочу ничего делать в этот день, свою работу выполняю небрежно» и «Больше не выполняю какую-либо работу ответственно».	19
Нарушения внимания	«Не могу сосредоточиться, мои мысли постоянно напряжены и сконцентрированы на негативных вещах», «Трудно сосредоточить внимание», «Становлюсь рассеянной, забываюсь, не могу сосредоточиться, в мыслях нахожусь где-то в другом месте».	16
Снижение мотивации	«Теряю мотивацию к работе, по выходным часто думаю, что в понедельник с удовольствием не пошел бы на работу», «Теряю мотивацию к работе не только в этот день, но и вообще к этой работе», «Когда я сравниваю свою работу в первый год и сейчас, понимаю, что мотивация к работе сильно снизилась».	12

Ухудшение здоровья	«Повышается кровяное давление», «Не сплю, просыпаюсь ночью и нервничаю», «Сердце колотится», «Прошибает пот».	6
Позитивное воздействие стресса	«Оптимально испытываемый стресс заставляет меня напрягаться, проявлять себя более активно на работе, стимулирующее желание совершенствоваться, искать ответы на интересующие вопросы», «Не могу утверждать, что это напрямую причиняет вред результатам моей работы – просто побуждает меня работать более активно».	4
<b>Всего</b>		<b>57</b>

При восстановлении контекста воздействия испытуемого специалистами по оказанию образовательной помощи стресса (утверждения  $N = 57$ ) выявляются следующие последствия, которые характеризуются обобщенными семантическими единицами: непродуктивная профессиональная деятельность ( $N = 19$ ), расстройства внимания ( $N = 16$ ), снижение мотивации ( $N = 12$ ), ухудшение здоровья ( $N = 6$ ), позитивное воздействие стресса ( $N = 4$ ).

Анализ мнения специалистов позволяет воссоздать двойное влияние испытываемого стресса на качество профессиональной деятельности. С одной стороны, участники опроса называют следующие негативные последствия стресса: непродуктивную профессиональную деятельность, которую определяют утверждениями («после стресса производительность труда значительно падает на несколько часов», «нет желания что-то делать», «никакая работа не выполняется ответственно»), ослабление мотивации («слабеет мотивация к работе не только в течение дня, но и вообще к выполнению этой работы») или даже здоровья («повышается артериальное давление», «одолеваю бессонница, просыпаюсь ночью и постоянно нервничаю», «усиленное сердцебиение»), нарушение внимания («не могу сосредоточиться, мысли постоянно напряжены и сконцентрированы на негативных вещах», «становлюсь рассеянным, забываюсь, не концентрируюсь, в своих мыслях нахожусь в другом месте»).

С другой стороны, утверждения, сделанные специалистами («оптимально испытываемый стресс заставляет подтянуться, активнее проявляться в трудовой деятельности, стимулирует желание совершенствоваться, искать ответы на интересующие вопросы», «не могу утверждать, что это напрямую вредит результатам моей работы, просто побуждает к более активной работе») подразумевают более общий смысловой контекст, раскрывающий позитивное воздействие испытываемого стресса.

Научные исследования (Бурба, Ситников, Ланкайте, 2014; Крюкова, 2010; Лазарь, 2000; Вайс, Молигор, 2012) показывают, что стресс является неизбежной частью жизни и профессиональной деятельности, где испытываемый оптимальный стресс (eustress) является мотивационной силой, состоянием личности, при котором увеличиваются способности человека, трудоспособность, по возможности улучшается общее самочувствие и сопротивление физическим и духовным трудностям. С другой стороны, по мере повышения уровня и обострения стресса он может стать опасным для здоровья, трудоспособности, мотивации, производительности. Это подтверждают и утверждения участников исследования.

### **Выводы**

Постоянные политические, экономические изменения, интенсивные социальные перемены, продолжающиеся реформы образования и социальной системы неизбежно создают поля напряженности и стресс в сообществе социальной сферы (включая и специалистов по оказанию образовательной помощи). Профессиональная деятельность особенно важна, а для ее успеха имеет значение согласие по взаимодействию между педагогами и социальной средой. Проблемы достижения этой согласованности как в теории, так и в праксиологии не всегда эффективно решаются. Особенности профессиональной деятельности этих специалистов, испытываемый ими стресс и анализ его выражения должны быть изучены более подробно.

Обобщая опыт воздействия стресса, испытываемого специалистами по оказанию образовательной помощи, на их профессиональную деятельность, выясняется двойкий характер влияния

этого явления. С одной стороны, обобщенные смысловые единицы выявляют негативное (ухудшение здоровья, нарушение внимания, непродуктивная работа, снижение мотивации) влияние стресса (дистресс) на профессиональную деятельность, с другой стороны, положительный эффект (эустресс), который мобилизует и провоцирует изменения в профессиональной деятельности, побуждающие совершенствование. Это предполагает концепцию стресса как неизбежного компонента жизни человека.

При оценке семантики реакции специалистов на стресс выявляется совокупность, которая охватывает все уровни структуры личности, наносимый человеку вред стресса, который может вызывать нарушения здоровья, а также социальную и профессиональную дезадаптацию. В результате этого может пострадать профессиональная мотивация специалистов, способность качественно выполнять ими профессиональную деятельность.

### Литература

1. Bubelienė, D., & Merkys, G. (2012). Pedagogų streso socialinis konstravimas ir jo atspindžiai profesinėje spaudoje [Social Construction of Teachers' Stress and Its Reflections in the Professional Press]. *Acta Paedagogica Vilnensia*, 29, 100–110.
2. Bulotaitė, L., & Lepeškieienė, V. (2006). Mokytojų stresas ir jo įveikimo strategijos [Teachers' stress and coping strategies]. *Pedagogika* [Pedagogy], 84, 48–51.
3. Burba, B., Sitnikovas, O., & Lankaitė, D. (2014). Streso pasireiškimas, dažniausi stresą sukeltantys veiksniai, distreso valdymas tarp Lietuvos apsaugos darbuotojų. *Medicinos teorija ir praktika* [Theory and Practice of Medicine], 20 (1), 14–20.
4. Corbin, J., & Strauss, A. (2015). *Basics of Qualitative Research*. Thousand Oaks, CA: Sage.
5. Edwards, J. R., & Cooper, C. L. (1990). The Person-Environment Fit Approach to Stress: Recurring Problems and Some Suggested Solutions. *Journal of Organizational Behavior*, 11, 293–307.
6. Edwards, J. A., & Billsberry, J. (2000). Testing a Multidimensional Theory of Person – Environment Fit. *Journal of Managerial Issues*, 22, 4, 476–493.
7. Grakauskas, Ž. (2004). Stresas ir elgesio savireguliacija: teorinės sąveikos problemos. *Psichologija: mokslo darbai* [Psychology: Scientific], 29, 74–87.
8. Kepalaitė, A. (2013). Socialinių pedagogų stresas ir jo įveikos sąsajos [Correlation of Social Pedagogues' Stress and the Coping with It]. *Ugdymo psichologija* [Educational Psychology], 24, 27–34.
9. Kiaunytė, A. (2012). Socialinių darbuotojų profesinio streso rizika konfliktų sprendimo situacijoje: supervizijos taikymo aspektas. *Visuomenės sveikata* [Public Health], 1, 51–57.
10. Kriukova, T. L. (2010). Методы изучения совладающего поведения: три копинг-шкалы [Methods of Coping Research: Three Coping Scales]. *Kostroma*.
11. Kvale, S., & Brinkmann, S. (2003). *InterViews– Learning the Craft of Qualitative Research Interviewing*. Sage Publications.
12. Lazarus, R. S. (2000). Toward Better Research on Stress and Coping. *American Psychologist*, 55(6), 665–673. DOI: <http://dx.doi.org/10.1037/0003-066X.55.6.665>
13. Lazarus, R. S. & Folkman, S. (1984). *Stress, Appraisal and Coping*. New York: Springer Publisher Company, Inc.
14. Loikienė, O., & Pileckaitė-Markovienė, M. (2013). Aukštųjų mokyklų dėstytojų ir bendrojo ugdymo mokyklų mokytojų darbe patiriamas streso įveikos stiliai. *Pedagogika* [Pedagogy], 109, 78–85.
15. Valickas, G., Grakauskas, Ž., & Želvienė, P. (2010). Patobulinto keturių faktorių streso įveikos klausimyno psichometriniai rodikliai [The Psychometric Indicators of the Improved Four Factors of Coping with Stress Questionnaire]. *Psichologija* [Psychology], 41, 96–110
16. Weiss, S., & Molitor, N. (2012). Jobstress. Stress at work. Retrieved from <http://www.apa.org/helpcenter/job-stress.aspx>.

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ХУЛҚИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ АҲАМИЯТИ

- **Д. Арзикулов, психология фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети**

Тарихан мавжуд бўлган жисмоний тарбия тизимларига инсоннинг жисмоний (ҳаракат) сифатларини тарбиялай олишига қараб баҳо берилган. Инсоннинг организмда турли даражада ша-

кланган куч, тезкорлик, чидамлилик, чаққонлик, тана бўғинлари ҳаракатчанлиги ва мускуллар эгилувчанлигини жисмоний сифатлар деб аташ қабул қилинган. Инсон организмнинг шу сифатларини қандай намоён қила олишига қараб индивидга кучли, чаққон, тезкор ва ҳ.к. деб баҳо берганлар. Бу сифатлар ўлчовга эга, унинг кўрсаткичлари жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари деб аталади ва кўрсаткичлар орқали индивиднинг ижодий меҳнатга ва ватан муҳофафасига тайёрлиги аниқланади. Масалан, индивид 100 кг оғирликдаги штангани елкага олиб фақат 3 маротаба ўтириб тура олса, бошқаси шу вазн билан 5 маротабадан ортиқ ўтириб тура олиши мумкин. Шу машқни икки марта ортиқ бажарганлиги учун иккинчи ўртқнинг куч сифати ривожланган, деб баҳоланади. Бу сифат организмнинг суяк, мускул ва бошқа аъзоларининг тўқималари, ҳужайралари ва ҳоказоларнинг ривожланганлигигагина боғлиқ бўлмай, маънавий-рухий фазилатларига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳаракат сифатларини тарбиялаш маънавий-рухий фазилатларни тарбиялаш иши билан чамбарчас боғлиқ ва тарбиянинг шу йўналишига восита бўлиб хизмат қилади.

Ҳаракат сифатларини тарбиялашга интилиш инсониятнинг азалий орзуси. Меҳнат қуроллари, ҳарбий анжом ва аслаҳа билан муомала қилишнинг самарадорлиги табиат инсонга инъом этган ва уни тарбия жараёнида ривожлантириш мумкин бўлган жисмоний фазилатларга боғлиқ тарбиялаш лозимлиги масаласини кўндаланг қўяди.

Жисмонан баркамол, ахлоқан пок, эстетик дидли, эътиқодли, садоқатли, техника илмининг замонавий асосларини пухта эгаллаган, ҳар тарафлама маънавий етук, жисмонан баркамол ривожланган кишини тарбиялаш ҳозирги кунгача давримизнинг асосий вазифаларидан бири деб ҳисобланиб келинди.

Шу нуқтаи назардан, спорт мактабдаги ҳар бир ходим спорт турларига йўналтириш бўйича қандай ишларни амалга оширишини билиши лозим. Чунки спорт турига йўналтириш ишларини амалга оширишда нафақат спорт-мактаби мураббий-ўқитувчиси ёки инструктор-методисти, балки оила ва барчи ижтимоий институтлар масъулдир.

Ўқувчи-ёшларни спорт турларига йўналтириш ишлари таълим-тарбия билан узвий кечадиган, унинг барча қирраларини қамраб оладиган узлуксиз жараёндир. Мактабдан ташқари, яъни болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, жамоа ташкилотлари ҳамда ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлиги бу жараённинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Бундай ҳамкорлик ўсиб келаётган ёш авлодга онгли спорт турини танлаш, ўз спорт тури бўйича истикболни белгилаш, юқори натижаларга эришиш ҳамда жамият равнақига муносиб ҳисса қўшиш имконини яратади.

Вояга етмаган ўқувчи ёшларни спорт турларига йўналтиришнинг асосий мақсади – вояга етмаган ўқувчи-ёшларини онгли ва мустақил равишда спорт турларини танлашга тайёрлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, шуғуллантириш, соғломлаштириш, келгусида ушбу спорт турлари бўйича юқори натижаларга эришиш усулларини аниқлашдан иборат.

Муаммонинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганилиши ўқувчиларга муайян спорт турлари тўғрисида билимларни бериш, уларда турли йўналишдаги спорт билан мунтазам шуғулланиш асосларини ўрганишга бўлган мотив ва қизиқишни ҳосил қилиш, уларни маълум спорт фаолиятни ташкил этишга йўналтириш, шунингдек, уларда бу йўналишдаги фаолиятни ташкил эта олиш кўникма (кейинги босқичларда эса малакалар)ни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди. Мазкур вазифаларнинг ижобий равишда амалга оширилишида бу борада муайян тизимни яратиш, шунингдек, самарали механизмини ишлаб чиқиш тақозо этилади.

Вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилик ҳулқини бартараф этиш фақатгина жамиятни (иқтисодий, маънавий ва сиёсий) соғломлаштириш ва умуминсоний кадрлар асосида шахсни ривожлантиришни таъминлайдиган тарбия тизимини яратиш асосида амалга оширилади. Бунда энг асосий вазифалардан бири болалар ва ўсмирга ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан ислох, қилишдир. Бу тизим болалар ва ўсмирларнинг жисмоний, психологик, маънавий-ахлоқий соғлигини, конституцион ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилади.

Вояга етмаган ўқувчиларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда фаолиятини ташкил этиш – ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш асосий механизмлардан бири эканлигини деб уйлаймиз. Бу борада қуйидаги таклифларимиз мавжуд, яъни:



- спорт таълимини бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини ҳамда шу билан биргаликда, яшаётган жойларда бепул спорт майдончаларини кўпайтириш;
- миллий педагогик кадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инобатга олувчи вояга етмаган ўқувчи-ёшларни спортга жалб этувчи видеоролик, дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан, оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларини амалиётга жадал жорий этиш.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сонли Фармони. – Тошкент, 2017 йил 5 июль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5153-сонли қарори. – Тошкент, 2017 йил 27 март.

## БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ РОЛИ

- **З.З.Ахмаджонов,**  
Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармонида ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш борасида таълим муассасаларининг ўрни муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда оилавий-маиший зўравонлик жуда кўп ўрганилаётган мавзулардан бири бўлиб, бу ҳақида кўплаб олимлар (И.А.Баева, И.С.Кон, В.Р.Петросянц, Д.Олвеус, Е.Д.Роланд, Д.Лейн) илмий изланишлар олиб боришган. Психолог ва педагог олимлар ўз тадқиқотларида инсонларни зўравонликка олиб келувчи ҳолатлардан энг муҳимлари ҳиссий кечинмалар билан боғлиқ бўлиб, тушқунлик, агрессия, безовталиқ, атрофдагиларнинг салбий муносабати, меҳнатига нисбатан рағбатнинг етарли эмаслиги каби ҳолатлар сабаб бўлиши мумкинлигини исботлашган. Психологлар Н.А.Асанова, А.Б.Орлов, Е.М.Черепанова, С.В.Ильина болаларга нисбатан маиший зўравонликни 4 турга ажратишган: жисмоний зўравонлик; моддий-маиший зўравонлик; жинсий зўравонлик; психологик қаттиққўл муносабат. Уларнинг фикрича, маиший зўрлик икки турда ошқора ва махфий бўлиши мумкин, зўравонликнинг оқибати жуда салбий тус олиб инсон ҳаётига жиддий таъсирлар ва ёмон оқибатлар билан бўлиши мумкин. Психологик зўравонликлар кўпроқ махфийлик ва яширинган тарзда амалга оширилади.

Психолог В.А.Ситарова зўравонлик бу – бир гуруҳ одамлар бошқа бир гуруҳ одамларнинг ўз манфаатлари, мақсадларига эришишлари учун мажбурлашдир, деб таъриф берган ҳамда уни зўравонликнинг мажбурлов усули, деб ҳам таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3827-сон қарори асосида олиб борилган тадқиқот ишида респондентларнинг умумий сони 1051 нафарни ташкил этади. Республиканинг Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Наманган вилоятидаги 354 нафар мактаб, 60 нафар коллеж психологлари, шунингдек, 843 та ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этишди. Олиб борилган тадқиқотларда 36,6% педагоглар таълим муассасасида оилавий-маиший зўравонлик ҳолатлари мавжуд, деган жавобни беришди.



Оимлавий-маиший зўравонликларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин: булар жисмоний, руҳий, иқтисодий, жинсий зўравонлик.

Тадқиқот жараёнида педагогларга оилавий-маиший зўравонликни «жисмоний зўравонлик» ва «руҳий зўравонлик турларини» қандай тушунасиз деган савол билан мурожаат қилдик, уларнинг жавоблари қуйидагича бўлди:

«**Жисмоний зўравонлик**» – иштирокчиларнинг 17,5% и жавобида қўл ёки оёққа тасма, калтак ёки бошқа буюмлар билан уриш, таъсир ўтказиш, деб тушунишар экан, 14,7% и эса катталар томонидан (ота, она, оиланинг бошқа аъзолари) мажбуран жисмоний зўравонлик ишлатиб, талаблари ёки тақиқларини бажартириши, деган жавобни танлашган, тадқиқотнинг 13,8% иштирокчилари зарарли оқибати кам бўлган хатти-ҳаракат учун кучли жисмоний жазо чорасини қўллаш, деган жавобда тўхталишган.


Хулоса қиладиган бўлсак, жисмоний зўравонлик бу – бир инсонга бошқа бир инсон томонидан жисмонан ёки инсон танасига салбий таъсир ўтказувчи воситалар билан, турли совуқ қуроллар билан ва бошқа воситалар орқали таъсир ўтказиши, яъни маълум бир вазифа ёки мақсадга эришиш учун мажбуран ҳаракатга ундаш, тан жароҳати етказишга нисбатан айтилади.

«**Руҳий зўравонлик**» – иштирокчиларнинг 22,9% и руҳий босим, шафқатсиз муносабат, қўполлик, ҳақоратлаш, маънавий зулм ўтказиш каби ҳолатни тушунишар экан, 18,2% и эса болани жуда қаттиқ назоратда ушлаш, қаттиққўллик билан тарбиялаш, деб тушунар эканлар.

Шунингдек, 25,2% педагоглар таълим муассасасида маиший зўравонликнинг учраб туришини қайд этишди.

1-Расм.

«**Бизни жамиятимизда болаларга нисбатан маиший зўравонлик ва шафқатсиз муносабат мавжудми?» деган саволга таълим муассасаси педагоглари (n=834) қуйидагича жавоб беришди:**



Юқоридаги натижалар шуни кўрсатадики, оилавий-маиший зўравонлик тушунчаси ва унинг кўринишлари ҳақида кўпчилик педагогларнинг тўлақонли маълумотга эга эмаслиги аён бўлмоқда.

Синф, гуруҳ раҳбарлари (n=391) ва психологларнинг (n=443) «Ёши катталар томонидан болаларга жазо тариқаси сифатида жисмоний жазони қўллаши мумкинми?» деган саволга қуйидагича жавоб беришди: 47,7% педагоглар ҳар қандай ҳолатда ҳам жисмоний жазодан фойдаланиш мумкин эмас, деб белгилашган, 17% и «мумкин, бола тарбиясида қулоқсиз болани тарбиялаш учун», 15,5% и эса агар бола ёмон ҳулқда, жиноят ижтимоий нормаларга зид ҳаракат қилишни бошласа, тарбиялаш учун фойдаланиш мумкин, деган жавобни беришган, 8,6% педагог ҳуқуқий, ахлоқий, этик нормалардан ташқарига чиқишни бошласа, ҳарқати салбий оқибатларга олиб келса, фойдаланиш мумкин деб жавоб берган, 3,3% педагог фарзанд ота-онаси ва ўқитувчиларни айтганини қилиши учун фойдаланиш мумкин, деб белгилаган, 7,9% педагог эса жавоб беришга қийналишини таъкидлаган.

Жамиятда оилавий-маиший зўравонликни профилактикаси сифатида ота-оналар ва бошқа маъсул ташкилотлар билан таълим муассасаси ҳамкорликда иш олиб бориши зўравонликни олдини олишдаги энг самарали механизмлардан бири ҳисобланади, шу муносабат билан бу механизм қандай ишлаётгани ва ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик қай даражада фаолият йўлга қўйилга-

нини аниқлаш мақсадида педагогларга савол билан муурожаат қилганимизда: Оилавий-маиший зўравонликни келтириб чиқарувчи омилардан бири – бу ота-онани фарзанд тарбиясига масъулиятсизлик билан ёндошиши ҳисобланади. Таълим муассасаси педагогларининг таъкидлашича 40,9% ота-оналар фарзандининг тарбияси, таълим олишида педагог ва синф (гуруҳ) раҳбарлари билан ҳамкорлик олиб бормас экан. Бундан ташқари, 9,2% таълим муассасаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликдаги фаолияти паст даражада эканлигини педагоглар қайд этишган, кўп педагоглар оилавий-маиший зўравонлик профилактикасида асосан Ички ишлар органи ходимлари билан ҳамкорлик қилишаётганини таъкидлашган.

Жамиятда болаларга нисбатан оилавий-маиший зўравонликнинг содир этилиши сабабини аниқлаш мақсадида педагоглар ўртасида оилавий-маиший зўравонликнинг сабаблари нималардан иборат эканлиги тўғрисида сўралганда 46,8% педагог ота-онанинг ҳаётий тажрибаси, педагогик, ҳуқуқий билимлари паст эканлигини таъкидлашди, 22,7% и эса кам таъминланган оилавий муҳит сабаблигини кўрсатишди, 20,1% педагог болаларнинг хулқида оғиш борлиги сабаб бўлишини белгилаган бўлса, 3,8% и болаларнинг эҳтиёжлари қондирилмаслиги, деб белгилашган.

46,1% педагогларнинг таъкидлашича, таълим жараёнида ҳатар гуруҳига кирадиган болалар билан ишлашда вақтнинг камлиги, бунинг натижасида педагоглар ўзларининг шахсий вақтларидан фойдаланишмоқда, етарли даражада методик қўлланмаларнинг етишмаслигини таъкидлашган.

63,7% педагоглар оилавий-маиший зўравонлик бўйича методика ва программа дастури йўқлиги учун ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида профилактика ишларини олиб бормас эканлар (n=834).

Оилавий-маиший зўравонликни таъсири оилаларда қандай намоён бўлади? деган саволга 35,9% педагоглар оилавий-маиший зўравонлик оилаларда девиант хулқни намоён қилиб, болаларда: агрессив хулқ, оилавий низолар, таълимдан узоқлашиш, уйдан кетиб қолиш, безорилик, назоратсизлик, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга ундовчи омиларга сабаб бўлади, дея жавоб қайтаришган.

#### **Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга келдик:**

1. Ҳатар гуруҳига кирадиган ёшлар билан ишлайдиган мутахассислар учун методик қўлланмалар етарли даражада эмас, шу муносабат билан психологлар, педагоглар, ижтимоий ишчи, Ички ишлар профилактика инспекторлари, Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия масъул ходимлари биргаликда методик қўлланмалар ишлаб чиқишлари зарур.

2. Оилаларда оилавий-маиший зўравонликни эрта олдини олувчи механизмлар йўқ, бу салбий ҳолатни олдини олиш учун ота-оналар ва фарзандлар ўртасида педагогик-психологик, ҳуқуқий саводхонликни ошириш механизмини такомиллаштириш, тегишли ташкилотларнинг ҳамкорлигини кучайтириш даркор.

3. Ота-оналарни мактаб фаолиятига жалб этиш механизмини такомиллаштириш лозим.

4. Профилактика соҳасида ҳатар гуруҳига кирадиган ёшлар билан ишлайдиган мутахассисларни билим, малака-қўникмаларини оширувчи семинар-тренинглари ташкил этиш даркор.

5. Ҳатар гуруҳига кирадиган ёшлар билан индивидуал ёндашувдаги психологик диагностика ва коррекция методларини такомиллаштириш керак.

#### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлда «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлда «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3827-сон қарори.
3. Антонян Ю.М., Гульдун В.В. Криминальная патопсихология. – М.: Наука. 1991.
4. Берковиц Л. Агрессия: причины, последствия и контроль / Леонард Берковиц — СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2007. — 510 с.
5. Исроилова Н.А. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш учун тавсиялар. – Т.: 2008.
6. Мусурмонова О, Н.Исраилова, Ф.Азимова Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ёшлар тарбияси. – Т., 2010.
7. О насилии: Славой Жижек – Санкт-Петербург, Европа, 2010.
8. Ситаров В. А – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2015. 424 б.
9. Христенко Е.В. Психология поведения жертвы. – Ростов н /Д: «Феникс», 2004.
10. Хекхаузен Х. Агрессия (введение) // Мотивация и деятельность. Т. 1. – М.: Просвещение, 1986. 365-405 б.

# ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМГА ЖАЛЪ ЭТИШНИНГ ИЖОБИЙ САМАРАСИ

• З.М.Ахмедова, п.ф.н.доцент

Инклюзив таълимни жорий этиш деганда, имконияти чекланган болалар учун халқаро даражадаги таълим соҳасининг сиёсати ва тажрибасидаги муҳим оқибатлар назарда тутилади.

Жаҳондаги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда махсус инклюзив таълим сиёсатини жорий этиш зарурлиги таклиф этилмоқда. У имконияти чекланган ёшларни мактабни таълимлашларидан сўнг максимал имконият даражасида ўз жамоаларига киришиб кетишларини енгиллатиш учун ўз ичига инклюзив таълимнинг ғоялари, кадриятлари ва стратегиясини махсус таълим дастурлари билан бириктириб олган.

Махсус инклюзив таълимни, барча болаларнинг таълим олишлари учун инсон ҳуқуқларининг асосийларидан деб ҳисоблаш мумкин. Шунга қарамай, инсон ҳуқуқлари барча имконияти чекланган болаларнинг ўз тенгдошлари билан бирга таълим олишига имкон беради. Махсус инклюзив таълим алоҳида эҳтиёжманд бўлган болаларнинг таълим олиш ҳуқуқини асосий мақсад деб билади. Умумтаълим мактабларида имконияти чекланган болаларнинг таълим олиши дастур ва стратегияларга асосланиб инклюзив таълимни самарали амалга ошириш учун ташкил этилади. Инклюзив таълим тизимида қуйидаги мақсад ва вазифаларнинг ҳал этилиши талаб этилади:

- таълим муассасасида имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг таълим олишлари учун зарурий психологик-педагогик, коррекцион шароитларни яратиш, уларнинг имкониятига йўналтирилган умумтаълим дастурлари ва коррекцион ишларни амалга ошириш орқали руҳий ривожланиши, ижтимоий мослаштиришни амалга ошириш;
- ўқувчиларнинг таълимдаги тенглик ҳуқуқини кафолатлаш;
- жамиятнинг ва оиланинг фаол иштирокида ногирон ва соғлом болаларнинг эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий ҳаётга эрта мослаштириш;
- имконияти чекланган болалар ва ўсмирларни оилалардан ажрамаган ҳолда Ушбу вазифалар қуйидаги турдаги болалар билан олиб борилади.
- Руҳий ривожланиши сустлашган болалар;
- Ҳаракат мувозанати бузилган болалар;
- Ўз-ўзига хизмат қила оладиган олигофрен болалар ва ўсмирлар;
- Нутқида нуқсонли бўлган (мулоқоти чекланмайдиган даражадаги) болалар;
- Заиф кўрувчи болалар ва ўсмирлар;
- Заиф эшитувчи ва кеч (5 ёшдан кейин) қар бўлган болалар;
- Кўзи ожиз (брайл ёзуви ва ўқишни эгаллаган) болалар ва ўсмирлар;
- Заиф кўрувчи, кўриш қобилияти (04 даражагача) бўлган болалар;
- Қар (мулоқот даражасида нутқи бўлган, ўқиш ва ёзишни эгаллаган) болалар ва ўсмирлар.

Юқорида кўрсатилган имконияти чекланган болалар билан олиб бориладиган инклюзив таълимнинг методик ёрдами, турли хил шаклларда бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: синф ўқитувчисига маслаҳат ва ёрдам бериш; махсус ўқитиш қўлланмалари ва ёрдамчи материаллар билан таъминлаш; ота-оналар, катта ўқитувчилар томонидан мавжуд бўлган ёрдамларни таъминлаш; ўқув режа дарс жадвали, баҳолаш мезонларига мослаштириш ва ўзгаришлар билан таништириш; ўқитувчилар билим ва малакаларини ошириш учун шароит яратиш; фаол қўллаб-қувватловчи раҳбар ва бошқа ижобий мактаб муҳитини ташкил этиш ва таълим жараёнида дўстона муносабатни шакллантириш; маъмуриятга болаларни баҳолашда ёрдам кўрсатиш; ижтимоий психологик ва соғлиқни сақлаш хизматларини мувофиқлаштириш каби ишларни амалга оширишдан иборат.

Инклюзив таълимда алоҳида эҳтиёжли болаларга таълим тарбия бериш, боланинг нуқсон турига кўра синфни ва дарс жараёнини мослаштиришни талаб этади. Инклюзив синф ўқитувчиларига синф – дарс жараёни самарадорлигини оширишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш. Ушбу тавсиялар ҳар бир нуқсон тури бўйича алоҳида тузилади.

Инклюзив таълим ташкил этилган барча умумтаълим мактабларда имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга нисбатдан дўстона муносабатни шакллантирилади, инклюзив таълимни амал-

га ошираётган умумтаълим мактабларида давлат таълим стандартларига илова сифатида имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун коррекцион дастурлар ҳам инобатга олинади, махсус коррекцион ишларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади (махсус жиҳозланган коррекцион хонаси, махсус техник воситалар), инклюзив таълимни амалга ошираётган умумтаълим мактабларида тайёрлов гуруҳ ва биринчи синфларда 35 дақиқа, юқори синфларда 45 дақиқадан дарслар олиб борилади, имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг билимлари уларнинг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларига асосланган ҳолда белгиланган тартибда баҳоланади, таълим жараёнида замонавий умумдидактик тамойиллар билан бир қаторда махсус тамойиллар ҳам эътиборга олинади, коррекцион таълим ўқувчиларнинг эҳтиёжларига кўра табақалаштирилган ҳолда ташкил этилади, инклюзив таълим амалга ошираётган умумтаълим мактабига ўқувчилар ота-оналарнинг аризаси ҳамда «психологик-педагогик комиссия»лар хулосалари асосида қабул қилинади ва таълим муассасалари раҳбарларининг буйруқлари билан тасдиқланади. Инклюзив таълим амалга ошираётган умумтаълим мактабдаги синфларда интеграция қилинган ўқувчилар сони 3-4 нафардан оширилмайди ҳамда ўқувчиларнинг умумий сони 25 нафаргача белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда интеграциялашган (инклюзив) таълимни ривожлантириш сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланади:

- интеграциялашган (инклюзив) таълимни имкониятлари чекланган болаларнинг барқарор ривожланиши, реабилитатсияси, жамиятда мослашуви ва интеграциясининг муҳим омили сифатида тан олинishi;
- интеграциялашган (инклюзив) таълимни сақлаб қолиш ва ривожлантириш мақсадида барча стратегик кучлар, давлат ва нодавлат тузилмалар, кенг жамоатчиликнинг жипслашиши;
- интеграциялашган (инклюзив) таълимнинг ҳамма учун очиклиги, таълим тизимининг ўқувчиларнинг ривожланиш салоҳиятлари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда таълим эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мослашуви;
- имкониятлари чекланган болаларни умумий таълимга интеграциялаш мақсадида таълим муассасалари, ота-оналар, жамоатчилик ташкилотларининг фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш механизмларини яратиш;
- интеграциялашган (инклюзив) таълим муассасалари учун махсус ўқув режалари, ўқув-услубий комплекслар ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларда теварак-атрофдагилар, тенгдошлари билан ўзаро ижобий муносабатларнинг ўрнатилиши, атрофдаги кишиларда коммуникабеллик ва бағрикенгликни ривожлантириш;
- имкониятлари чекланган болаларни уларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларига қаратилган сифатли таълим олишида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;
- Ўзбекистоннинг интеграциялашган (инклюзив) таълим соҳасидаги сиёсати ёш фуқароларнинг таълим олишлари учун оптимал шароитлар яратилишига қаратилади ва қуйидаги мақсадлар бажарилишига йўналтирилади, боланинг ўзига хос таълимга эҳтиёжларини мумкин қадар эрта (хаётининг дастлабки ойларида) аниқлаш, ўзига хос таълим эҳтиёжлари мавжуд болаларнинг барчасини таълимга жалб этиш, имкониятлари чекланган болаларни соғлом тенгдошлари қаторига интеграциялаш учун шароитлар яратиш, имкониятлари чекланган шахсларнинг ўзига хос таълим эҳтиёжларини қондириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, инклюзив таълим муҳитида ишлаётган педагогларга малакали услубий ёрдам кўрсатиш ва рағбатлантириш, уйғун ривожланган авлодни тарбиялашга қаратилган давлат сиёсатини таълим воситалари ёрдамида қўллаб-қувватлаш.

Мазкур мақсадларга эришиш, қуйидаги вазифалар мажмуасининг амалга оширилишини тақозо этади:

- имкониятлари чекланган болаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, махсус интеграциялашган (инклюзив) таълим мазмунини илмий-услубий жиҳатдан ишлаб чиқиш;
- махсус интеграциялашган (инклюзив) таълимни унинг барча поғоналарида ташкил этиш, бошқариш ва мувофиқлаштириш тамойиллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- махсус интеграциялашган (инклюзив) таълимнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, унинг меъёрий ҳуқуқий жиҳатдан таъминотини таълим сиёсатининг мақсад ва вазифаларига мослаштириш;



- болаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда сифатли таълим олишда тенг имкониятларга эга бўлишнинг давлат томонидан кафолатининг амалга оширилишини таъминлайдиган ташкилий-бошқарув механизмларини яратиш;
- махсус интеграциялашган (инклюзив) таълим муассасалари учун педагогик кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш;
- махсус интеграциялашган (инклюзив) таълим муаммоларини илмий-назарий ва илмий-услубий нуқтаи назардан ишлаб чиқилишини таъминлайдиган илмий-педагогик кадрларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини ошириш;
- Ўзбекистоннинг бу фаолиятга давлат, жамоатчилик ташкилотлари, ота-оналарни кенг жалб қилишга қаратилган таълим сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг давлат-жамоатчилик механизмларини ривожлантириш;
- минтақаларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, интеграциялашган (инклюзив) таълим ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини мониторинг қилиш тизимини яратиш;
- интеграциялашган (инклюзив) таълим соҳасида ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, жамоа ташкилотлари ходимлари учун ўқув методик мажмуалар ва оммабоп адабиётларни яратиш.

## **РЕБЕНОК С ОСОБЫМИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМИ ПОТРЕБНОСТЯМИ И ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ РАБОТЫ**

- **С.Ю. Ашурова, кандидат педагогических наук, доцент  
Министерство дошкольного образования Республики Узбекистан**
- **Н.Б.Куватова, Тошкент шаҳридаги Yodju техника институтининг Ахборот-ресурс маркази етакчи мутахассиси**
- **Ф.Х.Гаффаров, Мактабгача таълим вазирлиги бош мутахассиси**

Ребенок с особыми образовательными потребностями (потребностями в образовании) – это вновь возникший и еще не устоявшийся термин, который возникает во всех странах мира при переходе от унитарного к открытому гражданскому обществу, когда оно осознает необходимость отразить в языке свое меняющееся отношение к детям с нарушениями в развитии, новое понимание их прав. В настоящее время он вытесняет из широкого употребления термины «аномальный ребенок», «ребенок с нарушениями в развитии», «ребенок с отклонениями в развитии» и конкретизирующие их специальные термины («Даун», «спастик», «алалик», «дизартрик» и др.) как ярлыки, воспринимаемые как обозначение ненормальности, неполноценности человека.

Выражая отказ общества от деления людей на полноценное большинство и неполноценное меньшинство, новый термин закрепляет смещение акцентов в характеристике этих детей с недостатков, нарушений, отклонений от нормы к фиксации их потребностей в особых условиях и средствах образования. Он подчеркивает ответственность общества за выявление и реализацию этих потребностей.

Термин «ребенок с особыми образовательными потребностями (потребностями в образовании)» используется как в широком социальном, так и в научном контексте. В научном контексте данный термин важен, поскольку ориентирует исследователей на «проницаемость» границ между науками об аномальном и нормальном ребенке, так как детьми с особыми образовательными потребностями могут быть как дети с психофизическими нарушениями, так и не имеющие таковых. В последнем случае особые образовательные потребности могут быть обусловлены социокультурными факторами.

Содержание термина «дети с особыми образовательными потребностями» органично отражает традиционное для отечественной дефектологии понимание ребенка с нарушениями в развитии как нуждающегося в «обходных путях» достижения тех задач культурного развития, которые в условиях нормы достигаются укоренившимися в культуре способами воспитания и принятыми в обществе способами массового образования. Современные научные представления позволяют выделить общие аспекты особых образовательных потребностей разных категорий детей с нарушениями психофизического развития:



**Время начала образования** – потребность в совпадении начала специального целенаправленного обучения с моментом определения нарушения в развитии ребенка. (Так, если нарушение слуха или зрения ребенка выявлено в конце первого месяца его жизни, то немедленно должно начинаться и специальное обучение. Крайне опасна ситуация, когда после выявления первичного нарушения в развитии все усилия взрослых направляются исключительно на попытку лечения ребенка, реабилитацию средствами медицины.)

**Содержание образования** – потребность во введении специальных разделов обучения, не присутствующих в содержании образования нормально развивающегося ребенка. (Например, занятия по развитию слухозрительного и зрительного восприятия речи у глухих, слабослышащих и позднооглохших детей, разделы по социально-бытовой ориентировке для слепых, слепоглохих и умственно отсталых детей, разделы по формированию механизмов сознательной регуляции собственного поведения и взаимодействия с окружающими людьми и др.)

**Создание специальных методов и средств обучения** – потребность в построении «обходных путей», использовании специфических средств обучения, в более дифференцированном, «пошаговом» обучении, чем этого обычно требует обучение нормально развивающегося ребенка. (Например, использование дактилологии и жестовой речи при обучении глухих, рельефно-точечного шрифта Брайля при обучении слепых, значительно более раннее, чем в норме, обучение глухих детей чтению и письму и т.п.)

**Особая организация обучения** – потребность в качественной индивидуализации обучения, в особой пространственной и временной и смысловой организации образовательной среды. (Так, например, дети с аутизмом нуждаются в особом структурировании образовательного пространства, облегчающем им понимание смысла происходящего, дающем возможность предсказать ход событий и планировать свое поведение).

**Определение границ образовательного пространства** – потребность в максимальном расширении образовательного пространства за пределы образовательного учреждения. В продолжительности образования – потребность в пролонгированности процесса обучения и выход за рамки школьного возраста.

**Определение круга лиц**, участвующих в образовании, и их взаимодействие – потребность в согласованном участии квалифицированных специалистов разных профилей (специальных психологов и педагогов, социальных работников, врачей разных специальностей, нейро- и психофизиологов и др.), во включении родителей проблемного ребенка в процесс его реабилитации средствами образования и их особая подготовка силами специалистов.

Понятие «ребенок с особыми образовательными потребностями» нуждается в дальнейшей разработке. Так, представляется необходимым дифференцированное описание, определение и осмысление:

- особых образовательных потребностей разных категорий детей с нарушениями психофизического развития;
- общих образовательных потребностей разных категорий детей применительно к одним и тем же задачам и этапам развития;
- вариантов особых образовательных потребностей конкретных детей по отношению к разным этапам развития и индивидуальным образовательным маршрутам и др.

Исследователи считают, что наиболее актуальными и востребованными в работе с детьми с особыми образовательными потребностями являются активные методы: арт-терапия, игротерапия, приключенческая педагогика, методы и формы событийной педагогики, кейстадии, синквейны, тренинги, портфолио, музейная педагогика и др. Для того чтобы учесть потребности всех учащихся, воспитатель должен подавать материал и требовать его усвоения дифференцированно. Существуют разные методы дифференциации, такие как упрощение, параллельные учебные планы, индивидуальные учебные планы и т.д.

В системе инклюзивного образования должны использоваться методы, воспитывающие в детях уважение к многообразию в образовательных сообществах. Дети, обучающиеся в инклюзивных классах, при вхождении в общество будут больше знать и ценить разницу между людьми. Это станет первой ступенью их социализации. Методы обучения детей с ОВЗ – непосредственные, направлены на взаимодействие педагога и учащегося.

Таким образом, наибольший успех в обучении и развитии ребенка с особыми образовательными потребностями может быть достигнут тогда, когда учебная программа соответствует его потребностям и возможностям. В связи с тем, что потребности и возможности детей с особыми образовательными потребностями отличаются от таковых у их сверстников, возникает необходимость дифференцированного обучения, а также использования активных форм и методов (арт-терапия, игротерапия, приключенческая педагогика, методы и формы событийной педагогики, кей-стадии, синквейны, тренинги, портфолио, музейная педагогика и др.).

## МУРАККАБ НУҚСОНЛИ БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- **М.Ю.Аюпова, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети  
Логопедия кафедраси, педагогика фанлари номзоди, профессор**

Ривожланишида мужассам нуқсонга эга бўлган болаларга коррекцион – педагогик тизимида биз логопедик ишларга алоҳида ўрин ажратамиз, чунки мужассам нуқсонлар тузилишида нутқий бузилишлар муҳим ўринни эгаллайди. Болаларда нутқий нуқсонлар муаммосини ўрганишга кўпгина махсус тадқиқотлар бағишланган бўлиб, биз улар ҳақида аввалги бўлимларда айтиб ўтдик. Бундан ташқари логопедлар бундай ҳолатлар билан амалиётда кўп марта тўқнаш келишади, мураккаб вазиятда қолишади, бунда улар тўғри ва мақсадга қаратилган коррекцион таъсир йўллари-ни мустақил излашлари, педагогик жараёни моделлаштиришлари, аниқ ишда интеграллашган ёндашувни амалга ошириши керак.

Логопеднинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- ривожланишида мужассам нуқсонга эга бўлган болаларни логопедик текшириш методикаларини ишлаб чиқиш;
- боланинг нутқий ривожланиш даражаси, нутқий хусусиятларини аниқлаш мақсадида диагностика тадбирларни ўтказиш;
- бу тоифа болалар билан коррекцион-логопедик ишларда ўзаро алоқа ўрнатиш.

Ташхис қилиш босқичи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу вақтда мавжуд нуқсонлар, уларнинг мазмуни, болаларнинг индивидуал хусусиятлари аниқланади. Ривожланишида мужассам нуқсонга эга бўлган болаларни логопедик текшириш етарли даражада кенг доирадаги муаммоларга – бола анамнезини, оилавий шароитини, нутқ аппарати тузилишини ўрганишга, тил тизимидаги бузилишларни аниқлашга, фонематик эшитув ҳолатини аниқлашга ва бошқаларга йўналтирилган.

Бу логопедик текширув ўзининг асосига кўра мавжуд ва синалган методикалардан фарқ қилмайди (Г.А. Волкова, Т.Б.Филечова, Г.В. Чиркина) [1]. Бу соҳадаги ишланмаларни ҳар бир аниқ ҳолатдаги нуқсонларнинг ўзига хослигига, шунингдек болаларнинг ёшига кўра қўллашга тўғри келади. Масалан, кичкинтойлар учун материал соддалаштирилади; кўришида нуқсони бўлган болар учун эса, расмлар ўрнига ҳақиқий предметлар, ўйинчоқлар ёки релефли расмлардан фойдаланилади; топшириқлар учун кўрсатмаларни тўғри тузиш ва танлаш муҳим аҳамиятга эга. Болалар контингентининг ўз тавсифига кўра хаддан ташқари полиморфлигини ҳисобга олиб логопедик текширувда диагностика методикалар тузишда таяниш лозим бўлган қуйидаги тамоилларни тавсия этиш мумкин:

**Комплекслилик тамойили** мутахассислар – шифокорлар, логопедлар, психологлар (уларнинг муҳокамасига кўра) маълумотини тўплаш ва таҳлил қилишни кўзда тутади.

**Ёш чегараларни ҳисобга олиш талаби**, ўз олдига болаларнинг ёшига кўра ташхис қилиш, кейин ўқитишни мақсад қилиб қўяди. Махсус муассасаларга болалар турли хил ёшда келишади (3 ёшдан 5 ёшгача) шунинг учун, текшириш топшириқларини ҳар бир боланинг ёш имкониятларига кўра ишлаб чиқиш керак, бунда унга айнан шу ёшида бажара оладиган топшириқлардан бошлаш таклиф этилади.

**Боланинг нутқий имкониятларини ҳар томонлама ўрганиш тамойили** – бу логопедик текширувда: артикуляцион аппаратнинг қурилиши ва ҳаракатчанлик даражаси умумий ва майда моторика, орал праксис, фонематик ва синтез кўникмалар, шунингдек, товушлар талаффузи нутқнинг лексик-грамматик томонлари ва бошқа муҳим хусусиятларини бирма-бир ўрганиш дегани.

Текшириш турли хил усуллар ва методларнинг йиғиндиси асосида, ҳар бир алоҳида вазиятга мос равишда ўтказилиши керак. Унинг мувоффақиятини белгиловчи муҳим шарт, кўрсатмаларни тўғри танлаш, баъзан эса таклиф этилаётган вазифаларни тўғри тушунтириш усуллари ҳисобланади. Улар кўргазмалар оғзаки бўлиши мумкин, кўрсатишда логопед билан ҳамкорликда бажаришда аста секин мустақил бажаришга ўтиши мумкин. Бола ундан нима талаб қилинаётганлиги, олдидан қандай вазифа турганлигини тушуниши керак.

Ривожланишида мужассам нуқсонга эга бўлган болалар билан ишлашда текширишнинг стандарт усулларида фойдаланмаслик керак. Сақланган ва бузилган функциялар, ва болаларнинг нутқий имкониятларига боғлиқ равишда вербал ва невербал топшириқлар таклиф этилади. Баъзи болалар учун танланган топшириқларнинг кўпчилиги невербал бўлиши лозим бўлса, бошқаларига эса, ҳам вербал, ҳам невербал топшириқларни афзал кўришади.

Топшириқларни бажариш тезлигини, бола фаолиятининг тўғрилиги ва аниқлигини қайд этиш ва қийинлаш муҳим аҳамиятга эга. Текшириш давоми кўпгина аҳамиятли ҳолатлар: болаларда топшириққа қизиқиш уйғондими ёки йўқми, уларнинг диққати, чарчаш даражаси, мувоффақиятсизликка муносабати қай даражада эканлиги ва бошқалар аниқланди.

Нутқ ўзида мураккаб физиологик, психологик, фикрлаш жараёнини акс эттириб, унда элементар даража каби (сенсомотор, гностик-амалий), унинг юқори ташкил этилган даражаси ҳам қўшилиб келади (маъновий, тил хусусиятлари). Шунга боғлиқ равишда нутқ ва унинг бузилиши, шунингдек, уни тузатишга қаратилган коррекцион иш ҳам турли томонлардан кўриб чиқилади – тиббий, психологик, лингвистик, психолингвистик.

Ҳаракат соҳаларидаги бузилишлар, кўпол сенсор ва баъзи ҳоллардаги ақлий етишмовчилик нутқнинг барча компонентларини ривожланмаслигига олиб келади. Ривожланишида мужассам нуқсонга эга бўлган болалардаги нутқий нуқсонлар ўзига хос ҳолатларга эга бўлиб (артикулятсия ва акустикасига кўра ўхшаш товушларни фарқлашдаги, таллаффузни ўз назоратига олишни ўзлаштиришда, нутқнинг грамматик қурилишини ўзлаштиришдаги қийинчиликлар), коррекцион таъсирнинг дифференциал методларини талаб этади [2]. Турли нуқсонлари қўшилиб келган болалар нутқ бузилишларини ўрганишда нафақат барча нутқий фаолият компонентларини, балки, кейинчалик комплекс логопедик таъсир асосида ётувчи нонутқий функциялар ҳолати ҳам таҳлил қилинади ва қайд этилади. Бу тоифа болалар билан ишлашнинг ўзига хослиги шундаки, нутқ нуқсонларини коррекциялаш ва уни кучайтирувчи кўпгина омиллар қўшимча бузилишлар характерини кўриш, эшитиш ҳолати, ҳаракат имкониятлари ва идрок хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Логопедик машғулот- бу қатор ўзаро таъсир ётувчи, қисимларни бирлаштирувчи бутун бир педагогик усуллар тизимидир. Бу машғулотлар коррекцион таълимнинг асосий шакли ҳисобланиб бу жараёнда нутқнинг барча компонентларини кетма-кет ва ўзаро алоқада ривожлантириш амалга оширилади. Етакчи ташкилий шакллар: якка ва фронтал машғулотлардир [3,4]. Ривожланишида мураккаб нуқсонга эга бўлган болалар учун якка иш шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Якка логопедик машғулотларни мувоффақияти учун уларини тўғри ташкил этиш ва махсус бузилишлар ҳақида аниқ билимлар зарур бўлади. У ёки бу бузилишни бартараф этиш вақти, шунингдек уни бартараф этиш кетма-кетлигини аниқлаштириш, текшириш давомида белгиланган нуқсоннинг намоён бўлиши ҳолатига боғлиқ.

Барча ишларини тўғри режалаштириш катта аҳамиятга эга. Унинг ҳар бир босқичи чуқур ўйланган аниқ мақсадлар ва якуний натижалар белгиланиши керак. Машғулотни режалаштириш жараёни мақсадни аниқлашдан бошланади. Бунда таълимий фаолият ва болаларнинг билиш фаолигини ривожлантирилишга бериладиган урғу аниқ шакллантирилиши керак. Машғулотнинг тузилиши метод ва усулларни танланиши, луғат иши унинг мавзуси ва мақсадига боғлиқ бўлади.

Машғулотларни ўтказишда логопед ҳар доим болалар нимани ўзлаштиришди ва нимани устида ишларни давом эттириш зарурлигини белгиловчи кузатувчи, таҳлиллар олиб бориши керак. Логопедик иш дастури қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, унинг учун натижавийлик ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда қурилиши мумкин.

1. Бу ишда нутқнинг коммуникатив функциясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Нутқий мулоқатнинг жадаллашуви кенг нутқий амалиётни пайдо бўлишига олиб келади. Мулоқатга киришишга йўналтирувчи бўлиб болалар талаффузи учун қулай ва улар мулоқати

учун долзарб бўлган материални тўғри танланиши хизмат қилади. Шунингдек, қулай шароит яратиш, бевосита мулоқот ўрнатишга йўналтирилган турли хил фаолият турларидан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Болаларни қайта ишланган нутқий опператсияларини ўхшаш ёки янги шароитларда қўллашга эгалланган кўникмаларни турли фаолият турларида ижодий амалга оширишга ўргатиш керак.

2. Болаларнинг нутқий ривожланишининг паслиги ва материални ўзлаштириш секинлиги темпи билан боғлиқ равишда таклиф этилаётган материал хажмини тўғри белгилаш, ҳар бир машғулотнинг мазмунига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Бу тоифа болалар билан ишлашнинг ўзига хослиги мужассам нуқсон компонентларининг тузилишларига боғлиқ бўлиб, бу турли хил нутқий (дизартирия, ринолалия ва бошқалар) бузилишларда, анализатор тизимининг бузилишларида (кўриш, эшитиш, таянч-ҳаракат аппарати) ёки интеллектуал бузилишларда намоён бўлиши мумкин. Масалан, кар ёки кўр дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болалар билан логопедик ишлашда логопедик массажни киритиш, артикуляцион машқларни фаол олиб бориш зарур ва ҳақозо.

3. Бу тоифа болаларнинг кўпчилигида анализ-синтез фаолиятини ривожланиш хусусияти олий психик функцияларни ривожлантиришни кўзда тутади. Ҳар бир машғулот давомида коррекцион вазифалар у ёки бу психик функцияларга урғу беради –хотира, диққат, идрок, таффакур.

4. Логопедик машғулотларни режлаштиришда нутқий фаолиятни шакллантиришда анча самарали иштирок этадиган турли хил сақланган анализаторлар фаолиятини фаоллаштиришга йўналтирилган машқларни киритиш зарурати кўзда тутилади.

5. Бундай машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг муҳим шарти иш усуллари мазмунини ўзаро алоқада такрорлаш тизими ҳисобланади. Такрорлашлар механик эмас, балки онгли бўлиши керак, машғулотлар турини ўзгартириш орқали болаларга қизиқарли ва янги элементларга эришади. Материални мустаҳкамлаш учун такрорлаш тизимига махсус яратилган ёки ўз-ўзидан пайдо бўлувчи шароитлар киритилади.

6. Логопедик машғулотларда турли хил методлар қўлланилади: амалий, кўргазмали ва оғзаки. Уларни танлаш ва қўллаш хусусиятлари нутқий ва қўшимча нуқсонлар, логопедик таъсир мазмуни, мақсади, вазифалари иш босқичи, боланинг индивидуал –психологик хусусиятларига боғлиқ равишда белгиланади. Масалан, кўр болада дизартрия кўринишидаги нуқсонни бартараф этишда амалий ва оғзаки методларга таяниш мақсадга мувофиқ.

Болаларни ўқитиш метод ва усулларини бирлаштириш ва танлаш мезони фаолият турларини алмаштириш ҳисобланади: расмларни номлаш, ҳамкорликда ва аксли гапириш, берилгани товушга мос сўз топиш, эшитиш ва бошқалар. Машғулотни режалаштириш керакки, болаларда турли анализаторларнинг ҳаммаси бевосита иштирок этсин–ешитув, кўрув, нутқ ҳаракат, тактил ва ҳақозо.

7. Бу тоифа болаларни ўзига хос хусусиятларига боғлиқ равишда ўқув жараёни ташкил этишни муҳим шартларидан бири логопедик машғулотларни дидактик материаллар билан ёритиш ҳисобланади. Бунда нутқ ва таянч–ҳаракат аппаратида нуқс бол фаолиятининг тўғрилиги ва аниқлигини сонларга эга бўлган болалар учун етарлича катта, ёрқин, аниқ, тактил юза билан тасвирланган бўлиши керак. Агар болаларда нутқий бузилиш кўриш нуқсонлари билан бирга қўшилиб келса, бунда асосий талаб расмли материалларга берилади: тасвир ёрқин, чегаралари аниқ тасвирланган бўлиши керак.

## Адабиётлар

1. Аюпова М.Й. Логопедия. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2007
2. Жигорева М.И. Дети с комплексными нарушениями в развитии: педагогическая помощь. – М.: Издательский центр Академия, 2006
3. Игнатова С.А., Блинков Е.А. Логопедическая реабилитация детей с отклонениями в развитии. – М.: Гуманитарный изд. центр Владос, 2004
4. Зайсева Г.Л. Дактилологии. Жестовая реч. – М.: Просвещение, 2000.



# МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИДА ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИ АНИҚЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

- **М.Н.Аъзамова, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси  
Мактабгача таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш бўлими бошлиғи**

Бугунги кунда республикамизда мактабгача таълим тизимини янги сифат босқичига кўтаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан 2016 йил 29 декабрида қабул қилинган «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2707 сонли ҳамда 2017 йил 30 сентябридаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3305-сон қарорлари [1] мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга асос бўлди.

Мактабгача ёш бола ривожланишидаги муҳим ва ўзига хос давр бўлиб, бу ёшда шахсни таянч асослари шаклланади, хилма-хил фаолият турлари шаклланади, ихтиёрий дикқати, ўз истак ва эҳтиёжларини ўзгалар истак ва эҳтиёжлари билан таққослаш қобилияти юзага келади, ҳиссий-иродавий соҳа фаол ривожланади. Шу билан бирга, хилма-хил фаолиятлар давомида, айниқса, ўйин фаолиятида шахслараро муносабатларни динамик ривожланиши амалга ошади. Бу даврда шахслараро муносабатлардаги дўстоналик, бағрикенглик, сезгирлик асослари вужудга келади.

«Илк қадам» дастури болаларни бир-бирига ижобий, самимий муносабатда бўлишини ҳамда турли фаолиятларда катталар томонидан болаларнинг ҳамжиҳатликдаги муносабатларини қўллаб-қувватлаши мазкур таълимий-тарбиявий дастурни самарали амалга оширишнинг муҳим шarti дея белгилайди.

Мактабгача таълим юзасидан турли соҳа олимлари томонидан илмий ишлар олиб борилган бўлса-да, бироқ мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик жараённи илмий асослаш ҳамда махсус тадқиқ этиш заруратининг сақланиб қолаётганлиги бу борада чуқур илмий ёндашувлар, янги билимларга бўлган эҳтиёж юзага келганлигини кўрсатмоқда.

«Муносабат» тушунчаси илмда аниқ таърифга эга эмас. Муносабат психологиясини яратувчиларидан бири В.Н.Мясищев таъкидлашича, «ривожланган холдаги инсон муносабатлари шахсининг объектив борлиқнинг турли томонларига эга ўзига хос, индивидуал, танланувчи, онгли бир бутун алоқалар тизимини ташкил этади».

Мактабгача педагогикада болаларнинг шахслараро муносабатлари турли томонлардан ўрганилган. Жумладан, Р.С.Буре, Я.Л.Коломинский ва бошқалар мактабгача ёшдаги болаларни шахслараро муносабатларини ҳамкорликдаги фаолиятига таъсирини таҳлил қилишган, В.Н. Бутенко турли ёшдаги болалар гуруҳларида шахслараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаган. Психологик-педагогик адабиётларда мактабгача ёшдаги болаларни хилма-хил фаолият турларида (билиш фаолиятида (А.П. Усова, В.А.Павленчик ва б.қ.), меҳнат фаолиятида (Р.С.Буре), тасвирий фаолиятда (С.В.Кахнович, О.А.Овсянникова ва б.), ижтимоий-маданий фаолиятда (Е.А.Ильинская), ҳаракат фаолиятида (М.Н.Сокольников) муносабатларни шакллантиришга ёндашувлари аниқланган.

Мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларни аниқлаш ва ривожлантириш йўналишидаги замонавий тадқиқотларида рус олимлар мактабгача ёшдаги болалар ўртасида инсонпарвар (В.В.Абраменкова, О.В.Вакуленко, В.Г.Нечаева, Т.А.Маркова, К.О.Орлов,

Н.И.Цуканова, Е.Э.Шишлова ва б.), эзгу ниятли (Т.И.Бабаева, Т.И.Ерофеева, Г.П.Лаврентьева, Е.О.Смирнова, М.Н.Сокольников ва б.), бағрикенг (Е.А.Ильинская, О.Н.Подивилова б.қ.), ижобий (Ю.М. Едиханова, Ю.А.Приходько б.), қулай (С.В.Кахнович), зўравонликсиз (Т.Н. Икрянникова, В.Г.Маралов ва б.) муносабатларни шакллантиришни ўрганишмоқда. Кўпгина тадқиқотларда мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларни тенгдошларига нисбатан дўстона муносабат шакллантиришда тарбиявий жараён имкониятларидан етарлича фойдаланмаслиги кўзга ташланмоқда.

Болаларни дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликка ўргатиш орқали уларни интеллектуал ривожлантириш ва биргаликдаги ўқув фаолиятига тайёрлашнинг назарий асосларини таҳлил қилишга интилдик. Аниқланган ёндашувларга асосланган ҳолда болаларни ҳамкорликда фаолият кўрсатишга ўргатишда бир қатор педагогик шарт-шароитларгатаяниш зарурлигини аниқлашга муваффақ бўлдик.

Кўпгина олимлар мактабгача ёшдаги болаларни дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликкаўргатишда ўйин усулларида фойдаланишни таклиф этишади. Бу даврда етакчи фаолият сифатида намоён бўлувчи ўйин фаолияти (Л.А. Венгер, Л.С. Выготский, Л.Н. Леонтьев, В.С. Мухина, Л.Ф. Обухова, Д.Б. Эльконин ва б.қ.) дўстона муносабатларни шакллантиришнинг энг самарали қуроли сифатида таърифланган.

Шу билан бирга ўйин мустақил фаолият бўлиб, бу жараёнда болалар ўз тенгдошлари билан алоқа қилишга киришадилар. Уларни умумий мақсад, унга эришишдаги умумий кечилмалар бирлаштиради. Шунинг учун ўйин дўстона муносабатларни тарбиялашда, жамоа ҳаёти малакаларини, дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик қобилиятларини шакллантиришда муҳимдир. Биргаликдаги ўйин билан бирлашган кичик болалар жамоасида мураккаб муносабатлар вужудга келади. Тарбиячининг вазифаси ҳар бир болани фаол ўйинга жалб қилиш, болалар ўртасида дўстликка, ҳаққонийликка, ўртоқларини жавобгарлигини сезишга асосланган муносабатлар ўрнатишдан иборат.

Д.И.Фельдштейннинг таъкидлашича, айнан ўйин жараёнида бола атрофидаги одамлар «мураккаб муносабатларда қатнашишини, унинг ўзи ҳам мазкур муносабатларнинг меъёрларини инобатга олган ҳолда фақатгина ўзининг эмас, балки ўзгаларнинг нуқтаи назарларини эътиборга олиши керак эканлигини англайди».

Мактабгача ёшдаги болалар дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш ниҳоятда зарур бўлиб, бундай кўникмаларни баҳолашда бир қатор мезон ва кўрсаткичлар ишлаб чиқилди, улар қуйидаги жадвалда акс этган:

#### 1-жадвал

Дўстона муносабат шаклланганлик мезонлари	Дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликни шаклланганлик кўрсаткичлари
Когнитив мезон	Болани ўзи, атрофдагилари ва тенгқурлари билан дўстона муносабатларни ташкил этиш ҳақидаги билим ва тасаввурлари, бола томонидан дўстона мулоқот меъёрлари ва қоидаларини англаши.
Хиссий меъон	Болани тенгқурларига нисбатан муносабати характери, ўзаро мулоқотга эҳтиёжи, дўстоналик, самимийлик, ўзгалар ҳиссиётига сезгирлик, бағрикенглик, ҳамкорлик асосида ёрдам бериш истагини намоён бўлиши
Хулқий мезон	Болани дўстлик, яхши ният, ўзгалар ҳиссиётига сезгирлик, сабр-тоқат асосида атрофдагилар билан ҳамкорлик муносабат қуриш кўникмаси.

Ҳар бир мезон бўйича дўстона муносабатларни шаклланганлик даражаси 2-жадвалга келтирилган.

Дўстона муносабат шаклланганлик мезонлари	Дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларининг шаклланганлик даражалари		
	Паст даража	Ўрта даража	Юқори даража
Когнитив мезон	Бола атрофдагилари ва тенгкурлари билан дўстона муносабатларни ташкил этиш, дўстона мулоқот меъёрлари ва қоидаларини ҳақида кам ҳажмдари билим ва тасаввурларига эга, уларнинг аҳамиятини англай олмайди.	Бола атрофдагилари ва тенгкурлари билан дўстона муносабатларни ташкил этиш, дўстона мулоқот меъёрлари ва қоидаларини ҳақида қисман тасаввурга эга.	Бола атрофдагилари ва тенгкурлари билан дўстона муносабатларни ташкил этиш, дўстона мулоқот меъёрлари ва қоидаларини ҳақида тўлиқ ҳажмдари билим ва тасаввурларига эга, уларнинг аҳамиятини англай олади.
Ҳиссий мезон	Аксарият ҳолларда бола тенгдошлари билан ўзаро муносабатга киришиш учун ижобий кайфиятга эга эмас, кўп ҳолларда тажовузкорлик, худбинлик, бошқаларга нисбатан мурасасизлик намоён этади.	Кўп ҳолларда тенгдошлари билан ўзаро муносабатга киришиш учун ижобий кайфиятга эга, яқин ўртоқларигагина ҳамдардлик, ёрдам кўрсатади, ўз ҳиссиётларини хар доим ҳам бошқара олмайди, кўпинча бошқаларга бефарқ бўлади	Хар доим тенгдошлари билан ўзаро муносабатга киришиш учун ижобий кайфиятга эга, ҳамдардлик, ёрдам кўрсатади, ўз ҳиссиётларини бошқара олади, ўзгалар ютуқларига хурсанд бўлади.
Хулқий мезон	Бола тенгдошларини фаолияти билан умуман қизиқмайди, катталарни уларга нисбатан танбеҳларини қўллаб-қувватлайди, ўзгалардан юқорирок туришини кўз-кўз қилади, ўзгаларга ёрдам кўрсатмайди.	Бола тенгдошларини фаолияти билан баъзида қизиқади, унга намойишкорона баҳо беради, ўзи фойда кўрсагина ўзгаларга ёрдам кўрсатади, бошқарининг ютуқларига ҳасад қилади.	Бола тенгдошларини фаолияти билан фаол қизиқади, унга ижобий баҳо беради, ўзгалар ютуқ ва муаффақиятсизликларига ҳиссиётларини билдиради, фидокорона ёрдамкўрсатади.

Мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик кўникмаларининг шаклланганлик даражаларини аниқлаш юзасидан тажриба-синов тўртта ҳудудда Навоий, Бухоро, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларида ўтказилди. Тажриба-синовда жами 712 нафар респондент-тарбиячилар ва 1511 нафар тарбияланувчилар қатнашишди.

Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган таълим концепциясига таянилган ҳолда мактабгача таълим-тарбияни ташкил этиш тизимида болаларнинг дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорлик муҳитининг субъекти сифатида намоён бўлишларини таъминлаш, уларни хар томонлама когнитив, ҳиссий ва хулқий ривожлантиришга эришилди, олиб борилган тадқиқот натижалари асосида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрида қабул қилинган «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2707-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябридаги «Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3305-сон қарори.

# ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ПРАВОВЫХ ГАРАНТИЙ СОЦИАЛЬНО УЯЗВИМЫХ ДЕТЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

• А.А. Базаров, Самаркандский региональный филиал РЦСАД

Ребенок, ввиду своего физического, психологического развития, умственной незрелости и особой уязвимости нуждается в специальной охране и заботе, включая надлежащую правовую защиту.

Депутаты Олий Мажлиса, правительство и лично Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев уделяют особое внимание правам ребенка. Так, острая полемика завязалась на проведенном 18 октября 2019 года очередном заседании нижней палаты парламента вокруг проекта закона «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с дальнейшим усилением гарантий прав ребенка». Следует отметить, что разработанный в соответствии с постановлением Президента «О дополнительных мерах по дальнейшему усилению гарантий прав ребенка» от 22 апреля 2019 года проект закона после его принятия в первом чтении депутатами нижней палаты парламента, несмотря на активную работу над проектом, обсуждение продолжается.

Кроме этого глава государства также поручил разработать закон «О социальной защите детей-сирот и детей, оставшихся без попечения родителей», а также проект концепции по внедрению системы ювенальной юстиции.

Необходимость в такой специальной охране была указана в Женевской декларации прав ребенка 1924 года и признана во Всеобщей декларации прав человека 1948 г., Декларации прав ребенка 1959 г., Конвенции о правах ребенка 1989 г., а также в уставах специализированных учреждений и международных организаций, занимающихся вопросами благополучия детей.

В юридической терминологии различаются такие понятия как «ребенок», «малолетний», «дети», «подросток», «несовершеннолетний». Как видим, все категории охватываются возрастным параметром в рамках которого ребенок определяется как лицо, не достигшее возраста совершеннолетия, то есть 18 лет. Для правильного понимания вышеуказанных терминов, например, «ребенок» и «несовершеннолетний» необходимо рассмотреть эти понятия системно.

Э.Б.Мельникова придерживается мнения, что «под несовершеннолетним признается человек, не достигший определенного возраста, с достижением которого закон связывает его полную дееспособность, т. е. реализацию в полном объеме субъективных прав и юридических обязанностей, провозглашенных Конституцией и другими законами страны» [1].

В Конвенции о правах ребенка от 20 ноября 1989 г. в статье 1 используется понятие «ребенок», под которым понимается человек, не достигший возраста 18 лет. Представляется, что если в международных документах отсутствует указание на возраст, с достижением которого наступает совершеннолетие, то выбор (из имеющихся в международной практике стандартов) при его определении должен быть сделан в пользу верхней возрастной границы. В большинстве случаев, несомненно, основанием для определения возрастных рамок несовершеннолетия должны стать положения Конвенции ООН о правах ребенка.

Конвенция о правах ребенка касается лиц, не достигших 18-летнего возраста, «если по закону, применимому к данному ребенку, он не достигает совершеннолетия ранее» (статья 1 Конвенции о правах ребенка), и для их характеристики используется общий термин «дети». А в Правилах ООН, касающихся защиты несовершеннолетних, лишенных свободы (1990 г.), не содержится никаких уточнений относительно 18-летнего порога, и, судя по их названию, они относятся к лицам, именуемым «несовершеннолетними» [2]. Напротив, в Пекинских правилах (принятых раньше, чем «Конвенция о правах ребенка»), где для определения целевой группы тоже использовался термин «несовершеннолетние», не установлен конкретный возраст, а вместо этого сказано, что для целей данного документа «несовершеннолетним является ребенок или молодой человек, который в рамках существующей правовой системы может быть привлечен за правонарушение к ответственности в такой форме, которая отличается от формы ответственности, применимой к взрослому» (правило 2.2.а.).



В Эр-Риядских руководящих принципах тоже отсутствует конкретное определение, однако отмечается, что их следует толковать и применять «в расширенном контексте» других документов, в том числе «Конвенции о правах ребенка» и «Пекинских правилах». В отношении возраста это предполагает применение наивысшего стандарта из тех, которые установлены вышеуказанными документами: в большинстве случаев это, несомненно, предусмотренные «Конвенцией о правах ребенка» «лица, не достигшие 18-летнего возраста», однако к странам, где дела лиц в возрасте 18 лет и старше, все еще рассматриваются органами (судами) по делам несовершеннолетних, может быть применимо открытое определение, данное «Пекинскими правилами». «Руководящие принципы», несмотря на свое название, как правило, используют термины «дети» и «юношество», причем зачастую одновременно; термин «несовершеннолетние» встречается в их тексте только в значении прилагательного, например: «правосудие в отношении несовершеннолетних» или «несовершеннолетняя преступность».

Правовой институт прав и свобод ребенка составляет одну из важнейших правовых основ развития Республики Узбекистан, определяя дальнейшее развитие этой сферы общественных отношений.

Узбекистан, присоединившись в 1992 году к Конвенции о правах ребенка, создала правовую базу защиты прав и свобод ребенка. Права ребенка регламентируются Конституцией Республики Узбекистан, законами, Указами Президента Республики Узбекистан, Постановлениями Кабинета Министров Республики Узбекистан и другими нормативно-правовыми актами.

В этом отношении особое место занимает Закон «О гарантиях прав ребенка», принятый с учетом рекомендации Комитета ООН по правам ребенка, который впервые определяет значение понятий «ребенок» (дети), «ребенок-сирота», «социально уязвимые дети», «ребенок-инвалид» и др.

В законе также определены основы государственной политики, полномочия и направления деятельности государственных органов и общественных формирований граждан в сфере обеспечения прав ребенка и создания необходимых условий для их практической реализации.

Понятие «ребенок (дети)» впервые вводится в указанном Законе Узбекистана и до его принятия термин «ребенок», или «дети» применялось без определения его содержания. Это определение ребенка является важным, так как устанавливает, кто находится под защитой Закона о гарантиях прав ребенка (ЗГПР) и других законов, относящихся к сфере защиты прав ребенка.

Понятие «ребенок (дети)», определение которого дано в рассматриваемом Законе полностью соответствует положениям ст. 1 Конвенции ООН о правах ребенка и означает – лицо (лица) до достижения 18-летнего возраста, если по закону, применяемому к данному ребенку, он не достигает совершеннолетия ранее.

Формулировка, предложенная в статье 1 Конвенции о правах ребенка, не рассматривает вопрос установления момента, с которого производится отсчет «детства», тем самым сознательно избегая в виду большого разнообразия национальных норм по этому вопросу единого решения проблемы для всех без исключения государств.

Избегая четкой отсылки, как к факту рождения, так и моменту зачатия, Конвенция предлагает гибкость и открытость решения, оставляя на усмотрение национального законодательства рассмотрение вопроса определения начала детства или жизни ребенка.

Статья 1 Конвенции однако, устанавливает верхний возрастной предел, равный восемнадцати годам. Таким образом, этот возрастной порог подлежит применению государствами-участниками в качестве основы и отправной точки для установления того или иного конкретного возраста для тех или иных целей или деятельности.

В законодательстве страны, в частности вышеуказанного Закона определено понятие «законные представители ребенка – родители, усыновители, опекуны и попечители». Определение понятия «законные представители ребенка», данное в статье 3 Закона исходит из положения ст. 67 Семейного кодекса Республики Узбекистан и устанавливает перечень лиц, которые выступают в качестве законных представителей ребенка.

В ст. 67 Семейного кодекса Республики Узбекистан говорится, что защита прав и законных интересов ребенка осуществляется родителями (лицами, их заменяющими), а в случаях, предусмотренных Кодексом, – органом опеки и попечительства, прокурором и судом.

Таким образом, законными представителями ребенка признаются его родители, усыновители, опекуны и попечители, однако в случаях, установленных Семейным кодексом Республики Узбекистан и другими законодательными актами, защита прав и законных интересов ребенка осуществляется также прокурором и судом.

Следует подчеркнуть, что родители не вправе представлять интересы своих детей, если органом опеки и попечительства установлено, что между интересами родителей и детей имеются противоречия. В случае разногласий между родителями и детьми орган опеки и попечительства обязан назначить своего представителя для защиты прав и интересов детей. Родители не могут также быть законными представителями ребенка в случае лишения их родительских прав.

В статье 3 Закона «О гарантиях прав ребенка» впервые указывается термин «ребенок – сирота», под которым понимается ребенок, оба родителя которого умерли или объявлены умершими по решению суда. Ребенок, чьи усыновители умерли или объявлены умершими по решению суда, также считается «ребенок – сирота».

К ребенку с недостатками физического и (или) психического развития Законом отнесен ребенок с физическими, умственными, сенсорными (чувственными) и (или) психическими нарушениями, не являющимися достаточными для назначения инвалидности. Определение содержания этих понятий в Законе вызвано различиями в правовом статусе этих категорий детей.

Дети, которые классифицируются, как дети – инвалиды, имеют определенные права и право на причитающиеся выплаты, в соответствии с национальным законодательством, в то время как это не применимо к детям с физическими и умственными нарушениями. Закон стремится обеспечить специальную защиту и право на причитающиеся выплаты для детей с физическими и умственными нарушениями, давая определение, как этому понятию, так и понятию «социально-уязвимые дети».

В Законе впервые дается четкое определение широко распространенного понятия «социально уязвимые дети» как дети, находящиеся в трудной жизненной ситуации в силу сложившихся обстоятельств, нуждающихся в особой защите и поддержке со стороны государства и общества. К социально уязвимым детям Законом отнесены: дети – инвалиды; дети с недостатками физического и (или) психического развития; дети – сироты; дети, оставшиеся без попечения родителей, дети, воспитываемые в специализированных детских учреждениях; дети без определенного места жительства; дети из малообеспеченных семей; дети, привлеченные к уголовной ответственности и находящиеся в учреждениях по исполнению наказания; дети, пострадавшие в результате насилия и эксплуатации, вооруженных конфликтов и стихийных бедствий.

Нормативно-правовые документы, обеспечивающие права ребенка, и соответствующие национальные и международные правовые нормы направлены на защиту прав ребенка в целом и социально-уязвимых детей в частности. Они классифицируются по назначению, по территории действия, по юридической силе, по отраслевой принадлежности и др. и они составляют основу эффективного применения международных стандартов в национальном законодательстве по точному и грамотному осуществлению правового регулирования прав детей в Узбекистане.

### Литература

1. Мельникова Э.Б. Ювенальная юстиция. // Учебное пособие. – М., 1999. С. 16.
2. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН 45/113 от 14 декабря 1990 г. «Правила Организации Объединенных Наций, касающиеся защиты несовершеннолетних, лишенных свободы» // Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк, 1992.

# ЎЗБЕКИСТОНДА МИГРАЦИЯ ТАЪСИРИДАГИ БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ, АМАЛИЁТ ВА ТАВСИЯЛАР

- **Р.Базарова,**  
Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, етакчи мутахассис

Халқаро ҳамжамиятда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг қабул қилиниши ва тан олиниши вояга етмаганларнинг муҳим ҳаётий эҳтиёжлари қондирилиши кафолотларини ҳамда жамият тараққиётининг муҳим бўғини сифатидаги кадр-қимматини таъминлаш бўйича чораларни белгилаб берди.

Конвенция – бола ҳуқуқларининг ҳимоясига қаратилган мукамал ҳужжат бўлиб, унда инсон ҳуқуқларининг барча йўналишлари – фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳалари ўз аксини топган.

Бола ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрида қабул қилинган бўлиб, 1990 йил сентябрдан қонуний кучга кирган.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция дунёдаги барча болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, жумладан уларнинг камситилишдан холи бўлиши, зўравонлик ва нолайик муносабатларга дучор бўлишининг олди олинишига хизмат қилади. [1] Чунончи:

- болалар ҳурмат ва яхши муоамала қилинишга муҳтож бўлади;
- жамиятнинг бир бўлаги сифатида ғамхўрлик кўрсатилиб, ривожланиши учун барча имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқига;
- улар таълим олиши, тегишли тартибда қарорлар қабул қилиши, эҳтиёж туғилганда фикрларини баён этиш ҳуқуқларига;
- қаерда яшашмасин, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, ирқи ва жинси, миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишдан, ногиронлиги бор ёки йўқлигидан қатъи назар зўравонликнинг ва камситишнинг барча турларидан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Барча ривожланган мамлакатлар қатори Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияни Олий Мажлиснинг 1992 йил 9 декабридаги 757-сонли қарорига асосан ратификация қилди ва ушбу ҳужжат 1994 йилнинг 29 июнидан қонуний кучга кирди.

Юртимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, уларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб бериш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларига риоя қилинишини таъминлаш учун кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция талабларини ҳар томонлама ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган болаларнинг ҳуқуқларини амалда кафолатлаш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий етук авлод бўлиб етишишини таъминлаш мақсадида, меҳнат миграциясига кетган оилаларнинг фарзандларини турмуш шароитларини ўрганиш, таҳлил этиш ва уларга ҳар томонлама, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

«ЮНИСЕФ»нинг ҳисоботида кўра, дунёнинг бошқа минтақаларига нисбатан миграция таъсир кўрсатган болаларнинг энг катта улуши Осиёга тўғри келади,» – дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн. «Европа Иттифоқи кўмагида ЮНИСЕФ муҳожир ота-оналари томонидан ташлаб кетилган болалар ҳамда транзит жараёнидаги болаларнинг янада яхши ҳимоясини таъминлашни мақсад қилиб олган. Умид қиламизки, ҳукумат ва халқаро ташкилотларнинг биргаликдаги хатти-ҳаракатлари Ўзбекистонда болаларга васийлик қилиш тизимини такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшади. Бунга болаларни зўравонлик ва эксплуатациядан ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш ва таълим сингари асосий хизматлардан фойдаланиш имкониятини, шунингдек уларнинг қонуний мақомини таъминлаш киради,» – деди.

2019 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикасидан бошқа хорижий мамлакатларга кетган миграция оқими 2,8 миллион кишини ташкил этади. Бу кўрсаткич 2018 йилнинг ян-

варь-март ойларига нисбатан 0,9 марта камайган бўлсада, аммо унинг салбий оқибатлари сезиларли даражададир. Миграция муаммоси фақат Марказий Осиёда бўлибгина қолмай, балки глобал характерга эга. Жуда кўп одамлар ўз яшаш жойида яхши яшаш йўллари ва кўпроқ даромад манбаларини қидириб, уйлари, оилаларини ташлаб кетмоқдалар. Бироқ ота-оналар пул топаман деб фарзандларини ташлаш ҳисобига яққол иқтисодий манфаатлари йўлида бошқа жиддий оқибатларга ҳам дуч келаётганларини кўриб турибмиз. Жумладан, оилаларнинг бузилиб кетиши, оилавий низоларнинг кучайиши, болаларнинг қаровсиз қолиши, натижада уларнинг интернат муассасаларга тушиши, зўравонлик ва ножоиз муносабатларга дуч келиши каби қатор оғир оқибатларга олиб келмоқда. Ушбу муаммоларнинг олдини олиш мақсадида Европа Иттифоқи томонидан «Жанубий, Жанубий-Шарқий ва Марказий Осиёда миграция таъсиридан болаларни ҳимоялаш» лойиҳаси доирасида мульти минтақавий ташаббусни қўллаб-қувватлашга қарор қилинди [4].

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилиб, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколотхонаси техник ёрдамида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Жанубий-Шарқий, Шарқий ва Марказий Осиёда миграция таъсиридан болаларни ҳимоялаш» лойиҳаси 2018 йилнинг ноябридан ўз ишини бошлади. Худди шундай лойиҳа Жанубий-Шарқий ва Жанубий Осиё ҳамда Марказий Осиё минтақаларидаги саккизта мамлакатда ҳам амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг биринчи босқичи Ўзбекистоннинг бир қанча ҳудудларида миграция таъсиридagi оилалар ва болалар сони, дуч келинаётган муаммолар йўналишларини таҳлил этишдан бошланди. Таҳлиллар натижаси бошқа ҳудудлардагидан кўра Бухоро, Фарғона, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида меҳнат миграциясига кетган фуқаролар сони кўплигини кўрсатди. Шу сабабли юқорида қайд этиб ўтилган вилоятларда лойиҳа ишини қўллашга келишилди. [3]

Лойиҳа амалга оширилиши давомида миграция таъсирида қолган болалар, улар дуч келаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда мазкур муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш – асосий мақсадлардан биридир.

Самарали натижаларга эришиш учун қуйидагилар лойиҳанинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

- Бухоро, Фарғона, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларининг муайян туманларида «Оила» илмий амалий тадқиқот марказлари таркибида «Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш хизматлари» фаолиятини йўлга қўйиш;
- Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш, манзилли ёрдам кўрсатиш ва психологик қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш орқали аҳоли ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини оширишдан иборат.

Лойиҳани амалга оширишда ЮНИСЕФ Болалар фонди, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан ҳамкорликда иш олиб бориб, қайд этиб ўтилган вилоятларда хотин-қизлар қўмиталари, ёшлар иттифоқи, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича идоралараро комиссиялари масъул котиблари, ҳудудий васийлик ва ҳомийлик органлари мутахассислари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакиллари учун ўқув-семинар, тренинглар ўтказилди.

Ўрганиш натижаларининг кўрсатишича, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-боб, 64-моддасида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», – деб таъкидланган бўлса-да, аксарият ҳолларда фуқаролар ўз ота-оналик мажбуриятларини унутиб қўймоқдалар [2]. Миграциянинг салбий оқибатлари натижасида оилалар ва айниқса болалар қатор қийинчиликларга дуч келмоқда ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлиб қолмоқда.

Бу қийинчиликлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- болаларнинг ота-она меҳрига муҳтож бўлиб, оилада улғайиш имкониятининг чекланганлиги,
- болаларнинг қаровсиз қолиши натижасида турли ижтимоий хавфли гуруҳларга қўшилиб қолиши ва бахтсиз ҳодисаларга дучор бўлиши,
- таълимга жалб қилинмасдан қолиши ва тарбиянинг салбий томонга оғиши кабилар.

Бундай оилалар ва болаларга сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ишларнинг салоҳиятини ошириш, шунингдек болаларнинг ижтимоий ҳимояланишини яхшилаш мақсадида васийлик ва ҳомийлик органлари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» марказлари, Ёшлар иттифоқи



ва вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялари, оилалар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш иши билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамкорлигида оила ва бола эҳтиёжидан келиб чиқиб зарур ёрдам чоралари кўрсатилмоқда.

Шунингдек, мигрант оилалар ва уларнинг болалари фаровонлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш ва қўллаб қувватлаш, ижтимоий иш амалиётига асосланган ёндашув орқали болаларнинг интернат муассасалари<sup>1</sup>га жойлаштиришнинг олдини олиш, ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оилага жойлаштиришнинг муқобил шакллари тарғиб қилиш, болаларни интернат муассасалардан қондош оилаларига (васийлик, ҳомийлик, патронатга бериш орқали) қайтарилишини, яъни реинтеграциясини таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Лойиҳа доирасида ўтган давр мобайнида 4 та ҳудуддаги жами 178 та миграциядаги оилаларнинг турмуш шароитлари ўрганилди. Ўрганиш мобайнида маълум бўлишича, уларнинг 347 нафар фарзандлари яқин қариндошлари тарбиясига қолдирилган. 90 нафар боланинг турмуш шароитлари мажмуавий баҳоланиб, улардан 47 нафарига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Меҳрибонлик уйи ва Болалар уйида тарбияланаётган 3 нафар бола оиласи, қариндошлари бағрига қайтарилди, 121 нафарига нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгиланишига эришилди [5].

Жойлардаги муаммолар таҳлили натижаларининг кўрсатишича, ҳар доим ҳам фуқаролар оиласини ташлаб чет элларга узоқ вақтга кетишлари оиласи учун қайтариб бўлмас муаммоларни юзага келтиришини ўйламайдилар. Шу билан бир қаторда маҳаллий давлат органлари томонидан узоқ вақтга миграцияга кетаётган фуқароларнинг фарзандлари олдидаги мажбуриятларини таъминлаш ва қонун билан ўрнатилган чораларни ўз вақтида белгилашга қаратилган ишлар олиб борилмайди. Бунинг натижасида муайян давлат органларининг ота-она қаровисиз қолган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим қилиш каби мажбурияти ўз вақтида бажарилмаётганлиги ҳолатлари кўплаб учрайди. Бу эса ўз навбатида кўплаб болаларга нисбатан қонуний вакил белгиланмасдан, назоратсиз қолиб кетишига олиб келмоқда. Бунга қуйидаги сабаблар ҳам таъсир кўрсатмоқда:

- Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасининг етарли даражада эмаслиги (васийлик, ҳомийликни белгилаш зарурияти масалалари);
- Васийлик ва ҳомийлик органларининг васий ва ҳомий тайинлаш ишларини пайсалга солиши (белгиланган муддатларда бажармаслиги);
- Болалар манфаатларини таъминлаш соҳасида идоралараро ҳамкорлик сифатининг лозим даражада эмаслиги.

Афсуски, мана шу сабаблар боланинг қариндошлар томонидан Меҳрибонлик уйлари, Болалар уйларига, Болалар шаҳарчаларига тушиб қолишига ҳам олиб келмоқда. Чунки миграциядаги ота-оналарнинг фарзандларини кам таъминланган, ёлғиз она фарзанди деб давлат қарамоғига топшириш ҳолати ҳам кузатилмоқда. Аммо ўз ота-оналик бурчини унутиб қўйган ва фарзанд тарбиясидек масъулиятли вазифани давлат муассасаси, қариндошлари зиммасига ташлаб қўйган ота-оналар ҳам минг афсуски учраб туради. Фактларга эътибор берадиган бўлсак, лойиҳа доирасидаги вилоятлар Меҳрибонлик уйларининг 10-12% тарбияланувчилари миграциядаги фуқаролар фарзанди эканлиги аниқланган.

Сўнгги даврда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сонли «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликни олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 30 сентябридаги 824-сонли Қарори Ўзбекистонда ноинституционаллаштиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

---

1. Изоҳ: «интернат муассасалар» деганда Ўзбекистон Республикаси «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бопқа ижтимоий эҳиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тугрисида»ги Қонунидан келиб чиқиб, тўлиқ давлат таъминотидаги Болалар уйи, Меҳрибонлик уйи, Болалар шаҳарчаси, Мурувват уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар назарда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қаровсиз қолган болаларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгиланиши чораларини кучайтириш, ота-оналарнинг фарзанди олдидаги мажбуриятларини кучайтириш, болаларнинг давлат муассасаларига тушишини олдини олиш ва фуқароларнинг дунёқарашини ўзгартириш – давр талабидир. Зеро, мустақил юртимиз равнақи учун муносиб фарзандларни тарбиялаб вояга етказишдек масъулиятли ва улкан вазифани ўз олдида мақсад этиб қўйган ҳамда ундан фахрлана оладиган инсонлар чинакам фидойи ота-оналардир.

Юқорида келтирилган мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва интернат муассасаларда тарбияланаётган болалар сонини камайтиришга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Меҳнат миграциясига кетиш истагидаги ота-оналар билан уларнинг ҳуқуқий саводини оширишга қаратилган ташвиқот ишларини олиб бориш, уларни яшаш жойларида иш билан таъминланиши бўйича чораларни кучайтириш орқали уларнинг фарзанд олдида қолиши ва тарбияси ҳамда назоратини ўзи амалга ошириши учун имкониятлар яратиш. Меҳнат миграциясига кетиши сабабларини аниқлаб, ота-оналар билан профилактик ишларини кучайтириш, уларга вояга етмаган болаларини қонуний вакил қарамоғида қолдириш лозимлигини тушунтириб бориш;
- Болаларни интернат муассасаларга тушишининг олдини олишга қаратилган ижтимоий хизматлар тизимини шакллантириш;
- Ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оилаларга жойлаштириш шакллари (патронат, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик) ривожлантириш;
- интернат муассасалар тарбияланувчиларини оиллага қайтариш (жумладан қариндош оилаларга) ва жамиятга реинтеграция қилишга эришиш;
- Оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, шунингдек Меҳрибонлик уйлари босқичма-босқич кам ҳажмли Болалар шаҳарчаларига ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқобил шаклларига ўтказиш;
- Оммавий ахборот воситаларини жалб қилган ҳолда аҳолига ижтимоий етимлик муммоларини, унинг ечимлари ва ота-она қаровисиз қолган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари тарғибот қилиш;
- Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчаларида болаларнинг узоқ йиллар давомида тарбияланиши имкониятини таъминлаш учун уларнинг ота-оналарини сунъий равишда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тажрибасини қўлламастан, балки жойларда маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар қўмиталари, ёшлар иттифоқи ва вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларида профилактик ишларни кучайтириш орқали ота-онанинг фарзандига нисбатан масъулиятини кучайтиришга эришиш.

### Адабиётлар

1. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 64-моддаси.
3. <http://www.un.uz/uzb/news/display/290>
4. [http://uza.uz/oz/society/bolalarni-migratsiya-o-ibatlaridan-imoya-ilish-masalalariga--10-07-2018?month=06&year=2018&ELEMENT\\_CODE=bolalarni-migratsiya-o-ibatlaridan-imoya-ilish-masalalariga--10-07-2018&SECTION\\_CODE=society](http://uza.uz/oz/society/bolalarni-migratsiya-o-ibatlaridan-imoya-ilish-masalalariga--10-07-2018?month=06&year=2018&ELEMENT_CODE=bolalarni-migratsiya-o-ibatlaridan-imoya-ilish-masalalariga--10-07-2018&SECTION_CODE=society)
5. Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг «Жанубий-Шарқий, Шарқий ва Марказий Осиёда миграция таъсиридан болаларни ҳимоялаш» лойиҳаси доирасидаги 9 ойлик ҳисоботидан, Г.Хрульнова, 09.10.2019 йил

# МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР НУТҚ КАМЧИЛИКЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ОТА-ОНА БИЛАН ҲАМКОРЛИК

- **З.А.Бахадирова, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази «Имконияти чекланган болалар муаммоларини ўрганиш» бўлими раҳбари**

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг жисмонан соғлом, ақлан етук бўлиб, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини эгаллайдиган комил инсон бўлиб камол топишини орзу қилади. Бола дастлаб ота-онаси билан муомала этиш орқали сўзлашув нутқини эгаллаб, сўнг атрофдагилар билан мулоқотда бўла бошлайди. Ўзини ўраб турган муҳит билан танишиб боради. Ўз она тилини ўзлаштириш орқали сўз, ибораларни ўрганади, нутқи шаклланиб боради. Фикрлаш, сезиш, эшитиш, кўриш ва нутқ аъзоларининг меъёрида эканлиги унинг тўғри ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Болалар она тилидаги барча товушлар талаффузини 4-5 ёшгача ўзлаштирадилар. Лекин баъзи мактабгача ёшдаги болалар айрим товушлар талаффузини мустақил ўзлаштира олмасликлари ёки катталарнинг бола нутқидаги камчиликларни ва нуқсонларни ўз вақтида англай олмасликлари, боланинг ёши улғайган сари бу нуқсонлар тузалиб кетишига ишониб, унга аҳамият бермасликлари оқибатида товушларни нотўғри талаффуз қилиниши кўзга ташланади. Нутқдаги нуқсонни аниқлаш учун боланинг меъёрида нутқини ривожланиш кетма-кетлигини аниқ тасаввур этиш, ушбу қонуниятнинг жараёни ҳамда шароитини билиш зарур. Болаларнинг нутқий ривожланиш қонуниятларини билиш уларда у ёки бу камчиликларни вақтида аниқлашга, нутқидаги нуқсонларини тўғри ташхис қилишга ҳамда нутқий нуқсонларни бартараф этиш бўйича коррекцион-тарбиявий ишларни тўғри амалга оширишга ёрдам беради.

Бола нутқининг товуш талаффузидаги камчиликлари дастлаб мактабгача таълим муассасасида, сўнгра мактабда бир қанча нохушликлар келтиради. Нутқ нуқсонига эга бўлган болаларнинг тенгдошлари ундаги товуш талаффузини нотўғрилигини сезиб, унинг устидан куладилар, катталар эса мунтазам танбех берадилар. Бола ўз нутқидан уяла бошлайди, байрамларда қатнашиш, шеър айтишдан бош тортади, ўртоқлари билан мулоқот қилишдан ўзини четга олади. Бундай вазиятда бола катталарни ёрдамига муҳтож бўлади. Айрим ҳолатларда махсус логопедик иш (ёрдам) талаб этилади. Баъзида логопед маслаҳатидан сўнг тарбиячи, ўқитувчи ёки ота-онанинг шуғулланиши етарли бўлади. Бу товушнинг талаффуздаги нуқсонини даражаси ҳамда боланинг шахсий хусусиятига боғлиқ. Товуш талаффузини тўғри шакллантириш учун иш шароитини яхшилаш самарали натижа беради. Аввало болада машғулотга қизиқиш уйғотиш лозим. Бунинг учун тез толиқишни олдини олиш, билиш фаолиятини ривожлантирувчи ўйин, расм чизиш, бадий сўз ва бошқа қизиқарли фаолият турларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Бундан ташқари болалар нутқидаги камчиликларни бартараф этишда нафас, бармоқлар машқларидан ҳам фойдаланилади. Агар машқлар мунтазам равишда олиб борилса бола нутқидаги нуқсонлар бартараф этиб борилади.

Мактабгача ёшдаги болалар билан ҳар хил мавзуда кўпроқ суҳбатлар ўтказиш, оғзаки нутқини ривожлантириб, сўз бойлигини ошириб бориш тавсия этилади. Бунинг учун эса оиладаги қулай шароит, тўғри кун тартиби болани ривожланишида ва ўз она тилини ўзлаштиришида асосий омиллардан ҳисобланади.

Тадқиқотчилар нутқ ривожланишининг турли хил босқичларини ажратадилар, уларни ҳар хил номлайдилар ҳамда уларнинг ёш хусусиятларини кўрсатган ҳолда чегаралайдилар (А.Н.Гвоздев, Н.И.Жинкин, А.Н.Леонтьев ва бошқалар).

## **Биринчи босқич – тайёрлов (туғилганидан то 1 ёшгача).**

Бу даврда нутқни эгаллашга бўлган тайёргарлик ишлари амалга оширилади, нутқнинг шаклланишига боғлиқ бўлган психик фаолият тизими ривожлана бошлайди.

Бола туғилган даврдан бошлаб унда овозли реакциялар: йиғлаш ҳамда бақиритиш пайдо бўлади, бу нутқий аппаратнинг уч бўлимини: нафас, овоз, артикуляциянинг ривожланишига ёрдам беради. Соғлом боланинг бақиритиши овознинг жарангли ва давомийлиги билан, қисқа нафас олиш

хамда узоқ нафас чиқариши билан характерланади. Бақирик ўзининг коммуникатив тузилиши билан биринчи интонация бўлиб, бу эса кейинчалик норозилик сигналини англатади. Ҳаётининг 2-3 ойлигига келиб боланинг бақириғи интонацион жиҳатдан янада бойида, бу эса янги мулоқот функцияларини шаклланиб бораётганлигини далолатлайди. Бола нутқ товушларини эшита бошлайди, сўзлаётган инсонга ўгирилиб қарайди, интонацияларига реакция қилади. Ҳаётининг 2-3 ойлигига келиб махсус овозли реакциялар-гугулаш пайдо бўлади. Буларга норозилик овозлари; ноаниқ товушлар унлиларга ўхшаш, лаб ва тил орқа товушлари киради. Гугулаш даври, айниқса, катталар билан эмоционал мулоқот вақтида узоқ давом этади.

Ҳаётининг 4 хамда 5 ойликлариди болада нутққача бўлган даврда қуйидагилар ривожлана бошлайди- гугулаш, бу боланинг ўтириш функцияларини шаклланишига тўғри келади. Гугулашга оид овозли оқим бўғинларга ўта бошлайди, секин—аста психофизиологик механизм овоз бирикмалари шаклланиб боради.

Гугулаш болаларнинг физиологик эшитув ҳолатига боғлиқ бўлмайди хамда она тилидаги фонетик қурилишда ифодаланмайди, яъни нутқнинг функционал тизимидаги нутқий хотиранинг филогенетикаси ҳисобланади. Гугулаш ритмик ҳаракатлар билан кескин боғлиқдир, шунинг учун болага ҳаракатларида эркинлик бериш лозим, бу эса нафақат психомоториканинг ривожланишига балки нутқий артикуляцияларнинг шаклланишига ҳам таъсир этади. Кейинчалик нутқнинг ривожланиши катталарга боғлиқ бўлган кўрув хамда нутқий(эшитув) билан боғлиқ. Онтогенезнинг бу даврида боланинг гугулашида аутоэхоласти кузатилади. Бола узоқ вақт битта очик бўғинни такрорлайди (ва-ва-ва, га-га-га), бунда диққат билан ўзини тинглайди.

8 ойлика келиб боланинг гугулашидаги товушлар у эшитаётган нутқ фонемаларга мос бўлмаганларини ўрнига атрофдагиларнинг нутқига мос фонемалар пайдо бўлади. Болада ўзининг нутқий онтогенетик хотираси, она тилининг фонетик тизими шакллана бошлайди.

Атрофдагиларнинг нутқини тушунишни ривожланиш темпи ва вақти оғзаки нутқни шаклланиш темпи хамда вақтини шаклланиши билан тўғри келмайди. 7-8 ойликка келиб болалар маълум бир имо-ишорали сўз ва ибораларга адекват реакция қиладилар. Бу вақтда сўзнинг товушли образи предмет ёки маълум бир вазиятга мос равишда ривожлана бошлайди. Шундай қилиб, болани эшитаётган сўзини тушуниши уни талаффуз этишидан анча олдин шаклланади.

Дастлабки сўзлари бола қўлларининг фаол манипуляциялари билан биринчи қадамларини кўяётганда биринчи йилининг охирларига келганида пайдо бўлади. Қиз болаларда одатда 9-10 ойликда, ўғил болаларда 11-12 ойликка келиб биринчи сўзлари пайдо бўлади.

### **Иккинчи босқич- мактабгачадан олдин (бир ёшдан 3 ёшгача).**

Болада биринчи сўзлари пайдо бўлиши билан фаол нутқ босқичи шакллана бошлайди. Бу вақтда бола атрофдагилар артикуляциясига алоҳида диққат қаратади. У гапираётганларни орқасидан завқ билан қайтаради; ўзи сўзларни адаштириб, товушлар ўрнини алмаштириб таллафуз этади.

Боланининг биринчи сўзлари умумий-маъновий характерга эга. Бир сўз ёки товушлар бирикмаси предметни, илтимосни, ҳисларини англатиши мумкин (ойи-мурожат этиш, кўрсатиш, илтимос, шикоят). Буни ўша ҳолатдаги вазият орқали гўдакни катталарга нима демоқчи эканлигини тушуниш мумкин, шунинг учун ҳам буни вазият нутқи дейилади; у имо-ишора, мимикалар билан бирга келади.

Бир ярим ёшда сўз умумий характерга эга бўлади. Катталарни сўз билан тушунтиришларига, билимларни эгаллашга, янги сўзлар захирасини тўлдиришга имконият яратилади. Луғат захирасини ўсиб боришига кўра фонетик жиҳатдан бузишлар янада яққол кўриниб боради. Бу нутқнинг лексико-семантик томони фонетик идрок ва нутқий моторикани талаб этувчи фонетик шаклланишга нисбатан тезроқ ривожланиб боришидан далолат беради.

Тадқиқотчилар болаларнинг сўз бойлигини ўсиб бориши ҳақида турли хил маълумотлар берадилар, бу эса нутқ ўсишида индивидуалликни катта эканлигини кўрсатиб ўтади, масалан, қуйидаги маълумотлар келтирилади: 1 ёшда 6 ойликда-10-15 та сўз; 2 ёшнинг охирларига келиб-300 та сўз; 3 ёшда-1000 та сўзга яқин.

Ҳаётининг иккинчи йиллининг охирларига келиб элементар иборали нутқи шаклланиб боради. Унинг пайдо бўлиш вақти интеллектнинг эшитиш ҳолати, тарбия шароити ва бошқа генетик ривожланиш дастурига боғлиқ.



Аввал бола ўзининг хохиш-истакларини бир сўз билан, кейин иборалар билан, сўнгра секин-а-ста гапда сўзларни тўғри қўллай олиш малакалари пайдо бўлади. Агар болада 2,5 ёшгача элементар иборали нутқи шаклланмаса, демак унинг нутқий ривожланиши меъёрдан орқада қолаётганини далолатлайди.

Икки ёшга келиб нутқ катталар билан мулоқотга киришишнинг асосий воситаси бўлиб хисобланади. Болада нутқий мулоқотнинг етарлича бўлмаслиги уни нафақат нутқий ривожланишига, балки умумий психик ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳаётининг учинчи йилига келиб сўзларни қофиясига кўра янги сўзларни ижод этиш қобилияти юзага келади (вазелин ўрнига мазелин ва х.к.).

### **Учинчи босқич-мактабгача (3 ёшдан 7 ёшгача).**

Уч ёшдан сўнг фонетик идрок этиш ҳамда товушларни талаффуз этиш кўникмалари ривожлана бошлайди. Боланинг нутқий ривожланиши меъёрда бўлганда нутқнинг товуш томони 4-5 ёшга келиб тўлиқ шаклланади. Одатда болалар тебраниш талаб этувчи «р» товушни кеч талаффуз этадилар. Мактабгача ёшда кўпгина болаларда сирғалувчи, шовқинли, сонор товушларда нотўғри талаффуз кузатилади.

Луғат захирасини бойиб бориши давом этади. Боланинг фаол луғати 5-6 ёшга келиб 3000-4000 та сўзга етади. Сўзнинг моҳияти аниқлашади ҳамда бойиб боради, тилни ҳис этиш шаклланиб боради.

Луғатни ривожланиши нутқнинг грамматик қурилиши, боғланган нутқни эгаллаш билан параллел равишда шаклланиб боради. Ҳаётининг 4-йилига келиб болалар нутқида оддий ва мураккаб гаплардан фойдаланадилар, гаплари ўртача 5-6 сўздан ташкил топади. Бу даврда болалар шеър, эртак, расмларнинг тузилишини яхши эслаб қоладилар ҳамда сўзлаб берадилар. Бу ёшда бола ўзининг ўйинли ҳаракатларини амалга оширади, бу эса регулятор нутқ функциясини шаклланишидан далолатлайди.

Ҳаётининг бешинчи йилининг охирига келиб бола кўрғазмаларга таянмаган ҳолда контекст нутқни эгаллай бошлайди. Боланинг сўзлаб беришилари қисқача ҳикоя тарзида намаён бўлади, кўшимча саволларсиз эртак, ҳикояларни айтиб бериши мумкин. Бу даврда фонематик идрок яхшиланади, товушларни тўғри талаффуз этишни шаклланиши яқунланади.

Ҳаётининг еттинчи йилига келиб бола кўчма маъноли сўзлардан фойдаланган ҳолда мавҳум тушунчаларни қўллайди. Бу ёшда болалар нутқнинг маиший-сўзлашув турини бутунлай эгаллайдилар.

### **Тўртинчи босқич-мактаб (7 дан 17 ёшгача).**

Бу босқич аввалгиларига нисбатан болалар нутқни тушунган, англаган ҳолда эгаллашларидир. Болалар товушлар анализини эгаллайдилар, ўз фикрларини грамматик жиҳатдан тўғри қуриб сўзлашни ўрганадилар. Бунда етакчи ўринни нутқнинг янги тури –ёзма нутқ эгаллайди.

Болаларнинг нутқий ривожланиш босқичларини ҳар бир ота-она билса, ўз фарзандига вақтида ёрдам беради. Бу эса болани нутқини тўғри ривожланишига замин яратади. Нутқи тўғри шаклланган ҳар бир бола келажакда ўз ўрнини топишида, ҳамда бирор касбни эгаллашида кўмак бўлади. Нутқи тўғри шаклланаётган болада ўзига ишонч ҳисси ҳам шаклланиб боради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-онага фарзандларининг нутқи тўғри шаклланиши учун доим ҳар хил мавзуда кўпроқ суҳбатлар ўтказиш, оғзаки нутқдаги нуқсонларга аҳамият бериш, ҳамда улар билан ўз вақтида коррекцион ишларни олиб бориш тавсия этилади. Бунинг учун эса оиладаги қулай шароит, тўғри кун тартибини яратиш болани ақлий ва жисмоний ривожланишида асосий омиллардан хисобланади.

# ВАЖНОСТЬ И НЕОБХОДИМОСТЬ ОБУЧЕНИЯ УЧАЩИХСЯ ПРАВИЛАМ БЕЗОПАСНОГО ПОВЕДЕНИЯ В ИНТЕРНЕТ-ПРОСТРАНСТВЕ

- С.С.Бекназарова, д.т.н., профессор кафедры «Аудиовизуальные технологии» Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразмий
- О.С.Абдуллаева, доктор философии (PhD) по педагогическим наукам, доцент кафедры «Информационные технологии в технических системах» Наманганского инженерно-строительного института

В наше время невозможно переоценить роль ИКТ в жизни как взрослых, так и детей. Информационные технологии прочно вошли в нашу жизнь, неся не только доброе и вечное, но и определенный процент негатива, так как первая часть аббревиатуры ИКТ, а именно «информационно-», непосредственно связана с поиском необходимых данных, наглядности в сети Интернет.


С целью выявления и получения объективной информации об угрозах, от которых взрослые хотели бы оградить детей, нами был проведен опрос родителей учащихся образовательных учреждений (смотрите таблицу 1).

Таблица 1. Сведения об организации опроса

Сроки проведения	Сведения об участниках	Место проведения
2019 г. (январь-февраль)	86 родителей 7-х, 9-х, 11-х классов	г. Ташкент (школа №60, школа №20, школа-гимназия № 50)
2019 г. (март-апрель)	102 родителя 6-х,8-х,10-х классов	г. Наманган (школа №58, школа №48, школа №7)
	72 родителя (1–3-х курсов)	Наманганский колледж транспорта и информационных технологий
2019 г. (май)	87 родителей 9-х,10-х,11-х классов	г. Фергана (школа №2, школа №6, школа №3)

По результатам проведенного опроса 47% родителей отмечают, что их дети сталкиваются с нежелательным контентом в Интернете. Остальные респонденты (53%) не знают, какой опасности подвергаются несовершеннолетние в Сети. Чаще всего родители хотят оградить своих детей от сайтов для «взрослых» (49%). Реже это компьютерные вирусы и шпионские программы (23%), а также недоброжелательно настроенные пользователи (15%).

В опросных листах чаще всего встречался следующий вопрос: «От содержания какого характера вы больше всего хотели оградить своего ребенка в интернете?» Ответы выглядели следующим образом (смотрите рис. 1).



## От содержания какого характера вы больше всего хотели бы оградить своего ребенка в интернете?

- Сайты «для взрослых» 49%
- Спам 1%
- Компьютерные вирусы и шпионские программы 23%
- Недоброжелательно настроенные другие пользователи 15%
- Другое 12%

Рис. 1. Угрозы, от которых родители хотят оградить детей

Исходя из опроса родителей, большинство ограничивают время пребывания детей в Интернете (86%), а также запрещают своему ребенку публикацию каких-либо личных данных в Сети (83%). Результаты проведенного опроса свидетельствуют об актуальности проблемы защиты детей от нежелательного контента в Интернете. Каждый день появляется более 70 тысяч новых вредоносных программ, киберпреступники продолжают оттачивать мастерство социальной инженерии, и простого запрета со стороны родителей нередко недостаточно для того, чтобы оградить ребенка от опасных ресурсов.

Показатель времени пребывания детей в Интернете слишком высок, он и помог раскрыть темную сторону мировой сети. Анонимность Интернета и легкость в создании вымышленных личностей открыли широкую дорогу для сетевых хищников, воров личных данных, хакеров и других мошенников. Так как дети и подростки обычно не осведомлены о хитростях и техниках, которые эти «хищники» применяют, чтобы обмануть свои жертвы, и так как большинство используют Интернет в повседневной жизни, то молодые люди рискуют в большей степени, чем другие пользователи Сети.

Использование Интернета детьми без присмотра может привести к таким последствиям:

- в последнее время значительно участились случаи, когда программы-«дозвонщики» самостоятельно набирают дорогостоящие телефонные номера, создавая новое модемное подключение. Вы узнаете об этом только тогда, когда приходит крупный телефонный счет;
- дети очень любят общение в Интернете. Однако при таком общении ребенку сложно увидеть истинное лицо собеседника. Если же такая виртуальная беседа приводит к личной встрече, последствия могут оказаться печальными;
- дети рискуют, в одиночку посещая игровые страницы, так как множество из них являются пиратскими сайтами с большим количеством порнографической рекламы в виде всплывающих окон. Такие окна автоматически появляются на экране и часто содержат изображения, которые абсолютно не рекомендуются к детскому просмотру [2].

Как показывает проведенное компанией «RUMетрика» масштабное профессиональное исследование вопросов, связанных с использованием интернет-ресурсов детьми, около 40% несовершеннолетних посещают ресурсы на «взрослую» тематику. Примерно 20% детей видели в Сети видео, содержащие сцены насилия и жестокости. Страницы, посвященные каким-либо азартным играм, посещали более 15 процентов юных интернет-пользователей. Около 14% детей интересовались в Сети способами изготовления или добычи наркотических веществ и алкоголя. 11% пользователей из числа детской аудитории посещали различные экстремистские, сектовые или националистические ресурсы. Поэтому необходимо научить ребенка пользоваться Интернетом, уберечь его от виртуальных недоброжелателей и вполне реальных неприятностей [3].

Согласно Закону Республики Узбекистан «О защите детей от информации, наносящей вред их здоровью», принятому Законодательной палатой 15 августа 2017 года и одобренному Сенатом 24 августа 2017 года, **информационная безопасность детей** – это состояние защищенности детей, при котором отсутствует риск, связанный с причинением информацией, в том числе распространяемой в сети Интернет, вреда их здоровью, физическому, психическому, духовному и нравственному развитию [1].

В Узбекистане создаются как условия для развития детей в области ИКТ, так и для защиты несовершеннолетних от негативной информации антиобщественной направленности, распространяемой в Сети, чуждых нашему менталитету идей. В частности, в рамках Закона «О защите детей от информации, оказывающей вредное воздействие на их физическое и духовное развитие». Нормативно-правовой акт направлен на создание организационно-правовых механизмов для защиты детей от разрушительного, травмирующего их психику информационного воздействия, недопущение пропаганды жестокости и насилия в СМИ. Кроме этого, в стране существуют законы, направленные на защиту личности, в том числе детей, в информационном пространстве. В частности, Законы Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребенка», «Об основах государственной молодежной политики в Республике Узбекистан», «О принципах и гарантиях свободы информации» и другие нормативно-правовые документы.

Одной из важных задач является создание и функционирование качественных интернет-ресурсов для детей. Сегодня необходимо инициирование и создание новых ресурсов в сфере об-

разования и культуры, ориентированных на детей. Чтобы интернет стал более безопасным для подрастающего поколения, сегодня нужна новая стратегия формирования гуманного «детского» киберпространства.

Решение есть – выработка единой стратегии безопасности при совместных усилиях всех участников образовательного процесса: прежде всего педагогических работников (классных руководителей), родителей и учащихся, поэтому данная концепция предполагает работу по трем направлениям. Ни для кого не секрет: чтобы обучить детей, нужно, чтобы правила безопасного поведения в сети Интернет усвоили взрослые (учителя и родители).

Обучение педагогических работников может проводиться в форме мастер-классов, семинаров, круглых столов, в рамках которых должны рассматриваться проблемы информационной безопасности личности в сети Интернет, нежелательный контент и меры борьбы с ним, виды и формы информационно-психологического воздействия и методы защиты от него, правила и нормы речевого этикета, причины возникновения девиантного поведения детей и методы работы по их профилактике и устранению. Прежде чем начать работу по предлагаемому плану, необходимо ознакомить с ним педагогов, родителей и учащихся.

Таким образом, если мы решим реализовать вышеуказанные задачи по формированию и расширению компетентностей работников образования в области медиабезопасного поведения детей и подростков; формированию информационной культуры как фактора обеспечения информационной безопасности; изучению нормативно-правовых документов по вопросам защиты детей от информации, причиняющей вред их здоровью и развитию; формированию знаний в области безопасности обучающихся, использующих Интернет; организации просветительской работы с родителями и общественностью, то мы достигнем конечной цели.

Также из вышеизложенного можно сделать вывод, что, запретив детям доступ в Интернет, мы лишим их самого большого источника информации в мире, так как возможности Сети в познании мира и обучении безграничны. Первая помощь и поддержка несовершеннолетним в виртуальном пространстве должны оказываться, конечно, со стороны взрослых. Некоторые и вовсе считают, что любые попытки ограничить детей в использовании Интернета неэффективны: запретный плод сладок, и несовершеннолетние все равно найдут интересующий их контент. Однако иногда значительно важнее поговорить с ребенком, постараться объяснить ему, какие риски связаны с использованием Интернета, почему существует необходимость в защите личных данных и какие последствия может повлечь за собой посещение сайтов с сомнительным содержанием. Ребенку надо объяснить, что такое «хорошо» и что такое «плохо», проводить с ним как можно больше времени. Конечно, цифровой разрыв между поколениями очень велик. Взрослым подчас сложно говорить об Интернете и технологиях с детьми, которые научились пользоваться смартфонами раньше, чем писать, и поэтому существуют инструменты фильтрации контента и специализированные программы в помощь родителям.

Кроме того, не стоит забывать, что сегодня большинство опасностей поджидает детей не на вредных сайтах, а на хорошо знакомых каждому ресурсах YouTube, Instagram, «Одноклассники», Facebook и т.д.

### Библиографический список

1. Закон Республики Узбекистан «О защите детей от информации, наносящей вред их здоровью».
2. Прохода А.Н. Обеспечение интернет-безопасности. Практикум: Учебное пособие для вузов. [Текст] // — М.: Горячая линия — Телеком, 2007. — 180 с.
3. Основы безопасности детей и молодежи в Интернете — интерактивный курс по интернет-безопасности. Владельцами авторских прав на сайт являются проект «Финский день информационной безопасности» и WSOYpro [Электронный ресурс]. — URL: <http://laste.arv.utikaitse.ee/rus/html/copyright.htm>
4. Безопасность детей в Интернете. Nachalka.com 2008 [Электронный ресурс]. — URL: <http://www.nachalka.com/bezopasnost>
5. Безопасность дома [Электронный ресурс]. — URL: <http://www.microsoft.com/rus/protect/default.mspx>
6. Евтеев Леонид. Безопасность ребенка в Интернете. Инновационная образовательная сеть «Эврика» — Пермь, 2009. [Электронный ресурс]. — URL: <http://www.diaghilev.perm.ru/class/sobr4—2.htm>



# ВОЯГА ЕТМАГАН ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА МОЙИЛЛИГИНИ ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

- **З.Билолова, психолог, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш жиноятчилик ва жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатларга қарши курашни кучайтиришга қаратилган аниқ чоралар белгиланган бўлиб, бу жиноятчиликнинг оилавий муносабатлар ва шахснинг жамиятдаги ижтимоий муносабатлари тизимидаги ўзаро узвий алоқаси доирасида ўрганишни тақозо этади. Делинквентлар ва ижобий хулқли ўсмирларнинг оила шароити ўрганилганда, делинквентларнинг номақбул оилада тарбияланганликлари тасдиқланган. Жиноятчиликнинг келиб чиқишига алоқадор оилавий ва ижтимоий омиллар муаммосига бағишланган тадқиқотлар таҳлилини кўрсатишича, икки ўзаро боғлиқ омил орасидаги; а) функционал ёки хулқ-атворга тўғридан-тўғри (бевосита) таъсир қилувчи шахслараро жараёнлар ва б) бевосита таъсир қилувчи, ўзида оила таркиби ҳамда ҳажмини мужассамлаштирган тизимли жабҳаларни ажратиш мумкин. Делинквент хулқли фарзанди бор оила аъзоларининг ўзаро муносабатларида рад этилганлик ва бефарқлик кўпроқ кўзга ташланади. Лонгитюд тадқиқотчиларининг кўрсатишича, ота-она орасидаги доимий низолар, уруш-жанжаллар, ўзаро хусумат, шунингдек, мустаҳкам бўлмаган никоҳ делинквентлар хулқида ёшлигиданоқ ўз асоратларини кўрсатади. Жиноятчиларнинг ота-оналарида жиддий ижтимоий нуқсонлар кузатилади. Бундай ота-оналар ўз фарзандларининг ижтимоий тарбиясига, уларга нисбатан кам эътибор берадилар. Хулқда жамият томонидан қабул қилинган урф-одатлар, ахлоқий, маънавий ва ҳуқуқий меъёрлар ўз ифодасини топади. Субъектнинг шахслилик хусусиятлари унинг хулқига кўра белгиланади. Жиноий хулқда ҳам юқоридаги жиҳатларнинг барчаси иштирок этади, фақат унинг фарқи, жиноий хулқ ҳуқуқ меъёрлари билан низога киришади. Жиноий хулқнинг ғайри ижтимоий йўналганлигини жиноий хулқ содир этилишидаги турли шаклдаги айбдорлик, жиноий ғаразнинг амалий тадбиқи, мақсадга эришиш воситасини танлаш, қарорга келиш, мотивация жараёнларини таҳлил қилиш орқали аниқланади. Ҳаракатларнинг асосида мақсад пайдо бўлиши билан субъектнинг мотивига қизиқишлар ва турли эҳтиёжлар кўринишидаги истак этади. Шунга кўра мотивларда индивиднинг истаклари ифодаланади. Алоҳида ҳаракатларнинг таркибий қисмларига ажралишини Шахсдаги айрим эҳтиёжларнинг бузилиши, уларнинг шаклий ўзгаришига ва ўзаро ҳамоҳангликнинг етишмаслигига олиб келади, бу эса бузилган эҳтиёжларнинг устунлигини таъминлайди. Бунда қонунбузарларнинг эҳтиёж доирасидаги мувозанати йўқолади, мотивлар курашида, мақсад ва фаолият усуллари танлашда салбий вазият вужудга келиб, «оғирликка» эга бузилган эҳтиёж томон оғади. Сўнгра эҳтиёжнинг – қонунга хилоф хулқ-атвор мотивига ўтиши кузатилади.

Баъзи ҳолларда айбланувчилар ўз айбларини билсалар-да, лекин ҳаракатларининг асл моҳиятини беркитишга ёки оқлашга уринган ҳолда «фазилатли» мотивларни ўзлаштириб олишга ҳаракат қиладилар – бу ўзига хос психологик муҳофаза механизмнинг бир кўринишидир. Шунингдек, жиноятчиларни ўзини-ўзи баҳолашининг икки жиҳати мавжуд бўлиб: а) ўзи учун («мен»га хос), б) ўзгалар ва атрофдагилар, шу жумладан одил судни чалғитиш, жазолаш усуллари юмшатиш мақсадидаги (идеал «мен» учун) ахлоқий-психологик функцияни кўриш мумкин.

Шундай қилиб, жиноий хулқ-атвор механизмлари таҳлилида қуйидаги омиллар: субъектга хос индивидуал-психологик, индивидуал-типологик хусусиятлар, унинг дунёқараши, қадриятлари ёшларни криминоген вазиятга тушгунига қадар яшаган ижтимоий-психологик муҳит катта аҳамиятга эга.

Жиноят-ҳуқуқий меъёрлардаги ўзгаришларни вақт ва макон нуқтаи назаридан эътиборга олмастан туриб, батафсил ифодаланган жиноятчи шахси ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас, бошқача айтганда, жиноий эканлигини белгилаш ҳам мумкин эмас, деб ёзади.

Жиноят содир этган вояга етмаганлар шахсини типларга ажратишда бир қатор услубий қоидалар ва усуллари эътиборга олиш керак бўлади.

**Биринчидан**, энг аввало, муайян типнинг табиати ҳақида гапирилади. Чунки, киши шахсининг ижтимоий эканлиги, жараён ва тавсифлар билан боғлиқлиги ҳақида гап кетади.

**Иккинчидан**, шахсининг типи криминологик нуқтаи назардан аҳамиятли бўлади, бунда одамлар шахсининг тавсифида ифодаланадиган нисбатан турғун фактлар билан эмас, балки жиний хулқда ифодаланган хусусиятларга қараб типларга ажратиш ҳақида гап боради. Бундай типларга ажратиш имконияти муҳит билан алоқадорликда олингандагина мумкин бўлади.

**Учинчидан**, жиноят содир этган шахс содир этган жинояти орқали ўзидаги криминоген хусусиятлар типини турли даражада намоён этади;

**Тўртинчидан**, бунда жиноятчи шахсининг ёки унинг фаолиятининг кенг маънода олганда, ривожланишининг ижтимоий вазиятга боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигидан қатъи назар, жиний хулқ билан боғлиқ бўлган хусусиятни назарда тутилади. Барча кишилар учун умумий бўлган сифатларга кўра, улардаги алоҳида криминоген хусусиятларнинг аҳамиятидан қатъи назар, умуман индивидларни фақат жиноят содир қилган шахслар контингенти доирасида гуруҳларга бўлиш ҳақида гапирилади.

Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этишнинг сабаблари:

- оиладаги ва турмушдаги салбий таъсирлар;
- носоғлом турмуш тарзи;
- ёмон хулқли шахслар билан алоқада бўлиш;
- ўқимайдиган вояга етмаганларнинг узоқ вақт мобайнида муайян фойдали машғулот билан шуғулланмаганлиги;
- катта ёшдаги жиноятчилар томонидан ҳуқуқбузарликларга ва турли ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиниши;
- зўрлик ишлатишлар ёзилган турли китоб ва видеофильмларнинг таъсири;

Ўқувчининг ҳуқуқбузарга айланиб қолишига турли омиллар орасида оила билан боғлиқ жиҳат марказий ўринни эгаллайди. Тажрибалар ўттиз фоиздан ортиқ ҳолатларда нотинч, ахлоқсиз, жанжалли ва криминоген оилалар ҳиссасига тўғри келиши, ташқи томондан «тинч» кўринувчи – худбинона-молпараст, руҳий яқинлиги бўлмаган ва педагогикадан хабарсиз оилалар олтмиш фоизни ташкил этишини тасдиқлади.

Хулоса шундан иборатки, ёш авлоднинг шахс ва объект сифатида шаклланиши, ақлий ривожланиши, тарбияланганлиги даражаси жамият томонидан белгиланган одоб-ахлоқ, хулқ нормаларига мос бўлиши уларнинг комил инсон бўлиб етишишларига замин яратади. Шунинг учун биз вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашда ва олдини олишда мавжуд моделларини такомиллаштириш ҳамда янги ижтимоий-педагогик технологияларини ишлаб чиқишимиз лозим.

## **АЁЛЛАРНИ ФАРЗАНДИДАН ВОЗ КЕЧИШГА УНДОВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ**

- **Д.Ботирова, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Дин психологияси ва педагогикаси кафедраси ўқитувчиси**

Аёлларга «нима учун фарзандли бўлишни истайсиз?», дея савол берсангиз, ҳайратланидилар. Чунки улар бу саволга жавобни ўз-ўзидан аниқ, тушунтириш зарурияти бўлмаган ҳодиса, деб ҳисоблайдилар. Албатта, оналик туйғусини рўёбга чиқаришга бўлган эҳтиёж аёлларга табиат томонидан жойланган. Бироқ бугунги кунда фарзандини ташлаб кетаётган, туғруқхонанинг ўзидаёқ ундан воз кечган, ҳатто энг даҳшатлиси – боласини сотиб, кун кечиришга уринаётганлар ҳам учраб туради. «Нега? Наҳотки?» деб ажабланамизу, шундай ҳаракат содир этган аёлни тушуниш (оқлаш, қоралаш, шарҳлаш) га уринамиз.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз жоизки, фарзандидан воз кечувчи аёллар ҳаракатининг асл сабабларини таҳлил қилиш мақсадида олиб борган тадқиқотларимиз натижасида инсоннинг муайян ҳаракатларни содир этишига қатор омиллар таъсир кўрсатишига амин бўлдик, хусусан:

- а) шахсининг қадриятли ориентацияси;

- б) шахс установакиси;
- в) шахс мотивацияси.

Демак, шахснинг ички оламини атроф борлик билан боғловчи қадриятли ориентацияси мураккаб кўп даражали тизим бўлиб, у шахс тузилмасининг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Шахснинг мотивацион-эҳтиёжли соҳаси ва шахсий мазмун тизими ўртасидаги чегаравий ҳолат ҳисобланади. Шахснинг қадриятли ориентацияси иккита вазифани бажаради, хусусан:

- қадриятли ориентациялар тизими инсоннинг бутун фаоллигини уларни рўёбга чиқаришнинг мақбул шакллари аниқлаганча бошқарувчи олий назорат органи сифатида;
- инсоннинг ҳаётий мақсадларини ички манбаи сифатида юзага чиқади.

Инсоннинг қадриятлар ориентацияси тизими бир вақтнинг ўзида шахсий ўсиш ва ўз-ўзини ривожлантиришнинг йўналиши ва амалга ошириш усулларини белгилаганча уларнинг муҳим психологик органи ҳисобланади.

Аёлларнинг мотивацион-эҳтиёжли соҳаси компоненти – бу уларнинг оналик установакидир. Э.Бадинтер ўз тадқиқотларида охириги 400 йил ичида оналик установакаларида содир бўлувчи ўзгаришларни таҳлил қилганча, «оналик инстинкти – бу афсона», деган хулосага келди [1]. У барча оналарга хос бўлган ҳеч қандай умумий ахлоқни аниқламади, аксинча маданиятга боғлиқ равишда туйғуларнинг ниҳоятда ўзгарувчан эканини тасдиқлади. Оналик муҳаббати – бу турли даврларда ҳар хил мазмур билан тўлдириладиган ва ривожланадиган тушунча. У «аёл жамиятда оналикнинг қанчалик қадрланишига боғлиқ равишда яхши ёки ёмон она бўлиб шаклланади».

М.Мид ўз ишларида оналик ғамхўрлиги ва болага боғланиши биологик шароитда ҳомиладор бўлиш ва ҳомилани кўтариб юриш, туғиш ва кўкрак сути билан эмишида чуқур жойлашган, фақат мураккаб ижтимоий установакалар уларни янчиб ташлаши мумкин эканини таъкидлайди [3].

Канадалик олим Ж.Годфруа (1992) таъкидлаганидек, кўп сонли сўровномалар кўрсатдики, онанинг чақалоққа боғланишининг ривожланиши унинг аввалги (болалик) тажрибаси ва туғишдан кейин улар ўртасида ўрнатиладиган алоқаларга боғлиқ.

Мотивациялар – бу инсоннинг қандайдир эҳтиёжини қондириши учун амалга оширадиган ҳаракатлари билан шартланган, эмоционал жиҳатдан бойитилган, анланган ва анланмаган истакларидир. Ҳар бир инсон фаолиятида етакчи сабабни ажратиш мумкин. Айнан у бутун ахлоққа муайян мазмун беради. Шубҳасиз, бола туғиш мотивациясининг таҳлили ҳар бир аниқ аёл учун бола туғишнинг субъектив мазмунини тушунишга ёрдамлашади.

Репродуктив мотивлар шахснинг муайян болалар миқдорини дунёга келтириш орқали ҳар хил турдаги шахсий мақсадларига эришишга ундовчи психик ҳолатини ўзида акс эттиради. Репродуктив мотив болани исталган навбатда дунёга келишининг шахсий мазмунини тавсифлайди. Бунда болалар у ёки бу мақсадларга эришиш воситаси бўлади. Репродуктив мотивлар (ёки туғилиш мотивлари) иқтисодий, ижтимоий ва психологик турларга ажратилади:

- 1. Бола туғилишидаги иқтисодий мотивлар у ёки бу миқдордаги болаларнинг туғилишига ундайди, бу ҳодиса орқали муайян иқтисодий мақсадларга эришилади: қандайдир моддий фойда олиш ёки иқтисодий мақомни ошириш (сақлаш).
- 2. Ижтимоий мотивлар болали бўлишнинг ёйилган ижтимоий-маданий меъёрлари доирасида муайян миқдордаги болалар туғилишига ундайди ва бу меъёрларга индивидуал реакция ҳисобланади.
- 3. Психологик мотивлар. Муайян миқдордаги болалар туғилиши орқали инсон ўзининг қандайдир ўта шахсий, ички мақсадларига эришади. Бу мотивлар ота-оналар субъектлар ёки объектлар сифатида юзага чиқадиган икки синфга ажраладилар.

А.И.Захаров фикрича, ҳомиладорлик оналик инстинкти билан шартланган ва унинг асосий мақсади авлодни давом эттиришдан иборат [2]. Муаллиф келгусида болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва уларга муҳаббат кўринишидаги оналик инстинктининг юзага келиши ва намоён бўлишига кўмаклашувчи омилларни ажратиб кўрсатади:

- 1. Оналик тимсоли. Ота-онаси ва бува-бувисида инстинктнинг яққол ифодаланганлиги.
- 2. Болали бўлишни исташ, уларга установаканинг мавжудлиги.
- 3. Ҳомиладорликнинг бошланишига ижобий қараш.
- 4. Дунёга келаётган норасидага бўлган назокат (ҳомиланинг илк қимирлаши дахлдорлик туйғусини туғдиради).

- 5. Болага ачиниш ва ҳамдардлик туйғуси (чақалоқнинг дастлабки чинқириғи қувонч туйғуси-ни ва болага ёрдам бериш истагини уйғотади).
- 6. Бола билан яқинлик туйғуси (болани кўкракка босиш – тажриба, бола ҳаётида иштирок этиш).
- 7. Онанинг эмоционал меҳрибонлиги (ота-оналарнинг хайрихоҳ, севгувчи муносабатига боланинг жилмайиши).

Бу омилларнинг мавжудлиги оналик туйғуси ва бола билан эмоционал алоқанинг адекват шаклланиши шартли ҳисобланади.

Г.Г.Филиппова оналик соҳасининг ривожланишини 9 даврга ажратади [4]:

- 1. Ҳомиладорлик идентификацияси. Кўп ҳолларда бу давр ҳомиладорлик фактини англаш билан бевосита боғлиқ. Ҳомиладорликнинг идентификацияси оналикнинг келгусида ривожланишига таъсир кўрсатмайди, балки оналик соҳасининг бошланғич мазмунини акс эттиради.
- 2. Қимирлаш ҳиссининг бошланишигача бўлган давр. Бу даврга хос бўлган пасайган умумий фаоллик мослашувчан аҳамиятга эга. Бу вақтда ташқи олам билан алоқа чекланади, бу ҳомиладорликнинг сақланиши ва ҳомиланинг ривожланишига кўмаклашади.
- 3. Болада қимирлаш ҳиссини пайдо бўлиши ва барқарорлашиши. Бу давр онанинг жисмоний ва эмоционал ҳолатиш учун бирмунча ёқимли ҳисобланади. Аёл энди ҳомиладор эканига кўникди. Бу вақтда аёлларда қизиқишлар ўзгариши кузатилади, ҳомиладорлик ва туғишдан кейинги давр вазифаларига, диққатларини туғишга тайёрланишга жамлайдилар.
- 4. Ҳомиладорликнинг учинчи босқичи. Тиббий ва психологик нуқтаи назардан бу давр жуда мураккаб ҳисобланади. Аёлларда кайфият ёмонлашади, у тезда толиқади, бола билан боғлиқ бўлмаган барча нарсага қизиқиши пасаяди.
- 5. Туғишдан олдинги давр. Бу вақтда фаоллик ва кескин эмоционал реакция қилиш қобилияти чегараланади. Аёлларда туғишдан олдинги кўркув пасаяди.
- 6. Туғиш ва туғишдан кейинги давр. Она ва бола ўртасида эмоционал алоқа пайдо бўлади.
- 7. Чақалоқлик даври. Онанинг бутун ҳаётини бола ва ўз кечинмаларига эътиборининг жамлаши таъминланади.
- 8. Онанинг бола билан биргаликдаги – алоҳида фаолияти. Бу даврда онада бола билан ўзаро ҳаракатнинг эмоционал бирлигининг муайян стили пайдо бўлади. Қулай шароитларда бола ривожланишининг ўзи онанинг алоқадан ташвишланишдан лаззат олишга ўтишини таъминлайди.
- 9. Болага шахс сифатида қизиқишнинг юзага келиши. Бола ҳаётининг иккинчи йилида боғланиш шакллариининг ўзгариши рўй беради. Бу онанинг болани фаоллигига, хавфсизлик ва мустақилликни таъминлашнинг уйғунлашишига янги муносабатда бўлиш зарурияти билан боғлиқ.

**Ҳатто исломда ҳам фарзанд тарбиясидаги илк давр масъулияти она зиммасига юклатилади. Бу даврни «ал-ҳизона» (яъни «ҳимоя қучоғига олиш») даври деб аталиб, бу давр-оналарнинг ёрдамсиз бўлмаслиги шубҳасиздир. Шунингдек, ислом тариқатига кўра ота-она учун бола олдида ўз ҳуқуқларини бажаришлари фақат ахлоқий қоида бўлиб қолмай, балки фарз даражасидаги ҳуқуқ ва бурчлардан биридир.**

Адабиётлар таҳлили асосида айтиш мумкинки, барча йўналишдаги педагоглар ўсмир ўғил-қизларимизни оилага тайёрлаб боришимиз лозим. Хусусан:

- 1. Йигитларимиз оила қуриш деганда чиройли тўйхона-ю, машиналарни, қизларимиз оппоқ либосни кўз олдиларига келтиришлари, табиий. Бизнинг вазифамиз уларга оиланинг қатор функциялари борлигини, бу ҳар икки томонга масъулият юклашини Шарқ мутафаккирларининг бу борадаги фикрлари, ислом таълимотидаги ўғитлар асосида тушунтириш.
- 2. Никоҳ – бу уч томонлама – эркак, аёл ва давлат томонидан тузиладиган битим [5] бўларкан, ёшларга эр-хотиннинг нафақат бир бири олдида, балки жамият, давлат олдида масъул эканликларини англашларида ёрдамлашиш учун бадий манбалардан фойдаланиш.
- 3. Табиат инъом этган туҳфа бўлмиш фарзанднинг дунёга келиши уни эътиборсиз қолдирмаслик, боқиш, тарбиялаш, таълим бериш вазифасини юклаши, бундан бош тортиш муайян жазога тортилишга сабаб бўлишини сингдириш.



Хулоса ўрнида умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқув дастурига «Оилашунослик» ёки «Масъулиятли оила соҳиб ва соҳибалари» дарслигини киритишни, бу дарсликларда қадимий урф-одатларимиз, ислом таълимотидаги ўғитларни киритишни, шунингдек, ушбу мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилишини режага киритилишини тавсия қиламиз. Шунда халқимиз онгу-шуурига азал-азалдан сингиб кетган кадриятларимиз юз очиб, ўғил болалар масъулиятли оталикка, қизлар эса масъулиятли оналикка ва оиладаги ўзаро муносабатларни равон боришига тайёрлантирилган бўлардилар.

### Адабиётлар

1. Бадинтер Э. Психология материнства. / Учебное пособие. – М., 2002.
2. Захаров А.И. Анамнез, этиология и патогенез. – Л.: Медицина, 1988. 174 б.
3. Мид М. Культура и мир детства. – М.: Наука, 1988.
4. Филиппова Г.Г. Психология материнства./ Учебное пособие. – М.: изд-во Института психотерапии, 2002. 240 б.
5. Яхьяева М., Исломова Д. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда ижтимоий етимликнинг олдини олиш масалалари. /»Аёл, оила ва жамият: қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари» Республика илмий-амалий конференцияси. – Т.: Академнашр, 2017. 154-158-б.

## КАК РАЗВИВАЕТСЯ РЕБЕНОК

- **Т.Г. Визель, доктор психологических наук, профессор кафедры специального дефектологического образования Московского института психоанализа**
- **А.В. Прохорова, доктор психологических наук, главный врач Центра сенсорной интеграции и развития речи «Томатис-Ташкент»**
- **С.В. Клевцова, преподаватель кафедры специального дефектологического образования Московского института психоанализа**

В интернете и других публикациях можно найти самые разные (и нередко противоречивые) мнения по поводу того, как растить детей младенческого возраста. Между тем правильные действия в этом направлении принципиально важны, т.к. являются базисными, определяющими многое в состоянии здоровья ребенка в будущем. Остановимся на некоторых, наиболее важных моментах.

### По поводу пеленания

**Иккинчи босқич** – бирламчи коммуникатив талаффуз малакаларини шакллантириш. Артикуляция нуксонларни, нутқий нафасни, овозни коррекциялашга доир иш олиб борилади.

**Учинчи босқич** – товушлар талафузининг коррекцияси, нутқнинг лексик-грамматик томони, боғланган нутқни ривожлантириш. Коррекцион ишнинг мажмуасига артикуляция органларининг турли массажи, заруриятга кўра физиотерапия ва тиббий дори-дармон ёрдамида даволов ишлари кирди.

Эшитиш нуксонига эга бўлган боланинг тўғри тарбияси ва ривожланишида оиланинг унинг ҳолатига адекват мослашуви муҳим. Оила ижтимоий атроф-муҳит билан муносабатларни сақлаб қолиши керак, бу боланинг жамиятда ижтимоий мослашувига кўмаклашади. Эшитиш нуксонига эга бўлган болани оилада коррекцион тарбиялаш ва ўқитиш реабилитацион-даволовчи жараённинг бир қисми ҳисобланади, у болани фаоллаштиради, уни оддий ҳаёт билан психологик боғлайди, унинг мослашуви ва ижтимоийлашувига кўмаклашади.

### Адабиётлар

1. Мягер В.К. Семейная психотерапия-показания и методы // Семья и личность: Тезисы докладов, все союзной конференции. – М.: 1981 г.
2. Миноваров А.К. Педагогические условия семейного воспитания. – Т.: 1989 г.
3. Низамов А.К. Взаимодействие школы, семьи и общественности в организации производительного труда старшеклассников (на материале сельских школ Узбекистана). / Дисс. ... канд.пед.наук. – Т.: 1990.
4. Ничаев Ш.Н. Социально-бытовая характеристика семьи, имеющих детей с нарушениями слуха. – М., 2001.

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ МЕНЕДЖМЕНТ КАК НАУКА УПРАВЛЕНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМИ СИСТЕМАМИ И ПРОЦЕССАМИ

- **А. Камалиева, доцент, кандидат филологических наук  
Бартынский университет (Турция)**

В современном мире педагогическая деятельность выходит за границы образовательных учреждений. Она приобретает активный социальный статус и целенаправленно реализует задачи повышения образовательного уровня управленцев и руководителей, направленные на совершенствование результативности работы муниципальных и государственных служащих. Традиционным в науке являлось мнение о том, что в основе эффективности управления в органах государственной и муниципальной власти лежит личный и практический опыт менеджера, чиновника. Вместе с тем актуальные потребности общества диктуют новые условия качественных характеристик управленческой деятельности, основной целью которой является реализация высоких гуманитарных стандартов жизни и достижение социально значимых результатов.

Одним из путей формирования культуры управления современными исследователями признана теория педагогического менеджмента, который представляет собой комплекс принципов, методов, организационных форм и технологических приемов управления педагогическими системами подготовки служащих, направленными на повышение эффективности их профессиональной деятельности и развитие личностных качеств. Особое значение в педагогическом менеджменте играют искусство общения с людьми, особые управленческие умения и способность к организации.

Сегодня понятие «педагогический менеджмент» можно рассматривать и трактовать в качестве нового социального явления как организацию воспитания, развития, обучения и формирования управленческой компетенции представителей власти в системе государственного и муниципального управления. Потребности современной социальной жизни требуют поиска новых форм

деятельности, новых направлений работы, таких как педагогический менеджмент профессиональной деятельности, а также педагогический менеджмент в системе государственной и муниципальной власти. Кроме того, чиновники, муниципальные служащие, руководители, ежедневно работающие в контакте с другими людьми, должны развивать свои дидактические умения и совершенствовать личностный потенциал. Как показывает опыт развития ведущих организаций и корпораций, формирование эффективного управления в рамках применения теории и практики педагогического менеджмента позволяет ориентировать образовательный потенциал чиновников не только на усвоение универсальных знаний, умений и навыков, но также на развитие личности, способной творчески применить полученные знания в практической деятельности, совершенствовать свою профессиональную культуру.

Понятие «менеджмент» в педагогике начали использовать относительно недавно. Менеджмент – это умение достигать поставленные задачи, используя труд, интеллект и мотивы поведения людей [4, 54]. Однако русское слово «управление» не передает всех оттенков того, что подразумевает слово «менеджмент». Менеджмент – это также и функция, вид деятельности, содержание которых составляет руководство подчиненным в пределах организации; менеджмент – это и область знаний, помогающих осуществлять функцию управления; менеджмент – это способ, манера общения с людьми, власть и мастерство выстраивания отношений, особого рода умения и административные навыки.

Под педагогическим менеджментом в общем смысле понимают процесс организации человеческих, материальных, финансовых ресурсов для достижения определенных целей. Менеджмент в педагогике – это управление (планирование, регулирование, контроль), руководство педагогическим производством, его организация. Педагогический менеджмент как наука управления образовательными системами и процессами – отрасль педагогики, предметом которой являются вопросы организации управления в сфере образования и в образовательно-воспитательных учреждениях. Источниками управления и руководства образовательными системами служат современные достижения науки об управлении, законодательство, практика организации школьного дела, опыт управления в области образования, историческое наследие и т.д. Будучи отраслью педагогики и опираясь на ее достижения, педагогический менеджмент как теория и практика связан с целым рядом других наук: общей теорией управления, экономикой, социальной психологией, физиологией, школьной гигиеной и др. Актуальность исследований в этой области подтверждается многочисленными изданиями по вопросам управления в сфере образования таких ведущих специалистов, как Ю.А. Конаржевский, В.С. Лазарев, А.М. Моисеев, А.А. Орлов, М.М. Поташник, П.В. Сунцов, В.А. Сластенин, П.И. Третьяков, К.М. Ушаков, Р.Х. Шакуров, Т.И. Шамова, Е.А. Ямбург, и многих других [2, 56].

В задачи управления образовательными системами как сферы компетенции педагогического менеджмента входит целая совокупность различных мероприятий, которые направлены на обеспечение эффективного и устойчивого функционирования образовательного процесса в условиях современных учебных и воспитательных учреждений. Среди них особо выделяются такие, как организационные, методические, дидактические, воспитательные, кадровые, плановые, финансовые, снабженческие, информационные, имиджевые, контрольно-мониторинговые и пр. Весь этот комплекс дел и мероприятий составляет непосредственное содержание деятельности и феноменологию образовательной реальности, которая складывается в целостный и упорядоченный процесс благодаря специально выстроенному управлению, а именно педагогическому менеджменту.

Структура педагогического менеджмента включает следующие уровни:

- 1) управление деятельностью педагогического коллектива;
- 2) управление деятельностью педагога;
- 3) управление деятельностью учащегося.

Педагогическая действительность представляет собой множество иерархически увязанных между собой по вертикали и по горизонтали систем (система – совокупность элементов, между которыми появляются определенные отношения). Например, дидактическая система – это часть общей педагогической системы, которую мы обособляем и рассматриваем как относительно самостоятельную, чтобы глубже разобраться в процессах, в ней происходящих (Беспалько, 1989).



Системной природе педагогических процессов соответствует системный характер педагогического управления в основных измерениях [3, 89].

По вертикали выделяются следующие системы и соответствующие им уровни управления: государственная система образования и воспитания в целом (уровень государственного менеджмента); региональные образовательно-воспитательные системы (уровень регионального менеджмента); областные (районные) сети образовательно-воспитательных учреждений (областной и региональный уровень менеджмента); учебные заведения и соответствующий им уровень менеджмента; подразделения учебно-воспитательных заведений и соответствующий уровень менеджмента.

По горизонтали отмечаются следующие уровни квалифицированного управления: учебные занятия; самостоятельная внеаудиторная работа; профессионализм преподавателя и т. д.

Отдельно выделяется управление педагогическими проектами. Педагогические проекты – это относительно обособленные направления (части) деятельности, выполняемые с определенной целью. Так, на уровне школы или вуза могут быть следующие педагогические проекты: научные исследования преподавателей; научные исследования студентов; учебные занятия; различные воспитательные мероприятия; издательские проекты; строительные проекты; обмены студентами и преподавателями; экзаменационные сессии; проведение каникул; развлекательные мероприятия.

В числе сущностных и постоянных компонентов педагогических систем выделяются следующие:

- цели (смысл) функционирования системы. Главная цель – формирование свободного, ответственного и творческого человека, готового к жизни в современных условиях;
- содержательное наполнение процессов и подпроцессов;
- организация (формы и методы) процесса;
- побуждение (мотивация) участников педагогических процессов к достижению высоких результатов;
- продукты (результаты) функционирования системы. Важен контроль их количества и качества.

В качестве компонентов педагогического менеджмента исследователи определяют следующие составляющие:

- образовательный компонент, предполагающий организацию процесса обучения и воспитания в его взаимосвязи с принципами, методами, средствами и формами управления учебным процессом;
- мотивационный компонент, обеспечивающий постановку целей отдельных участников совместного трудового процесса;
- когнитивный компонент, отражающий интерпретацию педагогического знания в качестве методов развития корпоративного мышления;
- деятельностный компонент, применяемый в рамках использования научных педагогических подходов, образовательных концепций и человеческого фактора;
- творческий компонент, согласно которому педагогическая деятельность основывается на творческом характере работы, постановке целей и разработке способов их достижения;
- информационный (когнитивный) компонент, определяющий информацию в качестве предмета педагогической деятельности;
- интегративный компонент, с помощью которого осуществляется реализация функции управления учебной деятельностью путем постановки целей и способов их достижения, разрабатываемых совместно с субъектами образовательного процесса (Симонов, 2009).

Символическое лидерство: руководитель становится символом образовательного учреждения, т.е. школу (или лицей, колледж, вуз) многие знают не по названию, а по фамилии руководителя. Он председательствует на церемониях и собраниях, знает по имени сотрудников и учеников, посещает занятия и делает обходы школы [1,54]. Педагогический коллектив и обучающиеся сразу понимают, что руководитель ценит их, что дает им чувство уверенности и целенаправленности в своих действиях. Они ощущают свою вовлеченность в дела школы, и их заинтересованность возрастает.

Культурное лидерство: руководитель в такой школе – это своего рода «верховный жрец», он является главным носителем и хранителем культуры школы, ее традиций и символов. Он поддерживает климат, основополагающие идеи и общие задачи, следит за передачей традиций и культуры новичкам. Люди начинают верить в школу как в идеологическую систему, понимают, что

они члены сильной культуры, и это придает им чувство собственной значимости и ощущение важности их работы, что служит для них прекрасным стимулом.

Для успешного обеспечения целостного образовательного процесса руководитель должен уметь сочетать в себе и своей работе различные типы лидерства, нести опыт разностороннего построения образовательной действительности как среды полноценного формирования личности обучаемых и дееспособного труда педагогического коллектива.

### Литература

1. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. 192 с.
2. Конаржевский Ю.А. Менеджмент и внутришкольное управление. – М.: Центр «Педагогический поиск», 2000. 222 с.
3. Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: пер. с англ. – М.: Дело, 1997. – 704 с.
4. Симонов В.П. Педагогический менеджмент. Ноу-хау в образовании. / Учеб.пособие. – М.: Высшее образование; Юрайт-Издат, 2009. 357 с.
5. Ситаров В.А., Смирнов А.И. Культура предпринимательства: теория и практика. – М.: Вологда: Полиграфист, 2006. 192 с.

## ЎЗБЕКИСТОНДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

- **Ф.Камилов, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази бош мутахассиси, ЎЗМУ мустақил изланувчиси**

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августидаги «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5006-сонли Фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабридаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5270-сонли Фармонида «Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури» ва «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш муҳим вазифа этиб белгиланди. Асосийси ушбу фармон «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»ни ратификация қилиш бўйича узоқ давом этадиган жараёни бошлаб берди [7, 8].

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари яратилган дейишга тўлиқ асосларимиз бор: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларда, кодексларда, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари», «Фуқаролар соғлиғини сақлаш», «Жисмоний тарбия ва спорт», «Таълим», «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти» тўғрисидаги Қонунларининг тегишли моддаларида ногиронлиги бўлган болаларни ҳимоя қилиш масалаларига оид нормалар асосида ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб қўйилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси, 2017 йил 25 декабридаги «2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида» ги ПҚ-3440-сонли Қарорларда ҳам туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар соғлиғини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш масалалари устувор вазифа этиб белгиланган.

Ногиронлиги бўлган болаларнинг инклюзив таълим олиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича ҳам ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Респу-

бликаси Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 17 июнидаги «Таълим муассасаларининг инклюзив таълим олиш учун махсус таълим муассасасидан ногиронлиги бўлган ўқувчиларни бошқа таълим муассасига ёки умумий таълим муассасасига кўчириш тўғрисида»ги 2685-сонли буйруғи қабул қилинди.

Ногиронлиги бўлган болалар ва ёшлар ҳаётда ўз қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда муайян фаолият билан машғул бўлиб, жамият ижтимоий-сиёсий муносабатларида фаол иштирок эта олиши, амалда тенгликни таъминлаш имкониятини инклюзив таълим орқали рўёбга чиқариш мумкин. Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган болалар ва ёшларга таълимда ва ижтимоий ҳаётда тўлақонли тенгликни таъминловчи шароитни яратиб беради, бироқ уларнинг муваффақиятга эришиши учун нафақат ўқитувчи, педагог, балки тенгдошлари, ота-она, оила аъзолари ва бошқаларнинг қўмағи муҳим аҳамият касб этади.

Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг тиббий, ижтимоий-ҳуқуқий, педагогик-психологик, реабилитация хизматларидан фойдаланиб келаётган ота-оналар билан ўтказилган суҳбатларда шу нарса маълум бўлдики, кўплаб ота-оналар ўз фарзандларни уйларида узокда бўлган махсус мактабларга жўнатишни истамайдилар, шунинг учун ушбу болаларни ўз яшаш жойидаги мактабда ўқишини ёки уйда таълим беришни маъқул деб ҳисоблайдилар.

Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари ва амалиётда дуч келаётган муаммолардан қуйидаги хулоса ва амалий тавсияларни бериб ўтишни лозим топдик, жумладан;

**Биринчидан,** Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоянинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда ижтимоий ҳимоя секторига масъул бўлган ягона органни ташкил этиш. Турли ижтимоий дастурлар ўртасида мувофиқлаштиришни кучайтириши ҳамда аҳолининг заиф қатламлари учун ижтимоий хизматлардан баҳраманд бўлиш имкониятини яратади.

**Иккинчидан,** ногиронлиги бўлган болаларнинг статистикасини юритувчи, Ягона реестрни ташкил этиш. Ногиронлиги бўлган болалар тўғрисида аниқ статистик маълумотнинг мавжудлиги уларни ҳимоя қилиш учун ажратилаётган маблағларни манзилли ва самарали сарфланишига олиб келади.

**Учинчидан,** ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларнинг камситилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш ҳамда оила, жамият ва давлат билан ўзаро боғлиқлигини кучайтириш бўйича, шу жумладан, хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олиб, махсус ижтимоий лавҳалардан фойдаланган ҳолда олиб бориладиган тушунтириш ишларини олиб бориш ва жамиятнинг ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан муносабатини ўзгартириш. Ногиронлиги бўлган шахсларга ҳомийлик ёки хайрия объекти эмас балки, уларни жамиятга уйғунлаштириш, реабилитация қилиш, жамиятдаги турли хил тўсиқларни бартараф этиш (ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан мулоҳаза ва стереотиплар, улар учун мослаштирилган транспортларнинг йўқлиги, ахборот олишнинг имкони суст, турар жой ва ижтимоий объектларга киришдаги ноқулайликлар) нуқтаи назаридан ёндашиш уларнинг ўз-ўзини баҳолашларини ошириш имконини беради ва уларга тенг ҳуқуқ ҳамда имконият учун куч адо этади.

**Тўртинчидан,** ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий иш амалиётини татбиқ этиш. Профессional ижтимоий хизмат тизими яратилади. Мавжуд ижтимоий хизмат турлари кенгайди. Ушбу хизматлар ижтимоий иш амалиётининг кенг тарқалган замонавий технологиялари ҳисобланган «кейс-менежмент» усули асосида амалга оширилади. Ногиронлиги бўлган болалар билан қисқа муддатли чора-тадбир кўриш эмас, балки уларни ва оила аъзоларини қийин ҳетий вазиятдан чиқаришга, нормал ҳаётга қайтишини таъминлашга эришилади. Ногиронлиги бўлган болаларнинг институционал муассасаларга тушишининг олди олинади.

**Бешинчидан,** ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналари ва оила аъзолари билан мунтазам ишлаш, уларнинг болалар ҳуқуқ ва имтиёзлари бўйича билимларини ошириб бориш. Ногиронлиги бўлган болалар учун давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматлардан фойдаланиш маданиятини юксалтириш. Ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-онларининг болани парвариш қилиш ва тарбиялаш, бундай болалар учун давлат томонидан берилган ҳуқуқ ва имтиёзлардан хабардорлиги оширилади. Ногиронлиги бўлган болалар эрта босқичда, эҳтимол туғилганидан бошлаб, реабилитация қилинса, бунинг самараси 70-80% гача кўтарилиши мумкин. Бу нафақат ногиронликни енгиллаштиради, балки боланинг ижтимоий интеграциясини ҳам таъминлайди.

Хулоса шундан иборатки, жамият ногиронлиги бўлган болаларга ачиниш кўзи билан эмас, аксинча асосий эътиборини уларнинг ҳуқуқларига қаратиши керак. Шундагина уларни жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзолари сифатида кўриш мумкин бўлади ва ижтимоий мослашувига ёрдам беради.

### Адабиётлар

1. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда.
2. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000., 76-II-сон.
3. «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 487-модда.
4. «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997., 9-сон, 225-модда.
5. «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда.
6. 2018 йил 16 февраль куни ЮНИСЕФ томонидан ногиронлиги бўлган шахслар масалаларини ОАВда тўғри ёритиш мавзусига бағишланган давра суҳбати материаллари. Тошкент-2018 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 августидаги «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Ф-5006-сонли Фармойиши.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабридаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5270-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 16-сон, 176-модда.
10. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болалар ва катталар аҳолининг таҳлили (қисқача ҳисобот) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколотхонаси. 2019 йил.

## ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШДА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР

- **В.М.Каримова, психология фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети**

Халқаро ҳамжамият таълимнинг жамият тараққиёти ва инсон ривожланишидаги катта ўрнини эътиборга олиб, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қатор халқаро ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиққан. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг декабрида қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳар бир инсоннинг таълим олиш ҳуқуқини эътироф этди ҳамда бу борада камситишларга йўл қўймаслик тамойилларини тасдиқлади [1]. Таълим соҳасида ҳар қандай камситиш инсон ҳуқуқларини бузиш ҳисобланиши алоҳида таъкидланди.

Жаҳон тарихига назар ташласак имконияти чекланган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бир қанча қонунлар қабул қилинганини кўришимиз мумкин. Масалан, 1982 йилда қабул қилинган бутун жаҳон ҳаракат дастури асосида БМТ томонидан ногиронларга мўлжалланган «Ўн йилликнинг истиқбол стратегик режалари» (1983-1992); Ногиронларнинг имкониятларини тенглаштиришни таъминлаш бўйича стандарт қоидалар, 1993 й.; Лондон шаҳрида Халқаро Реабилитация Ассамблеяси томонидан 1999 йил 9 сентябрда қабул қилинган «Учинчи минг йиллик Хартияси». Хартия имконияти чекланган одамларнинг инсоний ва фуқаролик ҳуқуқлари учун курашдаги стратегик ҳужжат ҳисобланади: «XXI асрда биз имконияти чекланган одамларнинг инсоний ҷввилизациясига муваффақиятли равишда мослашишига ва улардаги жисмоний ва психологик тўсиқларни енгишлари учун имкон яратишимиз, жамият ҳаётига фаол равишда аралашуви учун йўл очишимиз зарур» [3].

XX асрнинг 90-йилларида бутун дунё миқёсида жамиятнинг ногиронларга бўлган муносабатлари ва уларнинг таълим олишига қаратилган бир қанча концептуал тадбирлар ўтказила бошланди. Масалан, 1994 йил 7-10 июнь кунларида Испаниянинг Саламанка шаҳрида алоҳида ёрдамга



мухтож шахсларнинг таълим олишига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 92 та мамлакат ва 25 та халқаро ташкилотдан делегациялар қатнашди. Ана шу конференцияда қабул қилинган Декларацияда шундай дейилади: «...алоҳида таълимга мухтож болалар, ёшлар ва катталарни таълим билан таъминлашни зарурий ва кейинга қолдириб бўлмас масала деб тан оламиз...» [4]. Худди шу анжуманда илк маротаба инклюзив мактабларни тузиш ҳақидаги масала кўтарилган ва бунинг долзарблиги асосланган.

70-йилларда Европада жуда кенг миқёсда алоҳида ёрдамга мухтож шахсларни (имконияти чекланишининг қай даражадалигидан қатъий назар) бошқалар билан тенг равишда ўқитиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этила бошланди. Натижада, махсус мактаблар ва интернатлар ёпилиб, ривожланишда ортда қолган болалар «умумий оқим»ларга ўтказилди.

Голландияда болаларнинг таълим олишдаги тенглик тамойили қатъий назорат қилиб борилади. ЦПБ учун махсус «Митил-мактаблар», ақлий ривожланишдан ортда қолганлар учун «Тилтил-мактаблар» мавжуд. Махсус мактабларда голландиялик болалар бир неча йил таълим олишади, шунингдек болаларнинг аҳволи яхшилангудек бўлса, улар умумтаълим мактабларига ўтказилади. Аммо алоҳида ёрдамга мухтож болаларнинг бир қисми оддий мактабларга боришади, бу ҳолатда уларнинг ўқитувчиларига Митил ва Тилтил мактаб ўқитувчилари томонидан маслаҳатлар берилди. Бу ҳолатда ота-она: боласининг қайси мактабга боришини танлаш ҳуқуқига эга.

Германияда ақлий жиҳатдан ортда қолган болалар бошқалардан ажратилмайди. Ақлий жиҳатдан енгил даражада ортда қолган болалар умумтаълим мактабларида ўқишади. Ақлий жиҳатдан ўртача ва чуқур даражада ортда қолган болалар учун махсус мактаблар мавжуд бўлиб, Еркеленц шаҳрида И.Г. Песталоцци номидаги ва Обербрух шаҳридаги мактабларни, бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Болаларнинг ижтимоийлашуви учун энг яхши воситалардан бири болани ўз тенгқурларидан ажратмасликдир. Германияда ташкил этилган махсус мактаблар соғлом болалар учун қурилган мактаблар билан ёнма-ён қурилган бўлиб, уларнинг спорт залларида, устахоналарида машғулотлар биргаликда олиб борилади ва шу тариқа имконияти чекланган болалар ўз тенгқурлари билан мулоқатда бўлишади. Бундан ташқари бундай мактабларда ўтказиладиган тадбирлар биргаликда ташкил қилинади, бунда имконияти чекланган болалар ўз тенгқурлари қатори нутқининг шаклланиши, ўз ҳис-ҳаяжонларини бошқариши, хулқ-атворларни ўзлаштириши имкони вужудга келади. Бу ижтимоий сиёсат натижасида имконияти чекланган болаларнинг ижтимоийлашувида янада самаралироқ натижага эришилади.

Финландия қонунига мувофиқ ҳар бир 7 дан 16 ёшгача бўлган болалар мактабга бориши шарт. Ақлий ривожланишдан ортда қолган болалар махсус мактабларда ёки умумтаълим мактабларининг махсус дастур асосида ўқитиладиган синфларда, ёинки интернат-шифохоналарда таълим олишади. Шунингдек, улар бирор-бир касб юзасидан мутахассислик даражасини олиш учун касбий таълим олиш ҳуқуқига эга.

Имконияти чекланган инсонлар меҳнат қилиш, таълим олиш, ҳордиқ чиқариш ҳуқуқига эгадирлар. Улар маданиятга ва спортга киришиш учун кенг тарзда имкониятга эга бўлишлари шарт: спорт секцияларида шуғулланишлари, бадий фаолият тўғарақларига қатнашишлари мумкин. 1993 йил 20 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган, ногиронларнинг имкониятларини тенглигини таъминлайдиган Стандарт Қоидаларда, маданият ва спорт соҳасига доир ҳақ-ҳуқуқлари алоҳида кўрсатилган. Маданиятга дахлдор бўлган 10-қоидада [5] шундай дейилади: «Давлат ногиронларнинг маданий ҳаётга киришишни ва маданий ҳаётда қатнашиши имкониятларини тенглик асосида амалга ошишини таъминлайди», «Давлат ногиронларнинг ... яратувчанлик, бадий ва ақлий салоҳияти имкониятларидан нафақат ўзларининг муваффақияти, балки жамият тараққиётини бойитиш учун ҳам фойдаланишини таъминлашайди. Бундай фаолиятга театр, адабиёт, рақс, куй, рассомчилик ва бадий адабиётларни мисол қилишимиз мумкин».

Охирги йилларда оилавий таълимнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Кўплаб мамлакатларда қатор қонун ҳужжатлари ва норматив актлар қабул қилинганки, уларга кўра, ота-онанинг хоҳишига кўра оила муҳитида, хонадонда боланинг таълим ва тарбиясини ташкил этиш мумкин. Бундай тарбиячиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган. Ўзбекистонда ҳам ушбу ҳаракатнинг дастлабки айрим кўринишлари пайдо бўлган. Лекин бизда оилавий таълим алоҳида кўмакка мухтож, етим, ногирон болалар учун ташкил этилган. Чунки ўзбекистонлик болалар ав-

вало қонунан берилган имкониятлар боис 2-3 йилгача бевосита онанинг ардоғида бўлиши мумкин, бу даврда икки ёшгача фарзанди бўлган онага давлат томонидан нафақа ҳам тайинланади. Агар оилада имконият бўлса, кейинги даврларда бола яна онаси ёки бувилари ёрдамида катта бўлади, мактабгача таълим муассасаларига жалб этилади.

Бугун ривожланишда ортда қолаётган ва соғлиғи заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари ташкил этилмоқда. Уларга таълимни бошқариш бўйича давлат органлари вакиллари томонидан жойларда соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосаси асосида қабул қилинади.

Имконияти чекланган болаларни мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш учун аввало улар махсус даволаш-соғломлаштириш муассасаларида даволаниб, таълим олмақда.

Сурункали касалликлардан азият чекаётган заиф болалар учун санатория мактаблар ва санатория мактаб-интернатлар ташкил этилган. Уларда иш тартиби аниқ шароит ва даволаш, таълим бериш вазифаларига қараб белгиланади.

Ақлий ва жисмоний ривожланишда нуқсонли бор болалар ақли заиф болалар учун ташкил этилган мактаблар ва мактаб-интернатларда ўқишмоқда. Кар ва яхши эшитмайдиган, кўзи ожиз ва яхши кўрмайдиган болалар, полиомилет ва церебрал фалажлик асоратларидан азият чекаётган, нутқи бузилган болалар учун таълим муассасалари тармоғи ташкил этилди. Бу болалар узоқ вақт таҳсил олади. Негаки, улар махсус ўқитиш услублари ва нуқсонларини тузатишга муҳтож.

Республикада 1541 нафар ногирон бола тарбияланаётган 5 та мактаб-интернат ишлаб турибди. Таълим тизимида ақли расо, бироқ психик ривожланишдан ортда қолаётган болалар учун мактаблар ва мактаб-интернатлар ташкил этилган. Тез чарчаб қолиш, тўхтаб қолиш, зарур луғат захирасининг йўқлиги бундай болаларни оммавий мактабда ўзлаштира олмаётганлар сирасига тушиб қолишига олиб келмоқда. Мактаб-интернатлари бу болаларга мактаб ҳаёти маромига тушиб олиш, ўқув дастурини қониқарли ўзлаштиришга ёрдам беради. Натижада уларнинг бир қисми тузалишига қараб оммавий мактабларга ўтказилади, қолган қисми эса тўлиқсиз ўрта маълумот олгунича, мактаб-интернатда қолади [6; 116-120].

Туғилишдан ногирон бўлган, мактабга бориб ўқиш имконияти чекланган болаларга эса Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, уй шароитида ўқитиш ташкил этилган. Бунда педагогларга қўшимча имтиёзлар ҳам берилади, улар 6 соатлик дастур асосида ногирон болага энг зарур билим, малака ва кўникмаларни уйда берадилар.

**Инклюзив таълим** – бу жисмоний ва ақлий имкониятлари чекланган болаларни соғлом тенгдошлари билан бирга, бир хил ижтимоий муҳитда ўқитиш, демакдир. Бу ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш борасида сиёсати бўлиб, юртимизда бирорта бола мактаб ёшида таълимдан четда қолмайди.



1-расм. Имконияти чекланган боланинг ижтимоийлашувига таъсир қилувчи омиллар

Бугунги кунда ногирон боласи бор оилаларни жамиятимиз, маҳалла аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиши катта аҳамиятга эга. Чунки, ногирон фарзанди бор оилаларнинг ўзига хос рухий эмоционал кечинмалари борки, бу оилалар кўп ҳолларда, ногирон фарзандлари туфайли ўз иш жойларидан ажраладилар ёки воз кечадилар, жамоат ишларида фаол иштирок эта олмасликлари ўзларини четга олиб, ажралиб қолишларига олиб келади.

Ҳаётда ҳар томонлама соғлом шахснинг яшаши қанчалик эътиборли бўлса, жисмонан ногирон, (бир сўз билан айтганда имконияти чекланган) болаларнинг турмушда ўз ўринларини эгаллашларига ёрдам бериш ҳам жамиятнинг олдидаги энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади ва бу куйидаги хулосаларга асосланади.

Биринчидан, оиладаги соғлом муҳит, оила аъзоларининг бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари, ота-она-фарзанд муносабатларидаги илиқлик, самимийлик ва яна дўстлар яқин қариндошлар билан ўрнатилган мулоқатлар имконияти чекланган болаларнинг ижтимоийлашувидаги муҳим омиллардир.

Иккинчидан, оилавий социализациянинг самарадорлиги оила билан бошқа тарбия масканлари ўртасида ўрнатилган ҳамкорликдаги уйғунликка бевосита боғлиқ.

Учинчидан, алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни умумтаълим мактабларида соғлом болалар билан бир қаторда ўқишни ташкил қилишда инклюзив таълимни жорий қилиниши, имконияти чекланган болаларнинг таълим олиш ҳуқуқларини, болаларнинг жамиятга эрта уйғунлашувларини таъминлайди.

Тўртинчидан, оила – имконияти чекланган болаларнинг одамлар билан ўзаро мулоқатга киришиши ва маънавий эҳтиёжларини қондириши учун энг биринчи ўриндаги ижтимоий инситутлардан бири бўлиб ҳисобланади. У имконияти чекланган болалар тарбиясидаги энг олдинда турувчи субъектлардан биридир.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: Адолат, 2002. – Б. 53
2. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги / Инсон тараққиёти тўғрисидаги маъруза. UNDP Uzbekistan 2007/2008. – Т.: Мега басим, 2008. – Б. 117.
3. Хартия третьего тысячелетия. – М., 2001. 21 б.
4. Саламанская декларация: о принципах, политике и практической деятельности в сфере образования лиц особыми потребностями. – М., 2001. 1-б.
5. Стандартные правила обеспечения равных возможностей для инвалидов. Правило 10. Культура. – Б.м.: ООН, 1994. 55-56 б.

## ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОДГОТОВКИ К СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ ДЕТЕЙ С ПРОБЛЕМАМИ СЛУХА

- **Ф. Кодирова, кандидат педагогических наук, доцент  
Региональный центр повышения квалификации работников народного  
образования Ташкентской области**

Во всем мире внедрены в практику модернизированные модели образования, направленные на обучение, воспитание и подготовку к труду и социальной жизни детей с ограниченными возможностями. Уделяется особое внимание обеспечению получения качественного образования детьми этой категории, овладению профессиями, соответствующими их возможностям, активному участию в общественно-политических отношениях, эффективной адаптации в обществе. Среди лиц с ограниченными возможностями имеются глухие и слабослышащие дети, и в обеспечении эффективности организованного для них специализированного обучения имеет серьезное значение ранняя диагностика и обучение, а также оптимизация методов и средств эффективного использования остаточного слуха.

В США, Франции, Германии, Швейцарии, России, Беларуси, Казахстане и других странах ведутся научно-теоретические исследовательские работы по уменьшению социальной инвалидно-

сти в обществе посредством совершенствования технологий эффективной организации развивающего-коррекционно-педагогического процесса. В частности, совершенствуются технологии ранней диагностики инвалидности, методики преподавания учебных предметов и подготовки детей к труду и семье в образовательных учреждениях. В процессе обучения глухих и слабослышащих детей имеет важное значение применение коррекционно-компенсационных подходов, принципов коммуникативной системы.

В нашей стране приняты нормативные документы по совершенствованию системы всесторонней социальной защиты уязвимых слоев населения, укреплению материально-технической базы подготовки их к общественной жизни. Разработана программа по дальнейшему совершенствованию системы поддержки людей с инвалидностью, усилению гарантий защиты их прав и свобод. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определена в качестве приоритетной задача коренного улучшения системы обучения детей с ограниченными возможностями, внесения в этот процесс инновационных технологий<sup>1</sup>. В результате созданы возможности для дальнейшего совершенствования обучения детей с ограниченными возможностями.

То, что социализация глухих и слабослышащих детей проходит так же, как у здоровых, обосновывает следующее высказывание Л.С. Выготского: «С педагогико-психологической точки зрения надо относиться глухому ребенку так же, как к здоровому». Среди них самая важная и решающая разница характеризуется в овладении языком. По мнению С.А.Зыкова: «Изучение языка на нужном уровне дает возможность преодолеть следствия глухоты, усвоить основы наук, после окончания специальной школы войти в общество слышащих». Значит, целевая организация обучения глухих и слабослышащих детей к общению с окружающими является начальной ступенью подготовки их к социальной жизни. Только при наличии словарного запаса глухих на уровне удобного обмена информацией с окружающими будет широким пространство общения глухих детей. Насколько широким будет пространство общения, настолько эффективно будет проходить включение в общество глухих и слабослышащих детей. Дети этой категории каждый новый учебный материал усваивают посредством отдельных маленьких действий. Если наоборот, они становятся всего лишь обыкновенными пассивными участниками урока. Здесь уместно привести теорию, выдвинутую П.Я. Гальпериным. Он говорит: «Ребенок мыслительной деятельностью не овладевает в готовом виде, он учится мыслить с помощью движений в определенной последовательности. А задача учителей состоит не только в контролировании этих движений, а в создании условий для них».

Правильная и целевая организация системы коррекционно-педагогической, развивающей работы дает возможность достичь неподчинения психики глухого и слабослышащего ребенка дефекту. В противном случае, т.е. если глухой или слабослышащий ребенок будет отдален от общего образования, порядка и воздействия общества и останется только в узком кругу семейного общения, ограничивающегося лишь пассивным участием в разных процессах, это приведет к плачевным результатам для его будущего. Значит, степень сформированности личностных качеств глухих и слабослышащих детей обуславливается не дефектом слуха, а определяется во взаимосвязи со знаниями, умениями, навыками и жизненными компетенциями, усвоенными через комплекс социальных воздействий.

В Узбекистане на основе ряда проектов, осуществленных Республиканским центром социальной адаптации детей совместно с международной организацией ЮНИСЕФ, накоплен опыт социализации детей с ограниченными возможностями. В частности, результаты экспериментов подтвердили, что ранняя диагностика и своевременное привлечение к соответствующему виду обучения детей с тем или другим дефектом является важным фактором в их эффективной социализации. Петер Антон Янн считает, что целью обучения глухих является обучение их свободному общению в обществе слышащих. Этой возможности они достигают только посредством разговорной или письменной речи. И. Фаттер (1842–1916) выдвигал идею о том, что обучение учебному предмету должен вестись параллельно с обучением речи. По его мнению: «Глухие смогут адаптироваться в мир слышащих тогда, когда они смогут выражать свои мысли, желания и

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.//Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Тошкент: «Адолат», 2017. – Б. 25.



чувства посредством разговорной речи, научатся читать с губ. Им эту возможность могут давать только «богом одаренные» учителя. Потому что обучение глухих – это искусство, и оно требует способного педагога».

С целью изучения состояния работ по подготовки к социальной жизни детей с этой проблемой нами было проведено исследование. С помощью констатирующего эксперимента проводился анализ состояния работ, направленных на подготовку учащихся к социальной жизни в период школьного обучения и профессиональных компетенций педагогов в этом направлении. В частности, также изучались возможности приема и передачи информации учащимся. Приводим некоторые результаты, полученные посредством анкетирования.

**«Как думаете, почему глухие и слабослышащие учащиеся после окончания школы не готовы переходить на следующей ступени образования?»** В 78% ответов на этот вопрос указано, что глухие и слабослышащие дети не владеют достаточной разговорной речью, необходимыми знаниями, умениями, навыками по учебным предметам. Кроме того, в начальных классах не поставлена на прочную основу работа по обучению свободному общению в устной и письменной формах, овладению речевым запасом, знаниями, умениями, навыками по учебным предметам, среди учителей и воспитателей нет целевого сотрудничества, содержание учебников сложное, в содержании учебников нет соответствия, государственные требования не целостны. Результаты работ по первоначальным наблюдениям показали недостаточность у глухих и слабослышащих детей именно речевого запаса, слабой мотивации к социализации, то, что они остаются пассивными участниками в учебном процессе.

Приводились теоретические сведения по истории обучения детей данной категории. Например, Л.С. Выготский сказал: «Нужно вести работу с опорой на этапы речевой подготовки к школе здорового ребенка. На первое место, прежде всего, ставится состояние ребенка, что он ребенок и только после этого, что он глухой, немой».

Как известно, глухой ребенок в сравнении со своими ровесниками в дошкольный период будет находиться в очень узкой, ограниченной среде общения и с окружающими обменивается мнениями на своем «языке». Этот «язык» состоит из жестов и очень беден. Поэтому привлеченного в школьное обучение глухого ребенка учат общей тактильной и жестовой речи, принятой в масштабе страны. В результате наблюдений выявлено, что основной причиной недостаточной подготовленности глухих и слабослышащих учащихся является то, что в течение последних 15–20 лет в Узбекистане применялся порядок, опирающийся на «Метод чистой устной речи», который является ведущим методом в образовательных учреждениях Москвы, Санкт-Петербурга. Данный порядок основывается на наличии применяемых индивидуально и массово звукоусилительных аппаратов, специальных кабинетов со звукопоглощающим покрытием, а также методического обеспечения в этом направлении. То, что в настоящее время в учреждениях такое обеспечение недостаточно, обосновывает нецелесообразность в организационно-методическом отношении прямого применения данного порядка. На практике он оказал отрицательное влияние на формирование речевого запаса, необходимого для усвоения учебных предметов, на пользование звукоусилительными аппаратами для повышения слухового восприятия учащихся, а также на ограничение в методическом отношении пользования жестовой речью. В результате глухие и слабослышащие учащиеся, в частности учащиеся старших классов, сталкиваются с препятствиями в усвоении общеобразовательных предметов. Они приспособились только переписывать тексты по предметам, а задания выполнять в основном по образцам.

В отношении планирования и организации коррекционно-индивидуальных занятий внедрены в практику такие подходы, как «Речевой порядок», «Речевой кластер», «Программа индивидуального развития». На основании этих порядков слова и словосочетания, задаваемые учащимся на индивидуальных занятиях для прослушивания и произношения, разделены на 4 группы: 1) часто применяемые в повседневной жизни; 2) относящиеся к учебным предметам; 3) относящиеся к явлениям, происходящим в природе, окружающей среде; 4) выражающие отношения между людьми и отвлеченные понятия. Эти слова представлены в разрезе классов для пользования в виде кластера. В результате оказано влияние на подготовку учащихся в речевом отношении к усвоению учебных предметов. Когда учащиеся будут готовы к усвоению учебных предметов, только тогда повысится качество и эффективность обучения.

При целевом осуществлении педагогического, психологического воздействия в процессе обучения отсутствие или слабость слуха как дефект становится второстепенным. Когда ребенку будет понятен каждый вид деятельности в процессе обучения, он не останется зависимым от дефекта. Если глухой или слабослышающий ребенок с помощью компенсационных подходов с интересом будет заниматься определенными видами деятельности, тогда в сотрудничестве с учителем, воспитателем, психологом и, безусловно, семьей возможно добиться интенсивного формирования личностных качеств у этого ребенка.

Нужно целевое обучение глухих и слабослышащих детей устной, письменной, дактильной, жестовой речи. Для этого целесообразно пользование общепринятыми жестами, «Речевым мониторингом» для анализа словарного запаса учащихся в разрезе классов, соблюдать «Единый речевой порядок».

В процессе исследования внедрен в практику ряд рекомендаций, чья эффективность подтверждена посредством экспериментов:

1. Уместное пользование речевыми формами и средствами, которые применяют глухие и слабослышащие дети. Для этого обеспечить развитие на основе единой программы навыков пользования жестовой и дактильной речью не только педагогического коллектива и учащихся, но и родителей.

2. В масштабе республики в учреждениях наладить системное применение порядков «Единый речевой порядок», «Речевой мониторинг», «Ведение речевого дневника», технологий «ОВУ (обязанность-возможность-успех)», «1-4-5» (направленные на формирование у учащихся речевых навыков и умений).

3. Обеспечить проведение в учреждениях воспитательных занятий по определенному расписанию и на основе плана, в параллельных классах по одинаковому плану и темам. Добиться внедрения программы «Планирование воспитательных занятий», а также программы, разработанной для занятий «Час подготовки к социальной жизни».

4. При преподавании каждого предмета, в процессе каждого коррекционного и воспитательного занятия обратить внимание на формирование у учащихся жизненных компетенций по теме, а также обогатить содержание учебников учебными заданиями, направленными на организацию самостоятельной, совместной деятельности учащихся.

5. При работе с детьми со сложными дефектами обеспечить соответствие процесса ситуации. Использование методов, средств, обеспечивающих приоритет дифференциального, индивидуального, рефлексивного подходов. Также наладить работу на основе программы индивидуально-го развития.

6. С целью развития навыков пользования современными информационными средствами расширить использование методов и средств, относящихся к цифровой педагогике, в основном технологии «Смотрите, слушайте, понимайте меня» или «Я на экране».

7. Наладить привлечение в начальные классы общеобразовательных школ учащихся, усвоивших государственные и программные требования по предметам и обладающих достаточно сформированными речевыми навыками и умениями.

### Библиографический список

1. Шматко Н.Д., Пельмская Т.В. Если малыш не слышит. – М.: Просвещение, 2003. 17 с.
2. Чичкова Т.И. Социализация детей с нарушением слуха в современном обществе // Молодой ученый. – 2016. № 26.
3. Тараканова Л.Б. Социализация детей с нарушениям слуха. doc/ <http://росмедадель.рф/publication-files>.
4. Нудельман М.М. Представление глухих школьников об оценке их личности сверстниками // Дефектология, 2013. № 6. 78 с.
5. Леонгард Э.И., Самсонова Е.Г. Развитие речи детей с нарушенным слухом в семье. – М., 1991. С.8.
6. Леонгард Э.И., Самсонова Е.Г., Иванова Е.А. Я не хочу молчать. – М.: Просвещение, 1990. 87 с.

# УЮШМАГАН ЁШЛАР: ЮЗАГА КЕЛИШИ САБАБЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯЛАР

- Н.Г.Комилова, психология фанлари номзоди, доцент Низомий номидаги ТДПУ
- М.Ш Яхняева, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази

Бугунги кунда уюшмаган ёшларнинг пайдо бўлиши уларга ҳукумат доирасида эътибор қаратилишига сабаб бўлди. Ўз-ўзидан савол туғилади: уларнинг юзага келишига нималар сабаб бўлди? «Ўзбекистон уюшмаган ёшларида мафкуравий иммунитетни такомиллаштиришнинг илмий-амалий асослари» номли амалий лойиҳамиз доирасида ўтказган тадқиқотимиз асосида қуйидагиларни айтиш мумкин:

- оилаларнинг ҳолати: кам таъминланган, кўп болалилик, ота-оналардан бирининг турмуш тарзи (ичкилик, гиёҳванд моддаларга тобелик ва ҳ.к.);
- оилалардаги тарбия усули (психологик босим ўтказиш, жисмоний зўравонлик ва бошқалар);
- ота-оналардан бирининг меҳнат миграциясида ёхуд содир этган ҳаракатлари сабабли озодликдан маҳрум этиш жойида эканлиги;
- ташқи таъсирлар (асоциал турмуш тарзини кечирувчи яқин катталар, тенгдошлар, ОАВ).

Зангиота тарбия колониясига ташриф буюрганимизда жазо муддатини ўтаётган ўсмир билан суҳбатлашимизни сўрашди. Б. эҳтиёжи учун қарз олган шахс муддати етганида қарзини сўрайвергани учун ундан қутулишнинг даҳшатли йўлини топган: қотилликка қўл урган. Энди бўлса уни кечалари марҳумнинг сиймоси тинч қўймайди. Б. билан суҳбатлашганимизда у жангари фильмларда муаммони шу тарзда ҳал қилишларини кўрганини, баъзилар ҳатто бойиб кетишларини гапирди. Албатта, йигитча қаттиқ афсусда, у содир этган ҳаракати учун жазосини олган.

Шу ўринда ўсмир ва ўспиринларда девиация – уюшмаганлик оқибатида юзага келадиган ҳулқидаги оғишларнинг шаклланишини психологик механизмларини кўриб чиқамиз. Ахлоқнинг аддиктив (аддикция – нимагадир ҳалокатли ишқибозлик ва ҳ.к.) модели шахснинг ўз психик ҳолатини баъзи моддаларни қабул қилиш ёки диққатини қандайдир предмет (фаолият турлари) га қаратиш воситасида ўзгартиришга интилишидан иборат. Турли моддаларни истеъмол қилиш, предмет ёки ҳаракатга боғланиб қолиш жараёни жадал эмоцияларнинг ривожланиши билан бирга боради ва инсонни шу тарзда камраб оладик, секин-аста бу инсон ҳаётини бошқаришни бошлайди, уни аддикцияга қарши курашишга иродасидан маҳрум қилади. Ахлоқнинг бундай шакли психологик қийинчиликни бошидан ўтказишда мураккабликка учрайдиган, тезда ўзгарадиган ҳаётий шароитларга ёмон мослашадиган, шу билан боғлиқ равишда тезроқ ва осонроқ психофизиологик қулайликка эришишга интиладиган одамларга хос. Аддикция улар учун реал ҳаётдан қочиш воситаси бўла боради.

Махсус адабиётларда «оғишган ҳулқ» атамаси кўпинча девиант ахлоқ (*deviatio* – лотин тилида оғишган) синоними билан алмаштирилади. Келгусида биз ўзаро бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи сифатида ҳар иккала атамани қўллаемиз – «оғишган», «девиант», бунда биринчи атама аниқ ва ўрганилган бўлгани сабабли афзал кўрилади.

Ижтимоий ахлоқнинг асосий вариантлари:

1. Меъёрий («стандарт») ахлоқ – кўпчилик одамлар учун характерли бўлган ижтимоий меъёрларга мос тушади, атрофдагиларнинг маъқуллашини уйғотади ва меъёрий мослашувга олиб келади. Умуман олганда, у гарчи индивидуалликдан маҳрум бўлса-да, вазиятга тенг, маҳсулдор.

2. Маргинал (чекланган) ахлоқ – ижтимоий меъёрларнинг энг охириги чегарасида туради, меъёр чегараларини ювади ва кенгайтиради, атрофдаги одамларда зўриқиш туғдиради.

3. Ностандарт («номеъёрий») ахлоқ – ушбу жамиятда ушбу вақтда қабул қилинган камчилик одамларга хос меъёрлар чегарасидан чиқади. Икки асосий шаклда намоён бўлади:

- креатив (ижодий) ахлоқ – янги ғояларни амалга оширади, ўзига хос, маҳсулдор, тараккийпарвар, меъёрнинг ўзини ўзгартиришга олиб келиши мумкин, бироқ қатор ҳолларда атрофдагиларнинг қаршилигини уйғотади;
- девиант (оғишган) ахлоқ – маҳсулдор эмас, деструктив ёки аутодеструктив, атрофдагиларнинг маъқулламаслигини уйғотади.

4. Патологик ахлоқ – тиббий меъёрлардан оғишади, аниқ симптомлар шаклида намоён бўлади, маҳсулдорлик ва шахснинг ишга лаёқати тушиб кетади, атрофдагиларнинг хайрихоҳлиги ёки кўркувини. Патологик ахлоқ вазиятга тенг эмас, у шахснинг ўз ҳаракатларини англаш ва уларни бошқариш қобилиятининг пасайиши билан бирга боради.

Девиант ахлоқнинг, биринчидан, шахс, ижтимоий гуруҳ, умуман олганда, жамият манфаатларига етказган зарари даражаси ва иккинчидан, бузилган меъёрлар типига боғлиқ равишда қуйидаги асосий турларини ажратиш мумкин:

1. Шахснинг ўзигагина зарар етказувчи ва умумқабул қилинган ижтимоий-маънавий меъёрларга мос келмайдиган (дунёпарастлик, конформизм, мазохизм ва б.) **деструктив ахлоқ**.

2. Шахс ва ижтимоий ҳамжамият (оила, дўстлари компанияси, қўшнилар) га зарар етказувчи ва пиёнисталик, гиёҳвандлик ва ўз-ўзини ўлдиришда намоён бўлувчи **асоциал ахлоқ**.

3. **Ҳуқуққа қарши ахлоқ**. Ўғрилиқ, қотиллик ва бошқа жиноятларда ифодаланувчи ва ўзида ахлоқий, ҳуқуқий меъёрларнинг бузилишини акс эттирувчи ахлоқ.

Девиант ахлоқ қуйидаги шаклларда ифодаланиши мумкин:

а) Ҳаракатда (одамни юзига уриш);

б) фаолият (юлғичлик ёки фоҳишабозлик билан мунтазам равишда шуғулланиш);

в) турмуш тарзи (турли гуруҳларни ташкиллаштирган, ёки уларга кирган ҳолда жиноий турмуш тарзини олиб бориш).

Ўспирин, одатда, жамият талабларига мувофиқ бўлишни истайди, бироқ ижтимоий шароитлар туфайли ўзининг ижтимоий ролларини тўғри белгилай олмаслик, ижтимоий мослашув усулларини билмаслик, фақир турмуш тарзи сабаб бўлиб, у буни қила олмаслиги мумкин.

Уюшмаган ёшларни ижтимоий назоратнинг асосий омиллари:

1) **соғлом турмуш тарзини ташкил этиш** саломатлик учун шахсий жавобгарлик, атрофдаги дунё ва ўз организми билан уйғунлик ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш. Одамнинг мақбул ҳолатга эришиш ва муҳитнинг нохуш омилларига муваффақиятли қарши тура олиш кўникмаси, айниқса, қимматли ҳисобланади. Соғлом турмуш усули соғлом овқатланиш, мунтазам жисмоний юклама, меҳнат ва дам олиш тартибига амал қилиш, табиат билан мулоқот, ортиқча нарсаларни истисно қилишни кўзда тутати. Бунда усул экологик тафаккурга асосланган ва аҳамиятли тарзда жамият ривожланишининг даражасига боғлиқ;

2) **шахсий ресурсларни фаоллаштириш**. Ўсмирларнинг спорт билан фаол шуғулланиши, гуруҳлардаги мулоқот ва шахсий ўсишдаги иштироки, арттерапия – буларнинг барчаси, ўз навбатида, шахс фаоллиги, унинг соғлиги ва ташқи салбий таъсирга маҳкамлигини таъминловчи шахсий ресурсларни фаоллаштиради. ижтимоий назоратнинг усуллари ва воситалари девиант ахлоқнинг аниқ бир турига адекват бўлиши зарур. Ижтимоий назоратнинг асосий воситаси «номеъёрий» ахлоққа мойил бўлган шахсларнинг турли-туман эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш бўлиши зарур. Ижодкорликнинг илмий, техник ва бошқа турлари ҳуқуққа қарши ва аморал ахлоқнинг турли шаклларига жиддий альтернативи бўлиши мумкин;

3) **респрессив таъсир чораларини аҳамиятли тарзда торайтириш**. Озодликдан маҳрум қилиш шахснинг ижтимоий ва маънавий деградациясига олиб келади, шунинг учун ҳам ундан таъсирнинг энг сўнгги чораси сифатида фойдаланиш мумкин. Шубҳасиз, ёш ҳуқуқбузарларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш муддатини қисқартириш, ҳукмни ижро этишни кечиктириш, шартли равишда муддатидан олдин озод қилиш ва асосийси, уларни тутиб туриш шароитини ўзгартиришга йўл қўйилади;

4) давлат, жамоатчилик, хайрия ва бошқа тузилмавий бўғинларни киритган ҳолда **ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг тармоқли тизимини яратиш**. «Ўз-ўзига ёрдам» тамойили бўйича жамоатчилик ташкилотлари (аноним пиёнисталар, гиёҳвандлар ёки озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қайтганлар гуруҳлари) тажрибаси ўзлаштириш ва бизда ҳам қўллашни мақсадга мувофиқ қилади;

5) умуминсоний ахлоқ ва маънавий кадриятлар, виждон ва сўз эркинлиги, ҳаёт мазмунини индивидуал тарзда излаш тамойилларига асосланган ҳолда **маънавий ривожлантириш** (чунки девиант ахлоқнинг асосий омили – бу руҳий инқироз ёки ҳаёт мазмунининг йўқотилиши). «Келишув» ва «Воситачилик» институтларини бунёд этиш, шунда бу институтлар ҳуқуқбузар шахснинг жинояти ёки ҳаракатини оғирлигига, ҳуқуқбузарлик ҳаракати содир этилган шароитга мос равишда жиноий ва маъмурий ҳуқуқни қўллаш вазифасини зиммаларига олган бўлардилар;



б) зўравонлик, шафкатсизлик ва табиий жинсий алоқани ёритувчи видеоёзувлар оқими устидан **қатъий назоратни ўрнатиш.**

7) «Ижтимоий тубанлик» вакиллари билан ишлашга қодир бўлган кадрларни: ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, айниқса, озодликдан маҳрум қилиш жойларида ёш ҳуқуқбузарлар билан ишлашга ихтисослашганлар; ижтимоий педагоглар ва ижтимоий психологлар, нарколог-шифокорлар ва ижтимоий ишчилар – бугунги кунда девиантлар билан алоқа қиладиган доирада ишлайдиган барча **мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.**

Ўсмирлар, ўспиринлар ўртасида уюшмаганлик оқибатида содир этиладиган ҳаракатлар ўта турли-туман, уларни келтириб чиқарувчи сабаблар эса ундан-да хилма-хил. Шундай экан, ота-оналар ва бу борада фаолият олиб борувчи мутахассислар ҳамкорлиги уларни жамиятга муваффақиятли интеграция қилишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

### Адабиётлар

1. Агафонов А.Н. и др. Социальная работа с молодежью девиантного поведения. – Петропавловск, 2000.
2. Комилова Н.Г. Хулқи оғишган болалар психологияси. / Ўқув қўлланма. – Т., 2007.
3. Менделевич В.Д. Психология девиантного поведения. – М., 2001.

## КОНЦЕПТУАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПРОБЛЕМЫ НАСИЛИЯ В СОВРЕМЕННОСТИ

- **Н.М. Латипова, кандидат социологических наук, профессор  
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека**

Проблема насилия над детьми особенно актуальна в настоящее время в связи с широким распространением данного явления в разных странах. Жестокое обращение с ребенком в семье представляет прямую угрозу его жизни и является проблемой для общества, активно изучаемой юристами, психологами, социальными работниками и врачами.

В развитом обществе за каждым человеком признается неотъемлемое право на жизнь, здоровье, свободу и достоинство. Любое посягательство на эти права является преступлением. Осознав ценность человека как личности, общество не должно более мириться с насилием в семье, тем более по отношению к ребенку. Это вопрос, требующий вмешательства на государственном уровне.

В начале XX века во многих странах стали предприниматься попытки создания действенной системы защиты детей от насилия и жестокого обращения. Основными предпосылками создания такой системы явились организационные и правовые меры мирового сообщества, направленные на защиту права ребенка на полноценную жизнь [1].

Как говорит Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев: «Один из важнейших вопросов, который всегда нас волнует, касается нравственного облика нашей молодежи, ее мировоззрения. Сегодня стремительно меняется время. Кто больше всех чувствует эти изменения и перемены? Конечно, молодежь. Безусловно, пусть молодежь шагает в ногу со временем, отвечает его требованиям. Однако в то же время она не должна терять свою национальную идентичность. Мысль о том, кто мы, потомками каких великих предков мы являемся, пусть всегда эхом отдается в ее сердцах и призывает быть приверженными национальному самосознанию. За счет чего мы достигнем этого? Только благодаря воспитанию, воспитанию и только воспитанию» [2].

Насилие – неотъемлемая часть бытия на протяжении всего развития человеческого сообщества. И сегодня различные формы его проявления можно встретить во всех уголках мира. Ежегодно от насилия на планете погибает более полумиллиона людей, и еще большее число получает телесные повреждения без летального исхода в результате коллективных и межличностных конфликтов. По данным Всемирной организации здравоохранения насилие является одной из основных причин смертности во всем мире людей в возрасте от 15 до 44 лет.

Проблема домашнего насилия (domestic violence) глобальна. Члены семьи становятся жертвами агрессивных действий значительно чаще, чем посторонние люди. Это относится как к мелким экс-

цессам, связанным с незначительным причинением вреда здоровью, так и к более серьезным преступлениям, включая убийства. Направленность значительной доли агрессии против близких отмечается практически во всех странах, что дает основание говорить об универсальности этого явления.

По мнению Генерального секретаря ООН Антониу Гутерриша, «Пока половина населения планеты, представленная женщинами и девочками, не сможет жить без страха, насилия и повседневной незащищенности, нельзя по-настоящему говорить, что мы живем в справедливом и равноправном мире» [3].

По состоянию на 1 января 2019 года численность постоянного населения Республики Узбекистан, по предварительным данным, составила 33 254,1 тыс. человек и в течение 2018 года увеличилась на 597,4 тыс. человек, или на 1,8%.

В течение последних 25 лет в Узбекистане наблюдается изменение возрастной структуры населения. Фертильность и детская смертность достигли низкого и стабильного уровня. Население страны, хотя и продолжает расти, стабилизировалось и остается молодым, а доля иждивенцев (детей в возрасте до 15 лет и людей старше 65 лет) среди общего населения сократилась [4].

По предварительным данным, в январе-декабре 2018 года умерло 7,5 тыс. детей в возрасте до 1 года. Коэффициент младенческой смертности составил 10,3 промилле (в январе-декабре 2017 года – 11,5 промилле). Высокие показатели младенческой смертности отмечены в Республике Каракалпакстан (14,2 на 1000 живорожденных), Андижанской (15,2), Хорезмской (13,3), Наманганской (12,7), Сырдарьинской (12,5) областях и г.Ташкенте. Из общего числа умерших детей в возрасте до 1 года 60,5% скончались от состояний, возникающих в перинатальном периоде, 16,8% – от болезней органов дыхания, 11,7% – от врожденных аномалий, 2,5% – от инфекционных и паразитарных заболеваний, 2,3% – от несчастных случаев, отравлений и травм, 0,7% – от болезней органов пищеварения, 5,5% – от других болезней [5].

По имеющимся данным, 1 миллиард несовершеннолетних по всему миру (а это половина всех детей от 2 до 17 лет) за прошлый год подвергались эмоциональному, физическому или сексуальному насилию. По данным научных исследований в России, насилие в той или иной форме наблюдается в каждой четвертой семье. Около 30% от общего числа умышленных убийств совершается в семье. Половина всех преступлений обусловлена бытовыми мотивами (ревностью, алкоголизмом, хулиганством), которым предшествуют длительные семейные конфликты. Что касается детей – жертв насилия в семье, то они находятся еще и в прямой зависимости от тех, кто совершает по отношению к ним насильственные действия. Более 2 миллионов детей до 14 лет подвергаются домашнему насилию – и это только зарегистрированные случаи, а до правоохранительных органов доходит не более 5–10% (всего в России по данным Госкомстата РФ на 2017 год проживает около 25 миллионов детей в этом возрасте, то есть речь о 80%). Из них каждый 10-й ребенок погибает, а 2000 детей кончают жизнь самоубийством.

Согласно исследованиям в Казахстане, более 75% взрослых поддерживают насильственные формы дисциплинирования детей. 47% детей подвергаются психологической агрессии, 26% – физическому наказанию, а 1% – суровому физическому наказанию.

К сожалению, в Республике Узбекистан данные о насильственных мерах по отношению к детям не обнародованы.

Применительно к теме исследования весь имеющийся материал можно условно разделить на несколько групп.

К первой группе можно отнести исследования, касающиеся определения семейного насилия, его видов, проявлений, таких авторов, как Е.П. Агапов, А.С. Синельников, Е.И. Холостова [6]. В данных работах анализируются множество определений «семейное насилие», выделяются субъекты и объекты насилия, разграничиваются формы и проявления насилия в семье. Теоретические вопросы и разработка терминологического аппарата проблем семейного насилия содержатся в трудах зарубежных (Р. Берк, Р. Геллес, М. Страус, С. Стейнметц, Д. Финкельхор, Н. Якобсон) и отечественных (А.И. Антонов, С.И. Голод, Т.А. Гурко, М.Э. Елютина, И.С. Клецина, М.С. Мацковский, В.М. Медков, Г.И. Осадчая, А.З. Синельников, А.Г. Харчев, Б.Ю. Шапиро) авторов.

Ко второй группе можно отнести исследования, посвященные изучению причин и последствий семейного насилия, таких авторов, как Р.Г. Петрова, Т.Я. Сафронова, И.А. Фурманов [7]. Так, Р.Г. Петрова выделяет ряд теорий, которые объясняют причины семейного насилия. И.А. Фурманов и

Т.Я. Сафронова выделяют последствия насилия в семье над детьми и женщинами. В работах этих авторов проводится анализ теорий, объясняющих агрессивное поведение членов семьи по отношению друг к другу, анализируются последствия применения насилия. Среди зарубежных социальных психологов, научные работы которых непосредственно касаются исследования форм проявления и устранения последствий домашнего насилия, необходимо отметить Л. Берковица и Б. Крэйхи.

Многочисленные исследования российских авторов, в том числе И.А. Алексеевой, И.Г. Новосельского, Н.М. Платоновой, Ю.П. Платонова, Е.Н. Волковой, посвящены анализу проблемы жестокого обращения с ребенком в семье и защиты детей от насилия.

К третьей группе относятся исследования, посвященные изучению практики оказания социальной работы жертвам семейного насилия. Так, Ю.П. Платонова [9] определяет подходы к определению роли социального работника в процессе оказания помощи жертвам семейного насилия.

А.Б. Синельников [10] в своих исследованиях отводит большую роль социальным работникам в сфере профилактики семейного насилия, осуществлению социального контроля и оказанию реабилитационной и правовой помощи.

Е.П. Агапов [11] в своих работах затрагивает практику оказания помощи жертвам семейного насилия.

К самым известным научным проектам следует отнести общенациональное исследование проблем насилия в семье, выполненное американскими социологами М. Страусом, Р. Джеллзом и С. Стейнметцом в 1975 году и продолженное группой специалистов под руководством М. Страуса в 1985 году. Эти социологи и ряд других американских ученых (Л. Лерман, Л. Шерман, Р. Берк, Д. Финкельхор, К. Йолло и др.) и по сей день продолжают оставаться одними из ведущих специалистов в области домашнего насилия.

В научных публикациях можно встретить целый ряд терминов, обозначающих суть изучаемого социального явления, но единая терминология в социологической науке еще не сложилась. Одно и то же социальное явление авторы обозначают разными терминами: «насилие над детьми», «насилие в отношении детей», «жестокое обращение с детьми», «жестокое и небрежное обращение с детьми» (буквальный перевод английского «child abuse and neglect», активно используемого в зарубежной литературе), «злоупотребление родительскими правами» и «уклонение от исполнения родительских обязанностей».

Термин «насилие», согласно «Словарю русского языка» С.И. Ожегова, может быть истолкован как: «1) принуждение, притеснение, давление, нажим, применение физической силы; 2) принудительное воздействие на кого-либо; 3) притеснение, беззаконие». Формы контроля над насилием в обществе можно подразделить на первичные, к которым относятся социальные и культурные нормы, обычаи, и вторичные, которые реализуются с помощью социальных институтов и организаций (органов внутренних дел, учреждений социальной защиты, здравоохранения, местных властей и т.д.). Последние должны обеспечивать защиту, наказание и осуществление ресоциализации.

В английском языке насилие и физическая сила традиционно рассматриваются как синонимы. В Оксфордском словаре английского языка насилие определяется как «использование физической силы для нанесения телесных повреждений или разрушения...». В европейских странах определение насилия приближается к вышеуказанным, разница состоит лишь в том, что если в немецком языке под насилием понимают, прежде всего, грубое физическое, телесное воздействие, то в итальянском и французском – насилие традиционно трактуется как принуждение вообще [11].

Анализ литературы показал, что существуют различные трактовки категории «насилие над детьми», которые могут «разворачиваться» от самых кратких и простых дефиниций до весьма емких и сложных по содержанию определений. Остановимся лишь на некоторых и наиболее примечательных из них:

- «насилие над детьми – любое действие или бездействие взрослых, наносящее психологическую или физическую травму ребенку» [12];
- «насилие над детьми – это проявление эмоционального, физического или сексуального доминирования по отношению к несовершеннолетним лицам» [13];
- «насилие над детьми – вредное воздействие на ребенка со стороны взрослого, включающее физическое насилие, сексуальные посягательства, психологическое давление, причинение психических и/или физических страданий, а также пренебрежение, то есть неудовлетворение

физиологических и эмоциональных потребностей ребенка с угрожающими его жизни физическому или психическому здоровью последствиям» [14];

- «жестокое обращение с детьми – любое действие (или бездействие) родителей, иных законных представителей, воспитателей и других лиц, которое приводит (либо велика вероятность, что может привести) к смерти, серьезному физическому или эмоциональному вреду, сексуальному насилию» [15].

По мнению Д.Гиля, под недостойным обращением над ребенком понимаются «действия, препятствующие достижению ребенком его физического или психологического потенциала». Автор данного определения исходит из того, что одним из основных последствий недостойного обращения над ребенком зарубежные исследователи считают «неспособность к процветанию», то есть к полноценному развитию [16].

Всемирная организация здравоохранения определяет «жестокое обращение с детьми» как плохое обращение с детьми в возрасте до 18 лет и отсутствие заботы о них. Оно охватывает все типы физического и/или эмоционального жестокого обращения, сексуального насилия, пренебрежения, невнимания и эксплуатации в коммерческих или иных целях, что приводит к нанесению реального или потенциального вреда здоровью, выживаемости, развитию или достоинству ребенка в контексте взаимосвязи ответственности, доверия или власти. Насилие со стороны сексуального партнера также иногда считается формой жестокого обращения с детьми.

Когда говорят о насилии по отношению к детям, часто употребляют термин «жестокое обращение с детьми» (от англ. *abuse* – насилие, злоупотребление *maltreatment* – плохой, недостаточный уход). Жестокое обращение с детьми – это «умышленное или неосторожное обращение, или действия со стороны родителей / лиц, их заменяющих, или других людей, которые привели к травмам, нарушению в развитии, смерти ребенка либо угрожают правам и благополучию ребенка» [17]. Насилие трактуется как «физическое, психическое, социальное воздействие на человека со стороны другого человека, семьи, группы или государства, вынуждающим его прерывать значимую деятельность и исполнять другую, противоречащую ей, либо угрожающую его физическому или психическому здоровью и целостности» [18].

Согласно А.С. Синельникову, домашнее насилие представляет собой повторяющиеся во времени инциденты множества видов физического, сексуального, психологического и экономического насилия [18].

По мнению Е.П. Агапова, насилие в семье, или домашнее насилие, – это умышленное нанесение физического и/или психологического ущерба и страдания членам семьи, включая угрозы совершения таких актов, принуждения, лишение личной свободы. То есть насилие – это действие, посредством которого добиваются неограниченной власти над человеком, полного контроля над поведением, мыслями, чувствами другого человека [18].

Р.Г. Петрова под домашним насилием понимает агрессивные и враждебные действия в отношении членов семьи, в результате которых объекту насилия могут быть причинены вред, травма, унижение или смерть. Домашнее насилие – это эмоциональное или физическое оскорбление или угроза физического оскорбления, существующая внутри семьи, которая включает в себя супругов, бывших супругов, родителей, детей, внуков и др. [10]

Т.Я. Сафонова, Е.И. Цымбал, Л.Я. Олиференко выделяют внутри семейного насилия как обобщенной категории более специфические категории, определяемые природой отношений между обидчиком и жертвой, а также условиями их жизни:

- жестокое обращение с детьми;
- насилие, направленное против супруги(а), партнерши(а);
- насилие в отношении пожилых людей.

П.Ханиган, упоминая о «плохом обращении с детьми», предлагает использовать в этом определении следующие критерии: характер проявления плохого обращения; его последствия; намерения родителей; поведение родителей вообще; характер детей [10].

У насилия как действия, направленного против воли другого человека, есть жертва (потерпевший), виновный и свидетель. Внутри семейного насилия как обобщенной категории существуют более специфические категории, определяемые природой отношений между обидчиком и жертвой, а также условиями их жизни.



Говоря о сущности насилия, можно выделить два определяющих момента:

- одно волевое действие подчиняет или пресекает другое волевое действие;
- волевое подчинение происходит посредством внешнего ограничивающего воздействия, психологического, физического или иного вида принуждения.

Рассматривая насилие над детьми как самостоятельный и актуальный объект прикладного анализа, необходимо еще раз отметить: его существование заставляет нас возвращаться назад в прошлое, а отсутствие адекватной статистической информации существенно затрудняет разработку отдельных мероприятий и целевых программ, ориентированных на искоренение столь негативного процесса, который разрушает нравственные принципы подрастающих поколений, подвергающихся физической, психологической и сексуальной эксплуатации.

### Библиографический список

1. Автономов А.С. Ювенальная юстиция. Учебное пособие. – Москва. 2009.
2. Шавкат Мирзиёев: Воспитание молодежи – один из важнейших вопросов. <https://www.mf.uz/novosti-uzbekistana/item/1794-shavkat-mirzijojev-vospitanie-molodezhi-odin-iz-vazhnejshikh-voprosov.html>.
3. Электронный ресурс: <https://www.un.org/ru/events/endviolenceday/>
4. Поколение 2030 Узбекистан. <https://www.unicef.org/uzbekistan/media/401/file/%D0%9F%D0%BE%D0%BA%D0%BE%D0%BB%D0%B5%D0%BD%D0%B8%D0%B5%202030.pdf>
5. Демографическая ситуация. <https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/ru/14.pdf>.
6. Агапов Е.П. Семейное воспитание: учебное пособие / Е. П. Агапов, О. А. Норд-Аревян. – Москва: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К<sup>о</sup>»; Ростов н/Д: Наука-Спектр, 2010. – 400 с.
7. Синельников А.С. Выученные уроки: Подростки и проблема насилия в семье. // Обыкновенное зло: исследования насилия в семье / под ред. О.М. Здравомысловой. – Москва: Едиториал УРСС, 2003. – С. 92-122.; Холостова Е.И. Социальная работа: учебное пособие / Е.И.Холостова. – 7-е изд., – Москва: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К<sup>о</sup>», 2010. 800 с.
8. Платонова Ю.П. Насилие в семье: особенности психологической реабилитации / под ред. Н.М. Платоновой, Ю.П. Платонова. – СПб.: Речь, 2004. – 225 с.; Демьяненко И.И. Жестокое обращение с детьми / Т.Я. Сафонова, Е.И. Цымбал, Л.Я. Олиференко. – Москва: Институт повышения квалификации и переподготовки работников народного образования Московской области, 1993. – 63 с.; Фурманов И.А. Агрессия и насилие: диагностика, профилактика и коррекция. – СПб.: Речь, 2007. 480 с.
9. Платонова Ю.П. Насилие в семье: особенности психологической реабилитации / под ред. Н.М. Платоновой, Ю.П. Платонова. – СПб.: Речь, 2004. 225 с.
10. Синельников А.С. Выученные уроки: Подростки и проблема насилия в семье / А.С. Синельников // Обыкновенное зло: исследования насилия в семье / под ред. О.М. Здравомысловой. – Москва: Едиториал УРСС, 2003. – С. 92 – 122.
11. Агапов Е.П. Семейное воспитание: учебное пособие / Е.П. Агапов, О. А. Норд-Аревян. – Москва: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К<sup>о</sup>»; Ростов н/Д: Наука-Спектр, 2010. 400 с.
12. Юридический энциклопедический словарь. – М.: Юридическая литература, 2002. С. 56.
13. Электронный ресурс: <http://diseases.academic.ru>.
14. Электронный ресурс: <http://womanadvice.ru/nasilie-nad-detmi#ixzz41fCshSs6>.
15. Электронный ресурс: <http://yjuvenologicheskyy.academic.ru>.
16. Устинова А.В. Понятие и формы жестокого обращения с детьми. Электронный ресурс: <http://pedsovet.su/load/208-1-0-10127>.
17. Предотвращение жестокого обращения с детьми в семье. Составители: Зырина А.И.; Индейкина Т.Л. – Пермь. 2009. С.21.
18. Ярская-Смирнова Г.Р., Романова П.В., Антонова Е.Р. Домашнее насилие над детьми: стратегии и противодействие. // Социологические исследования. 2008. № 1. С. 34.

# ИЖТИМОЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ХАТАР ГУРУҲИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ТАРБИЯСИДА ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ

- М.Мадбабаева, РБИММ Фарғона минтақавий филиали бош мутахассиси
- Н.Камалова, РБИММ Фарғона минтақавий филиали етакчи мутахассиси

Ўзбекистонда тараққиётнинг «ўзбек модели»ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларни давом эттириб, барча соҳалар, жумладан, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни таъминлаш мақсадида «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ишлаб чиқилди ва унда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қаторида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий қарашларга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш муҳим вазифа сифатида кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатининг пойдевори оила ҳисобланади. Оила, оналик ва болалик манфаатлари давлат томонидан муҳофаза этилар экан, бу мамлакатнинг келажаги порлоқ, оилалари барқарор, оналари бахтиёр, фарзандлари баркамол бўлиши кафолатидир.

Халқимизда «Гуруч курмаксиз бўлмайди», деган ажойиб нақл бор. Бугунги кунда жамиятимизда ижтимоий хавфли ёки тарбияси қийин ёшларнинг учраши ачинарли ҳолдир, албатта. Оилада ижтимоий хавфли болаларнинг пайдо бўлишининг олдини олиш, шу гуруҳга мансуб болаларни психологик қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида олиб бориладиган ғоявий-сиёсий тарғибот ишларнинг самарадорлигини ошириш оила, ёшларни ижтимоий ҳимоялашнинг асосидир. Педагогик-психологик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, инсон боласи жиноятчи ва ёзувликка мойил бўлиб туғилмайди. Айрим ёшларнинг жиноятчилик йўлига кириб, ҳар хил ёвуз, экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб қолиши вайронкор ғоялар асирига айланишининг объектив ва субъектив сабаблари бор.

Оиладаги носоғлом психологик муҳит, ёшлардаги билимсизлик, ақлий фаолиятнинг сустлиги, иродасизлиги, узоқ муддат ишсиз юриш, вақтини бекорчи ишларга сарфлаш, экстремистик ёлғон ваъдаларга кўр-кўрона ишониш, диний оқимлар тарғиботи, интернет тармоқларидан ноўрин фойдаланиш, ота-оналаримизнинг бола тарбиясига безътиборлиги, айрим оилаларда ота ёки онанинг бошқа давлатларда меҳнат қилаётганлиги ва бошқалар тарбияси қийин болаларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Ҳақиқатда «Одам савдоси», «Ватансизлик» ғояси мафкуравий кураш арсеналида энг хавфли қуроллардан ҳисобланиб, бугунги таҳликали замонда айрим оилаларимизда ўз юртидаги ҳаётдан қониқмайдиган тоифа ва кимсалар учраб туради ва бу жараён ёшлар тарбиясига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунингдек, миллати, дини, ёшидан қатъий назар ёшлар бугун ижтимоий тармоқлардан мумкин қадар барча фаолиятларида фойдаланишмоқда.

Ижтимоий тармоқлардаги айрим тарғибот, хориждаги «гўзал ҳаёт» рекламаси ғоявий-сиёсий саводхонлиги етарли бўлмаган, онги тарбияланмаган ёшларимизга ўз таъсирини ўтказмоқда. Кейинги йилларда сиёсий-ижтимоий ҳаётда «сиёсий маданият», «сиёсий маданиятнинг миллий моделлари» тушунчаларининг матбуотда, илмий тадқиқотларда мунтазам тилга олинаётганини кузатишимиз мумкин. Шу ўринда, сиёсий маданият тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу тушунча кенг қамровли бўлиб, «Сиёсат» ва «маданият» тушунчаларининг уйғун ҳолда талқин этилиши билан характерланади.

Сиёсий маданият давлат ва жамият бошқаруви жараёнларида фуқароларнинг иштироки, ўрни уларнинг умумсиёсий маданият даражаси, хулқ-атвор нормалари, қадриятлари, анъаналарига бўлган миллий негизлари билан ҳамоҳанг эканлигини билдиради. Бугунги кунда, миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш ҳар бир юртдошимиз онгида ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, ўз оиласи, маҳалласини ҳурмат қилиш, она Ватаннинг чегара дахлсизлигини асраш, халқпарварлик, ўз халқи, Ватани манфаатлари йўлида фидойилик, унинг барқарорлиги, нуфузини

асрашда масъуллик, ғурур, ифтихор, ёшларимизни ёвуз ғоялар тажовузидан ҳимоя қилиш мамлакатимизда маънавий-руҳий юксакликни таъминлаш зарурлигини англаб етишдек муҳим вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Умумсиёсий маданият даражаси, хулқ-атвор нормалари, кадриятлари, анъаналарига бўлган миллий негизлари қашшоқ инсон руҳан тушкунликка мубтало бўлган, ўзгаларга итоаткор, уларнинг орқасидан юрадиган бўлиб қолади.

Ғояларни амалга ошириш кўп таъсир этувчи омилларга боғлиқ бўлиб, булар орасида давлат томонидан чиқарилган қонунлар, қарорлар асосида кафолатланган қоидалар бўлиши шарт. Ушбу қоидалар жамият азолари учун ўз ҳуқуқи ва вазифаларини англаш, ҳимоя қилиш учун пойдевор вазифасини бажаради. Ҳар бир ижтимоий борликда ғоялар мамлакат, жамият, инсонлар онгини ўзгартиришга асос бўлади. Ижтимоий ғоялар бевосита ижтимоий жараёнга таъсир этади.

Ҳақиқатан ҳам ёшларнинг ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантиришда оила маънавияти муҳим рол ўйнайди ва унда камол топаётган фарзанднинг турмуш тарзини белгилайди. Миллати, оиласи, ватани, жамияти, урф-одатлари, анъаналари, маданиятидан ғурурланиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиш, қонунларга ҳурмат, давлатимиз рамзларига садоқат ғоявий-сиёсий тарбиянинг маҳсулидир. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки тарбияси оғир болалар гуруҳи билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни мазмунан, шаклан ҳамда методик жиҳатдан ташкил этиш бошқа тоифа болалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларга нисбатан бирмунча масъулиятли ёндашувни тақозо этади. Бу гуруҳ болаларини комил инсонлар қилиб тарбиялашда ота-оналаримизнинг фарзанд тарбиясига талабчан бўлиши, уларда инсонийлик хислатларини шакллантириш, ён атрофдаги воқеаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ошириш, бағрикенглик, бунёдкорлик каби сифатларини тарбиялаш ғоят муҳим ва зарурдир. Зеро, ҳозирги даврда айрим ёшларимизнинг ғоявий-сиёсий маданиятининг сустиги, турли гуруҳ ва оқимларга билиб-билмай қўшилишига сабаб бўлмоқда.

Бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги ғоявий бўшлиқнинг пайдо бўлиши, бирор шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг онги ва қалбига муайян мақсад сари етакловчи фикрнинг йўқлиги, ғоясизликни келтириб чиқармоқда. Шу ўринда, ёшларнинг ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантириш фақат оилада олиб бориладиган жараён бўлмай, балки жамиятдаги барча институтларнинг ўзаро алоқаси ҳамда ҳамкорлигини тақозо этади. Ушбу ҳамкорлик қуйидаги занжир асосида амалга оширилади: оила-маҳалла – боғча-мактаб тизими – олий таълим – мустақил таълим – меҳнат ва касбга тайёрлаш – мактабдан ташқари муассасалар – ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза ташкилотлари – мутасадди ташкилот ва идоралар – кенг жамоатчилик. Мазкур занжирнинг биронтасида узилиш ёки тарбиявий ишларда сусткашликка йўл қўйилса, жамиятда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг пайдо бўлиши учун муҳит вужудга келади. Бундай ҳолатнинг олдини олишда юқоридаги ҳамкорлик занжири субъектларидан баркамол шахсни тарбиялашнинг қуйидаги тамойилларига амал қилиш тақозо этилади:

- зарарли мафқураларга баҳо беришда ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлиги;
- инсонпарварлик ва демократик кадриятларнинг бир бутунлиги;
- ғоявий онг ва тафаккур, сиёсий саводхонлик асосидаги дунёқарашни шакллантириш узлуксиз жараён эканлиги;
- оилаларда миллий-маънавий кадриятларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олиш;
- ҳуқуқий соҳадаги ўзгаришлар, назарий билим ва тушунчаларни амалда қўллай олишга доир семинарлар ташкил қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки тарбияси оғир болалар гуруҳининг сон жиҳатдан кўпайишининг олдини олиш, уни бартараф этишда ҳамкорлик ва тарбия масаласига бевосита ҳамда билвосита масъул шахсларнинг мамлакатимизда амалга ошириладиган ижтимоий ҳимоя сиёсатига оид билимга эга бўлиши муҳим роль ўйнайди. Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда барча фуқароларнинг мазкур муаммога оид мавжуд қонунлар, халқаро ҳуқуқ нормалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ этишнинг методологик асослари, концепцияси, амалга ошириш андозаси, ҳамкорлик дастури яратилмоғи лозим.

Бугунги кунда республикаимизда ёшлар миллати, халқи, ўзи ва оиласи манфаатлари учун эркин меҳнат қилиш имкониятига эга эканлиги давлатимизнинг асосий Қомуси – Конституцияда, Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси, Меҳнат Кодекси, Фуқаролик Кодекси ва респу-

бликамизда қабул қилинаётган бир қанча қарор ва фармойишларда мустаҳкамлаб қўйилганини унутмаслигимиз даркор. Буларнинг барчаси ёшларда янгича тафаккур, миллий, ижтимоий-сиёсий онгни шакллантиришга хизмат қилаётгани, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки тарбияси оғир ёшларнинг ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантириш, атрофдагилар билан муомала қилишни ўргатиш, ҳаёт мазмуни ва мақсадини англаб етиш, ғурур, мустақиллик, ўз-ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш билан белгиланади. Бунинг учун эса тарбия жараёнида ота-оналаримиздан:

- фарзандларимиз мустақил дунёқараши ва эркин фикрлашини шакллантириш;
- миллий тотувлик, ҳамжиҳатликни тинчлигимиз йўлидаги энг катта ғоялардан ҳисоблаб, но-соғлом иллатлардан ҳоли этиш;
- ёшлар мамлакат ва миллатга ҳаётбахшлик бағишлаб, давлатни қуч-қувватга тўлдириб, ҳаракатга келтирувчи, янгилаб турувчи катта ижтимоий қатлам эканлигини қалбан ҳис этишларини тарбиялашга эришиш.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. // «Халқ сўзи», 2017 йил 8 февраль сони.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халкимиз билан бирга қурамиз. // «Халқ сўзи», 2016 йил 15 декабрь сони.
3. Муҳаммадиев У.Н. Ўзбекистонда сиёсий маданият ва миллий маънавиятнинг ўзаро муносабати муаммоси. Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Т., 2002.
4. Миллий истиқлол ғояси (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик). / Масъул муҳаррир И.Эргашев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси, 2005.

## ОИЛАДА БАДИИЙ АСАР БИЛАН МУЛОҚОТ БОЛАНИНГ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

### ● З.Мамаражабова, ф.ф.н., Низомий номидаги ТДПУ профессори

Оилада болаларга билим ва тарбия берувчи асосий манбалардан бири китобдир. Китоб кичкинтойлар фикрича ҳамма нарсага жавоб берувчи восита сифатида тан олинади. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, китоб қанчалик қизиқарли, ҳиссиётларга бой бўлмасин, агар китобхон қалбига етиб бормаса, ҳаяжон солмаса, бундай китобларнинг тарбиявий таъсири кам бўлади. Болаларга аталган китобларнинг билвосита таъсири болаларнинг ақлига эмас балки, уларнинг ҳис-туйғуларига қаратилмоғи керак. Айниқса, кичик ёшдаги болалар ўта таъсирчан ва ҳиссиётга берилган бўладилар. Бу ёшда китобларда ёзилган нарсалар, катталар томонидан айтилган насихатлар тезда қабул қилинади. Улар ўзлариникидан кўра бошқаларнинг ахлоқий томонларига қилиқларига қилган ишларига тезда баҳо берадилар. Ана шуларни эътиборга олиб уларга суҳбат, овозли ва ифодали ўқиш, эртақ айтиб бериш, сўзлаб бериш каби тадбирлар, машғулотлар орқали ўқилган ёки айтилган, эртақлар қаҳрамонларнинг ҳилма-хил ҳислатларини, уларнинг ўзаро муносабатларини, вазият ва шароитларни тушунтириб бераришингиз лозим. Шундай ҳислатлар болаларнинг ўзларида ҳам борлигини айтиб ўтасиз. Масалан, болаларнинг жуда кўпчилгида учрайдиган мақтанчоқликнинг ёмонлиги ва уни нималарга олиб келиши ҳақида ўзбек халқ эртақларидан «Мақтанчоқ куён»ни ўқиб берилса, ҳалоллик, тўғрилликнинг афзаллиги ҳақидаги «Ўғри ва тўғри» эртагини айтиб берилади. Дўстлик ва айёрлик ҳақида суҳбатлашиб, Гулхонийнинг «Топшбақа билан чаён», «Бўри билан Тулки» эртагини тушунтириб берасиз.

Сиз ислом дини ҳақида ёзилган китоблардан фойдаланишингиз лозим. Болалар билан умуман дин, хусусан ислом дини ҳақида фикр юритганда суҳбатдан кенг фойдаланишни тавсия этамиз. Суҳбат давомида болаларга дунёдаги ҳеч бир нарса ўз-ўзидан бўлиб қолмаганлигини, уларнинг ҳар бир нарсани вужудга келтирувчи яратувчиси Оллоҳ эканлиги айтилади. Диний тарбияни фақатгина бир томонлама олиб бориш ярамайди, чунки у дунёни, еру осмонни яратган Оллоҳни



билишга, унга ишонишга, унинг динига эътиқод қилишга ўргатади. Шунинг учун диний тарбия бошқа тарбиявий йўналишлар ичида алоҳида мавқени эгаллайди. Сиз фарзандингизга бадиий асар билан мулоқот қилиш орқали тарбия беришда шоир, ёзувчининг маҳорати, услуби имконияти; китобнинг мазмуни, маъноси, ғояси, бадиийлигига таянишингиз лозим. Бадиий адабиёт болаларни ақлан, ахлоқан ва эстетик тарбиялашнинг қудратли, таъсирчан қуроли сифатида хизмат қилади, у бола нутқини ривожлантириш ва бойитишга улкан таъсир кўрсатади.

Шеърый образларда бадиий адабиёт жамият ва табиат ҳаётини, инсоний ҳис-туйғулар ва ўзаро муносабатлар оламини очиб беради ҳамда тушунтиради.

Халқ асарларидан бошқа ҳеч қайси асарларда қийин талаффуз қилинадиган товушларнинг бундай қойилмақом қилиб жойлаштирилишини, жарангига кўра бир-биридан зўра фарқ қиладиган сўзларни ҳайрон қоларли даражада ёнма-ён терилишини учратиш қийин. Беозор ҳазиллар, нозик юмор, санок шеърлар – педагогик таъсир кўрсатишнинг самарали воситаси, дангасалик, кўрқоқлик, ўжарлик, инжиқлик, фақат ўзини ўйлаш (эгоизм) каби ҳислатларга қарши яхшигина «малҳамдир».

Энг яхши адабий намуналар асосида инсонпарварлик руҳида тарбияланган болалар ўқиган ҳикояларида ва эртақларида мазлумлар ва заифларни ҳимоя қилиш, ёмонларни жазолаш орқали ўзларининг адолатпарварлигини намоён қиладилар. Ўқиб чиқилган асар бўйича ҳаддан ташқари кўп насихат қилиш катта, кўпинча эса тузатиб бўлмас зиён етказди: майда-чуйда саволлар билан «сочиб ташланган» асар болалар кўз ўнгида ўзининг барча жозибдорлигини йўқотади, оқибатда унга нисбатан болаларнинг ҳам қизиқиши йўқолади. Шунинг учун бадиий матиннинг тарбия имкониятларига тўлиқ таяниш зарур. У болага табиатни шундай тушунтирадики, бошқа ҳеч бир табиатшунос бунга қодир эмас, атрофдаги одамлар характери, у яшаётган жамият, унинг тарихи ва интилишларини шундай таништирадики, бошқа ҳеч қандай тарихчи бунга қодир эмас.

Мактабгача ёшдаги болалар учун кичик шаклдаги шеърят, фольклор ва муаллифлик шеърятини муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, болаларга бош қаҳрамонлари болалар, ҳайвонлар бўлган, ўйинли ва маиший вазиятлар баён қилинган асарлар жуда қизиқарлидир. Бола катталар билан биргаликда маталлар ва санок шеърлар сюжетлари асосида иштиёқ билан ўйинлар ташкил қилади, у товуш тақлидига ва фольклор йўналишидаги бир маромдаги такрорлашларга қулоқ тутди ҳамда уларга тақлид қилади. Бола адабий асарларда баён қилинган воқеаларни жуда жиддий қабул қилади. Ўзига ёқиб қолган эртақни бир неча марта эшитишга ҳам тайёр. Унинг қаҳрамонларини иллюстрациялар ва ўйинчоқларда хурсанд бўлиб таниб олади, ҳар гал эртақнинг бахтли якунини берилиб кутгани ҳолда сюжет ҳаракатларининг одатдаги кетма-кетлигини синчковлик билан кузатиб боради. Кичкинтойларга мўлжалланган бадиий асарлар сони унчалик кўп эмас. Шунинг учун улар такрор ва такрор жаранглаши, боланинг кундалик ҳаётига кириб бориши ва унда бадиий асарни ҳис қилишнинг бирламчи асосларини ривожлантириши лозим. Кичик ёшдаги болаларга ўқиб бериладиган асарлар доирасини асосан ўзбек фольклори асарлари ташкил қилади. Болалар ҳайвонлар ҳақидаги халқ эртақлари билан танишадилар: «Шолғом», «Бўғирсоқ», «Уйча», «Чипор товуқ» ва бошқ.» Болага сўз санъати оламини очиш, китобга қизиқиш ва меҳрни, уни тинглаш ва тушунишни, ҳаёлий воқеаларга эмоционал муносабат билдиришни, қаҳрамонлар ҳақида қайғуриш ва «уларга ёрдамлашиш» ҳиссини тарбиялаш, яъни болаларни бадиий ривожлантириш, уларни бўлажак болалар сифатида шакллантириш; Ҳикояни тинглаш ва тенгдошлари билан биргаликда ўқиш қобилиятини шакллантириш; Болаларга санок шеър матнига мос келувчи ўйин ҳаракатларини бажаришни ўргатиш; Болаларда халқ асарлари, шеърлар, кўшиқлар оҳангдорлиги ва мусиқийлигига нисбатан эмотсионал муносабат билдиришни тарбиялаш; Болаларга адабий асарлар кўп марталаб ўқилганида ва ҳикоя қилинганида уларнинг қаҳрамонларини таниб олишда ёрдамлашиш; Болани кичик ёшдаги болалар учун махсус чоп этилган (ранг-баранг, йирик суратли, муқоваси қаттиқ ва ювиладиган) китоблардан мустақил равишда фойдаланишга ундаш.

Фарзандингизни бадиий адабиёт билан таништириш жараёнида уларда билиш ва нутқий қобилиятларини бадиий адабиётга ҳам ижобий муносабатни ривожлантириш зарур. Шунингдек, образга кутилмаган ва қарама-қарши йўналиш берувчи алоҳида сўзлар ва жаранглашлар билан ўтказиладиган ўйинлар ҳам муҳимдир. Болаларнинг қофия билан ўйинлари, сўз ижодкорлиги, шеърни давом эттириш ва шеър тўқиш, ташбеҳлар ва таққослашлар ўйлаб топишларига асослан-

ган ўйинли ҳамда кулгили вазиятларини рағбатлантиради. Масалан, адабий асарлар персонажларининг характерини акс эттирувчи янги ифодали исмларни, ёки асарда образли тасвирланган нарсалар ва ҳодисалар учун янги номларни ўйлаб топиш. Сиз Фарзандингизни бадиий адабиёт билан таништириш жараёнида уларда билиш ва нутқий қобилиятларини бадиий адабиётга ҳам ижобий муносабатни ривожлантириш зарур. Сиз Фарзандингизни нисбатан йирик ҳажмдаги адабий асарлар сюжетлари асосида ўйинли «хаёлотдаги оламни» яратишларига кўмаклашишингиз лозим.

Ота-она болаларнинг энг қизиқ фикрларини, уларнинг шахсий тажрибасига оид ҳикояларини, болалар томонидан ўйлаб топилган шеърлар ва эртақларни тўплаши лозим. Ушбу материаллар асосида болаларнинг ўзлари томонидан «китоб» яратиш ишларини уюштириш зарур. Бу болалар томонидан тўқилган эртақлар, шахсий тажрибага оид ҳикоялар, қўшиқлар, санок шеърларнинг болалар расмлари билан безатилган тўплами, қўлёзма журнали бўлиши мумкин.

### Адабиётлар

1. Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. – Москва: Просвещение, 1999.
2. Николаева Л.В. Особенности усвоения понятий слабослышащими учащимися.– Москва.: Педагогика, 1992.
3. Мўминова Л., Ш.Амирсайдова Махсус психология -Тошкент.: Фан ва технологиялар .2013.
4. Пўлатова П., Л.Нурмухамедова, Ш.Амирсайдова Махсус педагогика -Тошкент.: Фан ва технологиялар, 2014

## ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ОИЛАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ХУСУСИДА

### ● Б.Мамаражабов, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ўқитувчиси

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган даврни сарҳисоб қилсак, ҳукуматимиз томонидан инсон манфаатларини кўзлаш ва ҳимоялаш жараёнида ёш авлод тарбияси ва айниқса, унинг оилавий тарбияга муносиб омил сифатида қаралади. Жумладан, биринчи Президентимиз И.А.Каримов оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида ёш авлоднинг таълим-тарбиясида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб: «Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила... келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор», «...фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади», – деган фикрларни билдиради [1, 2]. Ҳар бир мамлакатда амалга ошириладиган таълим-тарбия тизими негизида муайян мақсадлар ётади. Давлат ва жамият тараққиёти, унинг истиқболи шу давлат, шу мамлакатда яшовчи фуқароларнинг жисмонан бақувват ва соғлом бўлиши билан белгиланади. Педагогика назариясида оилавий тарбия муаммоларини ижобий ҳал этишда Марказий Осиёда яшаб ўтган алломаларнинг тарбияга оид педагогик қарашлари муҳим аҳамият касб этади. Буюк мутафаккир Зардушт томонидан яратилган «Авесто» китобида ҳам таълим-тарбияга оид қатор ғоя ва қарашларни кўриш мумкин. «Авесто»да таъкидлашча тарбия ҳаётнинг таянчи, шу боисдан, ҳар бир ёшни оилада яхши ўқиш ва ёзишга ўргатиш лозим. Уни ёш пайтданок меҳнат қилиб, меҳнатнинг таги роҳат эканлигини англатиш учун дарахти кўчати ўтқазишга, уй-рўзғор қуролилари яшаш, ерга ишлов бериш ва чорва билан шуғулланишга ўргатилиши шарт. XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросондаги машҳур ва қомусий талант эгаларидан бири Воиз Кошифий асарларида ижтимоий-ахлоқий ҳаёт, маънавият масалаларига катта ўрин эгаллаган. Уларда инсонпарварлик, халқпарварлик, юқори маънавиятга эга бўлиш, маданий юксалиш ғояларини илгари суради. Унинг «Ахлоқи Мухсиний», «Ахлоқи Карим», «Искандар ойнаси», «Жавоҳирнома», «Тафсири Хусайн»ни каби асарларида ахлоқ таълимоти етакчи ғоя саналади. У салбий ахлоқий хислатларни қоралайди, уларнинг инсон ҳаётида ва жамият учун катта зарар олиб келишини қатор ҳикоят ва ривоятлар билан кўрсатади. Кошифий ижобий хислатларни кишиларда бўлиши шарт бўлган инсоний фазилат деб тушунади ва сабр, ҳаё, иффат, покизалик, собитқадамлик, сажийлик, саховат, ростгўйлик, шижоат, камтарлик, хушёрлик, баланд ҳимматлилик, диёнатлилик, аҳдига вафолик, андишалик, иззат ҳурматни билиш, сир яшира олиш каби фазилатларни бирма-бир таърифлаб ўтади. Абу Абдуллоҳ Рудакий асарларида Ватанга, халққа муҳаббат, кишилар

Ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик кишилик жамияти учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини бир неча бор таъкидлаб ёзган. Унинг фикрича ҳақиқий дўстлик учун кишиларни ҳатто турли динда бўлишлари ҳам халақит бера олмайди. Шаркнинг буюк мутаффакири Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» (саодатга элтувчи билим) достони қардош туркий тилларда гаплашувчи халқларнинг ҳозирча бизгача етиб келган биринчи адабий-бадиий асаридир. У ахлоқ ва одоб, таълим ва тарбия ҳамда маънавий камолотнинг йўл-йўриқларини, усулларини, чора-тадбирларини мужассамлаштирган, жам қилган асардир. У том маъноси билан дидактик асар, таълим-тарбия ва ахлоқ-одоб дарслигидир. Юсуф Хос Хожиб ўз қомусий китобида олиб чиққан барча масалаларни таълим атрофида олиб боради, таълимни асосий ўринга қўяди. У китобида кишиларни дунё ишларининг барчасидан огоҳ бўлишга, бунинг учун билим ва заковат эгаси бўлишга чақиради. Мана шу ўринда тарбиянинг вазифаси ва кадр-қиммати масаласи юзага келадики, тарбия авваламбор оиладан бошланади. Юсуф Хос Хожиб китобида оилада ота-оналарнинг бола тарбиясига оид қарашларини баён этади. У ўз асарида фарзанд кўриш ва унга яхши тарбия бериш ҳар бир инсон учун буюк бахтдир, уларсиз ҳаётнинг маъноси йўқ. Лекин бу нарса ота-онага жуда катта масъулият юклайди, унинг уддасидан чиқмоқ, ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарзидир, деган фикрларни билдирган. Юсуф Хос Хожибнинг таъкидлашича, оила тарбияси болаларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришда бош ўринда туради. «Ўғил-қизинг хулқ-атвори ярамас бўлса, бу ярамас ишни ота қилган бўлади, ундан бошқаси эмас. Ота болани назорат қилиб, ўргатиб турса, улар улғайгач, ўғил-қизим бор, деб севинади». Демак, бола муттасил ота-она назоратида бўлмоғи лозим.

Производственное взаимодействие может и не быть по своей сути общением в том случае, если другой субъект выступает в качестве объекта. Например, при жестко авторитарном стиле руководства отношение начальника к подчиненному выступает в основном как отношение субъекта к объекту. В этом случае формой отношений является дисциплина – принцип строгого регулирования иерархического соположения управляющего и управляемого. Понятно, что управляемый лишен свободы действия, что право принятия решения предоставлено управляющему субъекту, и потому связь между ними асимметрична, монологична, а не диалогична.

Предметом делового общения является дело.

Содержание делового общения – социально значимая совместная деятельность людей, которая предполагает согласованность действий, понимание и принятие каждым ее участником целей, задач и специфики этой деятельности, своей роли и своих возможностей по ее реализации.

Цель делового общения – организация и оптимизация определенного вида совместной предметной деятельности.

Помимо общей цели делового общения, в нем можно выделить и личные цели, реализуемые участниками:

- стремление к личной безопасности в процессе социальной деятельности, что часто проявляется в уходе от ответственности;
- стремление к повышению своего жизненного уровня;
- стремление к власти, т.е. желание расширить круг своих полномочий, продвинуться по служебной лестнице, избавиться от бремени иерархического контроля;

- стремление повысить свой престиж, что часто сочетается со стремлением укрепить престиж занимаемой должности и самой организации.

Для того чтобы цель делового общения была успешно реализована, в современной психологической науке выделяют его основные эτικο-психологические принципы, к которым относят:

1) принцип создания условий для выявления творческого потенциала и профессиональных знаний личности, на основе которого возможно согласовать личные цели сотрудника с общими целями организации;

2) принцип полномочий и ответственности, регламентирующий деловое общение в рамках служебных прав и обязанностей в соответствии со служебным статусом сотрудника, оценку его деловых качеств и использование его квалификации и опыта.

**Управленческое общение** – служебное общение руководителя с подчиненными. Его цель – отдать распоряжение, посоветовать, получить информацию о выполнении задания, дать оценку исполненного.

### Литература

1. Ананьев Б. Человек как предмет познания. – СПб.: Питер, 2010.
2. Хьелл Л., Зиглер Д. Теория личности. – СПб.: Питер, 2010.
3. Дружинин В.П. Психология. /Учебник. – СПб.: Питер, 2008.
4. Радугина А.Р. Педагогика и психология. /Учебник. – М.: Прогресс, 2009.
5. Крылов Л.Д. Психология. – М.: ИНФРА, 2010.

## ПРИНЦИПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИНКЛЮЗИВНОЙ ГОТОВНОСТИ ПЕДАГОГОВ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ

- Л.Р. Муминова, доктор педагогических наук, профессор,
- З.М.Ахмедова, Республиканский центр социальной адаптации детей

Внедрение инклюзивного образования в Узбекистане предполагает реформирование традиционной системы обучения и проведение различных инновационных мероприятий. В настоящее время в Республиканском центре социальной адаптации детей реализуется фундаментальный проект «Создание системы качественного, непрерывного инклюзивного образования в Республике Узбекистан», одной из задач которого является совершенствование подготовки и повышение квалификации учителей, воспитателей ДОУ, директоров образовательных учреждений, других специалистов (логопедов, дефектологов и др.).

Эффективность инклюзивного образования («обеспечение равного доступа к образованию для всех обучающихся с учетом разнообразия особых образовательных потребностей и индивидуальных возможностей» [5]) обеспечивается сформированной психолого-педагогической (инклюзивной) готовностью педагога к эффективному взаимодействию со всеми субъектами инклюзивного образовательного пространства. Инклюзивная готовность педагога определяется как сложное интегральное субъектное качество личности, содержательно раскрывающееся через комплекс компетенций и определяющее возможность эффективной профессионально-педагогической деятельности в актуальных условиях [5], и является важнейшей детерминантой, обеспечивающей возможность создания условий обучения «особых» детей в условиях общеобразовательной школы. Содержание образовательных эффектов и образовательных результатов отражает состояние и требования, предъявляемые потребителями (личность, общество, государство) образовательной услуги к ее качеству. При подготовке формирования инклюзивной готовности педагогов использованы теоретические методы: анализ научно-методологической, психолого-педагогической литературы, образовательных стандартов высшего образования (первая ступень), типовых учебных планов и учебных программ дисциплин. Анализ литературы показал, что формирование готовности педагога рассматривается, с одной стороны, с позиций содержания объекта готовности, с



другой – с точки зрения методологии и инструментария процесса ее формирования. Нельзя не согласиться с мнениями авторов, рассматривающих формирование отдельных аспектов профессиональной педагогической готовности с позиций системного, аксиологического, акмеологического, личностно-деятельностного подходов (Л.В. Антропова, Т.К. Болеев, О.А. Ларионова, М.И. Лукьянова, П.В. Середенко, А.Б. Серых, Н.А. Тарасюк, В.В. Хитрюк и др.). Компетентностный подход традиционно рассматривается в связи с проблемой формирования профессиональной компетентности [4, 5]. Это позволяет рассмотреть проблему формирования инклюзивной готовности с позиций компетентностного подхода.

Основополагающие идеи формирования инклюзивной готовности будущих педагогов базируются на понимании сущности феномена «инклюзивная готовность педагога» и требований, которым он должен удовлетворять. Готовность будущих педагогов к работе в условиях образовательной инклюзии должна удовлетворять следующим требованиям: являться обязательным образовательным «эффектом» профессиональной подготовки будущих педагогов; отражать психологический и педагогический аспекты; согласовываться с образовательными результатами (комплекс компетенций специалиста) и обеспечивать возможность их реализации в профессионально-педагогической деятельности; соответствовать социокультурному и гуманистическому контексту; ориентироваться на социализацию всех детей, в том числе и с особыми образовательными потребностями (ООП), как средство и результат их включения в образовательное пространство и социум; обеспечивать профессионально-педагогическую уверенность, определять эффективные модели сотрудничества, взаимодействия и общения педагога со всеми участниками процесса инклюзивного образования; опираться на профессионально-педагогическую подготовку будущих педагогов, признание и принятие ценностей инклюзивного образования, толерантное отношение ко всем участникам образовательного пространства; определять роль и функции педагога в социальном партнерстве заинтересованных в инклюзивном образовании сторон, а также их профессиональное общение по обеспечению эффективного сопровождения ребенка с ООП в инклюзивном образовательном пространстве; обеспечивать профессиональную компетентность будущих педагогов [5].

В основу формирования инклюзивной готовности будущих педагогов в образовательном пространстве учреждения высшего образования положены группы общепедагогических и специфических принципов. Среди общепедагогических следует назвать следующие принципы:

- принцип гуманизации, определяющий в качестве основного приоритета ценности жизни ребенка;
- принцип ценностного отношения к личности каждого ребенка в образовательном и социальном пространстве (создание среды толерантного общения и взаимодействия, признание права на «инаковость» («он – другой») и уважительное отношение к индивидуальным особенностям каждого);
- принцип признания демократических идей в образовательном пространстве (свобода и право выбора учреждения образования всеми обучающимися и возможность получения образования всеми детьми);
- принцип научного обеспечения процесса формирования инклюзивной готовности будущих педагогов (описание концептуальной основы процесса формирования инклюзивной готовности, ее компонентов, компетентностного содержания и т. д.);
- принцип системности, определяющий процесс формирования инклюзивной готовности педагогов как систему работы, направленную на развитие каждого ее аспекта (психологического и педагогического) и структурного компонента (когнитивного, эмоционального, мотивационно-конативного, коммуникативного, рефлексивного) посредством овладения необходимыми знаниями, умениями, способами деятельности, компетенциями и способностью их использовать в профессионально-педагогической деятельности;
- принцип целостности, раскрывающий содержательную преемственность в овладении теоретическим и практическим содержанием учебных дисциплин, последовательность формирования знаний, умений, компетенций;
- принцип мультидисциплинарности, предполагающий межпредметную интеграцию содержания учебных дисциплин, позволяющую рассматривать идеи инклюзивного образования многопланово и разноаспектно.

Специфическими принципами формирования инклюзивной готовности являются:

- принцип принятия социальной модели инвалидности в качестве приоритетной, при которой нарушение развития, «инаковость» ребенка рассматривается как вариант проявления индивидуальности;
- принцип превентивной адаптации будущих педагогов к новым условиям профессионально-педагогической деятельности (моделирование в образовательном пространстве вуза условий реальной педагогической деятельности и работы в условиях инклюзивного образования);
- принцип социальной поддержки и взаимодействия (участие всех заинтересованных сторон (участников инклюзивного образовательного пространства и всего социального окружения) в планировании, продвижении идей и реализации инклюзивного образования);
- принцип диагностики профессионально-педагогических затруднений и их профилактики (выявление «узких мест» индивидуальной инклюзивной готовности будущих педагогов и их компенсация);
- принцип формирования командного стиля профессионально-педагогического мышления и решения задач (совместное обсуждение и решение задач обучения, коррекции нарушений и минимизации затруднений ребенка с ООП с учителем-дефектологом, педагогом-психологом, социальным педагогом и др.).

Образовательная ситуация в республике и образовательное пространство учреждений высшего образования удовлетворяют вышеперечисленным принципам и способны создать следующие условия для формирования готовности будущих педагогов к работе в условиях инклюзивного образования:

- подготовка учителей и воспитателей в педагогических вузах к обучению детей с особыми образовательными потребностями (включение в учебные планы всех педагогических специальностей высшего и технического профессионального образования курса «Специальная педагогика» и «Специальная психология»);
- повышение квалификации руководящих работников, педагогов и специалистов (психологов, дефектологов, социальных педагогов) общеобразовательных организаций для работы с детьми с особыми образовательными потребностями;
- переподготовка педагогических работников для работы с детьми с особыми образовательными потребностями в общеобразовательных организациях.

В заключение особо отметим, что идея инклюзивного образования может реализовываться при условии, если школа будет готова принять детей с ООП; если учителя и администрация школ будут профессионально готовы работать с такими детьми; если отношение администрации школ, учителей, а также родителей и самих школьников к подобной идее станет положительным.

## Литература

1. Инклюзивное образование. – М. : Школ. кн., 2010. – Вып. 1. 272 с.
2. На пути к инклюзивной школе: пособие для учителей. – М.: РООИ «Перспектива», 2007. – 48 с.
3. Аксенова Л.И. и др. Специальная педагогика. // Учеб. пособие / Под ред. Н.М. Назаровой. – М.: Академия, 2000. – 400 с.
4. Лубовский В.И. и др. Специальная психология. // Учеб. Пособие. /Под ред. В.И. Лубовского]. – М.: Академия, 2003. 464 с.
5. Хитрюк В.В. Основы обучения и воспитания детей с особенностями психофизического развития: учеб.-метод. Пособие. – Барановичи : РИО БарГУ, 2011. 195 с.
6. Шипицына Л.М. «Необучаемый» ребенок в семье и обществе. Социализация детей с нарушением интеллекта. – СПб.: Речь, 2005. 477 с.

# ЛИЧНОСТНО ОРИЕНТИРОВАННЫЙ ПОДХОД В ИНКЛЮЗИВНОМ ОБРАЗОВАНИИ

- Л.Р. Муминова, д. п. н., профессор,
- Д.А. Назарова, к. п. н., доц., И. Шодмонхожиева,
- З. Узакова, Республиканский центр социальной адаптации детей

Личностно ориентированным образованием в современной педагогике называют образование, обеспечивающее развитие качеств личности, которые помогут человеку занять активную жизненную позицию на основе осознанного целенаправленного саморазвития. Личностно ориентированное образование можно рассматривать как разновидность развивающего обучения. Данная концепция появилась в 90-х годах XX века и рассматривается как интегративное направление, характеризующее взаимодействие учителя и учащихся на основе единства аксиологического, когнитивного и личностного компонентов.

Особенность личностно ориентированного образования состоит в обеспечении развития и саморазвития ученика как субъекта познания. Оно базируется на признании за каждым обучающимся права выбора способа самореализации в познавательной и в других развивающих видах деятельности. В такой ситуации меняется смысл учения, в нем проявляется, с одной стороны, внутреннее отношение школьника к данной деятельности, формируются его общие и специальные способности. С другой стороны, личностно ориентированное образование – это не столько учет индивидуальных психофизических особенностей обучающихся, сколько выявление сходства и различий мировосприятия учащихся, своеобразия и общности жизненных ценностей, способствующих самоопределению личности в ходе социального взаимодействия. Только в этом случае «происходит личностное познание действительности в той форме, которая единственно возможна и необходима конкретной личности» [1]. Гуманистической альтернативой выступает инклюзивное (совместное) обучение, позволяющее существенно сократить процессы маргинализации детей с инвалидностью [5].

Учителя, которые уже имеют опыт работы на принципах инклюзивного образования, разработали следующие способы включения: 1) принимать учеников с инвалидностью «как любых других ребят в классе»; 2) включать их в те же активности, хотя ставить разные задачи; 3) вовлекать учеников в групповое решение задач; 4) использовать активные и партисипаторные стратегии – манипуляции, игры, проекты, лаборатории, полевые исследования. Инклюзивные образовательные сообщества во многом изменяют роль учителя.

Дэвид Митчелл, признанный международный эксперт в области инклюзивного образования, утверждает, что «успех инклюзивного образования зависит от того, рассматривается ли оно как часть системы, в которой школа является звеном более крупной системы (общества)». Он вывел «формулу» для описания составляющих инклюзивного образования:

$$\text{ИО}=\text{В}+\text{О}+5\text{К}+\text{П}+\text{Рс}+\text{Рк},$$

где В – видение (т.е. знание об актуальном состоянии и наличие прогноза на развитие и обучение), О – определение в школу, 5К – пять компонентов (адаптированный учебный план, адаптированная оценка, адаптированное обучение, адаптированная среда, право на образование), П – поддержка, Рс – ресурсы, Рк – руководство [4].

Дети с ограниченными возможностями в нашей республике имеют право выбора между общеобразовательными и специализированными школами. В республике функционируют 86 специализированных школ-интернатов (из них 31 – в г. Ташкенте), развитию которых государство уделяет не меньше внимания, чем общеобразовательным.

Уровень инклюзивного обучения детей и молодежи с инвалидностью сравнительно низок по сравнению с обучением в специализированных образовательных учреждениях. Это связано в первую очередь с неподготовленностью преподавателей к обучению таких ребят, отсутствием знаний в составлении программы обучения, ориентированной на каждого учащегося (включая и ребенка с инвалидностью), родительским страхом негативного отношения к их ребенку при совместном обучении и многими другими факторами.

В связи с этим вносятся ряд предложений, в частности:

- разработать и внедрить в школах, лицеях и колледжах, вузах программу, ориентированную на каждого учащегося;
- включить в курс повышения квалификации психологов, педагогов школ, лицеев, колледжей и вузов темы личностно ориентированного подхода в инклюзивном образовании с целью обучения составлению программы, ориентированной на каждого учащегося (с учетом детей с ограниченными возможностями).

### Библиографический список

1. Балашов М.М. Личностно ориентированный подход к образованию: обоснование и сущность / М. М. Балашов, М. И. Лукьянов. – Ульяновск: Изд-во УОИРО, 1999. – 27 с.
2. Джумагулова Ч. (коллектив авторов). Учебное пособие. Личностно ориентированное обучение. – Бишкек, 2007. – с. 49.
3. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность [Текст] / А. Н. Леонтьев. – М.: Изд-во полит. лит., 1975. – 304 с.
4. Митчелл Дэвид. Эффективные педагогические технологии специального и инклюзивного образования (Использование научно-обоснованных стратегий обучения в инклюзивном образовательном пространстве) / Главы из книги, пер. Аникеев И.С., Борисова Н.В. – М., РООИ «Перспектива», 2011. – с. 20.
5. Романов П.В., Ярская-Смирнова Е.Р. Политика инвалидности: Социальное гражданство инвалидов в современной России. – Саратов: Изд-во «Научная книга», 2006. – с. 30.
6. Якиманская И.С. Личностно ориентированное обучение в современной школе / И. С. Якиманская. – М.: Сентябрь, 1996. – 96 с.

## ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАР СЎЗЛАШУВ НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ РОЛИ

- **Л.Р. Муминова, педагогика фанлари доктори, профессор,**
- **Д.А. Назарова, педагогика фанлари номзоди, доцент**

Ота-оналар ҳамда уларнинг фарзандлари тарбиясига бўлган муносабатлар ҳақида ахборотга эга бўлиш ўзаро ҳамкорлик ишларини ташкил этиш моделини белгилаш, унда қўлланувчи метод ва шаклларни танлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Бола тарбияланаётган оила билан танишиш. Ушбу вазифаларни ҳал этиш шартларидан бири ҳар бир бола тарбияланаётган оила таркиби, шунингдек, оиладаги тарбияси ҳақидаги маълумотлар билан танишиш саналади. Оила ҳақида ахборот олиш кенг қамровли бўлиб, уни йиғишга ота-оналар билан ўтказилувчи бир неча учрашувлардан сўнг киришилиши лозим.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, унда иштирок этган ота-оналарнинг таркиби ҳам ижтимоий, ҳам маданий малакалари, ҳам ўз фарзандига бўлган муносабати, ҳам фарзандининг имкониятларига баҳо бериш даражасига кўра турли-туман тоифани ташкил этади.

Мактабгача ёшдаги эшитишида муаммолари бўлган болалар таълимини амалга оширишда оиладаги тарбиянинг муҳим аҳамият касб этиши, бундай тоифа болаларини барча шароитлар мавжуд таълим муассасасига жойлаш билан кифояланиб бўлмаслигини таъкидлашимиз лозим. Эшитиш муаммоси бўлган фарзанди бор ҳар бир ота-онага масъулиятли вазифа юкланади. Яъни айнан ота-онанинг ўз фарзанди камол топишидаги саъй-ҳаракатларига боғлиқ ҳолда унинг кейинги ҳаётига замин тайёрланади. Ота-оналар ёки бола тарбияси билан шуғулланувчи оиланинг барча аъзолари заиф эшитувчи боланинг уйда бўлган вақтларида сурдопедагог ходимлар ишининг давомчилари саналиб, ушбу мутахассисларнинг раҳбарлиги остида фарзандларининг таълим ва тарбияси борасидаги келгусидаги барча ишлар учун замин ҳозирлайдилар. Боланинг сўзлашув нутқини ривожлантириш ҳамда мулоқот (коммуникатив) малакаларини шакллантириш бўйича ташкил этилувчи ишлар ташҳис қўйилган ва овоз кучайтиргич асбоб(аппарат)и билан таъминланган илк кунлардан бошланиши самарали натижа беради. Баъзи ҳолларда ташҳис қўйилган бўлса-да, турли сабаблар туфайли овоз кучайтиргич асбоби билан таъминланиш имконияти чегараланган бўлса ҳам бола билан шуғулланишни бошлаб юбориш тавсия этилади.

Ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясидаги иштирокини фаоллаштириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўз олдимишга қуйидаги вазифаларни қўйдик:



- ота-оналарда заиф эшитувчи бола таълим-тарбияси мақсади ҳақида тўғри тушунча ҳосил қилиш;
- муассасанинг оила билан олиб боровчи иш шакллари доирасини кенгайтириш ҳамда ушбу фаолиятнинг мунтазамлигини таъминлаш;
- ота-оналар ўртасида фарзандлари хусусиятлари, имкониятлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш ҳамда улар билан олиб борилувчи педагогик жараён йўналишлари ҳақидаги билимларни кенгайтириш, коррекцион ишларнинг усул ва йўллари билан таништириш.

Биз ота-оналар билан олиб борилувчи ишларнинг расмий (юзак) равишда эмас, балки фарзандларининг келажагини яратишда уларнинг масъулиятини англашга қаратилган иш шакллари мақсадли олиб боришга интилдик. Яъни биз ўз ишимизда ота-оналарнинг масъулиятини оширишда қуруқ маъруза ҳамда оғзаки тавсияларнинг нисбатан самарасиз эканлигини инобатга олган ҳолда ишнинг қуйидаги кўринишларидан фойдаландик:

- ота-оналар билан якка тартибда ишлаш;
- ота-оналар билан коллектив равишда ишлаш. Ишнинг бу шакли жуда сертармоқ бўлиб, биз ўз ишимизда қуйидаги йўналишлардан фойдаландик: ота-оналар мажлиси; ота-оналар университети; давра суҳбатлари; ота-оналар гуруҳи учун маслаҳатлар; ота-оналар учун анжуманлар; очиқ эшиклар куни; ота-оналар бурчаги; мулоқот кутучаси; семинар-тренинглари.

**Ота-оналар билан якка тартибда ишлаш.** Сурдопедагогнинг улар билан ўзаро тил топа олишлари боланинг умумий ривожланиш хусусияти ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Эшитишда муаммолари бўлган болалар мактаб-интернати таълим-тарбия жараёни муваффақиятининг гарови ота-оналар кенгаши ва мажлисининг ишига боғлиқ. Ота-оналар кенгаши болаларни тарбиялаш ишларини олиб боришда катта кучга эга бўлиб, ҳомийлик кўмаklarини тақсимлаш ва шу каби вазифаларни бажариш билан бир қаторда фарзандлари тарбиясида масъулияти суғ ота-оналарга таъсир кўрсатиш, педагогик ташвиқотларни олиб боришда кўмаклашади.

Махсус мактаб, мактаб-интернати педагогик жамоаси томонидан вақти-вақти билан амалга оширилиб турилувчи тадбирлардан бири – «Очиқ эшиклар куни» саналади. Унинг асосий мақсади ота-оналарга махсус таълим жараёнида эришилган ютуқларни кўрсатиш орқали ота-оналарни ушбу жараёндаги ҳамкорликка жалб қилиш. Болалар ишларини ўрганиш орқали ота-оналар махсус мактаб-интернати жамоаси фаолиятининг тизими ҳақида маълумот оладилар. Бу усул орқали ўқувчилар ишларининг фақатгина натижаси ўрганилмай, балки ота-оналарни тарбия жараёнига жалб қилиш ҳам амалга оширилади. Ота-оналарни фарзандларининг уйда бўлган вақтларида унга бўлган эътиборни кучайтириш лозимлиги ҳақида ўйлаб кўришларига ундайди, унинг босқичлари ҳам тадқиқ қилинади.

Шунингдек, ота-оналарни байрам тадбирларида иштирок этишга таклиф қилиш тарбиявий жараёни такомиллаштиришга хизмат қилади. Ота-оналар ўз фарзандларининг байрам тадбирларида иштирокининг гувоҳи бўлишлари болаларига бўлган эътиборларининг кучайишига туртки беради.

Тарбия муаммоларини ҳал қилишда кенг қўллаб келаётган усулларимиздан яна бири – махсус таълим-тарбия ташвиқоти ҳамда ота-оналар ўқувини ташкил этганимиз. Бу йўналишда биз қуйидагича иш олиб борамиз:

- ота-оналар учун маслаҳатлар уюштирамиз;
- ота-оналар кенгаши кўмагида ота-оналар учун семинар, тренинглари уюштирамиз.

Ушбу тадбирларни педагогик жамоамизнинг илғор педагог ходимлари, мутассади ташкилотлардан келган мутахассислар олиб бормоқдалар.

Педагогик ташвиқотда эшитишида муаммолари бўлган болаларнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, меҳнат тарбияси ва касбга йўналтириш масалалари муҳим ўрин эгаллайди.

Сўров – сўровномаларни тўлдириш ва интервью (оғзаки жавоб) кўринишида олиб борилади. Сўровни ўтказишда саволларнинг аниқ баён этилиши, уларнинг тарбия вазифаларига мос бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлади. Сўров ўқувчи, ўқитувчи ёки ота-оналар қизиқиши, дунёқараши, лаёқатларини ўрганиш ва у орқали таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилади.

Таълим-тарбия жараёнида ота-оналарнинг фаол иштирок этиши тарбияланувчилар жамоаси ўртасида шахслароро дўстона, барчанинг тенглигига асосланган муносабатларни ўрнатиш, ижтимоий кўникма ва малакаларни эгаллаш учун қулай шароитни юзага келтирмоқда.

Педагогик жамоа томонидан ота-оналар билан билан ўтказилувчи ҳар бир тадбирларнинг олдидан лойиҳалаштириб қўйилиши уларнинг масъулиятини кучайтирмоқда.

Ота-оналарнинг ўз фарзандларига бўлган илиқ муносабатлари, моҳирона қўллаб-қувватлашлари, улар билан «тил топа олишлари», яъни мулоқот ўрната олиши тарбияланувчиларда нафақат машғулотларда фаол иштирок эта олишларига имкон яратади, балки улардаги ўз имкониятларига ишончни, яъни интернат шароитида тарбия олишлари борсидаги оптимистик руҳиятларини юзага келтирмоқда. Булар эса, ўз навбатида, барча болаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олиш, жараён давомида толерантлик, ўзгаларни, улар томонидан билдирилган фикрларни ҳурмат қилиш каби инсонпарварлик хислатларининг шаклланишига имкон берувчи шароитнинг юзага келишига ёрдам бермоқда.

Уй шароити бола луғат бойлигининг кенгайиши, сўзлашув нутқи, талаффуз ҳамда эшитиш маъналарининг шаклланиши, билим ва тушунчаларнинг ривожланиши учун турли-туман табиий ҳолатларни юзага келтиради. Уй шароитида махсус равишда ташкил этилувчи мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг қизиқишларига мос тарзда ўтказилиши мумкин бўлган машғулотлар заиф эшитувчи боланинг нутқий ривожланиши, боланинг мактаб ўқув-тарбия жараёнига муваффақиятли уйғунлашиб кетишига, ҳаётда ўз ўрнини топишига самарали таъсир кўрсатувчи омил саналади.

Ушбу омилга боғлиқ ҳолда биз уй шароитида болалар билан олиб борилиши мумкин бўлган режали иш тизимини ишлаб чиқдик. Бунда уй шароитида олиб борилиши лозим бўлган барча тадбирлар соддалаштирилган ҳолда, боланинг ривожланиш хусусиятлари, шунингдек, катталарнинг имкониятларидан келиб чиққан, баъзан боланинг эришган ютуқларига кўра уларни бироз соддалаштирган ёки мураккаблаштирган ҳолда ҳам қўлланилиши имконини яратиб беришига алоҳида эътибор қаратдик.

**Мактабгача ёшдаги эшитишида муаммолари бўлган болалар ривожланишида расм, қуриш-ясаш фаолиятининг тутган ўрни ва оила шароитида ушбу борада олиб бориладиган ишлар.**

Маълумки, мактабгача ёш даврида ҳар қандай боланинг амалий фаолиятида бўлгани каби эшитишида муаммолари бўлган болалар кундалик фаолиятида ҳам маълум бир яратувчанликка йўналтирилган фаолиятлар тури, айниқса, тасвирий санъат ва ясаш-қуриш фаолияти етакчилик қилади. Болаларнинг қуриш-ясаш фаолиятлари деганда, болаларнинг турли-туман ашёлар (қоғоз, картон, ёғоч, пластилин, табиий ашёлар, махсус қуриш ўйинчоқлари ва «Лего») дан ҳар хил ўйин учун буюмларни яратишлари тушунилса, тасвирий фаолиятлари деганда, улар шахсининг ҳар томонлама ривожланиши, атроф-олами фаол англашларини таъминлашларига хизмат қилувчи бадиий фаолиятларни тушунилади.

Бу фаолиятлар ўзида ҳам бадиий, ҳам техник қуриш-ясашни мужассамлагани сабабли эшитишида муаммолари бўлган болалар учун мураккаб жараён ҳисобланади.

Болалар қуриш-ясаш фаолиятларининг катта ёшдаги кишилар тасвирий санъат ҳамда техник қуриш-ясаш фаолиятлари билан яқин, ўхшаш ҳамда умумий томонларини кузатамиз. Агар катта ёшдаги кишиларнинг расм ва қуриш-ясаш фаолиятлари ижтимоий ҳаётдаги бунёдкорлик, яратувчанликка хизмат қилса, болалардаги ушбу фаолият ўйнайдиган ўйинлари жараёнида зарур бўлган буюмларни яратиш, кўрганларини чиройли ҳолда акс эттиришга уринишларини назарда тутаяди. Яъни ҳар икки авлоднинг фаолиятлари ҳам яратувчанликка йўналтирилган. Лекин биз болаларнинг ушбу фаолият турлари катталарникидан фарқли равишда ижтимоий аҳамиятга эга эмаслиги, жамиятга моддий ва маънавий жиҳатдан ҳисса қўшмаслигини, яъни уларнинг фаолиятлари фақатгина ўзлари ва баъзан, тор доирани ташкил қилувчи болалар жамоасига хизмат қилишинигина кузатамиз. Лекин шунга қарамай, биз эшитишида муаммолари бўлган болаларнинг камол топишлари, ижтимоий ҳаётга эрта уйғунлашувларида айнан ушбу фаолият етакчи ўринлардан бирида туришини ўзимизнинг бола билан олиб борадиган ишларимизда етакчи омил эканлигини англаб олишимиз лозим.

Расм, қуриш-ясаш фаолияти ёрдамида болада эстетик туйғу, ижодий тасаввур, нарса ва буюмлар, табиат ҳодисаларини таққослаш, сенсор хусусиятлар тўғрисида тушунчалар тарбияланади, сўзлашув нутқи ўсади. Бу вазифалар ўйинлар, қуриш-ясаш, расм, қирқиб ёпиштириш бўйича уюштирилувчи машғулотларни ўтказиш жараёнида амалга оширилади.

Расм, қуриш-ясаш фаолиятига қизиқиш, қалам, мўйқалам, фломастер, лой, пластилин, қоғоз ва ҳоказолар билан ишлаш кўникмалари болаларнинг мустақил фаолиятга, айниқса, ўта қизиққан даврларидан, яъни 3 ёшларидан шакллантирилиши мақсадга мувофиқ саналади. Агар дастлаб болалар катталарга тақлидан, намунага кўра ёрдами асосида мустақил расм, лой, қирқиб ёпиштириш, қуриш-ясаш ишларини бажаришни ўрганиб боришларига эътибор қаратилса, секин-аста ушбу жараён болаларнинг буюм ва нарсага қараб, тасаввур бўйича расм солишлари, турли содда ҳолатларни акс эттиришлари томонга силжиб боришга эришилади.

Расм, қуриш-ясаш жараёнида ўйинлар ташкил этилганда, боланинг тасвирланаётган буюм ёки ходисага қизиқиши уйғониб, уларнинг сифат ва хусусиятларини табиий ҳолда ўрганилишига эришилади, шунингдек, жараёнда зарур бўлган иш усулларининг, қўлланиладиган асбоб ва ускуналар, сифат ва хусусиятлар (ранг, шакл, ҳажм), ҳаракат – ҳолатларга оид бўлган сўз ва жумлаларнинг ўзлаштирилиши таъминланади.

Расм, қуриш-ясаш машғулоти ўйин, теварак – атроф билан таништириш, нутқ ўстириш, меҳнат, математик тасаввурларни шакллантириш бўйича олиб борилувчи жараён билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилганидагина эшитишида муаммоси бўлган боланинг ҳар томонлама ривожланиши, дунёқарашининг кенгайиши таъминланади. Эшитишида муаммолари бўлган болалар расм чизиш, ясаш-қуриш фаолиятлари билан машғул бўлишлари жараёнида нутқлари ривожланади, атрофдагилар билан мулоқот ўрната олиш, муқимлилик, мақсадга йўналтирилганлик, тизимлилик, озодалик, меҳнатсеварлик каби шахсий сифатлари шаклланади.

Эшитишида муаммолари бўлган боланинг расм чизиш, қуриш-ясаш фаолияти нутқни шакллантириш жараёни билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, болани ушбу фаолият жараёнида унга қарата айтилган оғзаки нутқни идрок қилиш имконини яратувчи нутқий муҳитга жалб қилиб бориш дастлабки машғулотлардан оқ қўлланилиши лозим. Фаолият жараёнида сўзлашув мулоқотида эҳтиёжнинг юзага келиши болани нарса, буюм, ҳаракатлар номини эслаб қолишга, катталарга мурожаат қилишда сўзлашув нутқидан фойдаланишга ундайди. Бунинг учун катталар ҳар бир қўлланилаётган буюм ва нарсалар номини, бажарилган фаолиятни аниқ, содда сўз ҳамда жумлалар билан номлаб боришлари, шунингдек, боланинг ҳам уларга тақлид қилган ҳолда ҳатти-ҳаракатларга оид фаолиятни бажариши ва айтилганларни такрорлаб боришига эришишлари лозим. Машғулотда қўлланилувчи сўз ва топшириқларга оид жумлалар аввалдан тайёрлаб қўйилган қоғоз(табличка)ларда ўз аксини топиши мақсадга мувофиқ. Масалан: «Қалам», «Қаламни ол», «Тўғри ўтир», «Шарни чиз», «Расм чизамиз», «Мен шарнинг расмини чиздим», «Шар ясадим», «Уйча ясаймиз», «Мен машина ясадим» ва ҳ.

Болаларни тасвирий санъат, қуриш-ясашга бўлган қизиқишларини шакллантириб бориш режали равишда олиб борилиши муҳим ҳисобланади. Расм солиш, елимлаш, лойдан буюм ясаш, қуриш – ясаш машғулотида дастлаб бола ўз фаолиятини катталарнинг ёрдамида, кейинчалик уларга тақлид қилган ҳолда, сўнгра уларнинг кўрсатма (топшириқ)ларига кўра, предметларга қараб ва ниҳоят, мустақил равишда бажаришига босқичма-босқич эришиб борилиши керак.

Ота-оналарнинг фарзандлари билан машғулотларни бошлашга киришишлари аввалида эътиборга олишлари лозим бўлган шартлар ишлаб чиқилди ва тавсия этилди.

Шунингдек, ота-оналарга оила шароитида ташкил этилувчи турли-туман машғулотларда асосий эътибор эшитишида муаммоси бўлган боланинг нутқий, шунингдек, умумий ривожланишига қўйилган талабларнинг ечимига қаратилиши, ҳар бир машғулотларга таълимий, тарбиявий ва коррекцион-ривожлантирувчи вазифалар қўйилиши, уларнинг ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал этиб борилиши лозимлиги тушунтирилди. Шунингдек, уй шароитида олиб борилувчи машғулотларда иш жараёнининг тўрт кўринишдаги талабларга риоя қилинган ҳолда ташкил этилиши болаларнинг нутқий, шунингдек, умумий ривожланиш даражаларининг меъёрга яқинлашувларини таъминлаши етказилди.

# ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ЛОГОПЕДИЧЕСКОЙ РАБОТЕ

- Л.Р.Муминова, д.п.н., профессор,
- Ш.Т.Каримова,
- У.А.Махкамова,  
РЦСАД

Компьютерные технологии активно внедряются в практическую логопедическую работу. Технологическое первенство с базой персонального компьютера можно отдать корпорации IBM, которая в 1987-89 годах представила вниманию заинтересованной профессиональной общест-венности логопедов США настольную систему «Видимая речь», «Чтец». Российские учителя-логопеды образовательных организаций используют в коррекционно-логопедической работе такие компьютерные программы как: «Речевой калейдоскоп» – НПО «КАСКОД» – С-Петербург; «Филипок»-КУДИЦ – Москва; как «Домашний логопед», «Игры для Тигры», компьютерный комплекс «Кабинет биологической обратной связи логотерапевтический», «Диагностика психорече-вого развития ребенка раннего возраста», коррекционно-диагностическая среда «Мир за твоим окном», «Лента времени», программа «Веселые моторы», программа «Визуальный тренажер произношения», созданная белорусским Центром консультативной поддержки и внедрения про-грессивных технологий специального обучения «Специальные образовательные технологии». На логопедических занятиях применяются компьютерные игры «Гарфилд и его друзья», «Весё-лая азбука», «Волшебный букварь», «Весёлая азбука Кирилла и Мефодия», «Как Баба-Яга учи-лась читать», «Изучаем буквы», «Флора и фауна», «Дракоша в мире птиц», «Естествознание для детей», «Энциклопедия для детей Кирилла и Мефодия», «Энциклопедия животных Кирилла и Мефодия», Программно-методический комплекс «Автоматизация согласных», «Пойди туда, не знаю куда», программно-методический комплекс «Развитие речи», программа «Специальные об-разовательные средства», «Искатель», «Алик. Скоро в школу» и т.д. К сожалению, мы не имеем возможности использовать достижения российских коллег в своей логопедической практике.

Постановка звукопроизношения, отработка механизмов голосообразования, пропедевтические упражнения и артикуляционная гимнастика опираются в основном на тактильные ощущения в речеобразующих органах. Все эти составляющие так или иначе всегда были предметом логопе-дической практики при различных речевых нарушениях. Последние отражают более глобальные промежутки речи, такие как высказывание или фраза. При этом они также могут быть объективно измерены на предмет скорости проговаривания отдельных слов в минуту или повышения или понижения интонацион-ного ряда. Это наиболее значимые характеристики речи, как физического явления.

Все эти характеристики речи можно с успехом использовать для создания ви-зуальной опоры различным развивающим упражнениям и непосредственно живой речи. Что и реализовано в перечисленных выше разработках в виде игровых и развивающих модулей, направленных на коррекцию тех или иных речевых проблем. Однако речевые нарушения столь разнообразны, а методические подходы столь разноплановы, что вряд ли можно выделить какую-либо универ-сальную методику, которую можно было бы положить в основу автоматизированного, компью-терного подхода к коррекции речевых нарушений на родном, узбекском языке. Все разработки можно считать вспомогательными средствами логопедической работы, при этом большинство этих средств достаточно уникальны и чрезвычайно эффективны. В руках у творчески работаю-щего логопеда, они способны в несколько раз ускорить формирование и коррекцию необходимых речевых компонентов.

Совместно с университетом информационных технологий мы на родном языке разрабатыва-ем компьютерную программу «Моя речь: чистое произношение» поддерживающих развивающее обучение детей с нарушениями звукопроизношения. Работа в программе состоит из трёх этапов: констатация, обучение, контроль. Цель программы выявить уровень сформированности аналити-ко-синтетической деятельности, звукопроизношения, пассивного и активного словаря, а также её развитие и автоматизация, дифференциация звуков родного языка.



При разработки компьютерной программы мы опираемся на следующие принципы: принцип полисенсорного подхода к коррекции речевых нарушений; принцип систематического подхода к коррекции речевых нарушений; принцип развивающего и дифференцированного обучения детей с нарушениями развития; принцип систематичности и последовательности обучения; принцип доступности обучения; принцип индивидуализации обучения; принцип сознательности и активности детей в усвоении знаний и их реализации; принцип объективной оценки результатов деятельности ребенка; принцип игровой стратегии обучения и введения ребенка в проблемную ситуацию; принцип воспитывающего обучения; принцип интерактивности компьютерных средств обучения.

Использование компьютерной программы «Моя речь: чистое произношение» в логопедических занятиях будет повышать эффективность коррекционной логопедической работы логопедов, что будет способствовать формированию и развитию всех компонентов речевой системы у детей с тяжёлыми нарушениями речи.

### Литература

1. Болонина В.В. Использование информационных технологий в работе с детьми, имеющими ограниченные возможности здоровья. – Новокуйбышевск, 2009.
2. Грибова О.Е. Логопедический тренажер Дэльфа-142.1. // Практическое руководство. – М., 2008.
3. По материалам сайта <http://www.logoped.ru>
4. Лизунова Л.Р. Компьютерная технология коррекции общего недоразвития речи у детей старшего дошкольного возраста с легкой степенью псевдобульбарной дизартрии / Ав-тореф. дис. ...к. пед. наук: – Пермь, 2004.

## ИНТЕЛЛЕКТИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН ЎҚУВЧИЛАР ОЎЗАКИ НУТҚИНИ ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ ШАКЛЛАНТИРИШ

- Н.С.Мусаева, ТДПУ, PhD доцент вазифасини бажарувчи

Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг кўпчилигида нутқ ривожланишининг орқада қолиши кузатилади. Нутқ – марказий ва муҳим психик функциялардан бўлиб, у боланинг умумий ривожига катта таъсир кўрсатади. Зеро тафаккур ривожланиши нутқнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Нутқ саводни эгаллаш ва бутун таълим жараёнининг асосини ташкил этади.

Нутқ кишиларнинг туғма қобилияти эмас. Болалар ўсиб ривожланган сари нутқи ҳам ривожланиб боради. Болаларнинг нутқи меёрида бўлиши учун бош мия пўстидаги нутқ маркази тўлиқ ривожланган бўлиши, уларнинг сезги органлари – эшитиш, кўриш, таъм билиш, ҳид билиш, тери сезгиси ҳам етарли даражада ривожланган бўлиши керак. Айниқса, нутқни ҳаракатга келтирувчи ва нутқни эшитувчи анализаторларнинг ривожланган бўлиши жуда муҳим. Агар бола янги, аниқ таассуротлар олиб турмаса, унинг ҳаракатлари ва нутқининг ривожланиши учун зарур шароит яратиб берилмаса, бу ҳолда боланинг жисмоний ва руҳий ривожланиши орқада қолади. Боланинг нутқи кичик ёшидан бошлаб атрофдаги предметларни таниш, атрофдагиларнинг овозини эшитиш орқали шаклланади. Гарчи нутқнинг тўғри таркиб топиши атрофдагилар нутқига, нутқий тажриба, тўғри нутқ муҳити ва таълим-тарбияга боғлиқ бўлса-да, баъзи сабаблар туфайли бола нутқи тўғри ривожланмайди, бола илк ёшидан нутқсиз бўлиб вояга етиб боради. Бош миядаги нутқ зоналарининг шикастланганлиги ёки ривожланмай қолганлиги, анализаторлараро мураккаб тизимнинг яхши шаклланмаганлиги ва фаолиятининг сустилиги бола ҳаётининг дастлабки йилларида унинг ривожланишини бузадиган ва бунга тўсқинлик қиладиган салбий омиллардир.

Ўқувчиларни мактабга келган кунидан бошлаб нутқи, луғати, катталар ва тенгдошлари билан ўзаро мулоқотга киришиш кўникмаларини ривожлантириш устида иш олиб бориш керак.

Таълим сифатининг ўта муҳим кўрсаткичларидан бири юқори илмий потенциалга эга бўлган малакали компетентли педагогларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Бунинг учун шахснинг индивидуал хусусиятларини инобатга олишни талаб қилувчи таълимий муассасалар ва таълимий дастурларнинг ҳар хил турлари ҳамда шакллари ҳисобга олиш билан таълим жараёнига индивидуал ёндашув талаб қилинади.

Таълим беришнинг энг самарали йўли бу ўйинлардир. Ўйинлар давомида ўқувчилар ўзаро муносабатга киришган ҳолда атрофидаги инсонларга бирор нарсаларни бериш, улардан илтимос қилиб олиш каби ижтимоий кўникмалар шаклланади. Ўқувчилар жамоа билан муносабатга киришиш орқали ҳамкорлик ва рақобат, раҳмдиллик ва қаттиққўллик каби инсонпарварлик хислатларига эга бўладилар.

Ақли заиф ўқувчиларни сўзлашув малакаларини шакллантириш учун уларнинг луғат захирасини тўлдириб бориш зарур. Ҳар бир сўзнинг тўғри талаффузи ва уни қандай шароитларда қўллаш лозимлигини, берилаётган саволларга ўзининг хоҳиш ва истакларини инобатга олган ҳолда жавоб беришлари, кўргазмали воситалар ҳамда ўйин технологиялари асосида мураккаб бўлмаган кичик ҳикоялар тузишга ўргатиш керак. Бунинг учун албатта махсус тизимлаштирилган нутқ ўстириш машғулотларини олиб бориш лозим.

Дарс давомида нутқ ўстиришга қаратилган ўйинлардан фойдаланиш, ақли заиф ўқувчиларни дарс жараёнида ўзини эркин тутишга, ўйин ўйнаш жараёнида ўзини уринтирмаган ҳолда луғат захирасини тўлдириб боришга, синфдошлари билан ўзаро муносабатга киришишга ёрдам беради. Ҳар бир дарс ёки машғулот мобайнида ўқувчиларнинг луғатига янги сўзларни киритиб бориш керак. Бунда янги сўзларнинг миқдори чегараланган бўлиши лозим, акс ҳолда ўқувчилар сўзларни эслаб қола олмайдилар. Дарс ва машғулотлар давомида ўқувчиларни ўзларининг хоҳиш ва ҳаракатларни сўз билан ифодалашларига замин яратиш лозим. Шунинг учун уларга талаб ва истакларини қондирувчи оддий ибораларни ўргатиб бориш лозим.

Шунингдек, бошланғич синф ақли заиф ўқувчиларга «Бу ким?», «Бу нима?», «Нима қилаяпти?» каби саволларга жавоб беришга, ҳамда предметларни классификацияси бўйича умумлаштира олишга ўргатиш лозим. Бунинг учун кўргазмали восита ва ўйин технологияларидан фойдаланиб, улар билан амалий машғулотлар олиб бориш зарур.

Гапира олмайдиган ақли заиф ўқувчиларни гапиришга мажбурлайдиган вазиятларни ташкиллаштириш, уларнинг ҳар бир ифодалаган нутқини рағбатлантириб туриш керак. Ақли заиф ўқувчилар танишларини фамилиясини эшитганда уларни кўрсатиб бериши, имкони борича исмини айтиши; юзининг ва тана аъзоларини ҳамда хонада жойлашган предметларни кўрсата олишига ундаш лозим. Бундай болалар билан ишлашда алоҳида сўзлар, ибораларни қайта-қайта такрорлашга, уларни ёдлашга мажбурлаш, шунингдек, қисқа, оддий ҳикояларни тушунишга, ролли ўйинлар орқали ифодалашга ўргатиш лозим. Маиший-турмушда фойдаланиладиган предметларнинг номини ўргатишга ҳамда маъносини яхши эслаб қолиши учун босма ҳарфлар билан ёзилган карточкаларни уларга ёпиштириб чиқиш: стол, стул, дераза, ўриндик ва ҳ.к. карточкаларни кўрсатиб у ерда ёзилган предметнинг номини ўқиб эшиттириб, тегишли бўлган предметга кўрсатиб, у нима учун кераклигини тушунтириб ўша предметга бирлаштириб қўйиш керак. Ушбу сўзнинг маъносини тушунганлигини текшириш учун ўқувчидан ушбу предмет қаерда жойлашганлигини кўрсатиши сўралади. Агар ақли заиф ўқувчи жавоб беришда қийналса, ушбу предмет ҳақида қайта тушунтириш ишларини олиб бориш керак.

Сўнгра суратлар билан ишлаш ишларини олиб бориш самаралидир. Улар ўзлари учун яхши таниш бўлган предметлар, ҳайвонлар, ўртоқлари, катталарнинг ҳаракатларини ифодалаб беришлари мумкин. Суратлар шундай танланадики, улар атрофидаги шароитга мос келиши керак. Суратлар билан ишлашнинг вариантлари жуда кўп, энг асосийси ушбу расмлар, суратлар ўқувчида эмоционал кайфиятини кўтариб, нутқи орқали қисқа иборалардан фойдаланиб, расмдаги тасвирларни тушунган ҳолда ифодалашига эришиш лозим.

Сурат ва расмлардан янги мавзунини тушунтиришда, шунингдек такрорлашда ҳам фойдаланиш лозим. Тарқатма материал сифатида турли хил предметлар тасвирланган расмлар тўпламидан фойдаланиш мумкин (транспортлар, иш қуроллари, маиший жиҳозлар, жамоавий бинолар ва ҳ.к.).

Мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар, ўқувчиларга синфдошлари исмларни яхши эслаб қолишга; бошқаларни эътиборини ўзига қаратишга; уларнинг ҳар бири шу жамоанинг бир бўлаги эканлигини ҳис этиш; бир-бирини ўйинга таклиф этиш, дўстлар ортириш каби сифатларни шаклланишига ёрдам беради.

1. Мўминова Л.Р., Шамахмудова Р. Имконияти чекланган болаларни индивидуал коррекцион-ривожлантириш дастурининг методик асослари. // Услубий тавсиянома. – Т.: 2007. 28 б.
2. Мўминова Л.Р., Қобулова Р.В. Мактабгача катга ва тайёрлов гуруҳ болалари нутқини кичик фольклор жанрлари асосида ривожлантириш технологиялари. – Т., 2013.
3. Мусаева Н.С., Пўлатова С., Тўхтаёрова Ш.Э., Абидова Н.З. Ривожланишида мураккаб нуқсонли бўлган болаларни таълим-тарбиясининг мазмуни ва усуллари. Л.Р.Мўминова таҳрири остида. /Методик қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2017.113 б.
4. Мусаева Н.С., Пўлатова С., Тўхтаёрова Ш.Э., Абидова Н.З. Ривожланишида мураккаб нуқсонли бўлган болаларни психологик-педагогик таснифи. Л.Р.Мўминова таҳрири остида. /Монография. – Т.: Фан ва технология, 2016. -114 б.

## БОЛАЛАР ИЖТИМОЙЛАШУВИДА РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

### • Г.Муҳамедова, РБИММ Ижтимоий иш мутахассиси

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жабхаларида туб ўзгаришлар бошланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида белгиланган оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилишига доир конституциявий тамойиллар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этмоқда. Чунки соғлом авлод тарбияси жамиятнинг ҳар бир аъзосидан жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнатни талаб қилади. Репродуктив саломатлик – бу нафақат касаллик ва холсизланишнинг кузатилмаслиги, балки репродуктив тизимдаги жисмоний, ментал ва ижтимоий фаровонликдир. Репродуктив (lot. re – тикланиш, такрорланиш маъносида, produco -яратаман). Илк бора репродуктив саломатлик ибораси 1994 йил Қоҳирада бўлиб ўтган аҳоли ва ривожланиш масалаларига бағишланган Халқаро конференцияда тилга олинган ва қуйидагича изоҳ берилган: инсон ҳуқуқларини химоя қилиш, соғлом турмуш фаровонлигини ошириш, аҳолининг асосий ижтимоий хизматларидан фойдаланишни яхшилаш, қашшоқлик билан курашишда ҳаракатларни бирлаштириш, касалликлар тарқалишини камайтириш ва атроф-муҳитни химоя қилиш масалалари ўз аксини топган.

Репродуктив ҳуқуқлар ҳозирги вақтда Халқаро ҳуқуқ томонидан расмий равишда тан олинган ва Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларда рўйхатга олинган, шунингдек ушбу масала бўйича яқдилликка эришилганлиги тўғрисида ҳужжатлаштирилган гувоҳномалари бўлган қатор инсон ҳуқуқларини ўз ичига олади. Репродуктив саломатликка салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан, албатта, қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ, эрта ҳомиладорлик, алкоголь, наркотик моддаларни истеъмол қилиш, чекиш ва унинг ҳомилага таъсири, экология, интернетдан нотўғри фойдаланиш ва ижтимоий ҳолат репродуктив саломатликка салбий таъсир кўрсатувчи омиллар сирасига киради.

Юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини химоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунга мисол истиклол йилларида юртимизда «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», «Ёшлар йили» доирасида амалга оширилган давлат дастурларида ҳам энг муҳим вазифа сифатида асосий эътибор аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, оилаларнинг тиббий маданияти даражасини оширишга, аёллар соғлигини мустаҳкамлашга, «Соғлом она – соғлом бола» дастурини ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилади. Репродуктив саломатлик нафақат аёлнинг, балки эркакнинг ҳам ўзидан соғлом зурриёд қолдира олиш давридаги саломатлигидир. Айниқса, бу борада ўсмир йигит-қизларнинг саломатлигига жиддий эътибор қаратиш зарур. Бўлажак онанинг қачон ва қандай шароитларда она бўлишини назорат қилиш, унинг ва туғилажак боланинг ҳам саломатлиги учун мақбул шарт-шароитларни яратиш муҳим. Ҳозирги кунда бўлажак оналар фарзандини дунёга келтиришдек ўта маъсулиятли вазифага тайёргарлик кўришда тиббий жиҳатдан саводхонми? Бу борада махсус адабиётлар, газета, журналлар ўқиш учун хотин-қизларимиз вақт топа олишмаяптиларми?

Репродуктив саломатлик масаласи фақатгина туғуруклар оралиги уч йилдан кам бўлмаслигига эътибор қаратишдангина иборат эмас. Балки у ўз ичига кенгрок вазифаларни қамраб олади. Бунда асосий эътибор оила фаровонлигини таъминлаш, уларда ижобий психологик иқлимнинг хукм суриши, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, оилаларнинг том маънода мустаҳкамлигини таъминлаш кабилар назарда тутилади. Албатта, 16-17 ёшдаги қиз бола организми хали тўла етилган бўлмайди. Эрта фарзанд кўриш ёш она саломатлигига ҳам, ундан туғилажак бола саломатлигига ҳам маълум даражада хавф туғдириши мумкин.

Бўлажак оналар бўлмиш қизларимизнинг репродуктив саломатликларини муҳофаза қилишни барча таълим муассасаларида кенг кўламда амалга ошириш керак. Ўспиринлик – нозик давр. Айниса, ота-оналар ва педагоглар бу даврда болалар билан ўзаро муносабатда дўстона йўл тутишлари керак. Бу даврда ўспиринлар жадал ўсгани боис уларнинг организмида турли хил аъзоларнинг мувозанати бузилади. Қиз болалар репродуктив саломатликларининг шаклланишида жисмоний тарбия дарслари имкониятларидан фойдаланиш ва бундай машғулотларни кўпайтириш тажрибаси ижобий натижалар бериши аниқланган. Қиз болаларда репродуктив саломатликнинг шаклланишига салбий таъсир кўрсатувчи хавфли омиллар қаторида ички секреция безлари ва моддалар алмашинуви жараёнларининг бузилиши, вегетатив асаб тизими касалликлари, аллергия касалликларни кўрсатиб ўтиш, шунингдек, уларнинг олдини олишда оила ва тиббий ходимлар, педагоглар томонидан мақсадга қараб йўналтирилган чора тадбирларни амалга ошириш зарурлигини уқдириб ўтиш жоиздир. Мутахассислар томонидан нотинч, ичувчи, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш каби зарарли одатлари мавжуд оилаларга қатъи эътибор қаратиш лозим бўлади. Қиз бола организмига, булардан ташқари, тамаки чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, гиёҳвандлик каби зарарли одатлар ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Кўрсатиб ўтилган хавф омиллари кейинчалик уларда ҳомиладорликнинг физиологик кечишига тўсиқ бўлиб патологик туғурукларга сабаб бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қизларда ва бўлажак оналарда репродуктив саломатликни шакллантириш уларнинг мактаб давриданок бошлаш керак. Улар ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам психологик нуқтаи назардан соғлом бўлиб шаклланса ва муқаддас саналган оила тўғрисидаги етарли кўникма, малака ва билимга эга бўлсаларгина, ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантирсаларгина улардан туғилажак фарзандлар ҳам соғлом ривожланиб, оилаларимиз фаровон ҳаёт кечирадилар. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг соғлигини сақлаш соҳасида ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш, шубҳасиз, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий хизматнинг сифати, самарадорлиги ва қулайлигини таъминлайди. Асосийси ва муҳими, мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган бу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мутасадди давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг ўз ишларини ўсиб келаётган авлод олдидаги улкан маъсулиятини ҳис қилган ҳолда ташкил қилишини тақозо этади.

## **АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ – ИНСОН ОМИЛИ СИФАТИДА**

- **М.Мўминджонова, РБИММ АКХ, етакчи мутахассис**

Ижтимоий хизматлар қанчалик яхши ривожланган бўлса аҳоли турмуш даражаси ҳам шунчалик яхши бўлади. Чунки турмуш сифати концепцияси инсон жамоаларининг жисмоний, ақлий ва ижтимоий баркамоллигини белгиловчи шартларни шакллантиради. Бу ерда гап фақат турмуш сифатини (овқатланиш, уй-жой, иш билан бандлик) баҳоловчи объектив омиллар ҳақида эмас, балки инсон томонидан ўзининг фаровонлиги, бахт, қониқиш, роҳат каби тушунчаларни субъектив ҳис этиш тўғрисида ҳам бормоқда. Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичларининг индикаторларига назар ташлайдиган бўлсак уларнинг асосий қисми ижтимоий хизматлар билан узвий боғлиқ. Масалан, саломатлик кўрсаткичлари, билим даражаси, маиший хизматлар ҳажми, аҳолининг маданий даражаси, дам олиш шароитлари, ижтимоий таъминот, ижтимоий маиший вазият ва ҳақозоларни мисол келтириш мумкин. Ушбу индекслар аҳолининг яшаш турмуш тарзининг сифат даражасини ифодалайди.



Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорининг мунтазам кайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса, охириги йилларда ҳалқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминламоқда. Аҳоли фаровонлигини оширишда бандлик масаласининг ўрни катта. Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа масалаларда имтиёзлар берилмоқда; меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатдошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда; аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда; аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож бўлган тоифалари моддий кўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди; давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этилмоқда; ташки ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда. Аҳолининг ночор ижтимоий ҳимояга мухтож қатлами ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали ўрганилмоқда. Уларнинг орасидан кам таъминланганлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, ишсизлар, нафақахўрлар ва талабалар жой олган. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизимини барпо этишнинг принципиал янгича ёндашувлари ишлаб чиқилдики, бу ижтимоий ҳимояга мухтожлар учун бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратди. Аҳолининг барча қатламлари базавий ижтимоий хизматлар, аввало, соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларига имкониятларини кенгайтириш ва сифатини ошириш муҳим стратегик йўналишга айланди.

Инсон омили ўзаро бир-бири билан муносабатда бўладиган, турли мавқени эгаллаган синфлар ва гуруҳлар тизимидан иборат бўлиб, уларнинг фаолияти жамиятнинг илғор ривожланишини таъминлайди. Ресурслар омилнинг ижтимоий-иқтисодий тизимлари йиғиндисидан ташкил топган. Инсон омили ва меҳнат ресурсларининг юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлиши ҳамда такомиллашув натижасида улар капитал кўринишга эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат меҳнат потенциалининг бевосита бойиб боришини таъминлайди.

Давлатнинг илм-фан ва таълимга сарфлайдиган харажатлари, узоқ муддатли инвестициялар деб қаралиши лозим, улар кейинчалик илмий билимлар, малака ва тажрибалар тарзида фойда келтиради. Саломатликка, уни сақлашга йўналтириладиган инвестициялар касаллик ва ўлимнинг олдини олиб, кишининг меҳнатга лаёқатли умрини, инсон капиталининг ишлаш даврини узайтиради. Соғлиқни сақлаш билан боғлиқ инвестициялар эса мазкур жараёни янада секинлаштиради. Умумий ва махсус таълим кишидаги билимлар шаклини яхшилади, инсон омилнинг сифат даражаси ўсишига хизмат қилади. Таълим тизимига киритиладиган инвестициялар малакали мутахассисларни етиштириш ва юқори меҳнат унумдорлигининг юзага келишига шароит яратади, улар эса, ўз навбатида, иқтисодий тараққиёт суръатининг жадаллашувига туртки бўлади. Инсон омилни фаоллаштириш кўп қиррали муаммо сифатида намоён бўлмоқдаки, унга ахлоқий кадрларни шакллантиришнинг мураккаб жараёнлари, оила мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги жамиятни жисмоний соғломлаштириш, маданий анъаналарни сақлаб қолиш, кадрлар ва ижтимоий сиёсат, таълим ва ҳокозо муаммолар киради. Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсадида ижтимоий сиёсат юргизилади. Унинг асосий вазифаси аҳолининг ижтимоий ҳимоясини шакллантиришдир. У асосан уч йўналишда олиб борилади. Биринчи йўналиш-аҳолининг энг кам таъминланган, одатда ўзи мустақил ҳаёт кечиришини минимал даражасини таъминлай олмайдиганларни кўллаб-қувватлаш. Иккинчи йўналиш – меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлашни таъминлаш, давлат меҳнат бозорида барча субъектларнинг тенг ҳуқуқларини эркин касб-хунар эгаллашлари, иш-жойи ва бирор касбни танлашни таъминлашни кафолатлаши зарур. Учинчи йўналиш биринчисининг мантиқий давоми – аҳоли бандлигини тартибга солиш. Унга иқтисодиётни давлат ва нодавлат секторида янги иш жойларини яратиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киради.

Мамлакатимизда ижтимоий хизматлар мажмуини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинган. Уларнинг энг асосийлари куйидагилар ҳисобланади:

- ҳар бир инсоннинг бепул тиббий хизмат ва таълим хизматларидан фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш;

- ишсизлар ва аҳолининг ночор қатламини ижтимоий муҳофаза қилиш;
- аҳолининг даромадлари ва уй-жой билан таъминланишини инобатга олиш;
- аҳолининг уй-жой коммунал хўжалиги ва маданий маиший хизматлардан фойдаланишини кенгайтириш ва ҳақозо.

### Адабиётлар

1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. – Т.: Меҳнат, 2004. 443,444 б.
2. Йўлдошев З. Миллий иқтисодиёт. – Т.: Молия, 2004. Б. 104.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2007, Б. 46. 61
4. Каримов И.А. «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафабар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. // «Халқ сўзи» 2014 йил. 18 январь №13. Аҳоли фаровонлигини ошириш тадбирлари
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. Б.119.
6. Солиев А., Хўжахонов Х. Ноишлаб чиқариш соҳалари иқтисоди. – Т.: Меҳнат, 1999. Б.10.

## ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАРНИ ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМГА ЖАЛБ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

- **Д.А.Назарова, А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ  
Коррекцион таълимни ташкил этиш ва бошқариш  
кафедрасининг мудири, п.ф.н., доцент**

Кореянинг Инчхон шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон таълим форумида сайёрамиздаги барча шахсларнинг таълими ҳамда зарурий билим ва малакаларни эгаллашларини таъминлашга қаратилган 2030 йилга қадар Ривожланиш Декларацияси ҳамда Глобал режаси қабул қилиниб, уларда таълим шахсининг ривожланиши, ўз-ўзини намоён этиши, жамият ҳаётига уйғунлашуви, ижтимоийлашуви ҳамда шахсий ҳаётида муваффақиятга эришишининг зарурий шарти эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Худди шу йилнинг 29 октябрида Францияда бўлиб ўтган БМТ Саммитида иштирокчи давлатлар «барча шахсларга мактабгача, бошланғич, ўрта, юқори ва касбий-техник тайёргарлик поғоналарида сифатли таълим олишлари учун инклюзив ва тенг равишдаги шароитларни яратиш»ни расман қабул қилдилар.

Турли жабҳаларда ижобий ўзгаришлари билан дунё ҳамжамияти томонидан тобора кенг эътироф этилаётган мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болалар таълимига муҳим омил сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида ҳам мамлакатимизда умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инклюзив таълимни ривожлантириш белгилангани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган болаларни оддий болалар билан бир синфда умумтаълим мактабларида биргаликда ўқитишни англатиб, инклюзив таълим ҳар бир боланинг таълим турини танлашида эркинлиги, барча қатори тенг равишда билим олиши, оилада бўлиши, ўз уйи ҳамда маҳалласида камол топиши ҳуқуқларини таъминлашга қаратилгандир. У жамиятни инклюзивлаштириш, инсонпарварлаштириш борасидаги илк босқич бўлиб, бундай таълимни ривожлантириш янги шаклни яратиш ҳисобланмай, балки таълим тизимини режали тарзда сифатли ўзгартиришни назарда тутди. Яъни инклюзив таълим алоҳида болани ўзгартириш ёки тузатишни эмас, балки ўқув ҳамда ижтимоий муҳитни шу боланинг имкониятларига мослаштиришни кўзлайдиган таълимдир. Бошқача айтганда, у таълимнинг алоҳида бир шакли бўлмай, ўзининг фалсафаси, мазмуни ва шарт-шароитларининг ҳар бир бола имкониятларига мослашувчанлиги, танлаш имкониятларининг эркинлиги билан тавсифланувчи таълимдир.

Ўзбекистон таълим тизими учун нисбатан янги иш бўлгани боис, айниқса, инклюзив таълимни жорий этиш даврида: «Оддий мактабда ўқитиш учун ногирон болани қандай тайёрлаш лозим?», «Бундай болаларни ўқитишда қандай муаммоларга дуч келамиз?», «Бундай болаларни тарбия-

лашга тайёрмизми?», «Кимларга махсус ва кимларга инклюзив таълим керак?», «Инклюзив таълимнинг афзалликлари қандай?» каби кўплаб саволлар туғилмоқда. Ва, албатта, шу ва шунга ўхшаш саволларга ойдинлик киритиш лозимлиги кўринмоқда.

Заиф эшитувчи болалар ногиронлиги бўлган болалар орасида инклюзив таълимга эрта жалб қилиниши мумкин бўлганлар тартибида пешқадамлик қилувчи болалардир. Уларда инсон учун ўта зарур бўлган анализатор – эшитиш фаолиятининг тўлиқ эмас, қисман бузилиши юзага келган бўлиб, нутқнинг бирмунча шаклланишига имкон беради. Лекин бундай йўл билан нутқни эгаллашнинг ўта чегараланиши тушунча ва тасаввурларда ўзгачаликни юзага келтиради. Заиф эшитувчи болада луғат захирасининг камлиги билан бир қаторда сўзларнинг бошқа маънода қўлланиши, грамматик тизимнинг ривожлана олмаслиги билан бир қаторда улар маъноларининг нотўғри тушунилиши кузатилади. Буларнинг барчаси билиш фаолиятига таъсир кўрсатади: таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш каби психик жараёнлар заиф эшитувчиларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Нутқий мулоқот боланинг шахс сифатида ривожланишида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Заиф эшитувчи бола нутқининг ўзига хос ривожланиши оддий шароитларда илм асосларини эгаллашига тўсқинлик қилиб, боланинг умумтаълим мактабида таълим олишида муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Кузатиш ва ўрганишларимиз заиф эшитувчи болалар инклюзив таълимнинг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи мавжуд тўсиқларни аниқлаш имконини берди:

- умумтаълим мактабининг стандарти, таълим дастурлари, мазмуни заиф эшитувчи ўқувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларига мос келмайди;
- педагог кадрларни тайёрлаш тизимида инклюзив таълим асосларини ўрганишга оид ўқув фани назарда тутилмаслиги боис, умумтаълим мактаблари педагогик жамоалари таълим жараёнида бундай болаларга ёндашиш услубларидан воқиф эмаслар;
- етарли психологик ва педагогик ёрдам кўрсатиш учун касбий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлмаган ўқитувчилар психологик ноқулайлик ҳолатига тушиб, интеграция жараёнига тайёр эмасликларини қайд этадилар;
- умумтаълим мактаблари ўқитувчилари бундай болалар учун таълим жараёнида мослашиш имкониятини таъминловчи овоз кучайтириб берувчи техника ва технологиялардан фойдаланиш йўллари билмайдилар;
- мактаблар педагог жамоаси ногиронлиги бўлган болаларни синфларга қабул қилишда оддий ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан психологик жиҳатдан иш олиб бормайдилар;
- умумтаълим мактабларининг ходимлар штатлари жадвалида ногиронлиги бўлган ўқувчилар билан ишловчи қўшимча махсус педагог ва тиббиёт ходимлари бирликлари мавжуд эмас;
- умумтаълим мактабларининг моддий-техника негизи мазкур тоифа болалари эҳтиёжларига жавоб бермайди.

Эшитишида муаммоси бўлган болаларнинг инклюзив таълимда муваффақиятли иштирок этишига йўналтирилган қуйидаги ташкилий-педагогик ишларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- умумтаълим мактабининг стандарти, таълим дастурлари, мазмуни заиф эшитувчи ўқувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларига мослигини таъминлаш мақсадида ривожланишида муаммолари бўлган болалар учун шахсий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш тартиби ҳамда намунасини тасдиқлаб, амалиётга жорий этиш;
- педагог кадрларни тайёрлаш тизимининг барча йўналишлари ўқув режаларига «Инклюзив таълим шароитида ўқитиш методикаси» фанини киритиш;
- умумтаълим мактаблари ўқитувчилари малака ошириш тизимида «Инклюзив таълимни амалга ошириш технологияси» модулини киритиш орқали педагоглар жамоаларини интеграция жараёнига тайёрлаш;
- умумтаълим мактаблари психологларининг педагоглар жамоаси, оддий ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан ногиронлиги бўлган болаларни синфларга қабул қилиш борасида иш олиб бориш йўналишини йўлга қўйишга эришиш;
- ривожланишида муаммоси бўлган болалар, уларнинг ота-оналари ва ўқитувчилар учун маслаҳат ва ресурс марказларини ташкил этиш;
- таълимга оид газета ва журналларда инклюзив таълимнинг мазмуни, моҳияти, юзага келаётган

- тўсиқларни бартараф этиш йўлларини ёритишга қаратилган руқн ташкил этиш;
- умумтаълим мактаблари ходимлар штатларининг жадвалига ногиронлиги бўлган ўқувчилар билан ишловчи махсус педагог ва тиббиёт ходимлари бирликларининг киритилишига эришиш;
  - умумтаълим мактабларининг моддий-техника негизини мазкур тоифа болалари эҳтиёжларига мослаш.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда республикада барча болаларнинг сифатли таълим олишлари мақсадига йўналтирилган ислохотларда инклюзив таълимга эришиш марказий ўринни эгаллаётгани кузатилмоқда. Мазкур жараёни тўхтатиб ёки айланиб ўтиш имкони мавжуд бўлмай, яқдил ҳаракат билан юзага келган ва келувчи муаммоларни енгиб ўтишимиз пайсалга солинмайдиган вазифадир. Инклюзив таълимни ривожлантириш сабр-тоқат ва бағрикенглик, изчиллик, узлуксизлик, босқичма-босқичликни талаб қилади.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Тошкент ш., 2017 йил 1 декабрь, ПФ-5270-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. Тошкент ш., 2019 йил 29 апрель, ПФ-5712-сон.
4. Образование 2030. Инчхонская декларация и рамочная программа действий./ ООН. ЮНЕСКО. Инчхон. 2015.
5. Переосмысливая образование. Образование как всеобщее благо?/ ООН. ЮНЕСКО. 2015.

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

- **М.М.Нажметдинова, Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси**

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд иқтисодий, ижтимоий вазиятдан келиб чиққан ҳолда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган қисмини ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий чора-тадбирлар мажмуини қамраб олган [1].

Мамлакатимизда инклюзив таълимга эътибор берилётган бўлса ҳам бу масалага мутахассислар томонидан таълимнинг илмий асосини етарли даражада ўрганилмаётганлигини таъкидлашимиз зарур. Бу мавзунини тадқиқ этишдан мақсад шу соҳа мутахассисларига илмий-амалий жиҳатдан кўмак бериш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни соғлом болалар каби баркамол бўлиб шаклланишлари учун методик тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда инклюзив таълим тизимини жорий қилиш орқали соғломлаштириш амалиётларини ҳар томонлама назарий ва амалий жараёнларини ўрганиб чиқилади. Шунингдек, инклюзив таълимни шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган давлат аҳамиятига молик бўлган меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талаблар асосида иш ташкиллаштирилади. Шу соҳа мутахассислари бўлган иштимоий иш ходимларининг инклюзив таълим жараёнида умумтаълим ва махсус таълимнинг бирлигини таъмин этувчи ва уларни амалиётга жорий этувчи махсус методик тавсиялари ўрганиб чиқилади ва ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

Президентимизнинг 2017 йил 4 декабрида қабул қилган «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони [2] ногиронлиги бўлган шахсларга ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Республикасининг бошқа барча фуқаролари билан тенг имкониятларни таъминлашда, уларнинг турмуш фаолиятидаги чеклашларни бартараф этишда, тўлақонли ҳаёт кечиришларига, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий турмушида фаол қатнашишларига, шунингдек ўзларининг фуқаролик бурчларини бажаришларига имкон берадиган қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ногиронлиги бўлган шахсларга оид давлат сиёсатини белгилаб берди. Фармонда таъкидланганидек, инклюзив таълимни жаҳон талаблари даражада ривожлантириш ва амалга ошириш ногиронлиги бўлган шахсларни ҳам соғлом болалар каби баркамол шахс бўлиб шаклланишларида алоҳида аҳамият



касб этади. Бироқ миллий турмуш тарзимизнинг давр талабларига мос равишда такомиллашуви ва ривожланишига салбий таъсир этадиган гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, диний ақидапарастлик ғояларига берилиш, экстремистик оқимларга қўшилиб кетиш каби иллатлар мавжудки, уларга тўла барҳам бермай туриб, маънавий жихатдан баркамол соғлом авлодни тарбиялаб бўлмайди.

«Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим... оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарордир» [3].

Демак, оилаларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлом болалар каби баркамол бўлишига эришиш ва уларнинг маънавий тарбия топганлик даражасини аниқлаш, шунингдек, улар учун ривожлантириш воситаларини белгилаш, иккинчи томондан, уларда юксак ақлий-ахлоқий салоҳиятни тарбиялаш, инновацион-ижодий фаолликни оширишда интеграция жараёнларини ташкил қилиш ва бутун жамоатчилик, биринчи галда оила, маҳалла, мактаб каби таълим-тарбия жамоаларига конкрет вазифаларни белгилаб бериш керак.

Бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахсларини бор оилаларни жамиятимиз, маҳалла аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиши жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, ногирон фарзанди бор оилаларнинг ўзига хос руҳий-эмоционал кечинмалари борки, бу оилалар кўп ҳолларда табиийки, ногирон фарзандлари туфайли ўз иш жойларидан ажраладилар ёки воз кечадилар, жамоат ишларида фаол иштирок эта олмасликлари, ўзларини четга олиб ажралиб қолишларига олиб келади. Бундан ташқари, кўп ота-оналар ногирон фарзандлари борлигини яширишга ҳаракат қиладилар. Баъзи ҳолларда эса фарзандлари мактаб ёшига етгач, мактабга юбормаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Натижада, бундай болалар ҳеч қандай таълим билан қамраб олинмайди. Яна кундалик ҳаётда ногирон болаларидан умуман воз кечиб, «Мурувват» ёки меҳрибонлик уйларига топшириб юборадиган оилаларни ҳам учратамиз. Аслида ногиронлиги бўлган шахслар жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида бошқа болалар каби таълим олишга тўла ҳақли экан, бу борада айниқса ота-оналар манфаатдор эканликларини ҳар лаҳза ёддан чиқармаслик жуда муҳимдир. Бундай оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш лозим. Айниқса, ногирон фарзанди бор ота-онага уйдан узоқ бўлмаган жойда иш ўринлари ташкил этиб берилса, бизнингча бундай оилаларга кўрсатилган энг мурувватли ёрдам ҳисобланади.

Ногиронлиги бўлган шахслар билан соғлом болалар кундалик турмушда ўзларини тенг эканликларини англашлари учун мазкур болалар билан ишлайдиган ижтимоий иш ходимлари учун қуйидаги методлар тавсия этилади:

- ногиронлиги бўлган шахслар билан яқка ёки жамоа ҳолда суҳбат олиб борилаётганда соғлом болалар каби мурувват қилиш;
- ногиронлиги бўлган шахслар ички руҳиятини ўрганиш ва шу асосда тадбир режаларини ишлаб чиқиш;
- оиладаги ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам соғлом болалар каби тенг муомилада бўлиш;
- яқка тартибли машғулотларда инклюзив таълимни қўллашда коррекциялаш методларидан кенг фойдаланиш.

Бу борада илмий изланишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, болалар ногиронлигини олдини олиш ва уларни таълимга йўналтириш учун энг аввало, уларнинг ота-оналари саводхонлигини оширишидан бошлаш даркор. Буни амалга ошириш учун эса, аниқ мақсадли механизмни яратиш керак. Инклюзив таълим деб ном олган таълим соҳаси такомиллашиб кетган тақдирда ҳам ногирон фарзандлари бор ота-оналарнинг саводхонлигини оширмасдан туриб ҳеч қандай юқори натижаларга эришиб бўлмайди.

Агар ушбу тадқиқот илмий-назарий жихатдан ўрганилиб, таълим жараёнларига татбиқ қилинса ва талаб даражасида амалга оширилса, ногиронлиги бўлган шахслар ҳам ўзларини соғлом болалар каби жамиятнинг барча жабҳаларида фаолият олиб бориш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, келгусида ногиронлиги бўлган шахслар ҳам ўзларини соғлом болалар билан бирга ижтимоий турмушда керакли инсон эканликларини билишларига ишонч ҳосил қиладилар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб, қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Имконияти чекланган болалари бор ота-оналар билан психологларнинг махсус суҳбатларини ташкил этиб, уларни стресс ҳолатидан чиқаришга қўмаклашиш.

2. Имконияти чекланган болаларнинг келажакда оила қуришига ёрдамлашиш мақсадида уларга мутахассис маслаҳатларини бериш, нуқсонли болалар туғилишининг олдини олиш чораларини кўриш.

3. Виоятларда имконияти чекланган болалар махсус мактабларни тугаллагандан сўнг ўрта махсус касб-хунар таълими билан тўлиқ қамраб олиншини таъминлаш. Бунинг учун касб-хунар коллежларида махсус гуруҳлар очиш ёки махсус мактаблар, мактаб-интернатлар қошида касб хунар коллежларининг филиалларини ташкил этиш, ИЧБларни касбга тайёрлаш.

4. Имконияти чекланган болалар тарбияланаётган оилаларни тегишли йўналишлар бўйича илмий тадқиқ этиш ҳамда ота-оналар ва мутахассислар учун тавсияномалар ишлаб чиқиш.

5. Алоҳида ёрдамга муҳтож, таълимга лаёқатли, ногирон болалар ота-оналарининг саводхонлигини ошириш учун, нуқсон тури бўйича таълимга йўналтирувчи ўқув қўлланма ва адабиётлар ўзбек тилида етарли даражада таъминлаш.

6. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнида бўлган шахсларда уларнинг ижтимоий фаоллигини сақлаган ҳолда оилада ўз фарзандини мукамал равишда тарбия беришда керакли билим, малака ва кўникмага эга бўлишига имкон яратиш.

7. Алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болаларга аҳоли муносабатини ўзгартириш ва интеграциялашда имконият туғдириш.

8. Алоҳида ёрдамга муҳтож фарзандлари бўлган ота-оналар клубларини ташкил этиш. Бу ерда ота-оналар мулоқот қилиш доирасиникенгайтиришлари, ўзларига ўхшаш оилаларнинг муаммолари билан танишишлари, ачиниш эмас, балки тушуниш, қўллаб-қувватлашни сезишлари мумкин.

9. Алоҳида ёрдамга муҳтож фарзанди бўлган оилаларни маълумотлар билан таъминлаш, яъни махсус журналлар нашр этиш, мавжуд тиббиёт ёки таълимий журналларда мақолалар чоп этиш, ота-оналарга болаларни парваришлаш бўйича амалий кўрсатмалар, кундалик муаммоларни ҳал этиш юзасидан мутахассисларнинг тавсияларини бериб бориш.

10. Оиланинг ўзини «қураш» йўлини топишга, яъни ички имкониятларини юзага чиқаришда ёрдам бериш. Бунда кўпинча мутахассисларнинг ёрдами керак бўлади (врач, дефектолог, юрист, психолог).

Ҳар қандай ҳолатда ҳам шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жамият ривожланиши билан муаммолар ҳам ривожланиб бораверади. Бу муаммоларни ечиш учун иқтисодий, ижтимоий ва психологик ёндашув керак бўлади. Бизнинг олдимизда турган энг муҳим масала – имконияти чекланган болалар ва ўсмирларнинг маънавий камол топиши учун тарбиявий тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб бориш, улардаги у ёки бу нуқсонни бартараф этишга доир коррекцион-педагогик кўрсатмаларни мунтазам қўллаш мақсадга мувофиқдир.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти. 2006. 12-том. Б. 329.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 4 декабрдаги 06/17/5270/0348-сонли Фармони.
3. Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008. Б- 56

## ВЛИЯНИЕ РЕАБИЛИТАЦИИ НА КАЧЕСТВО ЖИЗНИ ДЕТЕЙ С ДЕТСКИМ ЦЕРЕБРАЛЬНЫМ ПАРАЛИЧОМ

- **Х.А. Наимова, врач-реабилитолог,**
- **С.М. Умирова, врач-невропатолог, Самаркандский региональный филиал Республиканского центра социальной адаптации детей**

Детские церебральные параличи являются следствием недоразвития или повреждения головного мозга на ранних этапах онтогенеза. Они проявляются нарушениями мышечного тонуса и произвольных движений. Двигательные нарушения часто сочетаются с изменениями психики, речи, судорогами.

За последние 40 лет во всем мире увеличилось количество детей, которым присвоена инвалидность на основании диагноза ДЦП (1,88 случая на 1000 детей). Тяжесть инвалидизации у 20–35% больных оказывается настолько значительной, что они не могут обслуживать себя, передвигаться, трудно обучаемы. Важность этой проблемы определяется увеличивающейся распространенностью и социальной значимостью заболевания, влекущего за собой тяжелую инвалидизацию.

Заболевание детей с ДЦП считалось на протяжении многих лет неперспективным [1]. Отсутствие эффективных методов лечения, квалифицированных специалистов, специализированных учреждений способствовало тому, что такие дети направлялись только в учреждения социального обеспечения. За последнее 15 лет лечение таких больных детей показало, что только комплексное систематическое лечение может значительно улучшить общее состояние ребенка. Это стало возможным благодаря разработке различных методов реабилитации, позволяющих значительно снизить степень инвалидности или даже вовсе устранить ее. Комплексное лечение детей с ДЦП включает: ЛФК с использованием различных методик, занятия в бассейне с гидрокинезотерапией, различные методики массажа.

Ведущую роль в развитии движений у детей с ДЦП играет лечебная физкультура. С учетом специфики двигательных нарушений при ДЦП лечебная физкультура имеет следующие основные задачи:

- развитие выпрямления и равновесия, то есть так называемого постурального механизма, обеспечивающего правильный контроль головы в пространстве и по отношению к туловищу;
- развитие функции руки и предметно-манипулятивной деятельности;
- развитие зрительно-моторной координации;
- торможение и преодоление неправильных поз и положений;
- предупреждение формирования вторичного двигательного стереотипа.

Под влиянием лечебной гимнастики в мышцах ребенка с ДЦП возникают адекватные двигательные ощущения. В процессе лечебной гимнастики нормализуются позы и положения конечностей, снижается мышечный тонус, уменьшаются или преодолеваются насильственные движения [2]. Ребенок начинает правильно ощущать позы и движения, что является мощным стимулом к развитию и совершенствованию его двигательных функций и навыков. Положительное влияние на развитие двигательных функций оказывает использование комплексных афферентных стимулов: зрительных (большинство упражнений проводится перед зеркалом), тактильных (поглаживание конечностей; опора ног и рук на поверхность, покрытую различными видами материи, что усиливает тактильные ощущения; ходьба босиком по песку и так далее), проприоцептивных (специальные упражнения с сопротивлением, чередование упражнений с открытыми и закрытыми глазами). В настоящее время большое значение придается плаванию для формирования правильной осанки, развития тазового пояса и нижних конечностей. Во время плавания уменьшается давление веса тела на опорно-двигательный аппарат и на неокрепший позвоночник ребенка; ритмичные движения ног создают благоприятные условия для формирования и укрепления опоры нижних конечностей, а динамическая работа ног в безопорном положении способствует развитию стопы и предупреждает плоскостопие. При повышенной склонности к судорожным припадкам обучение плаванию противопоказано.

Важную роль для развития и нормализации движений у детей с ДЦП играет проведение физических упражнений в воде – гидрокинезотерапия. Особенно полезна лечебная гимнастика в воде в период начального формирования активных движений. С помощью водолечения нормализуются процессы возбуждения и торможения, снижается мышечный тонус, улучшается кровоснабжение органов и тканей. Обычно лечебные ванны сочетаются с пассивными и активными движениями [2].

Для развития движений у детей с ДЦП широко используется лечебный массаж. Под влиянием массажа с кожи по нервным путям идут потоки импульсов в центральную нервную систему, особенно в двигательные зоны КГМ, что стимулирует их функционирование и созревание. Чем младше ребенок, тем большее значение для стимулирования его нервно-психической деятельности имеет тактильный раздражитель. Массаж оказывает разностороннее воздействие на организм ребенка. Нормализует работу нервной системы, ускоряет ток лимфы, способствуя более быстрому освобождению тканей от продуктов обмена, то есть отдыху мышц, улучшает кровоснабжение

мышц, замедляет их атрофию. Приемы массажа зависят от форм ДЦП и состояния отдельных групп мышц [3].

За прошедший период (за шесть месяцев) через информационно-консалтинговую службу (ИКС) Самаркандского филиала РЦСАД в зале ЛФК прошло 175 детей в возрасте от 2 до 14 лет, из них 78 – с диагнозом ДЦП. Функционирует и фитнес-зал для детей с легкими опорно-двигательными нарушениями. С помощью ведущих специалистов РЦСАД проведен ряд реабилитационных мероприятий для восстановления детей с ДЦП. На курс были приняты дети со следующими формами ДЦП: спастическая диплегия, двойная гемиплегия, гиперкинетическая форма, гемипаретическая форма, а также атонически-астатическая форма. Курс социальной адаптации дети посещали вместе с родителями. Комплексные реабилитационные мероприятия включали в себя: групповые занятия ЛФК, занятия в бассейне и индивидуальные процедуры массажа. Предварительно каждый ребенок прошел медкомиссию с участием узких специалистов, для каждого участника курса была выбрана программа реабилитации. Цель этих мероприятий – адаптация ребенка и улучшение качества жизни.

Групповые занятия ЛФК проводились совместно с родителями в течение 40 минут под руководством врача-реабилитолога и инструктора ЛФК. Во время занятий всех мам обучали основам лечебной физкультуры, чтобы в будущем родители могли самостоятельно проводить ее. Лечебная физкультура длилась 20 минут, остальные 20 минут каждый ребенок тренировался на механотренажерах. Положительными моментами группового метода являлись: формирование двигательных и других взаимоотношений между каждым конкретным ребенком и матерью, а также окружающими его детьми (без чего невозможно дальнейшее достижение эффективной социальной адаптации) [4]. Затем каждому ребенку подбирался индивидуальный вид массажа. Использовались следующие методики: общий оздоровительный, общий тонизирующий, сегментарно-рефлекторный, а также применялись некоторые элементы мануальной терапии. Все дети посещали бассейн, время нахождения в котором составляло 45 минут. Также проводились занятия по гидрокinezотерапии. В результате наши наблюдения показали следующие: у детей улучшились психоэмоциональное состояние, сон, уменьшался тонус в мышечной системе, увеличилась амплитуда движения в суставах и т.д.

Таким образом, двигательные нарушения, ограничивающие или препятствующие нормальной физической активности детей, неблагоприятно влияют на все стороны развития. Своевременно начатая комплексная реабилитация у детей с ДЦП дает положительные результаты и улучшает качество жизни ребенка, способствует его интеграции в общество.

#### **Практические рекомендации:**

1. Лечебно-коррекционная работа должна носить комплексный характер. Важное условие комплексного воздействия – согласованность действий специалистов различного профиля: невропатолога, реабилитолога, психоневролога, психолога, специального педагога и т.д.

2. Эффективность реабилитационных мероприятий определяется своевременностью, взаимосвязанностью, непрерывностью, преемственностью в работе различных звеньев.

3. Реабилитационные мероприятия следует проводить вместе с родителями, обучая их. В дальнейшем это положительно влияет на восстановление детей.

#### **Библиографический список:**

1. Качесов В.А. Основы интенсивной реабилитации с ДЦП. НИИ имени Н.В. Склифосовского, 2005.
2. Выхристюк О.Ф., Степанова И.В., Мелентьева О.В., Логинова Н.Ю., Русакова В.Д. Реабилитация и восстановительное лечение детей с детским церебральным параличом в условиях крупного стационара. – Медицинская помощь. 2007. – №2. С. 18-21.
3. Лечебная физическая культура: Справочник. // Под ред. проф. В.А. Епифанова. –М.: Медицина, 2004. 592 с.
4. Светличная Н.К. Основы адаптивного физического воспитания детей.// Методическое пособие.– Т., 2014. С. 71.



# ПСИХОСОМАТИК ВА СОМАТОПСИХИК БУЗИЛИШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

- Ю.К.Нарметова, Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси

Сўнгги пайтларда клиник психологияда беморда шаклланадиган депрессив ҳолатнинг касалликни кечиши, даволаниш жараёни ва самарадорлигига таъсирига бағишланган тадқиқотлар олиб борилган. Депрессиянинг юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморлар прогнозига таъсирини илк маробата ўрганган олимлардан бири R.Carney 1987 йилда кучли ривожланган депрессия коронар ўлимга олиб келувчи етакчи омил эканлигини аниқлаган. Кейинги тадқиқотларда депрессияга дучор бўлган сурункали соматик касалликлар билан оғриган беморларда ўлим ҳолати, депрессия мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан 3-6 баробар юқори эканлигини аниқланган.

Чет эл тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, беморларга ёрдам кўрсатувчи персоналнинг аксарияти депрессив бузилишлар мавжуд бўлган беморларга ёрдам кўникмалари ва малакаларига эгалар, бундай ёрдам умумий амалиёт шифокори томонидан кўрсатилади ҳамда улар депрессив бузилишлар диагностикаси ва даволаш методларидан бохабардирлар. Бизнинг мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларида ҳар бир шифокор томонидан махсус психологик билимларнинг эгалланиши ва беморга нафақат тиббий, балки вақти келганда психологик ёрдам кўрсатиш малакасига ҳам эга бўлишини кўзда тутилган [6].

Н.Р.Салимова, С.Р.Абсеитова фикрига кўра, бемор ҳолатидаги психологик ва соматик томонлар ҳиссасини ва конкрет психосоматик механизмларни ўрганиш зарурати амалий тиббиётнинг деярли барча соҳаларида кузатилмоқда [2]. Бу ҳолатни бутун дунё бўйича инфекцион, ноэпидемик гуруҳ касалликлари ҳукмронлигининг кутилмаганда эмоционал соҳадаги бузилишлар, айниқса депрессия билан ўрин алмашганлигида кўриш мумкин. Депрессия бугунги кунда ХХI аср вабоси дея номланиб, цивилизациянинг профессионал касаллигига айланиб бораётганлиги ва 2020 йилга бориб, дунёда юрак қон томир касалликларидан кейин иккинчи ўринга чиқиб олиши бутун жаҳон мутахассисларини ташвишга солмоқда. Касалликларнинг тарқалиши ва кечишида инсон психологияси омилнинг етакчи ўринга кўтарилганлиги, назарий ва амалий тиббиётнинг муваффақиятли ривожланишидаги ўрни ортаётганлиги эътироф этилмоқда. А.М.Вейн «ҳар бир одамда худди ўша бир хил касаллик турлича ва ўзига хос кечаётганлигини» таъкидлайди. Бу эса бемор психологиясини ўрганиш, ўз вақтида унинг психикасидаги ўзгаришларни қайд этиш ва унга малакали психологик ёрдам кўрсатиш заруратини тақозо этади [2].

А.И.Чижова соматоформ бузилишларда шахснинг ўз касаллигига муносабати соматик симптомларда, касаллик ҳақидаги иррационал ғояларда, симптомларнинг мураккаблигида, касалликнинг кечиши ва бўлиши мумкин бўлган асоратларда намоён бўлишини айтиб ўтади. Касалликка нисбатан дезадаптив муносабат хавотирланиш-депрессив кайфият билан кечади, когнитив бузилишлар ва субъектив назоратнинг паст даражасига олиб келади. Муаллиф фикрича, психологик ёрдамнинг асосий мўлжали беморнинг иррационал фикрлари, муносабатлар тизимини англаш жараёни ва касалликка нисбатан интернал позициянинг шаклланиш хусусиятидир. Когнитив жабҳа беморнинг касаллик шароитини, ўз ҳолати оғирлигини баҳолашида, шахслараро ўзаро таъсирда хулқ-атвор ва эмоционал реакцияларда намоён бўлади [5].

Статистика маълумотлари депрессия юрак қон томир ва қандли диабет касалликларида кўпроқ учрашини қайд этган. Инсон фақатгина руҳий ва жисмоний саломатлик уйғунлиги бўлгандагина соғлом ҳисобланади. Бунда дисгармония ички (биологик, ирсий) ва ташқи (психоген, ижтимоий) омиллар натижасида юзага келиши мумкин. Депрессиянинг миокард инфаркти билан оғриган беморлардаги истиқболга таъсирини мақсадга йўналган ҳолда ўрганиш шуни кўрсатдики, кичик даражадаги депрессиянинг ўзи ҳам 60% ҳолатларда ўлим билан якунланар экан, катта даражадаги депрессив эпизодлар эса бу ҳолатларни 3 баробарга кўпайтиришга олиб келиши ҳам кузатилган [3]. Бу дегани миокард инфарктида беморларнинг коронар ўлими депрессия даражаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик кўп учрайди. Касалликдан кейинги депрессия эса унинг узайиб кетиши ва йиллар давомида давом этишига олиб келар экан [4].

Депрессиянинг ўлим ҳолатларига олиб келишдаги аҳамиятлилиги аритмияларда ҳам кузатилади. Халқаро аритмия ассоциациясининг маълумотларига кўра аритмияга йўлиққан беморларда

депрессив симптоматика тожсимон томирлар ҳалокати ва кузатувнинг бир йили мобайнида ўлим ҳолатига олиб келувчи сабаб эканлиги таъкидланади.

Депрессиянинг ўлимга олиб келишдаги аҳамиятлилик даражаси айниқса тожсимон томирлар касалликлари билан оғриган 60 ёшдан ошган беморларда юқориқдир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, 60 ёшдан ошган шахсларда депрессиянинг мавжуд бўлиши юрак қон томир касалликлари, инсулт, қандли диабетга олиб келиши ёки тўсатдан вафот этиш ҳолатлари сонини кўпайтириши мумкин, бинобарин 70 ёшдан ошган эркакларда бу эҳтимоллик 2 баробар ортади.

Жуда кўп муаллифларнинг эътирофи этишларига кўра, бугунги кунда депрессия ва сурункали соматик касалликларни алоҳида бир-биридан мустақил равишда кўриб чиқиб бўлмайди, улар ўзаро бир-бири билан алоқадор ва бир-бирига таъсир этиб туради.

Психосоматик йўналиш намояндаларидан бири Ф.Александр фикрига кўра соматик касалликларнинг ривожланишида учта омил етакчи роль ўйнайди: 1. Шахснинг индивидуал хусусиятлари, унинг фониди интрапсихик англамаган низолар ётади. 2. Стресс вазиятларининг мавжудлиги; 3. Вегетатив нерв системасининг алоҳида бўлимлари шикастланишида конституционал мойилликнинг мавжудлиги. Александр ўз назариясида психоген характерга эга бўлган соматик касалликнинг у ёки бу махсус сабабини таҳлил этади; психоген характердаги соматик касалликларнинг конкрет формаларини тушунтиришда беморнинг эмоционал статуси тадқиқ этилган. Масалан, ичга ютилган ғазаб, бостирилган агрессия, шахсдаги агрессив тенденциялар гипертония касаллиги, артритлар, мигрень, қандли диабетни келтириб чиқарар экан [1].

«Шахс профили» назариясининг асосида беморнинг ҳаётининг тарихи ва шахси ундаги эмоционал ҳолатлар ва низолар манбаи сифатида қаралади. Артериал гипертония ва бошқа юрак қон томир касалликлари билан оғриган беморларда олиб борилган узоқ муддатли тадқиқотлар беморнинг шахслик хусусиятлари билан унда маълум касалликларнинг кечиши ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлади. Шунга асосан инсонлар ўртасида «гипертонияга мойил», «тожсимон томирлар зарарланишига мойил», «аллергияга мойил», «жароҳатларга берилувчан» типлар аниқланди. Хусусан, шу нарса аниқландики, «тожсимон томирлар касаллиги» кўпинча махсус шахслик хусусиятларига эга бўлган ўрта ёшдаги эркакларда учрайди.

Психосоматик касалликлар, яъни келиб чиқишида психологик омиллар етакчи роль ўйнайдиган касалликлар қаторига юрак ишемик касаллиги ва миокард инфаркти, артериал гипертония ва ошқозон ҳамда 12 бармоқли ичак яраси хасталиклари, бронхиал астма ва қандли диабет, шунингдек бир қатор касалликлар киритилган. Психосоматик йўналишда муҳим жиҳатлардан бири пациентнинг ички дунёсига киришга интилиш, унинг эмоционал ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш, тиббий кўриқда, касалликларнинг даволаниши ва профилактикасида бемор шахси ролини таъкидлашдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳар қандай касалликнинг юзага келиши, кечиши ва даволанишида психологик омилларнинг ўрни, биринчи навбатда инсон шахсининг роли жуда каттадир. Бу эса яна бир бор тиббиёт муассасаларида беморни даволаш жараёнига психологик хизматни татбиқ эҳтиёжи катта эканлиги ва заруратлигини тасдиқлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Александр Ф. Психосоматическая медицина. Принципы и практическое применение/ Пер. с англ. С. Могилевского. – М.: ЭКСМО-Пресс., 2000. 352 б.
2. Салимова Н.Р., Абсеитова С.Р. Азбука психосоматики. – Т., 2014. 4 б.
3. Смулевич А.Б. Психосоматические расстройства (клиника, терапия, организация медицинской помощи)// Психиатрия и психофармакотерапия. – М., 2000.
4. Чазов Е.И. Ишемическая болезнь сердца и возможности повышения эффективности её лечения. Клин. Исслед. Лек. Средств в России. – М., 2001.
5. Чижова А.И. Психологическая коррекция отношения к болезни в лечении соматоформных расстройств//Автореф. дисс...канд.психол.н. – Санкт-Петербург, 2012. 18 б.
6. Scheiffler S. J., Macari-Hinson M. M., Coyle D. A. et al. The nature of course of depression following myocardial infarction. Arch. Intern. Med. 1989; 249: 1785-89.

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ОМИЛЛАРИ

- **С.Ф.Нуридинова, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази Самарқанд минтақавий филиали, бош мутахассис**

Ҳар бир инсон ўз танлови асосида умр кечиради. Кийинишда, овқатланишда, дам олишда, кундалик эhtiёжларини қондиришда, ёмон одатларга эга бўлиши кераклиги ҳақида ўз танловларига таянади. Асосий мақсадимиз соғлом турмуш тарзини олиб бориш бўларкан, бу айнан ўзимизга боғлиқ бўлган ва саломатлигимизга таъсир этувчи омилдир. Тўғри овқатланиш, соғлом уйқу, спорт, яхши кайфият, тўлиқ ташкил этилган дам олиш, ўз вақтидаги профилактика, кун тартиби ва бошқаларнинг барчаси соғлом турмуш тарзини ташкил этувчилари ҳисобланади.

Одатда, ҳеч қаеримиз оғримаган вақтда саломатлигимиз ҳақида қайғурмаймиз. Болалик, ўсмирлик, ёшлиқда кўпчилигимиз саломатлик ҳақида ўйламаганмиз, сабаби организмимиз кучга тўла бўлиб, мустақил тикланиш ва хасталикка қарши курашишга қодир бўлади. Бироқ вақт ўтиб, организм ресурслари камаяди, тикланиш қобилияти пасаяди. Бу кўп ҳолатда бизга боғлиқ бўлмаган қатор сабаблар: генетик олдиндан киритилганлик, атроф-муҳит, экология, об-ҳаво ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади, биз уларга таъсир этишни билмаймиз. Бундан ташқари, саломатлигимизга таъсир этувчи муҳим омиллардан бири – биз юритадиган соғлом турмуш тарзидир.

Бир неча асрлар муқаддам «Авесто» тариқатида ота-боболаримиз соғлом турмуш тарзи қондаларини айтиб ўтишган. Ҳаттоки, муқаддас китобимиз Қуръонда ҳам, ҳадисларда ҳам нафси тийиш, ҳалол лўқма тановул қилиш, кўп ҳаракатлилик, харомдан ҳазар қилиш, бировнинг ҳақида кўз олайтирмаслик, соғлом инсон бўлиш илгари сурилган.

Табиатан инсон организми курашувчанлик қобилиятига эга. Бу курашувчанлик организмимизда ҳар хил ташқи ножўя таъсирга қарши кураша оладиган куч мавжудлигини билдиради. Шундай курашувчанликнинг бири – рефлексотерапиядир.

«Рефлексотерапия» [2] Шарқ табобати – Япония, Тибет, Корея, Ҳиндистон, Монголия, Вьетнам ва Непалда, хусусан, Хитойда беш минг йиллик тарихга эга. Хитой табобати бўйича рефлексотерапияда 1000 дан ортиқ акупунктур (игна санчиш) нуқталар мавжуд. Хитойликларда бармоқ массажи, уқалаш, игна санчиш орқали даволаниш кенг оммавий тус олган. Масалан, инсон хушидан кетганда бурун остидаги Жэнь-чжун нуқтасига таъсир этиш орқали бу ҳолатдан батамом чиқариш мумкин. Тизза қопқоғининг ён қисми Цзу-сань-ли, ва Хэ-гу бош ва кўрсаткич бармоқ ташқи оралиғида жойлашган бўлиб, бу нуқталар бутун организмнинг кураш қобилиятини кучайтириб беради. Бу игна санчиш тажрибасининг минг йиллик тажрибасида тасдиқланган. Нуқтавий бармоқли уқалашнинг бир қанча афзалликлари мавжуд: оғриқсиз, жуда оддий маълум билим ёки тушунчага эга бўлиб, ҳар қандай шароитда ўз ўзини даволаш ёки экстремал ҳолатларда ишлатиш мумкин, энг асосийси, юқори даражада тез натижага эришилади. Хитой табобати бўйича ҳар бир инсоннинг танасида учта тўлқин мавжуд:

1. Электр тўлқини.
2. Овоз тўлқини.
3. Магнит майдони тўлқини.

Юқорида кўрсатилган тўлқинларнинг биттасининг бузилиши, яъни кўпайиши ёки камайиши организмда ҳар хил касалликларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Хитойликлар тўлқинларни меъёрда тутиш учун кўп функцияли «ЦЗИНДА» терапевтик даволаш аппаратининг 18- моделидан кенг қўллашади. Цзин – «энергия, қувват», да – «бераман», яъни «қувват бераман» маъносини англатади. Тошкент шаҳридаги Физика ва лазер терапия институти хулосасига кўра, Цзинда аппарати 20 Гц дан 2000 Гц гача 9В билан ишлайди. Цзинда аппарати 5 та асосий функцияни бажаради. Электрофорез – 9 см ичкарига дори юбориш, игна санчиш имитацияси, гидрованна-сув билан даволаш, ионофорез – овозни киргизиш ва массаждан иборатдир. Аппарат жуда ихчам бўлиб, чипи (кичик қурилма) да электр, овоз ва магнит майдони тўлқинлари мавжуд. Энг асосийси тана аъзоларида қўйилганда иммунитетни оширади, 100 дан ошиқ касалликларнинг олдини олади, хужайрадан янги хужайра ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Масалан, «Цюй-чи нуқтаси» [3], тирсак қисмининг ташқи букилиш қисмида жойлашган бўлиб, умумий патологияда қўлланилади ва тинчлантирувчи хусусиятга эга. Йўғон ичакни тинчлантиради ич кетишни тўхтатади, организм қувватини оширади, ўпка, томоқ, оғиз, қулоқ шамоллаши, невроз, гемипарезда, ўткир аллергия реакцияларда, болалар конвулсив синдромида кенг қўлланилади. ЦИ энергиясининг 24 соат да-

вомида тўғри тақсимланишига боғлиқ. ЦИ энергияси 12 та меридиандан иборат. Меридиан – бу мушаклардан, қон системасидан, яъни томирлардан ташқари кўзга кўринмас энергетик канал ҳисобланади. Ҳар бир меридиан 2 соат давомида актив ҳаракатланади.

Меридиан	Актив ҳаракатланиш вақти
1. Ўпка	3.00–5.00
2. Йўғон ичак	5.00–7.00
3. Ошқозон	7.00–9.00
4. Талок ва ошқозон ости беши	9.00–11.00
5. Юрак	11.00–13.00
6. Ингичка ичак	13.00–15.00
7. Сийдик пуфаги	15.00–17.00
8. Буйрак	17.00–19.00
9. Перикард	19.00–21.00
10. Уч қиздирувчи	21.00–23.00
11. Ўт халта	23.00–1.00
12. Жигар	1.00–3.00

### Список литературы

1. Атропов А.П. Взгляды ученых США на проблемы социальной адаптации детей и подростков с отклонениями в развитии // Дефектология. 1991. – № 2. – С.75–80.



2. Бахтина Л.А. Формы участия семьи в работе по устранению недостатков речи у учащихся общеобразовательных школ //Дефектология. 1984. – № 6. – С. 48–56.
3. Дакарские рамки действий «Образование для всех», принятые на Всемирном форуме по образованию. Сенегал, 2000.
4. Психолого-педагогическое консультирование и сопровождение развития ребенка: Пособие для учителя-дефектолога / Под ред. Л.М. Шипицыной. – М., 2003.

## **PREPARING THE SCHOOL COMMUNITY FOR IMPLEMENTATION OF MEDIATION: EXPERIENCE IN LATVIA**

- **Rita Orska, Mg.psyh, lecturer, researcher**
- **Zenija Truskovska, Dr.paed, assistant professor, researcher**  
**Rezekne Academy of Technologies (RTA), Latvia**

The submitted topic is an insight into the research on the process of introducing mediation at school in Latvia, its content, forms and issues, which RTA researchers have been carrying out since 2014, both theoretically and practically, in cooperation with researchers and practitioners from Lithuania and Germany.

Understanding of the importance of mediation and its use in society is increasing, so the introduction of mediation at school is becoming topical. The development of social competences is one of the main tasks of today's school. Although significant steps have been taken to implement mediation at school in Latvia, we believe that they are still temporary and fragmentary, mainly within the framework of projects.

The parties involved in the implementation of mediation have a common understanding of what is and what is not mediation. Mediation (from Latin – intercession) is a clearly structured negotiation process to resolve a conflict. Unlike other forms of conflict resolution, it is not the mediator who decides in the mediation process, but the conflict partners themselves. The mediator helps them find their own personal solution. In the mediation process, which is divided into five phases, the mediator offers the participants in the conflict not to exchange positions in the conflict, but to find out the causes of the conflict, explore their feelings and needs, and identify them. Mediation offers both partners the same space to express themselves in safe frames in a mediator-led process [6].

In 2014, the authors of the paper participated in Leonardo da Vinci programme's project «Improvement of Social Pedagogues Professional Qualification by Mediation Implementation» (MeImp) (No. LLP-LdV-TOI-2013-LT-0141) that was implemented at the research institute REGI ([www.rta.lv](http://www.rta.lv)) of Rezekne Academy of Technologies. At the beginning of the project, the situation identification in Latvia generally was carried out. 53 respondents from various regions in Latvia took part in the survey.

The research and workshops carried out within the framework of the project have given significant results, including: 1) recognition that the situation of conflict culture at school is developing in Latvia, 2) understanding that constructive conflict management focuses on the needs and interests of all parties of the conflict, 3) understanding that school mediation is, by its very nature, a new experience of concession and reconciliation for the conflicting parties involved in its process, 4) recognition that the introduction of mediation addresses many important and topical issues in today's school community – prevention of violence, promotion of a culture of non-violent communication and interaction, development of such social competences as empathy, collaboration, perspective change skills, improvement of self-confidence and self-esteem, 5) as well as the conviction that the introduction of mediation at school should be addressed at the level of social, educational and school policy as a multi-stage long-term and successive measure, with financial resources and human resources.

In 2017, RTA researchers participated in the international project ERASMUS + KA2 «Development of Mediation System in Education Sector» (No. 2017-1LT01-KA201-035234) (Lithuania, Latvia, Germany) ([www.rta.lv](http://www.rta.lv)). The new project continues the process of understanding, acquiring and implementing mediation at school. According to R. Orska, a lecturer, expert and researcher at RTA, who is involved in the project, mediation is not a miracle solution to solve the environmental problems of the entire school community, but the benefits are important to keep up the work.

The main objective of the project is to develop non-violent communication skills in schools through a mediation system. Sub-goals of the project: 1) Improvement of professional development of school teachers by developing a mediation training program and organizing training; 2) Promoting pupils' conflict resolution skills through curriculum development and organized training activities; 3) Raising awareness of mediation as an effective method of non-violent communication within school communities.

A number of activities have been carried out within the framework of the project that provided participants with a deeper and broader understanding of what and how to make the implementation of mediation in the school community more effective (topics learned in informative and practical workshops – preparation of the school environment for mediation; preparation of a pupil mediator; evaluation of the e-learning program and materials of the teacher-mediator; participation in interventions and group supervisions, led by experts from Latvia and Germany, etc.). Supervision is a process aimed at developing the skills of mediators, identifying and strengthening the mediator's identity, and expanding competencies [3].

As part of the international project, RTA researchers have developed an important product that will facilitate the preparation of school communities in Latvia for mediation, namely, teacher mediator training program, materials for the teacher mediator training program, pupil mediator training program and materials, and recommendations for the introduction of mediation at school. In the Rezekne Academy of Technologies, the teacher mediator training program will be available as a teacher professional development program at the Lifelong Learning Center from 2020. This program combines contact hours (60h) and independent studies in the e-environment.

E-learning has its advantages: it is not scheduled at certain times, the learner can choose when to learn; some people learn better at their own pace and in combination with other daily activities. Disadvantages: lack of a lecturer and other learners to communicate with during the course, some people have difficulty in self-discipline and determining time for learning [1]. In order to address the weaknesses, consultations and supervisions will be provided during the implementation of the program, which could be organized using the latest information technologies (Skype, Whatsapp and other types of video conferences) [2].

The introduction of mediation at school will begin with adult education, the preparation of teacher-mediators, and then mediation will be taught to pupils. The introduction and development of mediation at school creates the conditions for positive socialization of pupils. It promotes awareness of one's importance, the value of human life, belonging and acceptance. Mediation contributes to the development of pupils' social and emotional intelligence.

Stages of the implementation of mediation at school: preparation phase, beginning, strengthening, acceptance of mediation. Each of these stages is very important and requires serious preparation. There are 4 options possible for developing mediation at school:

- The mediation project has a meaning of 'island', governed by other rules and behaviours that cannot be integrated into the day-to-day processes of a school.
- Pupil-centered approach. Mediation projects and a school share a common view of a pupil as an equal partner and are prepared to provide staff, time, space and other resources for mediation activities.
- School mediation as part of a changing school. The most successful introduction of school mediation is within the overall framework of school development, which sees the school organism as a «teaching institution».
- In the worst case, the logic and principles of mediation are dominated by the school system: school mediation is adapted. The principles of mediation trust, voluntariness and personal responsibility are limited in various ways (teachers determine when to use mediation and when not, determine which pupils can become mediators, and the school hierarchy is transferred to the organization and management of mediation) [6].

When implementing a mediation program at school, resources such as money, staff or time can be limited. They are more often intended for the implementation of the program but not for the documentation system or development. Evaluation is an essential component of a mediation program at school. The process of quality management of school mediation cannot begin without analysis and evaluation. Analysis and evaluation are important for improving and sustaining the program and for disseminating it to interested parties in the school and community. As the evaluation of the school mediation program aims to identify and assess the needs and opinions of the interested parties, the

proposed school mediation program is evaluated by pupils, teachers, school administration, staff and other adults through a questionnaire.

The impact of a mediation program for pupils can also be tested through educational research. By correlating program data, it is possible to compare information obtained at school with information from other schools about changes in disciplinary offenses, academic performance, school attendance, school microclimate, absenteeism, school drop-outs, and impact on relationships, etc.

The implementation of the mediation program in comprehensive schools requires the sharing of functions and activities between mediators-school staff and pupils-mediators. Mediators-representatives of school staff (teachers, their assistants, social educators, psychologists, other facilitators) are entrusted with the following duties: education of the school community; mediation activities (conflicts between pupils, staff, teachers and parents); processing of mediation records; interviews, mutual assistance; promotion of mediation; coordination of mediation activities at school (coordination may be delegated to one person or to several persons). Duties of pupils-mediators: introduction of mediation to pupils; mediation activities (dealing with pupils' conflicts); mutual support of pupils-mediators; processing of mediation records.

The duties of the mediation coordinator include advertising, management, working with pupils: conducting staff and pupils training, maintaining publicity; explaining to pupils what mediation is and encouraging them to apply; overseeing specialist mediation training; scheduling of mediation meetings, scheduling of mediation sessions; monitoring of mediation; management of records of mediation disputes, documents, formal decisions; informing the school community about the progress of the mediation program [3].

The problems and difficulties still encountered by school mediation implementers in Latvia, as well as the benefits of this process, were identified in the Café Dialogue format [4] that was organized in one of the closing events of the project.

The introduction of mediation at school promotes a change of a conflict culture within the school. Constructive conflict management focuses on the needs and interests of all parties of the conflict. It promotes the development of social competences, adequate pupils' self-esteem, tolerance and non-violent interaction.

Mediation at school also has its limitations. It does not always help, results depend on the level of understanding and acceptance of mediation by the persons involved (school management, teachers, pupils, parents) and the degree of mastery of the method. If something is not fully understood, mastered, there is a possibility that the first mediation sessions may fail.

### **Conclusions and practical recommendations**

- The school's microclimate will change, communication through developed communication skills will improve, level of emotional intelligence will raise, collaboration and cohesiveness in classrooms will increase, school environment will become more secure, and emotional abuse will reduce by the introduction of the mediation method at school.
- When introducing mediation at school, a broad informative work should be carried out, thereby increasing the number of the interested parties. It is important to get the school administration interested in. The next step is to form a work team that develops and performs the implementation plan. Teachers-mediators need to be trained to teach pupils. Parents should also be involved in these activities as much as possible. The school administration has to deal with financing and premises.
- The difficulties of introducing mediation at school have to be taken into account. First, they may occur due to a lack of understanding of the mediation method (insufficient information or unwillingness to change, introduce something new) and inadequate support (part of the school community supports the method, but most of it do not, especially if the school administration does not support the idea). Secondly, the lack of funding for the organization of teacher and pupil training can be a challenge.
- A strong motivator for pupils for mastering the mediation skills would be their peers from schools where this technique is already in place: peer narration is the best advertisement. In turn, the teachers' interest and enthusiasm for this method will also motivate pupils to learn mediation. It is important for pupils to see the personal benefits of mastering the method. All pupils can learn the mediation method if they have expressed such a desire. Teachers might recommend pupils who, in their opinion, might be mediators. At the end of the training, pupils take a test and decide voluntarily whether they

will take up the role of a mediator at school or whether the acquired knowledge and skills will be used personally only.

- Lack of time could be the biggest difficulty in the learning process for pupils-mediators. Pupils have a heavy workload, then hobby groups, social activities, so there might be no time for mediation training, and tiredness might diminish motivation.

### References

1. Gorbāns, I. E-mācību vides MOODLE izmantošana pedagoģiskajā procesā, 2006, <http://profizgl.lu.lv/mod/book/view.php?id=16456&chapterid=31916>
2. Orska R., Vonoga A. Projekts ERASMUS + KA2 Nr.2017-1LT01-KA201-035234 «Mediācijas sistēmas attīstība izglītības sektorā».Zinātnisko rakstu krājums. – Rēzekne: RTA, 2019, 100 lpp.
3. Ozoke, V. From Peers to Community. Transferring peer mediation skills from school to community. Mediation Handbook: Research, Theory, and Practice, New York: Routledge Taylor& Francis, 2017, p. 243-249.
4. Truskovska, Ž., Ļubkina, V. Sociālā pedagoga profesionālās kompetences veidošanās supervīzijā.Rēzekne: RTA, 2016, 222 lpp.
5. Truskovskas Ž. red.Zinātniski metodisko rakstu krājums: Preventīvs sociālais darbs mūsdienās: idejas, risinājumi, praktiskā pieredze. Rēzekne: RTA, 2018, 106 lpp.
6. Will, H.-D., Ramdohr, S. Ievads mediācijai skolā. Rokasgrāmata. Viļņa: Palīdzības pusaudžiem iniciatīva; UAB Dizingas; Rēzeknes Augstskola: 2015, 130 lpp.

## МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР: БОҶИШ, ТАРБИЯЛАШ, ОИЛАГА ҚАЙТАРИШГА ТАЙЁРЛАШ

- Д.М.Очилова,
  - М.Х.Тошпулатова,
- Самарқанд шаҳар 10-Меҳрибонлик уйи

Болаларни институционал муассасаларда тарбиялаш том маънода фақат битта вазифани ҳал қилиши мумкин, яъни жисмоний хавфсизликни таъминлайди. Бундай муассасаларнинг реал хусусияти бир хил тарздаги турмуш кечириладиган, ҳудудий жиҳатдан ўзгалар учун ёпиқ борлиқдан иборат эканлигидир. Гарчи Меҳрибонлик уйларида болалар учун яратилган шароит, жиҳозлар, замонавий усқуналар билан таъминланганлик мавжуд бўлса-да, танлов ихтиёрининг, «бола ривожланиши учун эркин доира»нинг йўқлиги, тез-тез ўзгарувчан катталар (кундузги сменадаги тарбиячилар, кечки сменадаги тарбиячилар), жамият билан доимий ва чуқур алоқанинг йўқлиги болаларнинг келгусидаги ижтимоийлашувини қийинлаштиради.

Етим, ижтимоий етим – бу сўз Меҳрибонлик уйида яшайдиган боланинг нафақат ижтимоий ҳолатини, балки бола яшашга ўрганадиган ички психологик дастурини ҳам белгилайди. Психологик жароҳатни бошдан кечирган боланинг етимлигини англаши унинг қадриятлар ва устуворликлар тизимини шакллантиради, қобилиятларининг ривожланишига, у ёки бу азиятда ахлоқни танлаш мезонларига таъсир кўрсатади, натижада атрофдаги одамларга нисбатан муайян муносабат пайдо бўлади. Бир неча ўнлаб шундай болалар яшайдиган интернат типигаги муассасада «етим» лик дастури вақт ўтиши билан шу қадар мустаҳкамланадики, ҳатто бола оилага тушгач ҳам у бу дастурга амал қилади. Бу дастурнинг ишламаслиги учун узоқ йиллар талаб этилиши мумкин. Интернат типигаги муассасаларда тарбияланувчи боланинг психологик жароҳати тавсифи турли-туман.

Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, ота-оналар ахлоқи беихтиёр бола психикасида «ёзиб борилади». Бир неча психологик механизмлар борки, ота-оналар унинг воситасида ўз фарзандларининг ижтимоийлашувига таъсир кўрсатади. Аввало, ота-она боланинг яхши қилиқлари, ҳаракатлари учун мақтайдилар, рағбатлантирадилар, ёмон ҳаракатлари эса катталар томонидан қораланади. Секин-асталик билан яхши-ёмон одатлар, ҳаракатларни фарқлаш ва уларга амал қилиш бола учун заруратга айланади. Оилада улғаяётган болалар катталар билан ўйнаганларида,



мулоқот қилганларида бевосита жисмоний алоқани афзал кўрадилар, улар тиззага ўтириб оладилар, бошини силайдилар, кучоқлайдилар, суйкаланадилар.

Институционал муассасалардаги қатъий кун тартиби, катталарнинг доимий равишда кўрсатма беришлари, жисмоний алоқанинг имконсизлиги болаларда ўз ахлоқини мустақил режалаштириш, амалга ошириш ва назорат қилиш заруриятдан маҳрум қилади ва аксинча бегоналар кўрсатмаларини пассив бажаришга одатланишни шакллантиради. Ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган боланинг беқарор эмоционал ҳолати унда хавотир ва ўзига ишонмасликни ривожлантиради, оламга қизиқувчан муносабатни сўндиради, эмоционал ривожланишдаги муаммо туфайли интеллектуал ўсиш тормозланади.

Самарқанд шаҳридаги бизнинг 10-сонли Меҳрибонлик уйида ..... дан ортиқ болажонлар тарбияланади. Кўзлари мунчоқ, қилиқлари ёқимли, бири бошқасидан ширин бўлган болаларнинг ҳаммаси ҳам чин етимлар эмас, қай биринидир отаси, қайсинисидир онаси ёки буваю-бувиси, тоғая-амма, холалари бор. Ҳар бири сирли, ўзига хос тақдирга эга... Кимдир фарзандга зор бўлиб, нима қилишини билмай, яна кимдир тиббий усулларга мурожаат қилиб, бошқалари эса фарзанд асраб олиш ниятида яшайди.

Раҳбаримиз Ориф Исокович Юсупов Меҳрибонлик уйи ходимлари ва тарбияланувчиларига тегишли бўлган ҳар қандай ҳукумат қарорларини бизга мамнуният билан етказар эканлар, бу қарорларни ижроси йўлида жонбозлик кўрсатиб келадилар. Хусусан, ҳукуматнинг 2019 йил 11 февралдаги ПҚ-4185-сонли қарорига биноан Меҳрибонлик уйига турли сабабларга кўра вақтинчалик жойлаштирилган ёки оиланинг моддий аҳволи яхшиланган ҳолатда болаларни қондош оиласига қайтариш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Бу борада муайян ютуқларга эришдик, десак хато қилмаган бўламиз. Чунки натижаларимиз, жадвалда акс эттирилганидек, ўтган йилдагига солиштирганда яққол кўзга ташланади.

1-жадвал.

**Биологик оилаларига қайтарилган болалар тўғрисида маълумот (туманлар кесимида)**

№№	Шаҳар, туман номи	2018	2019
1.	Самарқанд шаҳар	1	1
2.	Самарқанд туман	-	-
3.	Каттакўрғон шаҳар	1	3
4.	Каттакўрғон тумани	-	-
5.	Пастдарғом тумани	4	8
6.	Тайлоқ тумани	-	-
7.	Ургут тумани	1	2
8.	Оқдарё тумани	-	-
9.	Нарпай тумани	-	-
10.	Булунғур тумани	-	-
11.	Иштихон тумани	2	-
12.	Нуробод тумани	1	-
13.	Жомбой тумани	-	5
14.	Пойариқ тумани	1	2
15.	Пахтачи тумани	-	-
16.	Қўшробот тумани	-	-
<b>Жами:</b>		<b>10</b>	<b>21</b>

Бунда ижтимоий иш ходими, психологлар болани оиласи билан бирлашиши йўлида юзага келиши мумкин бўлган тўсиқлар, жумладан, ўзини ташлаб кетишганликлари учун ранжиш, руҳий тушқунлик ҳолатини йўқотиш юзасидан йўналтирувчи суҳбатлар олиб бордилар.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйи мутахассислари томонидан «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун болалар тарбия муассасаларида тарбия жараёнининг

самарадорлигини ошириш» номли 2-бандида кўрсатилган «Тутинган ота-оналарни тайёрлаш» юзасидан ҳам фаолият олиб борилади. Шу фаолиятни қисқача изоҳлаймиз:

1. Болалар манфаати йўлида аввал тутинган ота-она бўлиш учун ташриф буюрган номзодларнинг ҳужжатлари ўрганилади, улар билан суҳбат ўтказилади.

2. Тутинган ота-онага бола, унинг хусусиятлари юзасидан маълумот берилади.

3. Тутинган ота-она бўлишга номзод бола билан танишгач, аввал уларнинг бир бирларига кўникишлари учун муассаса ҳудудида муайян вақт ажратилади.

4. Номзод ва бола ўртасида алоқа ўрнатилгач дам ошлиш кунлари, байрамларда болани олиб кетишларига рухсат берилади.

5. Номзод ота-она шу вақт давомида қарор қабул қилса, ҳужжатлар расмийлаштирилади.

6. Бола оилага қабул қилингач мажмуавий кузатиб бориш режаси тузилади.

Мажмуавий кузатиб бориш, биринчидан, тутинган оила билан узоқ муддат алоқада бўлиш, иккинчидан, оила ва тутинган боланинг ривожланишидаги ўзгаришларни кузатиш; учинчидан, зарур бўлганида жадал ёрдам кўрсатиш ва боланинг муассасага қайтарилишига йўл қўймаслик юзасидан чоралар кўриш имконини беради. Чунки бола оиладан қайтарилганда иккиламчи психологик жароҳат олади ва ниҳоятда қутилмаган оқибатга олиб келиши мумкин.

Албатта, жараён бошланганидан охиригач ечимга келгунча ҳаммаси рисоладагидай бўлади, деб айта олмаيمиз. Баъзан шундай ҳоллар бўладики,

- тутинган ота-она боланинг кўнглига йўл топа олмайдилар;
- қарорларининг ҳали хом эканига ўзлари амин бўладилар;
- муассасада яшаб ўрганган бола оилада қолишни истамайди.

Муассаса ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан бу йил ноябрь ойига қадар **5 нафар бола оилага жойлаштирилди.**

Меҳрибонлик уйи мутахассислари Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг «Ота-она қарамоғисиз қолган болалар муаммоларини ўрганиш» бўлими билан доимий ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Номзод ота-оналар билан амалий иш фаолиятимиз натижасида уларни тайёрлаш, ўқитиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш кераклигига амин бўлдик, бу борада ҳукуматимизнинг 2019 йил 30 сентябридаги 824-сонли қарори айни муддао бўлди.

Хулоса ўрнида ижтимоий етимликни олдини олиш борасидаги амалий фикрларимизни билдиришга қарор қилдик. Ижтимоий етимликни олдини олиш давлат даражасида, ўзига хос ихтисослаштирилган ва шундан кейингина индивидуал даражада олиб борилмоғи зарур, жумладан:

- умумижтимоий даража (умумий профилактика), давлат, жамият, Оила институтларининг иқтисодиёт, ижтимоий турмуш, маънавий-ахлоқий соҳадаги зиддиятларни ҳал қилишга қаратилган фаолиятини кўзда тутати;
- махсус (ижтимоий-педагогик, ижтимоий-психологик) даража оғишишлар ва муаммоларнинг алоҳида турлари билан боғлиқ бўлган салбий омилларга мақсадли йўналтирилган таъсирдан иборат;
- индивидуал даража (индивидуал профилактика) ўзида ахлоқда оғишиш чизиқлари бўлган ёки муаммоли аниқ шахсларга нисбатан профилактика фаолиятни ўзида акс эттиради.

### Адабиётлар

1. Арчакова Т.О., Москвичев В.В. Профилактика социального сиротства: практические рекомендации для специалистов. – М., 2013. 84 б.
2. Джакупов С.М., Изакова А.Т., Абдрашитова Т.А., Оспанова Я.Н. Социологическое исследование проблемы социального сиротства и его профилактика. – Астана, 2008.
3. Хрульнова Г.В., Мажидова Д.А., Махмудова Н.М., Яхьяева М.Ш. (муаллиф-тузувчилар). Ота-она қарамоғисиз қолган болалар учун муассасалар тарбияланувчиларининг оилага реинтеграцияси. / Қўлланма. – Т.: Fan va Texnologiya. 2013.

# СЕМЕЙНАЯ МЕДИАЦИЯ: НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

- **А.В. Пак, студент магистратуры II курса  
филиала Московского государственного университета  
им. М.В. Ломоносова в г. Ташкенте**

Впервые понятие «семейная медиация» зародилось в США в конце 1960-х годов, с 1970-х постепенно стало развиваться и в странах Западной Европы. Область практики семейной медиации включает в себя решение следующих вопросов: урегулирование споров при разводе и расставании супругов, конфликтов семей с органами социальной защиты, межпоколенческих конфликтов в семье, споров, связанных с наследством, и т.п. Тем не менее в зарубежных странах распространена медиация, связанная с разрешением споров между расстающимися супругами, преимущественно в случаях, затрагивающих интересы детей. Внедрение института медиации в правовой механизм Республики Узбекистан началось со вступления в силу 1 января 2019 года Закона «О медиации» [7]. Отличительной чертой данного закона является установление внесудебной процедуры урегулирования гражданско-правовых споров с участием нейтрального лица (медиатора).

В современном обществе развод оценивается участниками как одно из тяжелейших событий в их жизни. В большинстве случаев развод для расстающихся супругов связан с переживанием острых эмоциональных реакций, таких как чувство обиды, гнева, потеря доверия; разделение совместно нажитого имущества и реорганизация частных финансов; достижение договоренности о вариантах совместного воспитания детей и выплате алиментов; реализация вытекающих юридических процедур [6]. По этой причине супруги, находящиеся в ситуации расставания и расторжения брака, нуждаются не только в поддержке родственников, близких и друзей, но и в профессиональной помощи специалистов разного профиля.

Семейная медиация характеризуется сильным проявлением эмоционально-психологической составляющей конфликта [4; 3]. По этой причине значительное большинство медиаторов, занимающихся этим профессионально, по базовому образованию являются психологами или социальными работниками.

Семейная медиация как примирительная процедура строится не на уступках в чем-либо важном, а напротив, основывается на достижении согласия спорящими сторонами и удовлетворения интересов и потребностей каждой из них.

Применение медиации становится возможным только в случае:

- равноправного участия спорящих сторон в обсуждении;
- соблюдения условий физической безопасности, а также психологического комфорта участников конфликта;
- способности каждой из сторон самостоятельно принимать решения и выполнять возложенные на них обязательства.

Вместе с тем имеются ограничения на применение медиации в семейных спорах:

- систематические факты домашнего насилия, присутствующие на момент подготовки к медиации или происходившие относительно недавно;
- жестокое обращение с детьми;
- запугивание, угрозы, серьезный дисбаланс сил между сторонами;
- наличие психического заболевания у одной из сторон;
- недееспособность одной из сторон;
- наркотическая зависимость одной из сторон;
- умышленное введение в заблуждение и предоставление заведомо ложной информации;
- отказ или неспособность одной из сторон следовать основным правилам медиативной процедуры [3].

Стороны конфликта и посредник при проведении процедуры семейной медиации должны руководствоваться следующими принципами, закрепленными в статье 5 Закона «О медиации»:

1. Конфиденциальность.
2. Добровольность.

3. Сотрудничество сторон.
4. Равноправие сторон.
5. Независимость медиатора.
6. Беспристрастность медиатора [7].

В США медиация в бракоразводных процессах выделена в отдельную разновидность медиации. Для нее специально готовят медиаторов, специализирующихся на разводах [3; 5]. Кроме того, в США финансирование услуг медиатора может производиться со стороны суда, а также из средств благотворительных организаций [2].

В Швейцарии законодательно закреплено прохождение медиации в спорах, связанных с передачей ребенка от одного родителя к другому.

В Италии медиацией могут заниматься государственные и частные организации, включенные в реестр Министерства юстиции.

Законодательство Австралии с 2007 года закрепляет обязательно досудебное применение медиации в спорах, связанных с воспитанием детей при разводе родителей (исключением являются случаи, связанные с семейным насилием или похищением детей) [1].

В настоящее время для Узбекистана такой глубокий уровень профессиональной специализации нехарактерен: не исключено, что это связано с тем, что институт медиации и рынок медиативных услуг только проходит стадию формирования.

Одним из наиболее выраженных направлений в становлении и правовом регулировании семейной медиации является ее сертификация и профессионализация. Превалирующее число современных государств вводит механизм государственной аккредитации семейных медиаторов, проходящих специализированную подготовку, прорабатывает и утверждает образовательные стандарты обучения семейных медиаторов.

Благополучное становление института семейной медиации напрямую связано с непосредственным участием в данном процессе государства посредством популяризации идеи медиации, организации правового регулирования и обеспечения государственного финансирования отвечающих требованиям социальных проектов, а также проведения подготовки специалистов в сфере семейной медиации.

**Заключение.** Приоритетные направления развития семейной медиации в Республике Узбекистан могут выражаться в следующем:

- институализация семейной медиации;
- популяризации семейной медиации как процедуры разрешения семейных споров;
- введение образовательных стандартов и организация государственной системы профессиональной подготовки специалистов по семейной медиации, предполагающей освоение различных психолого-ориентированных моделей медиации и практик междисциплинарной медиации;
- обеспечение финансирования государством программ семейной медиации, связанных главным образом с социально значимыми категориями семейных споров.

### Библиографический список

1. Куатова А. Особенности процедуры медиации в семейных спорах // Publishing house Education and Science s.r.o. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.rusnauka.com/>. – Дата доступа: 14.01.2015.
2. Папулова З.А. Медиация и арбитраж как часть современной практической юриспруденции в США (на примере суда по гражданским делам района Манхэттен, г. Нью-Йорк) // Арбитражный и гражданский процесс. 2017. – № 10. – С. 48–51.
3. Паркинсон Л. (2016) Семейная медиация – М: МЦУПК.
4. Emeri, R. (2012) Renegotiating Family Relationships: Divorce, Child Custody, and Mediation. – New York: Guilford Press.
5. Folberg J., Milne A., Salem P. (eds.) (2004) Divorce and Family Mediation: Models, Techniques, and Applications. – New York: Guilford Press.
6. Roberts M. (2008) Mediation in family disputes: principles of practice. – Ashgate, pp. 30–31.
7. Электронный ресурс – Режим доступа: <http://www.lex.uz/docs/3805229/>. – Дата доступа: 29.10.2019.



# АЛАЛИК БОЛАЛАРДА БОҒЛАНГАН НУТҚНИ ЭРТАКЛАР ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

• Х.М.Пўлатова, Низомий номли ТДПУ «Логопедия» кафедраси доценти

Алалик болаларда нутқнинг ривожланмаслиги натижасида билиш фаолияти (идрок, тафаккур) орқада қолади. Айрим гапирмайдиган болалар содда кўмакчилик конструкциялар маъносини тушунадилар. Бунга икки предметнинг фазовий муносабатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин: кути-ичида, кути устида, кути остида, кути ёнида. Баъзи бир болалар етарлича пассив луғатга эга бўлиб, улар ота-онаси, логопед ва бошқалар илтимосига кўра оғзаки ифодаланган, етарлича мураккаб ва турли хил топшириқларни бажариш қобилиятига эгадирлар. Улар ҳақида ота-оналари одатда шундай дейди: «Хамма нарсани тушунадилар, бироқ гапирмайди». Айрим болаларда нутқни тушуниши даражаси паст бўлса, у ҳолда логопедик ишни нутқни тушунишни кенгайтиришдан бошлаш лозим. Нутқни етарлича яхши тушуниш туфайлигина бола гапира бошлаши мумкин. Агар нутқни тушуниш даражаси бирмунча юқори бўлса, исталмаган товуш нутқ кўринишларини ҳосил қилиш вазифаси биринчи ўринга қўйилади. Машғулотларни имкон қадар кичик гуруҳларда (3 кишидан ошмаган) ўтказиш лозим. Этакчи машғулот шакли – ўйиндир. Бола нутқининг ҳар қандай кўринишини рағбатлантириш муҳим. Болани бирон нарса айтишга ёки такрорлашга мажбурлаш керак эмас. Айт, такрорла каби сўзлардан фойдаланмаслик керак, чунки болада бу илтимосларга негатив таъсирланиш юзага келади. Бу сўзларни мос келувчи саволларга ёки сўзларга алмаштириш фойдалидир (ўйлаб кўрчи, топ-чи). Ёки бир томонлама диалог ҳам фойдадан холи эмас, бунда катта одам ҳам савол беради, ҳам жавоб беради. Масалан; бола билан ўйинчокни жавон олдига олиб бориб, ҳайратомуз сўралади: «Қарачи, бу ерда ким пайдо бўлди? Улоқча?!» Улоқчани томоша қила туриб, бир неча маротаба улоқча овозини имитацияси бўлиши лозим: «Ме-ме-ме». Улоқчанинг бурни, кулоқи, думчасини болага кўрсата туриб, логопед қизиқсиниб сўрайди. «Улоқча қандай йиғлаши сен биласанми?» Боладан исталган товуш реакциясини олиш зарур. Бироқ, аморф – ўзак сўзларни (бола томонидан яратилувчи) масалан, кучук сўзи ўрнига – «чу» ёки сичқон сўзи ўрнига – «чи» сўзларни болалар ортидан такрорлаш мумкин эмас. Болалар фақат тўғри талаффуз қилинувчи сўз ва гапларни эшитишлари лозим. Болада луғат бойлигини ривожлантиргандан сўнг уларда жумла тузиш сўзларни кўп маъноли белгиларини билиши ва аста-секин мустақил нутқини машғулотларда ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқ.

Шу мақсадда биз алалик болалар мулоқотини ривожлантиришда эртақлардан фойдаландик. Эртақ терапия Т.Д.Зинкевич-Евстигнеева таърифига кўра маънони излаш жараёни, олам ва ундаги ўзаро муносабатлар тизими ҳақидаги билимлар ечимидир. Эртақ терапия – бу эртақ сифат маъноларни воқеликка кўчириш, шахснинг ресурслари, потенциалини фаоллаштириш жараёнидир. Эртақ терапия бу мулоқот қилиш ва таъриба алмашишнинг табиий шакли, янги авлодларни тарбиялаш тизими, бола эса ҳам ташқи, ҳам ички оламини англашнинг зарурий воситаси. Шунинг учун эртақ терапия эртақ воқеалари ва уларнинг реал ҳаётдаги вазиятлар билан ўзаро боғлиқлигини англаш билан боғлиқ. Эртақ болага психотерапевтик таъсир кўрсатади, чунки эртақ тили, унинг стели бола учун тушунарли. Бола ҳали мантиқан фикрлай олмайди, эртақ эса ҳеч қачон болани бирон бир мантиқий мушоҳадалар билан зўриқтирмайди. Бола насиҳатларни ёқтирмайди. Кичик ёшдаги болалар ўз ҳиссиётларини бошқара олмаганликлари боис кўпинча «ҳиссиётлар» асирида бўладилар. Фақатгина шахсий ривожланганлик даражасига кўра уларда аста секинлик билан ўз кечинмаларини англаш ва назорат этиш, ўзгаларнинг ҳиссий ҳолатини тушуниш қобилияти шаклланади, ихтиёрий хатти- ҳаракатлар ривожланади.

Тадқиқот ишларини олиб боришда (ММТМ) мактабгача тарбия муассасида «Минг йиллик болажон дастури» асосида болаларнинг билиш фаолиятлари текширилди ва дастур асосида ўзбек халқ эртақлари танланди. Эксперимент методикасини ишлаб чиқишда, нутқни ривожлантириш бўйича олиб борилган коррекцион ишларнинг ўзига хослигини логопедия фанининг тамойиллари ва методларига таянилди.

Ушбу танлаган эртақларимиз ҳашоратлар ва ҳайвонлар, сеҳрли эртақлар ва маиший эртақларга бўлинади.

**1- вазифа** ( мажозий) ҳашоратлар ҳақидаги, яъни «Тулки макри» ва «Бўри билан тулки» эртаги бўлиб, болаларга эртақ китоби ва ундаги расмлар кўргазмали материал сифатида кўрсатилади. Ушбу эртақларнинг қайси бирини сиз биласиз? каби саволлар орқали эртақлар ҳақидаги тушунчалар аниқланади. Натижада мулоқотга кетган вақт ва болаларнинг эртақлар ҳақидаги фикрлари аниқланади.

Ҳар бир методикани ўтказишдан олдин бола ёши ва билиш даражасини назарга тутган ҳолда топшириқлар берилади. Натижалари эса 5 баллдан 1 балгача белгиланди.

**2- вазифа** « Сеҳрли эртақлар» мавзусида бўлиб, болаларга сеҳрли эртақларга қайси эртақлар кириши, « Ялмоғиз кампир», «Кенжа ботир» «Семурғ» каби эртақлари билан таништирдик, бу эртақлардаги қаҳрамонлар ҳақида тушунчалар берилди. Сухбат савол жавоб усуллардан фойдаланган ҳолда эртақдаги воқеалар ва эртақ мазмуни айтиб бериш вазифаси берилди. Натижалар куйдаги баллар асосида белгиланди.

**3-вазифа** ( Майиший эртақлар) «Уч оғайни ботирлар», «Ой гул билан Бахтиёр», «Зумрад ва Қиммат», «Золим подшоҳ» эртақлари катта гуруҳдаги болаларга дастур асосида берилган, болалар бу эртақларни танлаб қайси эртақни яхши билиши, уларнинг номини айтиб мулоқотга киришиш вақти аниқлаб борилади. Болаларда шу эртақлардан қайси бирини билишлари ва улар ҳақидаги фикрларини айтиб беришлари сўралади. Болаларнинг билиш фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда эртақ ҳажми содда қилиб, тушунтирилади ва вазифалар берилади.

## **ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАРБИЯСИДАГИ НУҚСОНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

- **З.А.Расулова, психология фанлари доктори  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Ҳозирги кунда психологияда инсон хулқ-атворидаги ўзгаришлар ва ахлоқ нормасидан четга чиқиш ҳодисаси ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ экани ва уларни соғломлаштириш мумкинлиги тўғрисидаги таълимот илмий жиҳатдан асосланган. Шунга кўра тарбияси оғир болалар хулқ-атворини соғломлаштириш мумкин, деган хулоса келиб чиқади.

Кузатишларимиздан маълум бўлишича, вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарлик, улар тарбиясидаги нуқсонларнинг олдини олишда энг аввало бундай салбий иллатлар келиб чиқишининг ижтимоий-психологик, индивидуал-психологик, социологик, ҳудудий ва криминологик хусусиятларини ҳисобга олиш талаб этилади. Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида юзага келаётган қонунбузарликларнинг олдини олиш ишлари умумий, махсус, ва индивидуал тарзда олиб борилиши зарурлиги билан характерланади.

Умумий ижтимоий чора-тадбирларни жамиятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, сиёсий барқарорликни таъминлаш, халқнинг турмуш тарзи ва микро муҳит муносабатларини яхшилаш, фуқароларнинг маданий-маънавий ва маърифий салоҳиятини ўстириш ва бошқалар ташкил қилса, махсус – индивидуал характердаги тадбирлар сифатида эса болалар ва ўсмирларнинг шахс хусусиятлари, уларнинг психологияси, дунёқараши, қадриятлар ориентацияси, ҳаётий позицияси, онглилик даражаси ва ижтимоийлашув хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллаш тушунилади.

Профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг келиб чиқишигача бўлган даврга, бу даврда олиб бориладиган умумий тарбиявий тадбирларга, уларни такомиллаштиришга, таъсирчанлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам вояга етмаганлар ўртасида юзага келаётган хулқ оғиши ва тарбия бузулишининг олдини олишда ушбу оралик даври муҳим аҳамият касб этишини унутмаслигимиз керак.

Вояга етмаганлар ўртасида тарбия бузилишининг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар табиатини тушуниш учун, аввало, уларнинг бошланиш даврини, унинг объектини ҳамда хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсига қандай таъсир кўрсатиш хусусиятини билиш талаб этилади. Ушбу масалани ечиш учун табиий равишда шахснинг мотивацион соҳасига алоқадор бўлган маълумотлардан фойдаланишга тўғри келади.

Вояга етмаганлар ўртасида хулқ оғишининг олдини олиш тадбирлари самарадорлиги ва уларнинг таъсирчанлиги энг аввало ўсмир шахсидаги ижобий фазилатлар, ижтимоий фойдали эҳтёж ва кизиқишларнинг шаклланганлигига боғлиқ бўлади. Шу маънода ўқув-тарбиявий тадбирлар ва машғулотлар вояга етмаганлар тарбияси бузулишини олдини олишнинг дастлабки профилактикаси сифатида хизмат қилиши керак.

Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий тадбирларнинг самарадорлиги уларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида ўзаро яқинлик ва соғлом муносабатни ўрнатишга боғлиқдир. Шунинг учун ўқитувчининг тарбияси оғир ўсмирга нисбатан бераётган эътиборини, уларни ўзларига яқин олаётганлигини ва ёрдам бермоқчи бўлаётганлигини ўсмир ҳар доим ҳис қилиб туриши муҳим ҳисобланади. Бу ўсмир хулқини соғломлаштиришга қўйилган илк қадам бўлиб ҳисобланади.

Ўсмирларда хулқ оғишининг олдини олишга қаратилган ўқув-тарбиявий тадбирлар ўсмирнинг оилавий муҳити, тарбияланганлик даражаси ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Чунки, оила муҳитини билишлик ўсмир шахси ҳақида, унинг тарбияланганлик даражаси ва турмуш тарзи, ижобий ва салбий фазилатлари ҳақида маълумотларни беради.

Хулқ оғишига эга бўлган болаларга профилактик таъсир кўрсатишда ўсмирнинг шахс сифатидаи шаклланиши жараёнини, унинг ўзига хос хусусиятларини, характер хислатлари ва психологиясини ҳисобга олган ҳолда иш тутиш яхши натижа беришлигини унутмаслик лозим.

Болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг олдини олишнинг муҳим шартларидан яна бири тарбиявий жараёнда мактаб ва оила ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш бўлиб ҳисобланади. Афсуски, бу масалани бугунги кунда талаб даражасида дея олмаймиз. Шунинг учун ҳам бундай пайтларда кўпинча оила ва мактаб ҳамкорлиги, ота-она ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро алоқанинг узилиши туфайли болалар ва ўсмирлар тарбиясини, айниқса улар хулқидаги ўзгаришларни тузатиш анча қийин кечади.

Тарбияси оғир болалар ва ўсмирларни тарбиялашда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Энг аввало, болаларнинг бўш вақтларини тўғри тақсимлаш, уларни «кўнгил очар» ўйинларда иштирок этишларига, беъмани «ҳордик чиқариш» ва кўча-кўйда мақсадсиз юришларига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун мактаб, маҳалла, жамоатчилик ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, болаларни иложи борича мактабдан ташқари муассасаларга жалб этиш чора-тадбирларини қўллаш керак.

Уларнинг хулқи ва фанларни ўзлаштиришларини объектив баҳолаш, шахслараро муносабатларда ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, дарсларни юқори савияда ва кизиқарли олиб бориш, оилада ва синф жамоасида қулай шарт-шароит яратиш яхши натижа беради.

Улар билан ишлашда кўпроқ индивидуал ёндашиш, уларни доимий кузатиб бориш, шахсий ҳужжатларини изчил ўрганиш, улар фаолияти, хулқ-атвори ва характер хусусиятларини ифодалайдиган синф раҳбари ёки амалиётчи психолог дафтари тузиш, низоли вазиятларни вужудга келтириш орқали тажриба ўтказиш ишларини олиб бориш тарбияси қийин боллар ва ўсмирларни қайта тарбиялашда муҳим ҳисобланади.

Кузатиш ва тадқиқотларимиз натижаларига асосланиб, болалар ва ўсмирларда ўртасида хулқ оғиши ва тарбия бузулиши келиб чиқишининг олдини олишда қуйидаги педагогик-психологик тавсияларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

- хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар шахсида асоциаллик, рухий беқарорлик, ўзгарувчанлик, гипертимлик, аффектга мойиллик, циклотомиклик хусусиятларининг яққол ифодаланганлигидан келиб чиқиб, улар шахсини соғломлаштиришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунда улар яшаётган оила ва ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, шахслараро соғлом муносабатни вужудга келтириш ишларини олиб бориш яхши натижа беради;
- вояга етмаганлар ўртасидаги хулқ оғишининг келиб чиқиши асосий сабаблари сифатида «Болалар ва ўсмирлар фаолиятини назорат қилмаслик», «Оилада бола тарбиясига эътиборнинг сусайиши» кабилар намоён бўлаётганлигидан келиб чиқиб, оилада ва оиладан ташқарида болалар ва ўсмирлар фаолиятини, бўш вақтларида нима билан шуғулланаётганлигини назорат қилиш ва оилада болалар тарбиясига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқдир;

- крименоген хулқли оилаларни аниқлаш, уларда тарбияланаётган болалар ва ўсмирлар аҳволдан хабардор бўлиб туриш;
- моддий-маъиший шароитнинг етарли эмаслиги вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига таъсир этишлигини ҳисобга олиб, бундай оилаларга маҳаллий ҳокимият, ижтимоий таъминот ва хайрия жамғармалари томонидан моддий ёрдамлар бериб туришни ташкил этиш;
- болалар ва ўсмирларнинг мактабдан кейинги бўш вақтларини назорат қилиш ва улардан унумли фойдаланишни ташкил этиш;
- ота-оналар, катта ёшдаги кишилар ва ўқитувчилар томонидан болалар ва ўсмирларга нисбатан қўлланилаётган қаттиқул, қўпол ва адалатсиз муносабатларига барҳам бериш;
- вояга етмаганларда хулқ оғиши кўпинча ота-оналар, ўқитувчиларнинг болалар ва ўсмирлар психологисини билмасдан туриб муносабатда бўлишликлари натижасида келиб чиқаётганлиги ота-оналар ва ўқитувчиларни психологик-педагогик билилар билан қуроллантириш зарурлигини кўрсатади;
- психолог, социолог, педагог, психиатр, ҳуқуқшунос ва дин вакилларининг оммавий ахборот воситаларида вояга етмаганлар қонунбузарликлари ва уларнинг олдини олиш, жиноятчилик хулқи психологияси, болалар ва ўсмирлар психологияси каби мавзуларда эшиттиришлар, кўрсатувлар ва мақолалар билан чиқишларини ташкил этиш;
- вояга етмаганлар ўртасидаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ишларига қарияларни ва дин вакилларини жалб этиш;
- оилаларда болаларнинг ижтимоий етимлигини (назоратсизлик ва қаровсизлик) келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва унинг олдини олишга зарурий малаҳатлар бериш;
- болаларнинг хулқ-атворида салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чора тадбирларини кўриш;
- тарбияси оғир болалар ва ўсмирлар билан якка тартибда ишлаш чора тадбирларини кўриш;
- маҳаллалардаги болалар тарбиясида кўни-қўшничилик таъсирини кучайтириш;
- вояга етмаганлар ўртасидаги хулқ оғиши ва қонунбузарликларни олдини олиш тадбирларининг психологик-педагогик жиҳатдан илмий асосланган бўлишини таъминлаш;
- вояга етмаганларда хулқ оғишининг олдини олишда болалар ва ўсмирларнинг ёш ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, болалар ва ўсмирлар ўртасида хулқ оғиши ва улар тарбиясидаги бузулишларнинг олдини олишда қатор ижтимоий-психологик ва педагогик масалаларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

## БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВИРТУАЛ ОЛАМ

- **А.Рахимов,**
  - **А.Алимов,**
- Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази**

Маълумки, республикамизда Оммавий ахборот воситалари норасмий равишда тўртинчи ҳокимият деб юритилади. Бундан кўришиб турибтики, ОАВ жуда катта куч ва ўзига эргаштириш учун ўзига хос аҳамиятга эга. Улар ичида мавжуд веб-сайтларнинг бўлиши, сайтларнинг болалар ва ёшлар мавзусини ёритишга ихтисослашганлиги муҳим аҳамият касб этади. Интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 18 миллиондан ошгани ахборот ёшлар ҳаётида улкан аҳамият касб этаётганидан дарак бермоқда.

Миллий қонунчилигимизда ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари мавжуд. Хусусан, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистонда ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилиши, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда эса порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон кадр-қимматини таҳқирловчи, болалар онгига зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш,



адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланиши белгиланган. Аммо, бугунги ахборот маконидаги тенденциялар, информацион хуружларнинг кучайиши шароитида миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бироқ бугунги кунда ахборот воситаларидан, айрим ҳолларда, жамият ривожини ва тинчлигига раҳна солиш, ёшлар, айниқса, болалар соғлиғига зиён етказиш, уларнинг онгини ва дунёқарашини захарлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлардан узоқлаштириш, иродасини заифлаштириш каби ғаразли мақсадларда фойдаланилаётганлиги ҳам ҳақиқат.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос миллий ҳуқуқий тизим шаклланган бўлиб, мамлакатимиз мазкур йўлда дадил қадам ташлаётган давлатлардан бири ҳисобланади. **Бош қомусимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир» деб таъкидланган.**

Ёшларимизнинг онгини миллий ғоя ва мафкура тамойиллари асосида бойитиб бориш уларни мафкуравий иммунитетини кучайтириш юзасидан ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Бунинг учун биринчи Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ахборот ресурс марказлари манбалари, матбуот, телевидение, миллий домендаги сайтлардан ғоявий тарбия минбари сифатида фойдаланишни давом эттириш зарур. Ёшларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш асосида уларни ахборот хуружларига қарши курашиш малакаларини юксалтириш муҳим вазифалардандир.

Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз бола зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26% бола миллатчилик ҳарактеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлаган. ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган сўровлар интернетдан фойдаланадиган болаларнинг 90 фоизи ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фоизи эса бу турдаги ахборотни мақсадли равишда излаганини кўрсатди. Ҳатто ўзимизнинг баъзи ёшларимиз учун ҳам интернет ва кўл телефонлари ахлоқсизлик манбаига айланаётгани ўта ташвишлидир. Негаки, бундай ғаразли таъсир домига тушиб қолган фарзандларимизда яқинлари ва қариндошларга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат туйғулари сусайиб, эгоизмга мойиллик кучайиб бормоқда.

Бундай ахборот хуружларига қарши курашишда амалга оширилаётган ишлар етарли бўлсада, лекин яширин кўринишдаги ахборот хавфи авж олаётган шароитда ёшларни ҳимоялаш, уларнинг онгини ёт ғоялардан асраш йўлида доимий, кечиктириб бўлмайдиган амалий ҳаракатларни амалга ошириш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «**Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги қонуни бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олади. Ушбу қонун «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун 6 та боб ва 27 та моддадан иборат бўлиб, мазкур қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 августда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2017 йил 24 августда маъқулланган.

«Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 1 моддасида «Ушбу Қонуннинг мақсади болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат» дея қайд этилган.

Ушбу Қонунда **ахборот маҳсулотини ва унинг ёш таснифи, ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш, ахборот маҳсулотининг айланиши** ҳамда **болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот** ва бошқа шу каби қатор тушунчалар мазмуни батафсил очиб берилган.

Жумладан, **Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги** болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги **маҳсус ваколатли давлат органи** сифатида белгиланиб, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу йўналишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурлари ишлаб чиқиш, соҳага оид қонунчиликка риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш каби қатор ваколатларга эгалиги белгилаб қўйилган.

Қонунда ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи ва ёш тоифаларини белгилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани аҳамиятлидир. Бу жамиятимиз ҳаётида янгилик бўлиб, эндиликда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар, блогерлар, реклама воситалари ҳамда бошқа турдаги ахборот каналлари орқали тарқатилаётган ахборотларда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган ахборотдан ҳимоя қилиш мақсадида 0+, 7+, 12+, 16+, 18+ ёзувлари акс эттирилиши шарт. Қонунга кўра, ёшга оид

таснифни белгилаш ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ва тарқатувчилар томонидан, шу жумладан, экспертларни жалб этган ҳолда мамлакатимиз ҳудудида тарқатиш бошлангунга қадар амалга оширилади.

Дарҳақиқат, болаларимиз онгига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлардан ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган ушбу Қонунда, болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ҳамда тегишли ёш тоифасига кўра тарқатилиши чекланган ахборот алоҳида норма билан кўрсатилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мазкур Қонун билан болаларни уларнинг соғ-лиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир қонунчиликка риоя этилиши устидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқароларимизнинг жамоат назоратини олиб бориш ҳуқуқи мустаҳкамланмоқда.

Бу нормалардан англашиладики, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари олдига ҳам муҳим вазифаларни кўяди.

Умуман олганда ушбу қонунда болаларнинг соғлиғига ахборот орқали етиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олиш мақсад қилинган. Шунингдек, болалар онгига ғайриқонуний ахборот-руҳий таъсир кўрсатилишининг, уларга ҳийла ишлатилишининг, болаларни ғайриижтимоий ҳаракатларга ундовчи ахборот маҳсулоти тарқатилишининг олдини олиш, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш назарда тутилади.

Болаларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:

- бола ҳуқуқларини таъминлашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- бола ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идораларнинг ишлаб чиқилган ахборот коммуникация тизимларини ўзаро боғлаш;
- АКТ ёрдамида бола ҳуқуқларини амалга оширувчи ягона бошқарув тизимини ишлаб чиқиш;
- таълим сифатини ошириш мақсадида болалар учун яратиладиган электрон дарсликлар ва мультимедиали иловалар устидан доимий назоратни ўрнатиш;
- болаларнинг ижтимоий мослашув жараёнларига хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда ривожланган ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш.

#### Фойдаланилган адабиётлар ва сайтлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни.
5. <https://uzreport.news> сайти.
6. <https://lex.uz> сайти.
7. <https://parliament.gov.uz> сайти.

## ПРОФИЛАКТИКА ПРАВОНАРУШЕНИЙ СРЕДИ ДЕТЕЙ ГРУПП СОЦИАЛЬНОГО И ПРАВОВОГО РИСКА

- **И. Рахимова, доктор философии по психологическим наукам (PhD), доцент Национального университета Узбекистана имени М.Улугбека**
- **Е. Алимова, соискатель Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами**

Профилактика правонарушений среди детей групп социального и правового риска представляет собой одно из ведущих направлений всей борьбы с преступностью. Их эффективное предупреждение является существенным условием охраны нравственного здоровья подрастающего поколения.

Правонарушения и негативные социальные отклонения в поведении детей групп социально-го и правового риска необходимо рассматривать как преступление. Преступность и негативные социальные отклонения (пьянство, наркомания, токсикомания, безнадзорность и беспризорность несовершеннолетних и т.п.) взаимосвязаны и имеют общие детерминанты [3]. Именно поэтому многие ученые отмечают, что борьбу с преступлениями необходимо начать с предупреждения негативных отклонений и незначительных правонарушений.

Профилактика правонарушений среди детей групп социального и правового риска является «вечной» проблемой педагогики, психологии и других общественных наук.

Многовековая история борьбы с преступностью связана с поиском путей и средств предупреждения этого социального зла. Лучшие умы человечества мечтали о «золотом веке», когда общество сможет прекратить борьбу с преступлениями и безраздельно утвердит законность и порядок. Каждая эпоха рождала новые взгляды на меры борьбы с преступностью и «социальные инструменты», с помощью которых можно предотвратить преступления [1].

Идея о необходимости предупреждения преступлений и иных правонарушений зародилась в глубокой древности. Правонарушения рассматривались и как болезнь души человека, совершившего их, и как болезнь государства. Лечение этой болезни, как утверждал Платон, – прерогатива государства [4]. Именно оно в лице законодателя должно так составлять законы, чтобы оттолкнуть от злодеяния тех, кто может сделаться преступником.

В произведениях Дж. Локка идея о предупреждении правонарушений переносится в сферу морали, воспитания. Победить зло, учит он, можно только тогда, когда правильно организовано воспитание [2].

Под правонарушением понимается противозаконное, общественно опасное или общественно вредное деяние, запрещенное с помощью юридической ответственности. Это понятие охватывает преступления, гражданские правонарушения, административные и дисциплинарные проступки. Правонарушение – это противозаконные поступки людей в обществе, акты социально вредного поведения. Вместе с тем правонарушения имеют не только социальную, но и юридическую характеристику, поскольку представляют собой поступки людей, противоречащие действующим правовым нормам. С этой точки зрения «о наличии правонарушения можно говорить лишь в рамках и с позиций закона, определяющего понятие и признаки гражданского, административного или иного правонарушения, а нередко и устанавливающего точный перечень противоправных действий».

Совокупность малозначительных правонарушений – явление, которое должно изучаться и учитываться статистикой, чтобы оно могло приниматься в расчет при планировании работы по профилактике преступности (на это обращали внимание С. Остроумов и З.Яковлева) [2]. Более того, такого рода негативное поведение должно стать специальным объектом ранней профилактики, а для этого оно должно быть изучено как самостоятельное явление. Изучение этого явления предполагает анализ мер предупреждения правонарушений несовершеннолетних.

Социально-педагогическая профилактика – процесс государственно-общественный, основная направленность которого – устранение из жизни причин и условий, способствующих отклонению в поведении человека и совершению им преступлений. В ней концентрируется деятельность целых институтов и отдельных людей. Она всегда так или иначе связана с окружающей жизнью, отражает ее требования.

Профилактика – это своего рода селекционная работа, которая должна устранять негативные процессы и явления, «вырывая сорняки на поле выращивания личности». Социально-педагогическая профилактика правонарушений заключается в определении признаков того, как, на какой основе и в каких целях общество воздействует на определенные социальные процессы, социальных субъектов и их деятельность предупреждает рост преступности среди детей и подростков.

Большинство криминологов, педагогов и психологов главную роль отводят профилактике правонарушений среди несовершеннолетних. Это объясняется тем, что в подростковом возрасте формируется личность человека, его интересы, характер, наклонности и ценностные ориентации. Несовершеннолетние (от 14 до 18 лет) – это демографическая, социально-психологическая, общественная группа населения, характеризующаяся интенсивным социальным, психологическим, физиологическим развитием, обусловленным возрастом и характером общественных отношений при определяющей роли социально-педагогических факторов. Поэтому профилактика правона-

рушений среди несовершеннолетних представляет собой, с одной стороны, важную составную часть общей системы по предупреждению преступности в целом, а с другой – предпосылку и неотъемлемую часть работы по воспитанию подрастающего поколения в современных условиях.

Правовая профилактика является именно тем видом социальной деятельности, который непосредственно призван предупредить и не допустить нарушения социального механизма правовой регуляции. Поэтому существенная роль принадлежит педагогической профилактике. Воспитание и образование в общеобразовательных учреждениях, знание несовершеннолетними основ законодательства, где основная задача – формирование у подрастающего человека практики общечеловеческих ценностей: любви, мира, ненасилия, истины, веротерпимости, т.е. рационального подхода к происходящим изменениям в общественной жизни. Необходимо также научить молодое поколение ориентироваться в сложных жизненных условиях, прививать этические нормы, воспитывать патриотические чувства к родному краю, Родине, культуре.

Одной из главных задач перед нашим обществом ставится формирование гармонично развитой, общественно активной личности, сочетающей в себе духовное богатство, моральную чистоту и физическое совершенство. В обществе поставлена задача предупреждения правонарушений и устранения порождающих их причин. Опираясь на общественные организации, педагогические заведения, государственные органы обязаны делать все необходимое, сохранить все ценности, на которые опираются при воспитании детей, вести решительную борьбу с преступностью, пьянством и алкоголизмом, предупреждать любые правонарушения и устранять порождающие их причины. Поэтому решающее значение в предупреждении и искоренении правонарушений несовершеннолетних имеют мероприятия по коренному улучшению всей воспитательной работы, по повышению ответственности родителей и школ за воспитание подростков, усиление роли общественных и детских организаций, а также специальные, профилактические меры государственных и общественных организаций.

Органы управления социальной защитой населения в пределах своей компетенции осуществляют меры по профилактике правонарушений среди детей групп социального и правового риска и организуют индивидуальную профилактическую работу:

- обследуют жилищно-бытовые условия;
- проводят профилактические беседы с законными представителями об ответственности за жизнь и здоровье несовершеннолетних детей, о необходимости надлежащего исполнения родительских обязанностей по воспитанию и содержанию несовершеннолетних детей, о недопущении жестокого обращения с детьми;
- оказывают содействие по сбору документов для оформления мер социальной поддержки семье и детям;
- консультируют по вопросам, входящим в компетенцию органов социальной защиты;
- оказывают натуральную помощь в виде предоставления вещей, бывших в употреблении.

### **Библиографический список**

1. Абдулов Н.М. Раннее выявление несовершеннолетних с антиобщественным поведением – основа эффективной профилактики нарушений. – Караганда, 1989.
2. Абдуллаев Э.И. Административные правонарушения несовершеннолетних и их предупреждение. – Баку: Элм, 1991.
3. Алтухов С.А., Корецкий С.А., Перекрестов В.Н. Социально-негативное поведение и меры борьбы с ним. – Ростов-на-Дону, 1997.
4. Беличева С.А., Фокин В.М. и др. Социальная профилактика отклоняющегося поведения несовершеннолетних как комплекс охранно-защитных мер. – М., 1993.
5. Выготский Л.С. Диагностика развития и педагогическая клиника трудного детства. – М., 1936.



# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРЛАРИГА ҚИЗИҚИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ (умумий ўрта таълим мактаблари мисолида)

- **О.У.Рахматов, Навоий давлат педагогика институти, Жисмоний маданият факультети, «Факультетлараро жисмоний маданият» кафедраси ўқитувчиси**

Улғайиб келаётган авлоднинг жисмоний ва психик саломатлиги муаммоси бугунги техника ривожланган шароитда ўта кескинликни касб этмоқда. Чунки замонавий вазият болалар касаллигини юқори кўрсаткичлари, турмуш тарзининг пасайиши, ижтимоий тебранишлар, тиббий хизматнинг сифати, экологиянинг ёмонлашуви билан фарқланади.

Замонавий таълим тизими ижобий тажриба, анъаналар ва мавжуд педагогик потенциал билан биргаликда ўзида қатор зиддиятларни ҳам акс эттиради. Бошқача айтганда жамиятнинг ўсиб бораётган талаблари ва унинг ҳар бир аъзоси эҳтиёжларига мосликни таъминлай олмайди. Бу, ўз ўрнида мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий натижаларига бевосита таъсир кўрсатади. Тадқиқотларимиз натижасида амин бўлдики, болалар ва ўсмирларнинг саломатлигини сақлаш ҳамда ривожлантириш борасида таълим тизимининг турли бўғинларининг илмий-услубий, ташкилий-бошқарув, педагогик фаолият олиб боришида юзага келган амалиётни мукамал деб бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан замонавий умумтаълим мактабларида юзага келган вазият таълим жараёнида болалар саломатлигини сақлаш муаммоларини ҳал қилишга янгича, ностандарт ёндошувни талаб қилади. Адабиётлар таҳлили асосида улардан баъзиларини айтиб ўтамыз:

- саломатлигида заифлиги бўлган болалар учун махсус «саломатликни реабилитация қилиш» махсус синфларини ташкиллаштириш (В.Ф.Базарный, В.А.Гуров, Э.Я.Оладо, Л.П. Уфимцева ва бошқалар) [3];
- «саломатлик мактаби» ни яратиш (В.Н.Касаткин, И.В.Кузнецова ва бошқалар) [4];
- ўқув фаолиятини уюштириш ва амалга оширишнинг ноанъанавий усулларида фойдаланиш.

Таълим тизимини ислоҳ қилишдаги долзарб муаммолар орасида ўқувчиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, онтогенезнинг барча босқичида болаларнинг жисмоний ва психик саломатлигини таъминлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун педагоглар ва болалар амалий психологларининг иш усуллари, психопрофилактик ва коррекцион дастурларни ишлаб чиқиш бирмунча жиддий масала ҳисобланади.

Мактабда ўқувчиларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашнинг қандай усулларида фойдаланилмасин, агар ўқувчиларнинг ўзларида шахсий саломатлигига онгли ва оқилона муносабат одат ва эҳтиёжлари шаклланмаган, уларда ўзининг жисмоний ва психик саломатлигини такомиллаштирилга малака ва кўникмалар ишлаб чиқилмаган экан, қутилган самара бўлмайди.

Болаларда саломатликка онгли муносабатни шакллантиришда спортнинг тутган ўрни юқори эканлиги, шубҳасиз. Қадим-қадимдан ота-боболаримиз инсонни жисмонан чиниқтирувчи, саломатликка ижобий таъсир этувчи машқларга жиддий эътибор қаратиб келишган. Спортнинг анъанавий турлари билан биргаликда миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйинлари ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Келинг, аввало, спорт турларига тўхталиб ўтайлик: бутун дунёда спорт икки йўналиш бўйича ривожланади: биринчиси, оммавий, яъни ҳамманинг имкони етадиган спорт; иккинчиси, юқори натижалар спорт.

Оммавий, яъни ҳамманинг имкони етадиган спорт мактаб-талабалик спорти, касбий-амалий спорт, жисмоний тарбия-кондицион спорт, соғломлаштирувчи-рекреатив спорт турларини ўз ичига олади. Машғулотларнинг йўналганлигига боғлиқ равишда оммавий спортда систематик машғулотлар жараёнида қатор вазифалар ҳал қилинади, булар, таълимий, тарбиявий, соғломлаштирувчи, касбий-амалий, рекреатив, ўзининг жисмоний саломатлик ҳолатини ошириш. Оммавий спортнинг асосини асосан жисмоний тайёргарликка ҳамда таълим ва тарбия тизими (умумтаълим мактаблари, лицейлар, коллежлар, касбий-техник ўқув юртлари, институтлар ва ҳ.к.) да умумий жисмоний яроқлиликни мақбуллаштиришга эришишга йўналтирилган мактаб-талабалик спорти ташкил этади. шундай қилиб, мактаб-талабалик спорти умумий жисмоний тайёргарликни ва оммавий даражада спортга оид натижаларга эришишни таъминлайди.

Оммавий спортга оид ҳаракатнинг бошқа йўналиши – касбий-амалий спорт муайян касбга тайёргарликни ҳам кўзда тутди. Хусусан, бу йўналишга ҳарбий ва хизматга оид кўп кураш, ўт ўчирувчи-амалий спорти, ҳарбий-ҳаво, десант, махсус мақсаддаги қисмларда кураш ва шарқ якка курашининг ҳар хил турлари киради.

Жисмоний тарбия-кондицион спорт ишга лаёқатлиликнинг зарурий даражасини тутиб туриш, оммавий расмий мусобақаларда иштирок этувчи одамларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Оммавий спортнинг яна бир йўналиши ҳисобланмиш соғломлаштирувчи-рекреатив спорт соғлом хордиқ, организмни тиклаш ва соғломлаштириш ҳамда ишга лаёқатлиликнинг муайян даражасини сақлаш воситаси сифатида тан олинади.

Олий ютуқлар спорти – бу спортнинг муайян турига қизиқишни қондириш, юқори спортга оид натижаларга эришишга йўналтирилган фаолиятдир. Бунда спортчи нафақат жамиятнинг тан олишига эришишга, балки шахсий обрўси каби, команда ва олий даражада Ватан обрўсини оширишга интилади.

Катта жисмоний ва психик кучланиш билан доимий равишда машқ қилиш, мусобақаланиш фаолияти шарофати билан катта спортда ютуққа эришиш мумкин бўлади. Мусобақаларда иштирок этиш спортчига катта масъулият юклайди, ҳар бир хатонинг юқори баҳоси, ҳар бир омадсиз старт унинг психикасига қатъий талабларни белгиловчи омил бўлади. Юқори натижалар спортнинг асосий ўзига хослиги ҳам шундан иборат.

Замонавий олий ютуқлар спорти ҳам турличадир. Ҳозирги вақтда қатор йўналишлар мавжуд:

- 1) ҳаваскорлик спорти;
  - 2) профессионал спорт;
  - 3) профессионал-тижорат спорти:
- ютуққа эришувчи-тижорат спорти;
  - кўришга оид-тижорат спорти.

Ўқувчиларда саломатликни сақлаш учун оммавий спорт турларига бўлган қизиқишни ривожлантириш, уларда, айтиб ўтганимиздай, шахсий саломатлигига онгли муносабатни шакллантириш бугун куннинг масаласи бўлиб қолмоқда. Чунки ҳеч кимга сир эмас, бугунги кийиниш русуми ҳам саломатликка таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу нуқтаи назардан ўқувчиларни муайян турига жалб қилиш уларнинг жисмоний саломатлиги каби, ҳаракатларининг уйғунлашиши, олдига қўйилган мақсадга эришишга интилиш, иродасини чиниқтириш, қарор қабул қилишда тарозуга қўйишни одатлантириш каби қатор психологик омилларнинг ривожланишига ҳисса қўшади.

Агар миллий спорт турларига назар ташлайдиган бўлсак, бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўзбек кураши бўйича мусобақалар ташкил этилиб, спортнинг шу тури усталари ўртасида жаҳон чемпионатининг мунтазам равишда ўтказиб келинаётганининг ўзи Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбини ғурурга тўлдиради.

Миллий спорт турлари орасида «Турон» кураши, Ўзбек жанг санъати, улоқ, кўпкари, човгон, белбоғли кураш ва камондан ўқ отиш алоҳида эътиборга молик. Айниқса, охириги йилларда Ўзбек жанг санъатига бўлган қизиқиш кучайиб бормоқда. Бу спорт тури миллий руҳ билан суғорилган бўлиб, ёшларда:

- абжирлик,
- эпчиллик,
- дадиллик,
- ҳушёрлик каби хусусиятларни шакллантиради;
- ўткир зеҳнли;
- кўркам қадди-қоматли бўлиб улғайишларида муҳим ўрин тутди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [1] да ҳам мактабгача таълим муассасасидан бошлаб болаларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қизиқишни шакллантириш, умумтаълим мактабларида эса жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб этган ҳолда иқтидорли болаларни саралаб олиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кейинчалик минтақавий ҳамда ре-

спублика спорт мусобақаларида иштирок этиш учун олимпия ва миллий спорт турлари бўйича синфдан ташқари спорт тўғараклари ҳамда секциялари машғулотларини ташкил этиш каби асосий вазифалар белгилаб қўйилган.

Шу нуқтаи назардан, болаларни жисмоний тарбия ва спортга қизиқиштириш учун қуйидаги тавсияларни беришни лозим топдик:

- ҳар бир фан доирасида болаларнинг нафақат ташқи кўринишлари, балки саломатликларига эътиборли бўлишлари юзасидан салмоқли фикрларни айтиб, уларнинг онгига масъулият ҳиссини сингдириш;
- умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия дарсларини қизиқарли мусобақа тарзида ташкиллаштириш орқали уларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш;
- мактабдан ташқари вақтларда эл таниган тренерлар, профессионал спортда ютуқларга эришга спортчилар билан учрашувларни ташкиллаштириш;
- синфдан ташқари соатларда бугунги кунда ўзбек спортчиларининг турли мамлакатларда ўтказилаётган турнирлар, спорт мусобақаларидаги чиқишларини томоша қилиш ва ўзаро фикр алмашиш.

### Адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. – Тошкент, 2017 йил 7 февраль.
2. Базарный В.Ф. Дитя человеческое. Психопсихология развития и регрессии. – М., 2009.
3. Базарный В.Ф., Уфимцева Л.П., Оладо Э.Я., Гуров В.А. Массовая первичная профилактика школьных форм патологии, или развивающие здоровье принципы конструирования учебно-познавательного процесса в детских садах и школах./Методические рекомендации. – М., 1989.
4. Касаткин В.Н. Тайна человека: Своеобразие реализма Ф.М.Достоевского. – М., 1994. 172 б.

## БОЛАЛАР ИЖТИМОЙЛАШУВИДА ЎЙИН ТЕРАПИЯСИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

### ● Г.Б.Рахматова, Нурота тумани, 11-сонли мактабгача таълим муассасаси

Бола ҳаётининг дастлабки йилларида ўйин фаолияти унинг шахсиятини шакллантирувчи дидактик омил бўлиб, бола шахсининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этадиган дастлабки ижтимоий педагогик ҳодиса ҳисобланади. Чунки ўйин жараёнида боланинг ўзлиги ва ички оламининг мазмун-моҳияти намоён бўлади, шу жиҳатдан ўйинлар боланинг маънавий-ахлоқий, иродавий сифатларини шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллайди. В.А.Сухомлинский «Ўйинларсиз тўлақонли ақлий ривожланиш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўйин – бу боланинг маънавий дунёсига тасаввурлар, тушунчаларнинг жонлантирувчи оқими қуйиладиган улкан ёрқин ойна. Ўйин – билишга интилиш ва қизиқувчанлик оловини ёқадиган учқундир», деганча ўйиннинг аҳамиятига эътироз билдириб бўлмайдиган тарзда таъриф берганида ҳақли эди. Демак, айнан шу учқундан самарали фойдалана олиш ҳар бир педагог, тарбиячига муайян масъулият юклайди.

Ўйин – буюмли-предметли ва ижтимоий воқеликда ҳаракат қилиш ҳамда уни англашга йўналтирилган жараёндир. У ўзининг келиб чиқиши, йўналиши ва мазмунига кўра ижтимоий воқелик ҳисобланади. Ўйин – бу бола фаолиятининг ёрқин тури. Мақсаднинг мавжудлиги, сабаблар, амалга ошириш воситаларининг режали ҳаракатлари, натижанинг мавжудлиги унинг ўзига хослигидир. Ўйин жараёнида боланинг психик билиш жараёни, иродаси, ҳиссиёти, эҳтиёжи ва қизиқишлари, таъсирчанлиги – унинг бутун шахсияти шаклланади.

Бола ўйинда амалий эҳтиёжларга қарам бўлмайди. Бунда у ўзининг бевосита эҳтиёж ва қизиқишларидан келиб чиқади. Болаларнинг ўйинлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Ўйин ўз мазмуни ва ташкил этилишига, болаларга таъсир кўрсатиш даражаси, буюмларнинг турлари ва келиб чиқишига кўра ижодий ва қоидаларни ўйинларга бўлинади.

Ижодий ўйинлар – бу болаларнинг мустақил ижодий, ўзлари ўйлаб чиққан ўйин мазмунидир. Бунда болалар ўз таассуротлари, борлиқ ҳаётдаги тушунчалари ва унга бўлган ўз муносабатла-

рини акс эттирадилар. Ижодий ўйинлар қуйидаги туркумларга бўлинади: сюжетли-ролли; драма-лаштирилган; қурилиш; табиат материаллари билан ўйналадиган ўйинлар.

Ижодий ўйинлар ва уларга раҳбарлик. Ижодий ўйинлар бошқа тур ўйинларидан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

1. Ўйин мазмунининг ўзига хослиги.
2. Ролларнинг мавжудлиги.
3. Хаёлий вазиятнинг мавжудлиги.

Ўйин мазмунининг ўзига хослиги унинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Педагог ва психологларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, катталарнинг ижтимоий ҳаёти ўзининг ранг-баранг кўринишлари билан сюжетли-ролли ўйинларнинг мазмуни бўлиб хизмат қилар экан. Шундай қилиб, болалар катталар ижтимоий ҳаётининг намунасини оладиган фаолият тури – ўйин бўлади, деб айтиш мумкин

Ижодий ўйинлар сюжетлари ва мазмунининг ранг-баранглиги, уларни тавсифлаш заруратини келтириб чиқаради. Сюжет ўйин фаолияти тизимида асосий компонент сифатида персонажни, ҳаётий вазиятни, ҳаракат ва персонажлар муносабатини ўз ичига олади. Ижодий ўйинларда хаёлий вазиятнинг мавжуд бўлиши боланинг тафаккурини ўстириб, сюжет ва роллар ўйин мазмунини такомиллаштиради. Ижодий сюжетли-ролли ўйинларнинг ўзига хос сабаблари мавжуд бўлиб, асосийси, болаларнинг катталар билан биргаликда ижтимоий ҳаёт кечиришга интилишидир. Ижодий сюжетли-ролли ўйинлар боланинг ёшига, ўйин мазмунига қараб ўзгариб боради. Кичик ёшдаги болаларда катталарга тақлид буюмлар билан бажариладиган қизиқарли ҳаракатларда намоён бўлса, бола улғая борган сари ўйиндаги катталар ҳаракатлари ва муносабатларини қайта акс эттиришга уриниш қуаяди. Шунга кўра, ўйинларни сюжети, мазмунига кўра 3 гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Маиший ўйинлар (оила, болалар боғчаси ва бошқа воқеликни акс эттирадиган).

2. Меҳнат мавзудаги ўйинлар (оила ва катталар меҳнатида иштирок этиш, ўз-ўзига хизмат ва бошқ.).

3. Ижтимоий мавзудаги ўйинлар.

Болалар ролларни танлаб ўйнайдилар. Сюжетли-ролли ўйинларда ҳатти-ҳаракатларни, қоидаларни эгаллаш асосида, ролда мужассамлаштирилган ахлоқий қоидалар ҳам ўзлаштирилади. Ўйинда кишилар турмушига, ишларига, жамиятдаги хулқ-атвор меъёр ва қоидаларига ижобий муносабат шакллантирилади. Худди шу жараёнда ўйин муомала маданиятини шакллантириш воситаси сифатида ҳам юзага келади. Ақлий тарбиянинг асосий воситаларидан бири бу сюжетли ўйин ҳисобланиб, унда бола атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларни акс эттириб, хаёлан уларни қайта тиклайди. Ўйиннинг хаёлий вазияти боланинг ақлий фаолиятининг ривожланишига доимо таъсир кўрсатади.

Д.Б.Эльконин дидактик ўйинларнинг ўз табиатига кўра ижтимоий аҳамият касб этишини таъкидлаганча, ўйинларга «ижтимоий муносабатлар арифметикаси», дея таъриф берди ва уларнинг педагогик моҳиятини батафсил очиб беришга муваффақ бўлди. Эрнст Тельман айтганидай «Ўз ҳаётий тажрибасини ҳар томонлама бойитмасдан туриб тарбиялашга уриниш – беъманиликдир». Ўйинлар – бола ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланаркан, улардан мақсадли фойдаланиш ўз самарасини бермай қолмайди.

Ўйиннинг санъатга яқинлиги сюжетли-ролли ўйинлардан эстетик тарбияда фойдаланиш имконини яратади. Бола ўйинидаги ижодкорлик билан боғлиқ бўлган туйғулар эстетик туйғуларга яқин туради. Ўйинда боланинг катта ҳаракат тажрибаси шаклланади. Турли ҳаракатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш учун қулай шароит яратилади, бола ролга қиради, ўз ролига оид ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун тасвирлаётган ролларнинг ўзига хос хусусиятларини онгли равишда ифодалайди.

Ўйин терапияси ўйин ва ўйинчоқлардан фойдаланадиган психотерапевтик ҳудудларда олиб борилиб, у кўпроқ болалар билан ишлашда қўлланилади. Кўпгина мутахассислар болалар хулқ-атворини ўйинлар орқали коррекция қилишни тавсия этадилар. Чунки ўйин болаларнинг фикрлаш тарзини акс эттиради, улар атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлар ҳамда уни ҳис қилиш орқали воқеа-ҳодисаларни англашга ўрганадилар. Боланинг ўйин жараёнини бошқарадиган психотерапевтлар болаларда мураккаб ҳис-туйғулар ёки вазиятларни бошқариш кўникмаларини шакллантирадилар.



Ўйин терапия усуллари боланинг ҳиссий ва руҳий ҳолатини яхшилаб ва уларни аниқ ташҳислашга, муаммонинг сабабини аниқлашга, уни тузатишга ва уни енгиб ўтишнинг мумкин бўлган усулларини таъминлашга имкон беради.

Ўйин-терапия усуллари фаол, пассив, эркин, тузилган усул ва муносабат терапиясига ажратилади.

Фаол ўйин терапиясини тузатиш усули сифатида боланинг рамзий тасаввурлари билан ишлаш. Болага таниш бўлган ўйинчоқлар таклиф этилади, улар муаммоли вазият билан боғлиқ бўлиши мумкин. Мутахассис машғулот пайтида пайдо бўлган ўйинларни ўйнашда иштирок этади. Бундай ўйин терапияси давомида ташвиш даражасининг тез пасайиши кузатилади. Бунда бошқа одамлар билан бўлган муносабатларини тушунишнинг ўзига хос бир белгиси сифатида боланинг мутахассис билан муносабатини шакллантириш муҳим ўрин тутди.

Пассив услуб – бу ўйин болаларда чекланмаган ва терапевтнинг раҳбарлиги остида бўлмаган ўйинлар. Мутахассис ўйин терапиясида муттасил иштирок этади. Ушбу услубда мутахассиснинг роли кўпроқ кузатилади. У фақат вақти-вақти билан боланинг ҳаракатларини шарҳлайди. Ушбу усулдаги етакчи рол болага тегишли бўлиб, у ўз ташвишларини, тажовузкорлигини ёки ишончсизликни ўйин услубида ишлаб чиқишга имкон яратади. Мутахассис ушбу усулда фақат мезбон бўлиши керак.

Ўйин терапия коррекция усули сифатида қуйидаги ўзига хос механизмларга эга:

- боланинг муносабатларга йўналтирилган ўйин шароитида визуал-самарали моделда жамоатчилик билан алоқалар тизимини рағбатлантириш;
- ўйин билан бир вақтнинг ўзида ривожланиш ва шериклик, ҳамкорлик асосида шахсий алоқаларни ривожлантириш, шахсий ривожланиш имкониятини таъминлаш;
- можаролар шароитида шахсни йўналтиришнинг янги, янада мос усулларини шакллантириш ва асимметриялаш жараёнларини босқичма-босқич ўрганишни ташкил этиш;
- ўйнаш терапияси сеанслари жараёнида ролни бажариш ва хулқ-атворни тартибга соладиган қоидалар тизимига асосланган фаолиятни ривожлантириш.

Ўйин – болалар ижтимоийлашувида ниҳоятда аҳамиятли омил бўларкан, катталар ва бола қатнайдиган муассасалар мутахассисларининг мақсадли йўналтирилган тарзда ош олиб боришлари, ўйин давомида нафақат болаларнинг мулоқотга киришиш маданияти шакллантирилади, балки уларнинг хотираси, қўллар ҳаракатларининг уйғунлашуви, мантиқий фикрлаши ҳам ривожлантирилади.

### Адабиётлар

1. Балакирева Е.И. Учебно-игровая деятельность как средство формирования и развития креативной личности школьника. // Дис. канд. пед. наук. – Саратов, 1996. 240 б.
2. Вуарен Н. Что такое игра? // Культура, 1982, № 4.
3. Сухомлинский В.А. Сердце отдаю детям. – М., 1956.
4. Эльконин Д.Б. Игра и психическое развитие ребенка-дошкольника. // Труды Всероссийской конференции по дошкольному воспитанию – М., 1949.

## ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ДИДАКТИЧЕСКИХ ИГРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ ОДАРЕННЫХ ДЕТЕЙ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА

- М.З. Реджабаева, к.м.н., доцент, ТГПУ им. Низами
- Д.А. Махмудова, доцент кафедры «Психология»,
- Ш. Ярашева, РЦСАД

Известно, что стремление к творческой деятельности считается отличительной характеристикой одаренных детей. Они высказывают собственные идеи и отстаивают их. В силу того что такие

ребята не ограничиваются в своей деятельности теми требованиями, которые содержит задание, они открывают новые способы решения проблем. Нередко отказываются от традиционных методов решения, если их собственные способы более рациональны и красивы.

Возрастные особенности детских лет жизни – необходимые предпосылки и вместе с тем существенные стороны проявлений умственного роста. Это означает, что нельзя подойти к пониманию признаков одаренности у детей без учета, без знания возрастных особенностей. С возрастом, как известно, происходят качественные изменения психических свойств: например, ослабляется образная впечатлительность, но возрастает роль словесной, понятийной регуляции; то, что было достоинством, может становиться признаком отставания на новом возрастном этапе. Другими словами, с годами у ребенка происходит не одно лишь увеличение и усиление более ранних свойств, но и их преобразование, и становление новых.

Первостепенное значение для понимания особых возможностей детства имеет возрастная чувствительность. Этими словами обозначают особую отзывчивость на окружающее, характеризующую периоды детства. Она проявляется в разных направлениях: в избирательности внимания, в своеобразии воображения и чувств. С наступлением сензитивного периода ребенок оказывается расположенным – именно в данную пору жизни, а не в какую-нибудь другую – к умственному росту в тех или иных направлениях.

Свойства возраста в годы детства (в отличие от зрелости) являются одновременно и предпосылками формирования способностей. Даже можно сказать, что возрастные особенности могут выступать как составная часть, или компоненты, интеллекта ребенка. То, что у детей подчас возникают неожиданные сопоставления и обобщения, рождаются продукты мышления, которые могут нести на себе печать оригинальности, во многом объясняется и нехваткой у них готовых «эталонов», непривычностью для них самого выполнения умственной работы.

С переходом от одного детского возраста к другому соответствующие сензитивные особенности не только постепенно или резко ослабевают, не просто вытесняют друг друга, но в какой-то мере и остаются у растущего человека, закрепляются. Причем у одного ребенка в большей степени, у другого – меньшей, у одного сильнее скажутся в дальнейшем свойства одного возрастного периода, чем иного, что может быть и генетически обусловлено.

Характерная черта детей с ранним умственным подъемом – их необычайная познавательная активность, ненасыщаемая потребность в деятельности, – как уже подчеркивалось, теснейшим образом связана с процессами созревания мозга. Вследствие быстрого темпа развития сближение, а затем и совмещение во времени особенностей настоящего и последующего возрастных периодов, сочетание возрастных факторов, идущих от разных периодов детства, по-видимому, обуславливают как бы удвоение, а может быть, и многократное усиление предпосылок подъема интеллекта. Другой вопрос, надолго ли сохранится это благоприятное сочетание внутренних условий умственного роста. Дальнейшее развитие тех, у кого совместились черты их возраста и последующего, может протекать по-разному.

В современной педагогике имеется немало инновационных разработок, позволяющих ребенку самому инициировать собственное обучение. Вместе с тем подобное обучение требует организации специальных форм взаимодействия со взрослыми (в первую очередь с учителями). Одаренный ребенок нуждается во взрослых наставниках не меньше других детей, однако он предъявляет особые требования как к уровню знаний такого наставника, так и к способу взаимодействия с ним.

Педагогическая игра – вид деятельности, характеризующийся четко поставленной целью обучения и соответствующим ей педагогическим результатом, учебно-познавательной направленностью. Игра наряду с трудом и учением – один из основных видов деятельности человека, удивительный феномен нашего существования. Значение игры невозможно исчерпать и оценить. Игру как метод обучения, передачи опыта старших поколений младшим люди использовали с древности. Широкое применение игра находит в педагогике, психологии в дошкольных и внешкольных учреждениях. Рассматривая игру как всеобщую спонтанно возникшую форму воспитания, известный психолог Д.Б. Эльконин подчеркивал, что «ни один другой вид человеческой деятельности не образует вокруг себя такого мощного «педагогического поля». Уникальность игры в том, что именно это и есть та деятельность, в процессе которой формируется человеческое воображение, без которого невозможно творческое проявление личности.

Значительное место в развитии детей с ограниченными возможностями дошкольного возраста уделяется игровым технологиям, позволяющим организовывать разнообразные виды детской деятельности и поддерживать постоянный интерес ребят к изучению развивающей программы.

Игра – вид деятельности, имитирующий реальную жизнь. Умение играть – это обязательный показатель культуры как личности, так и общества в целом. Игра – это естественная для ребенка и гуманная форма обучения. Обучая посредством игры, мы учим детей с ограниченными возможностями не так, как нам, взрослым, удобно дать учебный материал, а как детям удобно и естественно его взять.

Формирование и развитие умений и навыков поведения, превращение их в устойчивые привычки является достаточно сложным, длительным учебно-воспитательным процессом, требующим специальных упражнений и применения ряда дидактических методов и приемов. Игры помогают сблизить детей с ограниченными возможностями, объединить их общей интересной для всех деятельностью. Применение игровых технологий на занятиях обогатит дошкольников с ограниченными возможностями новыми впечатлениями, будет способствовать формированию навыков социальной компетентности, даст им новый социальный опыт, который так важен для развития личности. Игра вызывает чувство соревнования, желание победить, учит сопереживанию, содействует развитию эмоционально-волевой сферы, стимулирует деятельность. В процессе игры постоянно создаются ситуации, требующие немедленного решения, что ведет к формированию умения делать выбор и нести за него ответственность. А это требует самостоятельного решения, инициативы, развитого мышления.

Таким образом, применение игровых технологий в развитии детей с ограниченными возможностями является одной из уникальных форм обучения, которая позволяет сделать интересной и увлекательной работу обучающихся на творческо-поисковом уровне.

#### Список литературы

1. Лисина М.И. Общение, личность и психика ребенка. – М.; Воронеж, 2007.
2. Мухина В.С. Изобразительная деятельность ребенка как форма усвоения социального опыта. – М., 2001.
3. Махмудова Д.А. Консультатив психология ва психокоррекция. – Т., 2018.
4. Фельдштейн Д.И. Проблемы возрастной и педагогической психологии. – М., 2005.

## ТЎЛИҚ ВА НОТЎЛИҚ ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

### • М.Л.Саипова, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Оила – бу жамиятнинг ўта мураккаб ва кенг қамровли бўғини, хусусан:

1. Оила – жамият бўғини (кичик ижтимоий гуруҳи).
2. Оила – маиший турмушни уюштиришнинг энг муҳим шакли.
3. Оила – эр-хотинлик бирлиги.
4. Оила – эр-хотинларнинг биргаликда яшайдиган ва умумий хўжалик юритадиган қариндошлари: ота-она, ака-ука, опа-сингил, буви-бува ва бошқалар билан кўп томонлама муносабатларидир.

Оила кичкина ижтимоий гуруҳ сифатида фақат унгагина хос бўлган қатор психологик хусусиятларга эга:

- оиланинг ривожланиши жараёнида ўзгариши мумкин бўлган бир эмас, балки қатор умумоилавий мақадларнинг мавжудлиги;
- оила аъзоларининг қизиқишлари ва манфаатларидаги қисман ҳар хиллик;
- ўзаро муносабати аҳамиятли даражада оиладаги ўзаро ҳаракатланиш характери белгилайдиган эр-хотин жуфтлигининг мавжудлиги;
- унга турли авлод вакилларининг кирганлиги ва бошқа гуруҳларга қараганда унинг аъзолари ўртасидаги яқин танишликнинг ўта катта муддати;
- бошқа гуруҳлардаги каби оилада ҳамкорликдаги фаолият алоқасининг йўқлиги;

- оилавий муносабатларнинг кўп қирралилиги ва аҳамиятлилиги, уларнинг ўзаро алоқаси;
- оила аъзоларининг ўта очиқлиги, ҳимояга муҳтожлиги;
- юзаки ёки шахслараро дараж (оила аъзоларининг эмоционал мафтункорлигини, психологик жихатдан бир бирига тўғри келишини акс эттиради);
- оила аъзоларининг унинг вазифалари, мақсади ва истикболга муносабати даражаси (оиланинг қадриятли-йўналган бирлигини акс эттиради);
- оиланинг жиплилик моҳиятини аниқлаш даражаси (оиланинг декструктив, уни парқаловчи таъсирларга барқарорлигини кўрсатади).

Оиланинг жипслилик даражасини баҳолашнинг энг муҳим мезонлари куйидагилар ҳисобланади:

- фаолиятнинг ҳамжихатлик даражаси (келишилганлик, ҳамкорлик, ижодий муносабат);
- маънавий-психологик бирлик (шахсий ва оилавий интилишларнинг мувофиқлиги, қарашларнинг мос тушиши, меъёр ва қадриятларнинг ўхшашлиги);
- эр-хотинларнинг шахсий сифатларини ривожланиш даражаси (мулоқотга киришимлилик, стрессга чидамлилик);
- ижтимоий-психологик муҳит мазмуни (устунлик қилувчи кайфият, бир бирига ёнбосиш, ишонч ва хайрихоҳлик даражаси, эътибор ва бир бири тўғрисидаги ғамхўрликнинг мавжудлиги).

Энди тўлиқ бўлмаган оилаларга тўхталамиз. Оиланинг тўлиқ бўлмаслигини сабаблари: эр-хотинлардан бирининг барвақт оламдан ўтиши; эр-хотинлар ажрими; фуқаролик никоҳи туфайли оиланинг тўлиқ бўлмаслиги.

Бугунги кунда нотўлиқ оилаларнинг юзага келишида бирмунча кўп учрайдиган сабаб – бу ажримдир. Ҳукумат оила мустаҳкамлиги йўлида қанчалар саъй-ҳаракат қилмасин, ажримга олиб келувчи омиллар етарли. В.А. Сысенко фикрига кўра ажрим – бу бир 1ки ҳар икки партнёр, айниқса, болаларнинг руҳий мувозанатига таҳдид солувчи стрессли вазият [2].

Ажрим вазияти ҳеч қачон на отаси ва на онасидан айрилишни истамайдиган боланинг психик саломатлигига катта зарар етказиши. Ота-она, агар улар ўзлари сабаб бўлмасалар, бола учун беғона бўлиб қолмайдилар. Тадқиқотларимиз натижасида, амин бўлдикки, ажримга, айниқса, 7-12 ёшдаги болалар ўта куйиниб реакция қиладилар. Ўзини кераксиз, деб ҳис қилган болалар яқинлари томонидан эътиборнинг етишмаслигини турли усуллар билан, шу жумладан, асоциал ахлоқни танлаганча компенсация қилишга уринадилар.

**1-жадвал.**  
**Болаларда ажрим вазияти туфайли кузатиладиган ўзгаришлар**

№№	Болаларнинг ҳаракатлари	Миқдори (% да)
1.	Мактабда ўзлаштиришнинг пасайиши	36,8
2.	Уйдаги интизомнинг бузилиши	20,2
3.	Ўзига эътибор тортишга уриниш	16,4
4.	Норасмий гуруҳларга қўшилиш	11,2
5.	Дарсдан, уйдан қочиш	7,9
6.	Низога киришиш	7,5

Ота-оналарнинг ажрими туфайли болага етказилган руҳий жароҳат ўсмирлик ёшида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Отасиз ўсган ўсмирларнинг шафқатсизлиги ўзига эътиборни тортади. Ажралган оилаларда вояга етган ўсмирларда ўз-ўзини паст баҳолаш кузатилади. Г.Фигдор маълумотларига кўра отаси ғамхўр бўлган ўғил болалар ўз-ўзини баҳолашнинг юқори даражасига эга бўладилар, оталарининг ишончидан фойдаланадилар ва оталари улар учун обрўли шахс бўладилар.

Баъзи маълумотларга кўра оиланинг парчаланишида ягона фарзанд бирмунча ҳимояга, эътиборга муҳтож бўлади. Ака-укаси ёки опа-синглиси бўлганлар ажримни бироз енгил бошдан кечирадилар. Чунки болалар бундай вазиятларда тажовузкорлик ёки хавотирларини бир бирларига сарфлайдилар ва бу аҳамиятли тарзда эмоционал зўриқишни пасайтиради ва асабий зўриқиш эҳтимолини пасайтиради.



№№	Тўлиқ оилалар	Нотўлиқ оилалар
I	<b>Онага бўлган муносабат</b>	
	«Онам билан бирга», «Онамни ёрдамга чақираман»	«Онам билан бирга», «Онамни ёрдамга чақираман»
II	<b>Отага бўлган муносабат</b>	
	«Ота-онам билан»	«Оилам билан» (кимлигини таъкидлашдан қочиш)
III	<b>Бувига бўлган муносабат</b>	
	Бегоналашган муносабат	«Бувим билан», «Уйда бувим бўладилар»
IV	<b>Бувага бўлган муносабат</b>	
	Бегоналашган муносабат	«Бувим ва бувам билан»
V	<b>Дўстликка бўлган муносабат</b>	
	Эҳтиёж юқори: «дўстим билан», «дугонам билан»	Эҳтиёж кам: «ота-онам ва дўстим билан»

Тадқиқотимизнинг дастлабки натижаларидан қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Замонавий оилаларнинг ривожланиш тенденцияси расмий никоҳсиз яшашни афзал кўрувчилар, ёлғиз оналар сонининг ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

2. Нотўлиқ оилаларнинг шаклланишини асосий сабаблари (никоҳсиз туғилиш, ажрим, бевалик) дан ташқари ота ёки онаси меҳнат миграциясида бўлганлар каби қўшимча сабаблар пайдо бўлмоқда.

3. Нотўлиқ оилалардан бўлган болалар ва ўсмирларни психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аввало, психологик-ижтимоий мақомини, психологик қийинчилик ва муаммолар: ахборот, ахлоқий, мотивацион, эмоционал, характерологик жиҳатларни ишлаб чиқиш ҳисобига уларнинг ўз-ўзини адекват тарзда рўёбга чиқаришларини тиклашга йўналтирилган бўлиши лозим.

4. Нотўлиқ оилаларда турли таъсирларнинг олдини олиш учун тарғибот ишлари 2 йўналишда олиб борилиши зарур:

- тарғибот ишлари: форумлар, ахборот берувчи рисоалар, конференция, маърузалар;
- профилактик-коррекцион иш: тренинглари, ўқитувчи курслар.

Айнан шу тавсиялар амалга оширилган тақдирда, нотўлиқ оилалардан бўлган болаларнинг муваффақиятли ижтимоийлашуви, жамиятга реинтеграциялашуви ёрдамлашган бўламиз.

### Адабиётлар

- Сысенко В.А. Супружеские конфликты. – М.: Этика, 2003. 149 б.
- Фигдор Г. Дети разведенных родителей: между травмой и надеждой (психоаналитическое исследование). – М.: Наука, 1995. 376 б.

## ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЁШЛАРНИ ЎҚИТИШ ВА ТАРБИЯЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- Д.А.Сайфуллаева, педагогика фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори  
Бухоро муҳандислик-технология институти
- К.Т.Умматалиева, педагогика фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори,
- Қ.Т.Олимов, педагогика фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги

Имконияти чекланган ёшларнинг ижтимоий гуруҳини ўқитишни ривожлантириш стратегияси деганда фанлараро назария ва инновацион халқаро тажрибалар ва мамлакатимиз амалиётидан

фойдаланиш асосида таълимнинг давлат-ижтимоий тизимини умумий рефлексив тартибга солишнинг етарлича давомли босқичи тушунилади.

Устувор вазибалар сифатида стратегия қуйидагиларни илгари суради:

- инсон шахсининг ҳаёт фаолиятини чеклашлар, унинг қадриятли-мазмунли мўлжаллари ва кўрсатмаларини ривожлантириш, замонавий илмий ва амалий билимларга, анъанавий ва инновацион технологияларини эгаллаш, унда ўзини белгилашга ва ўзини намоён қилишга тайёргарликни шакллантириш;
- ижтимоий гуруҳнинг таълими ва ижтимоий-маданий фаолиятнинг умумлашган субъекти сифатида ривожланиши (бу ижтимоий гуруҳни ташкил этиш учун зарур бўлган маъмури ва технологиялардан фойдаланишга таянган ҳолда);
- таълимнинг барча функцияларини (мослашувчан, ривожлантирувчи) амалга оширишга йўналтирилган барча асосий даражаларда (федерал, минтақавий, муниципал даражада аниқ институционал ва ноинституционал таълим шаклларида) шароитлар яратиш, имкониятлари чекланган шахсларга ҳаёт фаолиятидаги чеклашларнинг қийинчиликларини енгишга ва таълимнинг фаол субъекти сифатида ижтимоий-маданий маконга интеграцияланишга имкон беради.

Таълим тизимини тартибга солишнинг барча шароитларида (сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий-этноик, педагогик) ногиронларнинг ижтимоий гуруҳининг таълим тизими барча даражаларига тарқалувчи маълум бир ижтимоий-таълимий дастурда юқорида айтиб ўтилган қоидаларнинг амалиётда амалга оширилиши ўқувчиларнинг ҳаётини ижобий ўзгартиришга ва шу билан ижтимоий муҳофаза қилиш амалларидан бири бўлиб иштирок этишга имкон берадиган маълумот олиш учун пойдевор яратади[1].

Имкониятлари чекланган ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш тизимини ташкил этишнинг қуйидаги асосий ижтимоий-педагогик тамойилларини ажратиш мумкин:

- имкониятлари чекланган ёшларни ўқитиш тизимини ташкил этишда фанлараро хусусиятга эга (унинг фалсафий, иқтисодий, психологик, педагогик асосларини ҳисобга олиш) мураккаб ярим функционал ҳодиса сифатида комплекс ёндашиш;
- имкониятлари чекланган ёшларни ўқитиш тизимида унинг кўп даражали шароитида идоралараро ва тармоқлараро ёндошувнинг алоқаси (даражаларнинг ҳар бирида тизимнинг технологик ва ахборот билан таъминланганлиги);
- жамиятни ижтимоий бошқариш шароитида (қонунчилик, ижрочилик,) имконияти чекланган шахсларни ўқитиш тизимининг барча даражаларида давлат-жамоатчилик муносабатларини қўшиб олиб бориш, бу имкониятлари чекланган шахсларни ўқитиш тизимида ижтимоий гуруҳ сифатида бошқаришни ва ўзини бошқаришни қўшиб олиб боришнинг оптимал характерини таъминлашга имкон беради;
- имконияти чекланган шахсларни ўқитиш тизими эволюция назарияси контекстида, замонавий парадигмаларда: гуманитар-шахсий, маданий-тарихий, тизимли тузилмалар ва тузилмалар-функционал парадигмаларда таҳлил қилиш, бу эса имкониятлари чекланган шахсларнинг аниқ бир тоифаларини ўқитишнинг илмий-амалий стратегияларини ишлаб чиқишга, илмий йўналишларнинг интеграциясига, имкониятлари чекланган шахсларнинг индивидуал эҳтиёжларига мослашувига, ўқитишнинг мураккаб кўп поғонали тизимларининг назарий ва амалиётини янада ишлаб чиқишга имкон беради;
- имконияти чекланган ёшларни ўқитиш тизимининг узлуксизлиги, расмий, норасмий ва информал қисм тузилмаларнинг ўзаро интеграцияси шароитида институционал ва ноинституционал шаклларнинг ўзаро алоқаси ва изчиллиги;
- имкониятлари чекланган ёшларни таълимий ва касбий вазиятларга индивидуал мослашиши учун шароитлар яратиш мақсадида кузатиш хизматининг (тиббий-психологик, ижтимоий-педагогик) мавжудлиги;
- имконияти чекланган ёшларнинг ўқитиш фаолияти соҳасига кирувчи ўқитиш субъекти, ўқитиш маъмури ва технологиялари, реабилитацион шароитларнинг ягона концептуал ядросида қараб чиқиш.

Имконияти чекланган ёшларнинг ўқитиш тамойилларини амалга ошириш замонавий таълим стратегиясининг ривожланишини ҳисобга олади.

Шу ўринда жаҳон миқёсида имконияти чекланган ёшларга қилинаётган шароитлар ҳақида тўхталамиз. Бутун дунё аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси жадаллик билан ривожланиб, фаровон турмуш шароитини яратиш имконини бермоқда. Шундай экан, болаларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар тизими ва шакллари бўйича энг илғор хорижий тажрибани ўрганиш муҳим вазифалардандир биридир. Болалар ижтимоий хизмати кўпгини давлатларда ташкил этилган, у асосан куйидаги мақсадларни кўзда тутди:

- оилаларнинг фаровонлиги ва турмуш даражасининг ўсиб боришини давлат томонидан таъминлаш;
- болаларга нисбатан зўравонлик ва эксплуатация бўйича профилактика ишларини олиб бориш;
- турли хил институционал ва ноинституционал шаклдаги васийлик органларини ташкил этиш ва уларни фаоллигини қўллаб-қувватлаш[2].

Ғарб мамлакатларида ҳам болани парвариш қилиш шаклидаги хизматлар мавжуд. Масалан, Германияда ушбу шакл «кундузи она» деб номланади. Германиянинг 1990 йилдаги болалар ва ёшларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги янги Қонунга кўра, кундузи она ўзининг харажатлари учун компенсация ва болаларини парвариш қилиш бўйича барча масалалар юзасидан консултация ёрдами олиш ҳуқуқига эга. «Швецияда 1982 йилда «Оилалар билан ишлашнинг алоқа модели» деб номланувчи Миллий ҳайрия дастури ишлаб чиқилган [3].

Имконияти чекланган болаларнинг жамиятга қўшилиши осон кечадиган жараён эмас. Ногиронлиги бўлган, жисмоний имконияти чекланган болалар тортиниб, кўп ҳолларда уйдан чиқмасликни афзал кўрадилар. Айниқса, уларнинг таълим жараёнидаги ижтимоий-психологик мослашуви катта аҳамиятга эга [4].

Ҳозирги ахборот оқими кўпайган, ҳаёт тарзи жадалликни, доимий фаолликни талаб қиладиган даврда ўсмирларда шу жумладан, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларида стрессли вазиятлар, ҳолатлар кўпайиб бормоқда. Бу эса организмда бир қанча ўзгаришлар ва зўриқишларга олиб келади. Стрессни вақтида бартараф қилмаслик ва унинг сурункали узоқ давом этиши психикага турлича таъсир кўрсатиб, депрессив ҳолатларга олиб келиши ҳам мумкин. Кейинчалик эса сурункали асабий танглик ҳолатидан турли хил соматик касалликлар, ҳаётдан, ўз ишидан қониқмаслик ҳисси шаклланиши мумкин. Булар, албатта, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг келажагига, шахслараро муносабатларига, таълим олишига салбий таъсир кўрсатади.

### Адабиётлар

1. Сайфуллаева Д.А., Мирзаева Ф.Т., Олимов Қ.Т. Имконияти чекланган ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитишнинг ижтимоий жиҳатлари // Тиббиётда янги кун. Илмий-рефератив журнал. – Тошкент, 2016. №3-4, Б. 293-295.
2. Беляева Л.А. Социальная работа с различными категориями людей/ Учебное пособие. – Томск, 2003. 43 б.
3. Корнюшина Р.В. Зарубежной опыт социальной работы. –Владивосток, 2004.
4. Алимова Ш.Х.. Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни йўлга қўйиш ва ривожлантириш масалалари // «Ижтимоий инклюзия: болалар ижтимоийлашувидаги янги йўналишлар» мавзусидаги Халқаро Конференция. – Т., 2017. Б.44-45.

## АЛОҲИДА ЭҲТИЁЖГА ЭГА БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЖАЛБ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

- Г.Салихова, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «XXI асрда олий таълим: ёндашувлар ва амалий чоралар» Бутунжаҳон декларацияси, ЮНЕСКОнинг «Олий таълимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш» дастурий ҳужжати, Европа ОТМ таълим сифатини бир хиллигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Болонья декларацияси дунё миқёсида таълим сифатини оширишда муҳим ўрин эгалламоқда Ушбу соҳада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий меъёрий ҳужжат бў-

либ хизмат қилади. Жумладан, Конституциянинг 45- моддасида вояга етмаганлар ва ногиронлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги акс этган бўлса, барча болаларнинг қонун олдида тенглиги 65-моддасида белгилаб қўйилган.

2008 йилда қабул қилинган «Болалар ҳуқуқлари кафолатлари» тўғрисидаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб- қувватлаш тизимини тубдан таккомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5270-сонли Фармони асосан барча ногиронлиги бўлган шахсларни Ўзбекистон таълим тизимининг меъёрий базасини инклюзив таълим амалиётларини жорий қилиш учун асос яратувчи замонвий ва юқори сифатли негиз яратилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Қонуни ногиронлиги бўлган болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлайди.

Ўзбекистонда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази томонидан Европа Иттифоқининг техник кўмаги асосида 2014-2016 йилларда «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжларга эга болалар учун инклюзив таълим» лойиҳаси амалга оширилган. Ушбу лойиҳа орқали Ўзбекистон ҳукумати алоҳида эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига интеграция қилишга тарафдор эканини намойиш этди. Лойиҳанинг асосий мақсади 2 ёшдан 10 ёшгача алоҳида эҳтиёжли болалар учун таълим сифатини такомиллаштириш ва уларни Ўзбекистондаги мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларига интеграция қилишни таъминлашдир. Инклюзив таълим имконияти чекланган болаларнинг ўз соғлом тенгдошлари билан биргаликда таълим-тарбия олиши, оила муҳитида яшаши ва илк ёшдан ҳаётга мослашишини кўзда тутадиган таълим тизими бўлиб, у имконияти чекланган болаларга оид қонунчиликнинг охириги ўзгаришлари Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистонда ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси ҳақида» қонунда ўз аксини топди.

Бугунги кунда оилада имконияти чекланган болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этишда ота-онанинг роли жуда катта аҳамиятга эга. Сабаби боланинг жамиятда ўз ўрнини топишида ижтимоий мослашуви имкониятлари муҳим аҳамиятга эга. Оилада ҳамкорликда жисмоний, рухий ривожланишда камчилиги бор болаларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш, умумий ва махсус билим даражасини оширишлари лозим, деб ўйлаймиз. Оилада имконияти чекланган болаларга ота-оналари ва хоҳишига кўра махсус муассасалар билан ҳамкорликда умумтаълим мактаби ёки мактабгача таълим муассасаларига жалб этиш зарур. Оила аъзоларига инклюзив таълимни амалга оширишда биринчи навбатда умумтаълим мактабларидаги афзалликлар ва фарқлари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади. Инклюзив таълимни яна бир ижобий томонларидан бири шундан иборатки, имконияти чекланган болалар интеграциялашган таълимга кўра «Яккаланиб» ўқитилишдан холи бўладилар. Шундай экан, ота-оналарда менинг фарзандим ҳам умумтаълим мактабида ўқий оладими, деган савол туғилиши мумкин. Ҳозир юртимизда умумтаълим мактаблари ва болалар боғчаларига алоҳида эҳтиёжли болалар анъанавий усулда жалб қилинади. Лекин шу пайтгача таълим бериш ҳамда тарбия услублари инклюзив педагогик услубларга асосланмаган эди. Оқибатда бундай болалар эгаллаган билим, кўникма ва малакалар уларнинг эҳтиёжига тўлақонли жавоб бермай, имкониятларини тўлиқ намоён этилишига тўсқинлик қиларди.

Инклюзив таълим эса барча болаларнинг имкониятларидан қатъи назар, айниқса, имконияти чекланган алоҳида эҳтиёжли болаларнинг тенгдошлари қатори таълим олиш имкониятларини таъминлашга йўналтирилган. Инклюзив таълим тамойилларига асосан ҳамма бола таълим олиш ҳуқуқига эга, шунга биноан, у керакли билим олиши учун қўллаб-қувватланиши ҳамда унга тегишли шарт-шароит яратиб берилиши шарт. Таълим соҳасида алоҳида эҳтиёжга эга шахслар оддий умумтаълим мактабларида ўқишлари, бунинг учун уларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида таълим олишга йўналтирилган махсус педагогик услублар ишлаб чиқилиб, шароит яратилиши зарур.

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиётган «Ўзбекистондаги алоҳида эҳтиёжли болаларнинг инклюзив таълим олиши» лойиҳаси 2014 йил мартдан бошланиб, 2016 йилнинг сентябригача давом этиши режалаштирилган. Шу кунгача 1000 нафардан ортиқ педагог ва 153 та тиббий-педагогик, психологик комиссия мутахассисларининг малакаси оширилди, бунинг учун 4та ўқув модули ишлаб чиқилиб, татбиқ этилди. Бешта етакчи Ресурс маркази очилиб, алоҳида таълимий эҳтиёжли болалар ҳамда уларнинг ота-оналари, шунингдек, инклюзив таълим хизматларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллашни жорий қилишда иштирок этувчи экспертларга методик маслаҳатлар берилди. Қолаверса, ушбу йўналишдаги аҳоли ва жамоатчиликнинг билими,



оширилиб, етарлича тушунтириш ишлари олиб борилди. Бугунги кунда Тошкент шаҳри, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти ва шаҳри, Хоразм вилояти-Урганч шаҳри, Сурхандарё вилояти-Термиз шаҳридаги, мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида инклюзив таълим ишлари йўлга қўйилган ва у ўз самарасини бермоқда.

Инклюз таълимни амалга оширувчи педагогни таёрлаш ва уни ривожлантириш ҳар бир давлатдаги инклюзив таълимнинг етакчи омили бўлиб бормоқда.

Ҳозирги кунда инклюзив таълимни амалга оширишда ишловчи педагогларни таёрлаш ва уларнинг маласини ошириш учун педагогик таълим тизими йўналишларини янгилаш ва такомиллаштириш зарур. Мазкур ўзгаришларнинг асосий тамойиллари ҳар бир инсон учун истаган вақтида билим олиш жараёнида иштирок этиш имкониятини беришга хизмат қилади. Шу каби тамойилларга қуйидагиларни киритиш мумкин;

- ҳар хил турдаги ва типдаги таълим ва ижтимоий муассасаларда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларга таълим бериш учун педагогларни тайёрлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича давлат кафолатларини таъминлаш;
- педагогнинг меҳнат фаолияти мобайнида инклюзив таълимни ривожлантиришнинг замонавий норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий механизмларини яратиш;
- педагогларнинг жаҳон миқёсида ижтимоий мақомини, касбий билим малакаларини ошириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қуватлашни кучайтириш;
- аҳоли ўртасида инклюзив таълимни ривожлантиришга мўлжалланган педагогик таълим бошқаруви тизимини яратиш.

Инклюзив таълимни янада ривожланиши учун ота-оналар, жамоатчилик ва педагоглар ўртасида кенг муҳокама этиб, фикр алмашилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

## **СИСТЕМА СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ В УЗБЕКИСТАНЕ – ОСНОВА БЛАГОПОЛУЧИЯ СЕМЬИ**

- **Н.В. Соседова, доцент кафедры логопедии ТГПУ им. Низами,**
- **И.И. Исмаилова, студентка III курса  
факультета специальной педагогики ТГПУ им. Низами**

Система социальной защиты населения Узбекистан, развивающаяся на пути реализации собственной модели перехода к социально ориентированной экономике, отличается от других стран рядом позитивных особенностей. Так, в отличие от большинства государств, в республике социальная защита населения характеризуется своей всеобщностью, т.е. охватом социальными гарантиями всех без исключения граждан и слоев населения. Кроме того, эта система распространяется на весь жизненный цикл человека, т.е. защищает права и интересы детей, молодежи, работающих граждан и инвалидов, престарелых и нетрудоспособных. Она касается также и всех сфер деятельности человека: образования, здравоохранения, труда, отдыха и др.

В дополнение к государственным источникам финансирования системы социальной защиты населения, улучшения материального положения людей были активно задействованы средства трудовых коллективов, общественных и благотворительных организаций и фондов. В дальнейшем при осуществлении социальной помощи населению были существенно расширены права и повышена ответственность местных органов власти и управления.

По мере достижения экономической стабильности и перехода к этапу устойчивого экономического роста в Узбекистане сформировалась принципиально новая прогрессивная система социальной защиты. Она соответствует морально-нравственным ценностям, образу жизни и мировоззренческим ориентирам, тысячелетиями формировавшимся на Востоке. Сама система социальной защиты стала более унифицированной, с четкой ориентацией на конкретных потребителей, основными ее пользователями стали дети и малообеспеченные семьи, а все пособия и материальная помощь оказываются только через семью. Семья является ключевой фигурой в современной системе социальной помощи, что отвечает общегуманным принципам, национальным традициям и менталитету, соответствует той роли, какую занимает семья в системе социальной

организации общества в Узбекистане. В тоже время крайне сложным оказался выбор критерия отнесения семей к категории малообеспеченных. Известные методы декларирования доходов оказались малопримемлемыми для Узбекистана. Наиболее простым, но эффективным и открытым механизмом осуществления социальной помощи нуждающимся стал механизм оказания помощи через махаллю, которой в соответствии с законом придан статус органа самоуправления. Таким образом, система социальной защиты в Узбекистане строилась как на общепринятых принципах, так и с учетом специфики условий республики.

Система социальной защиты населения в Узбекистане основана на принципе дифференциации, т.е. различия в выборе целей, предмета, форм и методов финансирования, их источников в зависимости от экономической самостоятельности человека, уровня его трудоспособности, способа и размеров получаемого дохода и др. В основу системы социальной защиты населения в Узбекистане положен не только строго дифференцированный подход к различным слоям населения, но и целевой характер и адресность социальной помощи, участие в ее оказании предприятий, общественных организаций, в том числе органов самоуправления граждан, благотворительных и других негосударственных фондов.

Вместе с этими особенностями система социальной защиты в республике строится и на общепринятых принципах. К числу основных из них относится принцип стимулирования роли личных доходов в повышении уровня жизни населения, в удовлетворении своих материальных и духовных потребностей. Таким образом, в Узбекистане осуществлена постепенная трансформация всей системы социальной защиты населения, ее рационализация: устранялись и видоизменялись малоэффективные формы социальной защиты населения, расходы на нее приводились в соответствие с бюджетными возможностями. Вместе с тем в республике социальная защита населения стала развиваться в том же направлении, как и в большинстве стран с развитой рыночной экономикой: по пути создания системы социальных гарантий, устанавливаемых государством, и программ социальной помощи отдельным группам населения.

### Литература

1. Каримов И.А. Высокая духовность – непобедимая сила. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Абдурахманов К.Х. Экономика социальной сферы. – Т.: Иктисодиёт, 2013.

## УЮШМАГАН ЁШЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

- **М.Собирова, Низомий номидаги ТДПУ «Миллий ғоя ва маънавият асослари» кафедраси доценти, ф.ф.н.**

Инсоният тарихий тараққиётининг қайси бир даврига назар ташламасак, энг долзарб ва энг машаққатли масала – ёшлар масаласи бўлиб келганлигига гувоҳ бўламиз. Қадимдан қайси бир мамлакатда тарбия билан боғлиқ муаммолар энг долзарб муаммо сифатида қайд этилган ва ҳал этишга ҳаракат қилинган бўлса, ўша жойда ривожланиш бўлган. Ёшлар тарбиясига эътиборсизлик бўлган жойда инқироз ва ўпирилишлар содир бўлган. Бунга сабаб ҳар бир даврга бирдек тааллуқли бўлган ҳақиқат борки, бу ҳам бўлса, ёшлар – ҳар бир мамлакат келажагининг эгалари.

Аслида ҳам шундай. Ёшлар мамлакат таянчи, халқнинг ишонган кучи, миллатнинг давомчиларидир. Шу боисдан бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмуни кўп жиҳатдан, эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгаларининг ҳар томонлама етук бўлишларини ифодаламқда ва мамлакатимиз раҳбари деярли ҳар бир чиқишида бу масалага куюнчаклик билан алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бир маърузасида, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келганлигини, аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бораётганлигини таъкидлаб, таълим ва тарбияга масъул бўлган ҳар бир инсонни уйғоқликка чорласа(2.238), бошқа бир нутқида сайёра-

мизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқлиги, бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олиш эканлиги ҳақида дунё ҳамжамиятини огоҳ этмоқда (1).

Ҳақиқатан ҳам шиддат билан кечаётган ҳозирги глобаллашув даври ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлоддан замон талабларига мос бўлишни ҳамда ижтимоий фаолликни талаб қилмоқда.

Шу ўринда савол туғилиши табиий: нима учун ёшлардан айнан ижтимоий фаоллик талаб қилинган? Жавоб унча мураккаб эмас. Чунки ижтимоий фаоллик инсон шахс сифатидаги даражасининг асосий ифодаси, унинг айнан сифат кўрсаткичидир. Демак, ижтимоий фаоллик шахснинг муҳим сифати. Ижтимоий фаол инсон атрофида бўлаётган воқеа ҳодисаларга бефарқ қарамайди, мавжуд ютуқ ва муаммоларга ўзини дахлдор деб ҳис этади, оиласи, маҳалласи, юрти шаънини асрашга ўзида куч ва ирода топа олади. Ватани, халқи учун керак бўлса, жонини фидо қилишга шай туриш – буюк инсоний фазилат эканлигини англаб этади. Айнан шундай ёшлар билан жамият, мамлакат ва халқ фаровонлигини таъмин этилади.

Айнан шу боисдан ҳам бугун ёшларда маънавий қадриятлар ва ахлоқ нормалари замирида айнан ижтимоий фаоллик сифатини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, маънавий қадриятлар ва ахлоқ нормаларининг бузилиши жамият барқарорлигига путур етказди. Шу маънода қадимги юнон мутафаккири Арастунинг «табиат инсонга жисмоний ва интеллектуал куч-қудрат берган. Аммо инсон бу қудратдан ғайриинсоний мақсадларда ҳам фойдаланиши мумкин. Шунинг учун фаолияти ахлоқий кафолатланмаган инсон энг пасткаш ва ёввойи мавжудотдир» (3.301), деган фикрлари ўз даврида қанчалик муҳим аҳамият касб этган бўлса, бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас.

Шу ўринда буюк юнон мутафаккирининг ушбу фикрларини келтириб ўтишимиз бежиз эмас. Афсуски, бугуни орамизда «ахлоқий кафолатланмаган» тоифасига кириши эҳтимолдан холи бўлмаган ёшлар ҳам талайгина. Айни пайтда бундай ёшларни жамиятнинг уюшмаган ёшлари сафига кўшяпмиз.

Хўш, уюшмаган ёшлар ўзи кимлар? Уюшмаган ёшлар – қандайдир сабаблар билан фаол ижтимоий ҳаёт ва турмушдан четда қолаётган ўғил-қизлардир. Бу каби ёшлар категориясининг юзга келишига бир қатор сабаблар мавжуд. Ана шундай сабаблардан бири афсуски, бугунги кунга қадар кўпроқ фаол, кўзга кўринган, иқтидорли ёшлар билан иш олиб борилиб, қолганлари эсдан чиқариб келинди. Шунингдек, аслида иқтидори бўлган, бироқ, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида, олис қишлоқларида яшаётган айрим ёшлар ҳам эътиборсиз қолдирилди. Бундан ташқари, кўпроқ таълимга эътибор қаратилиб, тарбия биров ёддан кўтарилди. Шу туфайли уюшмаган йигит-қизлар сони кундан-кунга кўпайиб борди.

Шу ўринда эътибор қаратиш керак бўлган бир жиҳат борки, акарият ҳолларда айнан шундай категориядаги ёшлар барча норозилик ва кўнгилсизликларнинг асосий кўзгатувчилари бўлиб қолмоқда. Бундай ёшларнинг сони, таркиби бўйича аниқ маълумот йўқ. Шуниси равшанки, республикамизда 700 минг нафарга яқин ишсиз йигит-қизлар мавжуд.

Биз «Ўзбекистон уюшмаган ёшларида мафкуравий иммунитетни такомиллаштиришнинг илмий асослари» номли илмий-амалий тадқиқотимиз доирасида Бухоро, Фарғона, Қашқадарё ва Тошкент вилоятидаги ҳозирга кунда бирор бир фаол машғулот турига эга бўлмаган турли тоифадаги ёшлар билан учрашганимизда, уларнинг орасида олий маълумотга эга бўлган, ҳатто икки ёки ундан ортиқ тилни эгаллаган ёшларнинг борлигига ҳам гувоҳ бўлдик. Улар билан ўтказилган суҳбатлар давомида ишонч ҳосил қилдикки, бу тоифадаги ёшларга озгина ишонч, озгина далда ва биров эътибор зарур. Зотан, ҳар бир уюшмаган ёш ўғил қизни қийнаётган масалаларга беъэтиборлик уларнинг турли иллатлар гирдобига тушиб қолишига сабаб бўлмоқда. Яна шунга ишонч ҳосил қилдикки, биз акарият ҳолларда ёш авлодни «келажагимиз, эртанги кун бунёдкорлари» деб овуниб қолаётган эканмиз. Мамлакатимиз раҳбари ўринли тарзда таъкидлаётганидек, энг аввало, улар бизнинг бугунимиз экан. Биз бугун ҳақида вақтида қайғурмасак, эртага кеч бўлади.

Чунки бугунги тез ўзгараётган дунё ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар эшигини очиш билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-ҳатарларга ҳам дучор бўлиш хавфини келтириб чиқармоқда. Ҳатто айрим ғаразли кучлар содда ва ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб солиш орқали уларнинг ҳаётига зомин бўлиш ҳоллари кўпайиб бор-

моқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда ёшларнинг турли экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқиш, биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-куй уюшмаган ёшлар билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ тутиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришни талаб этмоқда. Шу ўринда эндигина олий даргоҳни тамомлаб, қўлига диплом олиб қайтган ёшлар билан маҳаллаларда учрашувлар ўтказиш, уларга ишонч билдириш, бу каби ёшларни ижтимоий фаолликка жалб қилиш ижобий сарама беради. Қолаверса, мамлакатимизда ёшлар учун яратиб берилаётган имкониятлар ҳақида ёшларга мунтазам ахборот бериб бориш, уюшмаган ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда уюшмаган, яъни, ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлар сони ортиб бориши мумкин.

Шу ўринда яна бир масалани ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Яъни баъзи мутахассислар қайд этишаётганидек, фан ва техника жадал ривожланаётган ҳозирги шароитда, аксари ёшлар олдида турли муаммоларнинг пайдо бўлиши, биринчи навбатда, уларнинг дунёқараши тамомила ўзгарганида. Шундай экан, бугун ота-ота, маҳалла-қўй, устоз-мураббийлар, энг аввало, ёшларнинг қўнглига йўл топишга, қалбига яқин бўлишга, уларнинг энг яқин инсонига айланишга ҳаракат қилиши зарур. бу жараёнда фарзандларимизга ундай қилма, ёмон, бундай қилма, бу яхши эмас демаслик учун уларга бугун нима учун яшаётганини, қандай мақсад сари интилиши ва бунинг учун нималар қилиши лозимлигини, тирикликнинг асл мақсадини англатишимиз керак. Албатта бу осонликча бўлмайди, бунинг биз катталардан ирода, матонат, билим ва энг муҳими, шахсий ибрат талаб қилинади.

Уюшмаган ёки шу тоифага мойиллиги бўлган ёшларни ижтимоий фаолликка жалб қилиши-мизнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, биз ўзимизнинг саъй-ю ҳаракатларимиз билан буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ният қилгандек, тарбияни ҳаёт, нажот ва саодатга айлантирамиз.

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.//Халқ сўзи, 2017 йил, 21 сентябрь.
2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. //Жисмоний ва маънавий баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2018. 505-б.
3. Аристотель. Политика. Соч. Т. 4.– М.:Мысл, 1983. 467 б.

## ИЖТИМОЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ХАТАР ГУРУҲИДАГИ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ЎРТАСИДА ҚАРОВСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ

- **Ш.Ж.Суёнов, ТерДУ Педагогика назарияси ва тарихи мутахассислиги  
2-босқич магистранти**

Ўқувчилар ривожланишидаги ўзига хос томонлар, улар ўртасида салбий одатларни олдини олиш ва бошқа масалалар доирасида умумтаълим мактаблари масъуллари томонидан қатор тадбирлар, педагогик-психологик тренинглар ва педагогик коррекция ишлари олиб борилади. Мактабларда баъзи болаларга нисбатан «тарбияси оғир бола» жумласи қўлланилади. Асосан «тарбияси оғир болалар» деганда кўп ҳолатларда вояга етмаганлар билан ишлаш назоратчилари рўйхатида ҳисобга олинган, гиёҳвандлик ва спиртли ичимлик ичишга, безорилик ва ўғрилиikka мойил ўқувчилар назарда тутилади. Кузатишлардан маълум бўлишича, тарбияси оғир болалар тарбия жараёнида педагогик таъсирларга қаршилик кўрсатади, уларнинг ҳулқида ўзини биз ҳоҳлагандай тутмаслик ҳолатлари кузатилади.



Тарбияси оғир болалар гуруҳини вужудга келишининг асосий сабабларидан бири – оила муҳи-тида салбий таъсирларнинг пайдо бўлишидир. Айрим оилаларда бола учун зарурий имкониятлар мавжуд эмаслиги сабабли бола нохуш ҳолат билан ёлғиз кураш олиб бориш кечинмалари билан яшайди. «Ўсмир дунёсида оилавий шароитга нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳисси кундан-кун авж олиб, ички қўзғолонга айланиб боради. Бундан ташқари, ота-она ўртасидаги муносабатлар-нинг носоғломлиги, баъзи ота-оналарнинг спиртли ичимликларга ружу қўйишлари ҳам боланинг руҳий дунёсига таъсир кўрсатади»[1]. Кўпинча, ўқувчилардаги тарбияси оғирлик оиладаги ва таълим тизимидаги педагогик қаровсизлик натижасида юзага келади.

Шунингдек, бундай ҳолатнинг пайдо бўлишини кўплаб педагог олимлар ўқув фаолиятидаги камчиликлар билан ҳам боғлаб кўрсатишади. Педагогик қаровсизлик борасида олиб бораётган изланишларимизнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, тарбияда, аввало, ота-онанинг ҳиссаси катта. Шу маънода, магистрлик диссертациясини тайёрлаш жараёнида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри ва Денов туманларидан 8 та умумтаълим мактабларитадқиқот учун танлаб олинди ва тайёрланган ижтимоий паспортлар ва ўрганиш натижалари мазкур муассасаларда маънавий муҳит етарли даражада соғлом эмаслиги, таълим муассасалари ҳамда оилалар ўртасида самимий мулоқот йўқлиги, бу борада оилаларнинг ижобий таъсири тушиб кетганлиги аниқланди.

Жумладан, ўрганиш ўтказилган умумтаълим мактабларида синф раҳбарларининг ва мактаб маъмуриятнинг маълумотлари асосида 150 нафардан ортиқ тарбиясида оғиш мавжуд бўлган, ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчилар аниқланган. Уларнинг 16 нафари шу кунга қадар ҳуқуқбузар-лик ва жиноятга қўл урганликлари ҳам ачинарли, албатта.

Бу каби салбий кўрсаткичлар туб сабабларини ўрганиш мақсадида ўқувчи-ёшларнинг оилала-рини тадқиқ этилганда, мазкур 32% вояга етмаганларда оталар тарбияси, 26% ида оналар тарбия-си билан боғлиқ муаммолар борлиги аниқланди.

Ўзбек халқи ўз болажонлиги билан алоҳида ҳурматланиши сир эмас, албатта. Бироқ педаго-гик қаровсизлик, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги бепарволиги натижасида ҳуқуқбузарлик содир этган болаларга нисбатан шунчаки «гуруч курмакисиз бўлмайди» қабилида қараш, улар-ни жамиятдан изоляция қилиш билан чекланиш орқали юртимизда ихтисослаштирилган тарбия муассасалари тарбияланувчилари сонининг ортиб кетганлиги бор гап. Фарзандларни кўпинча қўл бармоқларига қиёслаймиз. Қўлимизга яра тушса, уни кесиб ташламасдан, даволатиш чорала-рини кўрамиз. Бироқ баъзи ота-оналарнинг, умумтаълим муассасаларининг «яра тушган, ёмон» бармоқларини «даволаш»га эриниб, бирданга кесиб ташлашларига жим қараб келганлигимиз ачинарли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев айни шу оғриқли масалага алоҳида тўхта-либ, 2019 йил 29 майда ихтисослаштирилган ўқув-тарбиямуассасалари бўйича Қарор [3] имзо-ладилар. Қарорнинг 6-«а» кичик банди ва Республика «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ҳамда БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) нинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг 2019-2020 йилларга мўлжалланган икки йиллик ишчи режаси ижросини таъминлаш мақсадида амалга оши-риладиган «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган болаларни оилалари ва жамиятга реинтеграциялашуви жараёнини қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳаси доирасида тре-нер сифатида Сурхондарё вилоятдан жойлаштирилган 33 нафар вояга етмаганнинг мазкур тар-бия муассасаларига келиб қолиш сабаблари тарихини ўрганишда қуйидагилар аниқланди:

Мазкур муассасага жойлаштирилган вояга етмаганларнинг 82% и оиладаги ишсизлик, моддий қийинчиликлар, турар жойининг мавжуд эмаслиги, яшаш шароити оғирлиги, ота-она ёки улардан бирининг ичкиликка, гиёҳвандликка ружу қўйганлиги, зўравонлик, ота-онанинг ёки бирининг (ментал) руҳий соғлигида муаммолар мавжудлиги, катталар жиноятчилиги, миграция каби бир қатор муаммолар натижасида педагогик қаровсиз қолиши натижасида ҳуқуқбузарлик ва жино-ятчилик содир этишган. Супервизия жараёнида болаларнинг оиласидаги аҳволни ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтгандан сўнг уларни ўқишга жойлаштириш, ижтимоий мослашуви ҳамда оиласидаги муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш, ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг салоҳиятини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, моддий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш ишлари амалга оширилиб, ҳозир-да уларнинг 6 нафари оилалари бағрига қайтарилди, 5 нафарини ота-онаси билан профилактик ишлар олиб борилмоқда.

Аниқланган маълумотлардан келиб чиқиб, ўқувчи-ёшларнинг оила билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарлик ва қонун бузиш сабабларини қуйидагича тавсифладик:

- болани криминал (жиноий) фаолиятга жалб қилиш, уни асоциал (қонунга зид) тамойилларга асосланиб тарбиялаш;
- бола билан раҳмсиз муомала қилиш, унга нисбатан зўравонлик ҳаракатларини қўллаш, бешафқат усуллардан фойдаланиб тарбиялаш;
- болага, уни тарбиялаш, эҳтиёжларини қондиришга етарлича эътибор бермаслик;
- боланинг манфаатларини менсимаслик;
- оилада бола тўлақонли ривожланиши, яшаши ва фаолият юритиш, тарбия кўриши учун моддий шароитлар йўқлиги;
- бола педагогик билимлари мавжуд бўлмаган шахслар (масалан, каттароқ ёшдаги болалар) ҳамда болага педагогик таъсир кўрсатиш учун имкониятлари чекланган шахслар (масалан, кексалар, қўшнилари, таниш-билишлар ва ш.ў.) томонидан тарбияланиши;
- катталар томонидан бошқа муаммолар билан боғлиқ бўлган тажовузкорликнинг болага ўтказилиши;
- болани ота-оналар ўртасидаги жанжалларга жалб қилиниши, бола сабабли ота-оналар ўртасидаги рақобат, эмоционал кескинлик, ўзаро адоват муҳитининг мавжудлиги;
- иқтисодий жиҳатдан фаровон оилаларда ота-оналар болаларини номувофиқ усулда тарбиялаши ва педагогик қарашларни бузиши (гиперпротекция (кучли ёнини олиш), гипопротекция (етарлича ҳимояламаслик), болани эмоционал менсимаслик ва ш.к.);
- ўсмирлардаги ёшга оид ўзгаришларни қабул қилмаслик: ота-оналар томонидан ўсмирнинг ёшга оид эҳтиёжлари писанд қилинмаслиги, ўсмирнинг хулқ-атвориغا нисбатан ўта юқори талаблар қўйилиши, ўсмирнинг муайян ёшига тўғри келмайдиган тарбия усулларини қўллаш. Кўрсатилган сабаблар кейинчалик қуйидаги ҳолатларга олиб келиши мумкин:
- боланинг жисмоний ва ижтимоий эҳтиёжлари қондирилмай қолиши;
- болада асоциал қарашлар ва асоциал хулқ-атвор тахлитлари, умумий тарбиясизликнинг шаклланиши;
- педагогик қаровсизлик оқибатида жисмоний, руҳий ва маданий ривожланишда орқада қолишнинг кузатилиши;
- боланинг умумий хавотирланиши ва тажовузкорлигининг кучайиши;
- тўлақонли ривожланмаганлик ҳисси шаклланиши, ўз шахсини жуда паст даражада баҳолаши, ўз кучига ишонмай қўйиши;

боланинг онгида ота-онасининг мавқеъининг пасайиши, тақлид қилишисталадиган шахсни оиласидан ташқарида излаши (тенгдошлар даврасидан ёки нотаниш катта кишилар орасидан ҳимоя ва қўмақ излаши, ўз шахсининг аҳамиятини кўрсатиши, қалтис, хусусан, асоциал хатти-ҳаракатлари билан ўзига эътибор қаратишни хоҳлаши).

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳатар гуруҳидаги ўқувчи-ёшлар ўртасида қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оила институтининг ўрни беқиёс. Чунки «куш инида кўрганини қилади»[4]. Хитой файласуфи Сюнь Цзи таъкидлаганидек, «Чақалоқларнинг бари бир хилда йиғлайди, улғайганларида эса уларда ўхшаш бўлмаган одатлар кўзга ташланади, бу – тарбия натижаси»[5].

Умуман олганда, ҳатар гуруҳидаги болалар маънавий, ахлоқий-иродавий, қатор ҳолларда эса жисмоний ва интеллектуал ривожланишида оғишлари билан характерланади. Шу сабаб хулқи оғишган болалар билан ишлашда ота-оналар эътибор бериш керак бўлган энг муҳим жиҳатлар сирасига болага унинг ёмон, тарбияси оғир эканлигини айтмаслик ва унга «ёмон» тамғасини босмаслик, болада шахсни кўриш, унга ишонч билдириш, болага ҳиссиётлардан ҳаракатларни ажратиш лозимлигини ўргатиш, у қандай иш қилганлигидан қатъий назар, аввало, қилмиши сабабини ва оқибатини чуқур англаб етишига ёрдам бериш, унинг ёш хусусиятларини унутмаган ҳолда хатоси учун жиноятчи сифатида ҳукм чиқармаслик, катталар томонидан ўзларининг шаклланишижараёнида хатолардан ҳоли бўлмаганликларини, қайсидур чегараларни бузганликларини унутмаслик қабиларни киритмоқчимиз. Доимо ёдда тутиш жоизки, болалар ёмон бўлиб, жиноятчи ёки ҳуқуқбузар бўлиб туғилмайди, она бешикдаги гўдагига ёмон бўлсин дея алла айтмайди...

Оиланинг вазифаси эса фарзанд аталмиш неъматнинг дунёга келганидан то умри поёнигача маънавий тарбияга бўлган муҳтожлигини қондириш, руҳий камолот етиштириш, мавжуд тарбия мезонларини аниқ ва қатъий белгилаш, самарадор усуллардан фойдаланиш орқали кўзланган натижаларга тез ва осон эришишдан иборатдир. Зотан, баркамол шахс тарбиясида, жамият равнақида оила аталмиш кичик бир кўрғон ниҳоятда залворли қудратга, таъсирчан кучга эга.

### Адабиётлар

1. Алимов Х., Азимова Ф. Болалартарбияси бўйича вазифаларга-жавоблар (ота-оналарга тавсиялар). – Т.: Фан ва технология, 2013. 48 б.
2. Арзиқулов Д.Н., Вахабова Д.Б., Девиант хулқли болаларни тарбиялашда спорт фаолиятининг аҳамияти. – Ж.: «ФАН СПОРТГА», 2015 йил, 1-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида (29.05.2019 й. ПҚ-4342).
4. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: Ўзбекистон, 2016. 8 б.
5. Сюнь Ци. Ҳикматлар. – Т.: Шарқ, 2000. 26 б.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАРГА ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ МАСАЛАЛАРИ

### • О.Таджиходжаева, РБИММ, бош мутахассис

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган амалий ёрдамлар ҳимояга муҳтож инсонларнинг ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, Маҳаллий ҳокимиятлар, Республика оила илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ва бошқа қўллаб-қувватлаш нодавлат-нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик механизмлари асосида муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ақлий ва жисмоний ривожланишида камчилликлари бўлган, сурункали касалликлар билан оғриган; ота-она қарамоғисиз қолган, нотинч ва кам таъминланган оилалар, шунингдек, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар болаларининг муаммоларини ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган **Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази (РБИММ)** мутахассислари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож гуруҳдаги болалар муаммосини чуқур ўрганиш ва уларга илмий-услубий, ҳуқуқий, психологик-педагогик, таълимий хизматлар, коррекцион ва реабилитацион ишлар орқали ёрдам кўрсатиш уларнинг жамиятга муваффақиятли интеграциясини амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш айниқса, ногиронлиги бўлган фарзанд тарбиялаётган оилалар билан ижтимоий иш олиб бориш масалалари ҳам ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш борасидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Кузатувларимизга қараганда, ногиронлиги бўлган фарзанд тарбиялаётган оилаларда бир мунча муаммолар сабаб турли хил қийин ҳаётий вазиятларга тушиш ҳолатлари юзага келади. Дастлаб ота-оналар фарзандларини ногиронлигини билганларидан сўнг, ёки фарзандларига маълум бир ташхис қўйилгандан кейин қаттиқ изтиробга тушдилар, ҳатто қаерга бориб мурожаат қилишни ҳам билмай қоладилар. Бундан ташқари, фарзанд ногиронликка эга деб топилгач, оиласини (ота-она) ташлаб кетиш ҳолатлари, болани парвариш қилишдаги муаммолар, харажатларнинг ортиб бориши, пулсизлик, умидсизлик, ишсизлик, яқин инсонларнинг беътиборлиги ёки уларнинг ёрдам бермаслиги, руҳий зўриқишлар, боланинг тақдирини ўйлаб қайғуриш, айбдорлик ҳисси, оила аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ўзгариши, фарзандини ҳолатидан уялиб уни ҳаммадан беркитиш, ўз ҳаётидан қониқмаслик каби муаммолар сабаб оилада нотинчлик юзага келади.

Ушбу оилалардаги муаммоли вазиятларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу каби оилаларга ҳар қандай шароитда ҳам қийин. Чунки эртаю кеч ногирон боласи билан овора бўлган онани кўз олдига келтириш қийин эмас. Бундай оилаларни кўпинча ижтимоий-иқтисодий муаммолар қий-

найди. Болани парвариш қилишдаги асосий оғирлик оналар зиммасига тушади. Албатта, бундай вазиятлар муайян вақтни, сабр-тоқатни талаб қилади. Бироқ, юқоридаги муаммолар масаланинг асосий илдизи эмас, аслида бу каби муаммоларни енгиб ўтишда ота-оналар учун кўмак тизимини янада яхшилаш ҳам масаланинг энг муҳим томонларидан ҳисобланади.

Юқоридаги оилалардаги муаммоли вазиятлардан кўриниб турибдики кимдир вақтинчалик ёрдамга, яна кимдир эса узоқ муддатли ижтимоий ёрдамга ва қўллаб-қувватлашга муҳтож.

Қийин ҳаётий вазиятли оилалар билан ишлашда ижтимоий иш ходимларининг роли кенг қамровли ва кўп босқичли жараён ҳисобланади. Асосийси, ҳар бир мурожаатга индивидуал тарзда ёндашилади. Дастлаб оила аъзолари билан суҳбат ўтказилади ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарурий маслаҳатлар берилади. Бундан ташқари, оиланинг яшаш шароити ўрганилади. Ҳамда оиланинг имконияти даражаси ва бола яшаётган муҳитга асосий эътибор қаратилади. Самарали ва тўлақонли ёрдам кўрсатиш мақсадида оилани баҳолаш ишлари олиб борилади ва мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилади.

Асосий мақсад оғир ижтимоий вазиятларга тушиб қолган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини тўлақонли таъминлаш ва ҳаётий фаолликларини ошириб боришдир. Бу каби муаммоли вазиятларни олдини олиш учун аввало ногиронлиги бўлган фарзанд тарбиялаётган оилаларга ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бу соҳада самарадорликка эришиш, энг аввало болаларнинг келажаги учун хизмат қилишини доим ёдда тутмоғимиз даркор.

Мазкур муаммонинг ечимини излашда ногиронлиги бўлган фарзанд тарбиялаётган ота-оналарнинг вазиятларини яхшилашда диққатни қуйидаги масалаларга қаратиш лозим:

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими фаолияти ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш ресурслари фаолияти тўғрисида ота-оналарнинг билимларини ошириш;
- ота-оналарни алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбияси ва уларнинг ривожланишига оид услубий-қўлланмалар билан таъминлаш;
- ота-оналар ўртасида ҳиссий юкламаларни бартараф этиш ва мадад бериш мақсадида семинар-тренингларни ташкил қилиш ва ўтказиш;
- ногиронлиги бўлган шахслар ногиронлик аравачасида кўчада ҳаракатланиши учун пандуслар ва транспорт инфротузилмаларида овоз сигналли ва таймерли светафорлар ва бошқа шароитларни яратиш;
- ногиронлиги бўлган фарзанд тарбиялаётган ота-оналарга фарзандини тарбиялашда енгиллик яратиш мақсадида ижтимоий хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш. Айниқса, фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялаётган оналар учун кўмак гуруҳларини ташкил қилиш, ижтимоий хизматчилар томонидан ёрдам кўрсатиш ишларини жорий қилиш.

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПЕРИНАТАЛЬНОЙ ПСИХОЛОГИИ И ПСИХОТЕРАПИИ: ПСИХОПРОФИЛАКТИЧЕСКАЯ РАБОТА, СВЯЗАННАЯ С ВЫЯВЛЕНИЕМ СРЕДИ БЕРЕМЕННЫХ ГРУПП РИСКА ПО НЕРВНО-ПСИХИЧЕСКИМ РАССТРОЙСТВАМ**

- **И.Б. Терентьева, кандидат политических наук**

У большинства пациенток, обращающихся к акушеру-гинекологу, имеются психопатологические расстройства, но в большей половине случаев они остаются не диагностированными. Практически у трети беременных женщин выявляются нервно-психические расстройства, из них более половины – депрессивные. Беременность и роды, хотя и являются нормальной, естественной функцией организма женщины, но в то же время несут с собой колоссальную нагрузку на ее тело и психику. Перинатальные психологи выявили, что качество эмоциональной связи между матерью и ребенком влияет на его развивающуюся психику. И поэтому перинатальные психологи уделяют особое внимание отношениям беременной женщины и плода.

Следует отметить часто встречающиеся идеаторные расстройства беременных:



- ипохондрические идеи, касающиеся своего здоровья;
- ипохондрические идеи, касающиеся здоровья ребенка;
- дисморфоманические идеи;
- ортроректические идеи;
- ортодидактические идеи.

Страхи и фобии беременных женщин диагностируются перинатальными психологами практически у каждой второй.

Страх – это реакция на конкретную угрозу, проявляющаяся в виде вегетативных изменений и переживания внутренней напряженности, связанной с угрозой благополучию, здоровью или жизни человека и/или его близких. Разновидности страхов беременных женщин: доминирующие, навязчивые, сверхценные, бредовые.

Наиболее часто встречающиеся страхи и фобии беременных:

- страх темноты, или скотофобия (греч. skotos – темнота), никтофобия (греч. nyctos – ночь);
- страх замкнутых пространств, или клаустрофобия (лат. claustrum – закрытое помещение);
- страх открытых пространств, или агорафобия (греч. agora – рыночная площадь);
- страх изменения внешности, или дисморфофобия (греч. dys – приставка, означающая отклонение от нормы; morphe – форма);
- страх привлечь к себе внимание, или скопофобия (греч. skopeo – рассматривать);
- страх и фобия чужого взгляда (В.М. Бехтерев, 1900);
- страх показаться смешной, или скоптофобия (греч. scopto – шутить, насмехаться);
- страх повышенного потоотделения, связанного с этим неприятного запаха, или гидрозофобия (греч. hidros – пот);
- страх загрязнения, или мизофобия (греч. mysos – загрязнение);
- страх микробов, или бактериофобия (греч. bacterion – палочка);
- страх смерти, или танатофобия (греч. thanatos – смерть);
- страх перегреться, или термофобия (греч. thermos – теплый);
- страх холода, простуды, или психрофобия (греч. psychros – холодный) и хеймофобия (греч. cheima – зима);
- страх сквозняков, или аэромизофобия (греч. aeros – воздух, mysos – грязь);
- страх заболеть, или нозофобия (греч. nosos – болезнь);
- страх навредить себе, своему ребенку, или блаптофобия (греч. blapto – боюсь повредить);
- страх остаться одной в помещении, или топофобия (греч. topos – место), изолофобия (франц. isolation – одиночество), монофобия (греч. monos – один), аутофобия (греч. autos – сам);
- страх приема лекарств, или фармакофобия (греч. pharmakon – лекарство);
- страх предстоящих родов, или партурифобия (лат. partus – роды), токофобия (греч. tocos – роды).

Несомненно, у каждого человека существует свой оптимальный, или желательный, уровень тревожности. И оценка человеком своего состояния в этом отношении является для него своеобразным тестированием реальности происходящего с ним. Но возможна и так называемая предрасположенность, когда личная тревожность активизируется при восприятии определенных стимулов, расцениваемых человеком как опасные. И обычно такое состояние характеризуется субъективно переживаемыми эмоциями: напряжением, беспокойством, озабоченностью, нервозностью. Таким личностям свойственно воспринимать угрозу своей жизнедеятельности в обширном диапазоне ситуаций и реагировать повышенным состоянием тревожности.

Методики, позволяющие дифференцировано измерять тревожность:

1. Ч.Д. Спилбергер (адаптация Ю.Л. Ханина).
2. Тест Дж. Телора (адаптация Т.А. Немчинова) «Личностная шкала проявления тревоги».
3. Тест «Склонность к немотивированной тревожности».

Методики психологического исследования:

1. Опросник «Тест отношений беременной» (ТОБ) (И.В. Добряков, 2003) для определения варианта психологического компонента гестационной доминанты (ПКГД), признаков нервно-психических нарушений у беременных женщин и их связь с особенностями семейных отношений.

2. Опросник депрессивных состояний (И.Г. Беспалько, 1995) для диагностики симптомов депрессивных расстройств.

3. Гиссенский личностный опросник (Гиссенский тест – ГТ), адаптированный Е.А. Голынкиной и др. (1993), для исследования личности и анализа социальных отношений.

4. Шкала семейной адаптации и сплоченности (FACES-3) Д.Х. Олсона, Дж. Портнера, И. Лави, адаптированная М. Перре (1986), для оценки параметров функционирования семьи.

«...Психика нежеланного ребенка травмирована еще до рождения. При длительных стрессовых состояниях в крови матери образуется избыточное количество стероидных гормонов, проходящих плацентарный барьер и влияющий на формирующийся мозг ребенка. Величина и характер эмоционального контакта между матерью и еще не родившимся ребенком, возможно, являются самым решающим фактором из влияющих на возникающую психику», – так пишет Б.П. Никитин в своей книге «Первые уроки естественного воспитания, или Детство без болезней».

Отрицательные переживания, острые стрессовые реакции, фобии и страхи, возникновение неоднозначных чувств к будущему ребенку или к самой себе, а иногда своеобразное игнорирование беременности могут свидетельствовать о наличии у будущей матери конфликта между желанием иметь ребенка и неготовностью к решительным переменам в себе и в жизни. Неадекватное поведение матери во время беременности, ее эмоциональные реакции на стрессы, которыми насыщена наша жизнь, служат причиной огромного числа различных патологических состояний у ребенка, как поведенческих, психологических, так и соматических. Во время перинатального периода развития ребенок и мать представляют собой единый нейрогуморальный организм, и каждый из них в равной степени страдает от неблагоприятного влияния внешнего мира, которое записывается в долговременной памяти, оказывая воздействие на всю последующую жизнь ребенка. При стрессе надпочечники матери выбрасывают в кровь катехоламины (гормоны стресса), а во время положительных эмоций (радости, успокоения) гипоталамические структуры вырабатывают эндорфины (гормоны радости), и все это, проникая через плацентарный барьер, непосредственно воздействуют на плод.

Во время беременности вывести из состояния спокойствия могут как внешние факторы, так и эмоциональные, психологические. Любые нервные стрессы во время беременности опасны как для здоровья самой женщины, так и для состояния вынашиваемого ею ребенка. Ученые выяснили, что в женском организме в состоянии стресса при беременности существенно повышается количество особых гормонов — глюкокортикоидов. А они влияют не только на гены, но и имеют тесную связь с работой плаценты. Соответственно, их последствия могут быть самыми серьезными.

## **Симптомы стресса**

Каждая будущая мама должна уметь анализировать свое состояние и обращать внимание на главные симптомы стресса: бессонница; апатия, равнодушие ко всему, вялость; понижение работоспособности; отсутствие и снижение аппетита; периоды необъяснимого беспокойства, нервозности; частое сердцебиение; повышенное давление; головокружение; тремор конечностей (их дрожание); понижение иммунитета – частые простудные заболевания.

## **Последствия стресса во время беременности:**

- маленький вес новорожденного; преждевременные роды; стресс на поздних сроках беременности провоцирует аномалии в формировании нервной системы ребенка; проблемы адаптации в коллективе; аутизм или гиперактивность; страхи и фобии; стресс на ранних сроках беременности может привести к сильнейшей гипоксии плода; энурез; родовые аномалии – такие как «заячья губа» или «волчья пасть»; аллергические и астматические реакции у новорожденного; развитие диабета; увеличивается риск выкидыша и преждевременных родов; сердечнососудистые заболевания.

## Как избежать стрессов при беременности?

1. Контроль своих мыслей. Важно настроиться на позитив, и если будущая мать сама это сделать не в состоянии, обязательно следует записаться на специальные тренинги или сходить к психологу.
2. Гулять на свежем воздухе, не забывать проветривать свою комнату.
3. Важно полноценно питаться, наполнить рацион свежими фруктами и овощами.
4. Беременные женщины должны спать столько, сколько им хочется.
5. Важно заниматься упражнениями и практикующим для беременных: специальной гимнастикой, аквааэробикой, аутогенной тренировкой, йогой.
6. Важно отдыхать, особенно в первые месяцы. Пока женщина работает, обеденный перерыв для нее обязателен. По вечерам желательно гулять или заниматься любимым делом.
7. Беременной женщине важно научиться радовать себя: ароматерапия, массаж, медитация. Забота о себе означает заботу о ребенке. Ее залог – правильное питание, отдых и потакание своим маленьким прихотям.
8. Важно общаться с природой, вести интересную творческую жизнь, посещать концерты, театры, музеи, петь песни, читать, смотреть и слушать классические произведения искусства.
9. Супругам важно заботиться друг о друге. Сколько участия, любви, заботы и ответственности вложат супруги в общее дело деторождения, как научатся понимать друг друга – от этого во многом зависит семейное благополучие. Надо любить своего ребенка и заботиться о нем, когда он еще во чреве матери.

### Практические рекомендации для специалистов:

1. Грамотно проводить дородовую подготовку, что позволит во многом снизить риск осложненных течений беременности и родов. Проводить профилактику ятрогений, психологических, дидактогений и гестогений.
2. Для осуществления профилактики и раннего выявления признаков тревожно-депрессивных расстройств у беременных женщин необходимо при постановке их на учет в женской консультации осуществлять скрининг-диагностику с помощью опросника «Тест отношений беременной».
3. На начальном этапе психотерапии необходимо внимательно отнестись к процедуре присоединения к беременной женщине и ее супругу. Присоединение психотерапевта к семье в качестве одного из ее элементов является одним из лечебных механизмов психотерапии. Положительные результаты достигаются при комбинированном использовании методов и техник семейной системной и когнитивно-поведенческой психотерапии на каждом этапе психотерапевтического взаимодействия с семьей.
4. Для ранней диагностики депрессивных расстройств у беременных женщин важно организовать тесное взаимодействие и сотрудничество психотерапевта (медицинского психолога) и врачей других специальностей в медицинских учреждениях (женская консультация, родильный дом, центры планирования семьи).
5. Медицинский персонал, проводящий наблюдение и оказывающий помощь беременным женщинам (акушеры, гинекологи, терапевты, психиатры, медицинские психологи), должен пройти обучение на курсах тематического повышения квалификации и переподготовки в области перинатальной психологии и психотерапии.
6. С целью проведения оптимальной дородовой подготовки беременных перинатальные психологи и психотерапевты обязаны в совершенстве владеть методами психопрофилактики, психодиагностики, психокоррекции, психологического консультирования, предусмотренными программой тематического усовершенствования (тестами и опросниками), а также знать скрининговый тест отношений беременной. Владеть: психодиагностикой при первичном, вторичном бесплодии и привычном невынашивании беременности, а также при подготовке женщины к ВРТ (вспомогательные репродуктивные технологии); диагностикой поло-ролевой идентичности женщин, проективными (рисуночные, пространственные) и ассоциативными методиками в диагностике отношения к материнству; уметь составлять генограмму и делать анализ родовых сценариев и

трансгенерационной передачи особенностей отношения к материнству в пределах нескольких поколений семейной системы. В обязанности специалистов входит: проводить беседы и занятия с персоналом женской консультации по основам перинатальной психологии, особенностям общения с беременными женщинами и их родственниками, деонтологии, консультировать их по конкретным случаям; оказывать помощь сотрудникам женской консультации в решении личностных, профессиональных и бытовых психологических проблем; с целью психопрофилактики принимать участие в работе курсов дородовой подготовки беременных, занятиях школы молодой матери; проводить скрининговое обследование беременных женщин с целью выявления группы риска по возникновению нервно-психических расстройств; работать с выявленными пациентками и членами их семей; консультировать пациенток, направляемых акушером-гинекологом в связи с выявленными у них нарушениями течения беременности, для выработки у пациенток адекватного к этому отношения; осуществлять консультативную работу по оценке и купированию неотложных нервно-психических расстройств; совместно с акушером-гинекологом разрабатывать план психокоррекционной работы с пациенткой, учитывающий ее индивидуальные особенности; проводить индивидуальные сеансы с пациентками, включающие углубленную психодиагностику, психологическое консультирование, психокоррекцию и психотерапию; совместно с акушером-гинекологом оценивать эффективность проводимых психопрофилактических, психокоррекционных и лечебных мероприятий; повышать свою квалификацию в области медицинской и перинатальной психологии, психотерапии на циклах усовершенствования в учреждениях и на факультетах последипломного образования не реже одного раза в пять лет; внедрять в практику современные методы психопрофилактики, психодиагностики, психокоррекции, психологического консультирования, психотерапии.

Необходимо помнить, что перинатальная психология и психотерапия – это весь спектр лечебного психологического взаимодействия психолога, беременной женщины и ребенка в антенатальном (герминальном, эмбриональном, фетальном), интранатальном и постнатальном периодах.

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ, СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЕФЕКТОЛОГА В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ УЧРЕЖДЕНИИ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ТИПА**

- **Ш.Э. Тохтиярова, научный сотрудник РЦСАД**

В связи с увеличением количества дошкольников с теми или иными нарушениями речевого развития, сокращением дошкольных учреждений специализированного типа в целях оптимизации дифференцированной сети государственных специализированных ДОУ для детей с физическими или психическими нарушениями в развитии, а также преобразованием образовательных услуг путем расширения инклюзивного спектра возрастают роль и значение деятельности дефектолога в ДОУ. Это один из наиболее реальных и эффективных путей обеспечения высокой речевой и социально-психологической адаптации детей с нарушениями речи к успешному обучению в школе.

Оказание коррекционно-логопедической помощи в дошкольных учреждениях – наиболее «молодая» форма организации коррекционно-речевой помощи детям с недостатками речи. К сожалению, данная модель организации логопедической помощи до сих пор достаточно не проработана, что становится причиной низкой результативности работы с детьми с фонетико-фонематическими нарушениями речи (ФФНР), общим недоразвитием речи (ОНР), а также ранней помощи детям с задержкой речевого развития (ЗРР). При анализе деятельности дефектолога в дошкольных учреждениях общеобразовательного типа обнаруживается много расхождений и несоответствий, касающихся специфики логопедической работы с детьми дошкольного возраста. Эти расхождения и несоответствия касаются:

- перечня видов и форм речевых недостатков, с которыми зачисляются дети;
- механизма зачисления;



- количества одновременно вовлеченных в занятия с дефектологом детей;
- рекомендованной частоты индивидуальных и групповых занятий детей с различной структурой речевого дефекта.

Какова же специфика работы дефектолога в дошкольном учреждении? Чем отличается работа дефектолога в общеобразовательном дошкольном учреждении от работы логопеда в специализированном ДООУ?

Можно назвать несколько основных отличий:

1) Работа дефектолога в общеобразовательном дошкольном учреждении по своей структуре и функциональным обязанностям значительно отличается от работы логопеда речевого сада. Это связано в первую очередь с тем, что дефектолог встраивается в общеобразовательный процесс, а не идет с ним параллельно, как это принято в речевых садах. Работа логопеда строится с учетом внутреннего расписания ДООУ. График работы и сетка занятий утверждается заведующим ДООУ. В отличие от специализированного ДООУ (групп), задача коррекции речи в общеобразовательном ДООУ является дополнительной. В расписании детей нет времени, специально отведенного для занятий с логопедом, поэтому приходится очень тщательно составлять расписание и заниматься с детьми таким образом, чтобы не помешать усвоению дошкольной образовательной программы. Воспитатели работают по своим планам, испытывают трудности при контроле за правильным произношением звуков.

2) В логопедической группе состав детей не меняется в течение года, на одного логопеда приходится до 18 человек, в зависимости от речевого заключения. У дефектолога в общеобразовательном ДООУ дети поступают и выбывают в течение года, при этом одновременно у одного логопеда занимаются от 20 до 25 человек.

3) В логопедической группе дети имеют одинаковое речевое заключение, что определяет программу занятий. У дефектолога общеобразовательного ДООУ одновременно занимаются дети с различными речевыми заключениями (ФФНР, ОНР, логоневроз, дизартрия, дислалия и др.).

4) Для работы дефектологов в общеобразовательном ДООУ в настоящее время не существует коррекционной программы, в своей работе они опираются на современные технологии и разработки Л.Р. Муминой, М.Ю. Аюповой и др.

5) Дефектолог общеобразовательного ДООУ работает в отличном от речевого сада режиме. Основными формами организации работы с детьми, имеющими нарушения речи, являются индивидуальные и подгрупповые занятия. Такие занятия должны быть кратковременными (15–25 минут), краткосрочными (1–2 раза в неделю) и рассчитаны на 6- или 12-месячный срок обучения.

6) Дефектолог общеобразовательного ДООУ вынужден вклиниваться в процесс обучения в тот день, когда ребенок посещает его занятия. Сами дети с речевыми нарушениями получают коррекционную помощь порционно, а не ежедневно, как дети логопедической группы.

Что касается механизма зачисления, то требование зачисления через ПМПК, на наш взгляд, нерационально. Зачисление же, проводимое дефектологом данного ДООУ по результатам первичного обследования, вполне оправдано, тем более что объективность зачисления может быть подтверждена логопедическими заключениями специалистов городских или районных семейных поликлиник во время ежегодных логопедических обследований детей.

По количеству одновременно занимающихся и общему количеству детей, прошедших через занятия в логопедическом пункте в течение учебного года, целесообразно определять как максимальное, так и минимальное число занимающихся.

При наличии большого количества детей с тяжелыми нарушениями речи невозможно вписать во временные рамки рабочего времени логопеда более 12 детей. В то же время при выявлении у большинства только легких недостатков речи охват может составить 20–25 человек.

То же касается и сроков коррекционной работы, и основных форм организации коррекционно-речевой работы, и частоты проведения занятий. Основной формой работы дефектолога с дошкольниками должны быть индивидуальные и подгрупповые занятия. Это объясняется следующими причинами:

- необходимостью подстраиваться под общеразвивающие групповые занятия и режимные моменты;
- различной структурой дефектов произношения у детей одной и той же возрастной группы;

- различным уровнем сформированности когнитивных процессов у детей со схожими по структуре дефектами;
- индивидуальным темпом усвоения материала;
- необходимостью вовлечения в работу сразу нескольких нарушенных в произношении звуков;
- соматической ослабленностью детей, влекущей за собой многочисленные пропуски по болезни, которые значительно задерживают процесс коррекции нарушений речи ребенка.

Эти и некоторые другие причины не позволяют организовывать стабильные подгруппы детей для проведения логопедических занятий: подгруппы имеют непостоянный состав и очень подвижны. Все это накладывает определенный отпечаток на логопедическую работу. Еще одна применяемая форма – индивидуальные занятия в присутствии других детей. Пока один ребенок занимается с логопедом, другие играют в специально подобранные игры для развития мелкой моторики, цветовосприятия, чувства ритма и т.п. Такая форма занятий была продиктована прежде всего необходимостью экономии времени, однако затем выявились и другие ее положительные стороны: большая раскрепощенность детей на занятии, возросший интерес к речи сверстников, мотивация собственной чистой речи.

Несмотря на то, что основная цель работы дефектолога в условиях общеобразовательного ДОУ – исправление нарушений звукопроизношения, параллельно решаются задачи, связанные с формированием лексико-грамматического строя языка ребенка. Обогащение словаря происходит не только благодаря введению в него новых слов, выступающих в качестве речевого материала, уточнению их значения, но и за счет постепенно формирующихся в ходе занятий словообразовательных умений и навыков. Образно говоря, ребенок дополнительно к исправлению нарушений звукопроизношения получает инструмент для дальнейшего наращивания словарного запаса, что, в свою очередь, увеличивает возможности тренировочных упражнений.

Общий успех коррекционного обучения в условиях логопедического пункта определяет совместная работа дефектолога и родителей. Родители становятся полноправными участниками учебного процесса. Ребенок получает индивидуальную коррекционную помощь всего 1–2 раза в неделю, поэтому ее результативность зависит, в том числе, от степени заинтересованности и участия родителей в исправлении речи. Вновь образованные звуки нужно поддерживать всеми средствами, а не предоставлять ребенку возможность произносить их без подкрепления и контроля.

Объем консультативно-методической работы дефектолога в условиях общеобразовательного ДОУ во много раз должен превышать объем аналогичной работы в условиях группы компенсирующей направленности, особенно это заметно в дошкольных учреждениях с большим количеством групп. А распределение рабочего времени учителя-логопеда, отводимого на непосредственную коррекционно-речевую работу с детьми, в разных положениях и методических рекомендациях отличается большой вариативностью. От «все 4 часа 48 мин своего рабочего времени дефектолог работает непосредственно с детьми» до «недельная нагрузка дефектолога составляет 24 часа, из которых 21–22 часа отводится на непосредственную работу с детьми, 2–3 – на организационно-методическую и консультативную работу с педагогами ДОУ и родителями». Поскольку частота и объем консультативной работы выявляются в процессе коррекционно-речевой деятельности, то в рабочем времени дефектолога для этого, конечно, должно быть время, свободное от занятий с детьми.

Анализ актуальных проблем организации и методического обеспечения логопедического процесса в ДОУ позволил выделить следующие основные направления их решения:

1. При осуществлении коррекционного процесса дефектолог самостоятелен в выборе программ и методик коррекции различных речевых нарушений, что раскрывает создает условия для проявления творческого, профессионального потенциала специалиста.

2. Необходимо разработать нормативно-правовую базу, регламентирующую деятельность дефектологов в рамках общеобразовательного ДОУ.

3. Внесение изменений в функциональные обязанности специалистов, воспитателей детей младшего и среднего возрастов, осуществляющих коррекционную работу.

4. Заключение договоров с родителями по включению их в коррекционно-логопедический процесс как равноправных участников. Тогда логопедическая работа в период дошкольного детства в условиях общеобразовательного ДОУ позволит своевременно выявить и максимально исправить

имеющиеся речевые нарушения, предупредить возможные вторичные личностные нарушения и обеспечить успешное овладение школьной программой.

### Библиографический список

1. Постановление Кабинета Министров «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности государственных специализированных дошкольных образовательных учреждений г. Ташкента» от 30 сентября 2019 года.
2. Стрюк К.В. Актуальные проблемы, состояние и перспективы развития логопедической службы в МБДОУ «Детский сад № 188» г. о. Самара // Молодой ученый. – 2017. – № 15.2. – С. 182–186.
3. Коркина Ю.В. Проблемы кадрового обеспечения, коррекционно-педагогической деятельности в дошкольных образовательных учреждениях // Дошкольное воспитание. – М., 1998. – № 8. С. 51-56.
4. Матосян Е.Б. Включение родителей в коррекционную работу по преодолению речевых нарушений у детей дошкольного возраста // Коррекционная педагогика вчера, сегодня, завтра. – М.: Прометей, 1997. С. 247-248.
5. Миронова С.А. Развитие речи дошкольников на логопедических занятиях. – М.: Просвещение, 1991. 208 с.
6. Филичева Т.Б., Чиркина Г.В. Воспитание и обучение детей дошкольного возраста с фонетико-фонематическим недоразвитием: программа и метод. рекомендации для дошкольного обр. уч-ния компенсирующего вида (старшая группа). – М., 2002.
7. Мўминова Л.Р. Болаларни логопедик текшириш ва ўқитиш. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
8. Мўминова Л.Р., Аюпова М.Ю. Логопедия. – Т.: Ўқитувчи, 1992.

## ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА МОСЛАШУВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ (кар ва заиф эшитувчи болалар мисолида)

• С.Турғунбоев, Тошкент давлат педагогика университети докторанти

Инсон боласи дунёга келар экан, у мустақил ҳаракатланиш, юриш, ўқиш, ёзишдан бошлаб табиат ва жамиятнинг барча мураккаб қонунлари билан юзма-юз келганда нималар қилиш кераклигига ўргатилади ёки бунга махсус ўқитилади. Маълумки, ҳаётимизнинг ярмидан кўпини қамраб оладиган, чинакам, тўлақонли инсоний бахтни инъом этадиган ёки аксинча, ҳар томонлама таъминланганлигимизга қарамасдан, бизнинг бахтимизни яримга қиладиган ҳам оилавий ҳаётдир [2, 3-б.].

Республикамызда оила муаммолари давлат аҳамиятига молик бўлган масалалар қаторидан расмий равишда ўрин олган.

«Оила» илмий-амалий марказининг ташкил этилиши, Республикада оила манфаатига қаратилган махсус Давлат дастурининг қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 2 февралдаги «Хотин қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5325-сон Фармонида белгилаб берилган вазифалар юқоридаги фикримизнинг далилидир. Хусусан, оила институтини тадқиқ қилган ўзбек олими, психология фанлари доктори профессор Ғ.Б.Шоумаровнинг таъкидлашича «...Маълумки, никоҳга ва яқин қариндошликка асосланган ахлоқий масъулият, ўзаро ҳурмат, тушуниш ва меҳр-муҳаббат умумийлиги билан боғланган кичик ижтимоий гуруҳни оила дейилади. Оила бошқа турдаги кичик гуруҳлардан ўзининг бир қатор жиҳатлари билан ажралиб туради:

**биринчидан**, оила кўп муддатга, яъни бир неча ўн йиллар ва кўп йилларга мавжуд бўлади;

**иккинчидан**, оилада шахслараро муносабатларнинг бир неча турлари амалга ошади, яъни миллий мафкурамизга оид илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади ва бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Бунда оилавий муносабатларда тарбиявий, психологик, ҳиссий, молиявий, жинсий ва бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши кузатилади;

**учинчидан**, оиладаги барча муносабатлар заминида салбий ёки ижобий ҳолатлар юзага келади, яъни оила аъзоларидан кимнингдир кимгадир таъсири оқибатида шахс ёки яхши шаклланиши

ва комил инсон даражасига етиши ёки тарбияси оғир, хулқи бузук одам бўлиб тарбияланиши мумкин» [2, 14-б.].

Инсон ҳаётида оиланинг яна бир муҳим аҳамият касб этувчи хусусияти шундаки оила муҳити ҳар бир шахс учун бирламчи, дастлабки ижтимоий мослашув ўчоғи, маскани ҳисобланади.

Ижтимоий мослашувнинг иккиламчи масканлари ҳам мавжудки, унга барча босқичдаги таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйлари, махсус интернатлар, имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳамда ҳарбий билим юртлари киради. Чунки бола у ерда нисбатан узоқ вақт мобайнида тарбияланади.

Эшитишида муаммоси бўлган болалар таълим олиш даврининг катта қисмини имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларида ўтказишини инобатга олган ҳолда уларнинг жамият ҳаётига ижтимоий мослашуви иккиламчи маскан (махсус мактаб-интернат) нормалари, қадриятлари ва талаблари таъсирида юз беради ва шу асосида дунёқараши шаклланади, шахс бўлиб етилади. Айнан шунинг учун ҳам мазкур тоифа ўқувчиларни таълим жараёнида оилавий ҳаётга тайёрлаб бориш зарурияти борлигини англатади.

Муаммони ўрганиш жараёнида таҳлил қилинган илмий манбаларда келтирилишича, Е.Р.Ярская-Смирнова эшитишида муаммоси бўлган ўқувчиларни таълим муассасасига ва оилага мослашишида мактаб ва оиланинг ҳамкорликда иш олиб боришига алоҳида эътибор қаратган. Уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишига, ижтимоий кўникмаларнинг шаклланишига ва ривожланишига хизмат қилишини, турли хил ижтимоий гуруҳлар билан ўзаро мулоқот қилиш усулларини кенгайтиришда оила ҳал қилувчи таъсир кучга эга эканлигини таъкидлаган [5].

В.С.Собкин ўз тадқиқот натижаларига асосланиб, эшитишида нуқсони бўлган болалар атрофидаги тенгдошларини «ҳавfli ва тажовузкор» деб билиши, улар билан мулоқот қилиш жараёнида агрессив реакциялар кўрсатиши оқибатида бир қанча ижтимоий муаммолар вужудга келишини билдириб, мазкур муаммоларни бартараф этиш учун оила уни ўз тенгдошлари билан мулоқот қилишга йўналтириш кераклигини илмий манбалар асосида ёритиб берган [4].

Бу борада Милтон Селигман, Розалин Бенджамин Дарлинглар ҳар қандай оила учун ривожланишида нуқсони бўлган боланинг бўлиши қийин бир синов бўлиб, унда оилага шу болани тарбиялаш уни оилавий ҳаётга мослаштиришда ижтимоий манбалар, қариндошлар, дўстлар ҳамда мутахассисларнинг кўмаги кераклигини уқтиради. Шунингдек, бундай оилаларда кўплаб қийинчиликларга қарамай, уларнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар рўй беради: оила янада бирлашади, ўзаро севги ва ғамхўрлик янада кучайишини айтиб, оилани алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган бола билан ҳаётга мослаштириш босқичлари ва мутахассислар билан оилавий ҳамкорлик болага ҳам, оилага ҳам мақбул ёрдамни ташкил этиш имконини беришини таъкидлайди [3].

Эшитишида муаммоси бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларини оилавий ҳаётга тайёрлаш улар билан олиб бориладиган коррекцион (талаффузни шакллантириш, эшитиш қобилиятини ривожлантириш) ишларнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу коррекцион ишларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ижобий ижтимоий муҳит ва ўзи учун яқин инсонларнинг меҳру-муҳаббатига боғлиқдир. Мана шундай ижобий муҳитни яратиш учун, энг аввало, уларни оилавий ҳаётга тайёрлашни таълим жараёнида, оиладаги ўзаро самарали мулоқот асосида амалга оширишни назарда тутати.

Оилавий ҳаётга тайёрлаш бутун таълим даврида олинган билимларни кундалик ҳаётда қўллашни, бошқа шахслар билан мулоқот қилишни ўргатиш имконини беради, яъни ушбу шахсларни жамиятга уйғунлаштириш ва ижтимоий мослаштиришга ёрдам беради.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда соҳа мутахассислари, қар ва заиф эшитувчи инсонлар билан олиб борилган суҳбатлар, меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ҳамда кузатувлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, бугунги кунда уларни мактаб-интернатларида оилавий ҳаётга тайёрлаш ишлари етарли даражада олиб борилмайди. Бу эса мазкур тоифадаги шахсларнинг оила аъзолари билан ўзаро муносабатида бир қатор муаммоларнинг келиб чиқишига, ҳаттоки ажралиш ҳолатларининг юзага келишига, шунингдек, оила функцияларининг етарли даражада бажарилмаслиги оқибатида улар ҳаётида оиланинг аҳмияти, қадр-қиммати йўқолишига сабаб бўлмоқда.

Педагогик тадқиқотда таълим-тарбия жараёнининг ички қонуниятларини аниқлаш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш тамойилларини, йўллари, шакллари ишлаб чиқишда



сўровнома методи муҳим ўрин тутишини инобатга олган ҳолда, тадқиқотимизда сўровнома методидан фойдаландик.

Эшитишида нуқсон бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчилари иштирокида ўтказилган сўровнома уларни оилавий ҳаётга мослашувининг ўзига хос ижтимоий-педагогик хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Ғ.Б.Шоумаров ҳар бир оила ижтимоий тизим сифатида жамият олдида маълум бир вазифаларни бажаришини, оиланинг ижтимоий вазифалари бир томондан жамиятнинг оилага таъсирини, иккинчи томондан эса умумий ижтимоий тизимда оиланинг ўрнини, оиланинг ҳал қиладиган ижтимоий вазифаларини ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлаб, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида бугунги замон оиласининг иқтисодий, репродуктив, тарбиявий, рекреатив, коммуникатив, регулятив, фелиоситологик каби асосий вазифаларини келтириб ўтади [2, 48-б.]. Биз ҳам тадқиқотимизда фойдаланган сўровномага Ғ.Б.Шоумаров кўрсатиб ўтган оила функцияларини ҳам киритдик.

Мазкур сўровномада:

- эшитишида муаммоси бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчилари оила функцияларини билиши ва уларга амал қилиши, шунингдек, мазкур тоифадаги болаларнинг асосий вақти мактаб-интернатда ўтишини инобатга олган ҳолда уларда оилавий ҳаёт тушунчасининг шаклланганлиги қандай ҳолатда эканлиги аниқланди;
- эшитишида муаммоси бўлган болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларини оилавий ҳаёт ҳақидаги тушунчаларининг ҳолатини аниқлаш даражалари ишлаб чиқилди, сифат ва миқдор жиҳатдан таҳлил қилинди ва умумлаштирилди.

Тажриба-синов иши натижаларига кўра эшитишида муаммоси бўлган шахсларнинг жамиятга ижтимоий мослашувидаги муаммолар оилавий муносабатларга киришиб кетиш даражаси паст эканлигини кўрсатди. Респондентларнинг аксарияти ўз имкониятларини муносиб баҳолай олмайди, бу эса уларга янги ижтимоий шароитларга мослашишга имкон бермаган.

Айтиб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, эшитишида муаммоси бўлган ўқувчилар таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ этиш, уни мазмунан бойитиш, замон талаблари даражасига кўтариш юқорида келтириб ўтилган муаммоларни бартараф этишга, шунингдек, уларнинг ижтимоий мослашув самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабридаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. – Тошкент, 2016.
2. Оила психологияси. / Профессор Ғ.Б.Шоумаров таҳрири остида. – Тошкент, 2008.
3. Селигман М., Дарлинг Р. Обычные семьи, особые дети. – М.: Теревинф, 2007.
4. Собкина В.С. Подросток с дефектом слуха: ценностные ориентации, жизненные планы, социальные связи. Эмпирическое исследование. – М.: ЦСО РАО, 1997. 94 б.
5. Ярская Е.Р. Подготовка детей-инвалидов к семейной и взрослой жизни: Научная книга. Саратов 2007. 188 б.

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРДА ХУЛҚ ОҒИШИНING ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

- **Б.Умаров, психология фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Болалар ва ўсмирларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш энг аввало у юзага келган ижтимоий муҳит хусусиятларини ўрганиб чиқишни тақозо қилади. Чунки, хулқ оғишини умумий кўринишида оладиган бўлсак, у бирор бир шахсга хос бўлган субъектив хулқ-атвор натижаси эмас, балки субъектив ва объектив жараёнлар, шарт-шароитлар, муносабатлар натижаси сифатида юзага келади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда ижтимоий жараёнларнинг индивидуал хатти-ҳаракатларга таъсири масаласига ойдинлик киритиш зарур бўлади.

Тадқиқотларга қараганда [1, 4], шахс хулқ-атворидаги бузилиш ижтимоий муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари, яъни, соғлом ва носоғломлигига, индивиднинг феъл-атвори, характер хусусиятлари, ижтимоий меъёрлар ва шахс ўртасидаги зиддиятлар ҳамда уларнинг зўрайиб бориши каби-ларга боғлиқ бўлади. Шахснинг дунёқараши, яъни кадриятлар ориентацияси, ижтимоийлашуви ва индивидуал ҳиссиётларининг ижобий тарзда шаклланиши ва намоён бўлиши кишини жамият ва инсоният учун фойдали бўлган хатти-ҳаракатларга ундайди.

Ташқи муҳит ёки ижтимоий воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам хулқ оғишининг келиб чиқиши учун асос бўла олмайди. Ижтимоий воқеа-ҳодисалар ва индивид ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятларни юзага келиши, жамиятда ҳукм сураётган ижтимоий нормаларнинг индивид томонидан қабул қилинмаслиги хулқ оғишининг келиб чиқиши учун замин яратади.

Шахснинг ижтимоий воқеликдаги турмуш тарзи, ҳаёт шароити, тарбияланганлик ва муайян вазиятлар тақозасига кўра хулқ оғишининг келиб чиқиши учун зарурий шарт-шароит мавжуд бўлади. Муайян турмуш тарзи ва ўзига хос тарбия муҳитида камол топган шахс турли ҳаётий вазиятларда ижтимоий муҳит шарт-шароитларига кўра маълум зиддиятларга дуч келади ва уни енгиб ўтишга ҳаракат қилади. Шахснинг дунёқараши, кадриятлар ориентацияси ва онглилик даражаси ноқонуний хатти-ҳаракатларга етакловчи ёки муайян ҳаётий вазиятларни юмшатишга қаратилган тўғри ёки ижобий қарор қабул қилинишини белгилайди. Шундай қилиб, инсон ижтимоий ҳаётда турли вазиятларга дуч келади аммо, ундан оқилона йўл билан чиқиб кетиш, унинг ақлий салоҳиятига, маънавий оламига, тарбияланганлик даражасига ва бир қатор ижобий шахсий фазилатларига боғлиқ бўлади.

Тарбия бузилишининг келиб чиқишини асосий ижтимоий-психологик сабабларидан бири уларда ўқишга нисбатан салбий муносабатнинг пайдо бўлишидир. Одатда бундай муносабатнинг пайдо бўлишига бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, ўқув фаолияти усули, малакалари тўла таркиб топмаганлиги сабабли нисбий билим олиш билан қаноат ҳосил қилиш, ўзлаштириш қобилиятининг суст ривожланганлиги, муайян вазиятларда ҳукм ва хулоса чиқаришда қийинчиликка дуч келиш, ўқитувчилар томонидан ўқувчига объектив баҳо бермаслик, ўқитувчининг боланинг индивидуал-психологик ва интеллектуал имкониятига етарлича эътибор бермаслиги, ўқитиш савиясининг пастлиги, дарсларнинг қизиқарсиз ўтилиши ва бошқалардир.

Тарбия бузилиши келиб чиқишининг яна бир сабаби – уларнинг синф жамоаси ва турли хил жамоатчилик ташкилотлари билан яхши алоқада бўлмаслигидир.

Ўқувчи билан жамоа фикрининг мос келмаслиги жамоа ичида унинг ўз ўрнини борган сари йўқолиб боришига сабаб бўлади. Бу ўринда унутмаслик керакки, ўсмирнинг ҳар бир хатти-ҳаракати у билан ҳисоблашиш кераклигидан бошқа нарса эмас. Шунинг учун жамоа аъзолари бундай ўсмирнинг қарашларини вақти-вақтида ҳисобга олишлари яхши натижа беради. Аксинча, ўсмирнинг фикр ва қизиқишларини жамоанинг қўллаб-қувватламаслиги ёки бепарволиги уни қонунбузарликка ундайди ва хулқ оғишининг келиб чиқиши учун имконият яратади. Натижада ўсмир учун келажак режаларининг поймол бўлиш хавфи туғилади. Ўқишдан ва жамоадан юз ўгирган ўсмир ўз келажagini, орзу-умидларини мактаб ва жамоа фаолиятига боғлашдан кўра, янги улфатлари билан алоқа қилишни афзал кўради ва бошқа кишилардан нажот излайди. Натижада ўсмир носоғлом хулқли болалар тўдасига тушиб қолади ва улар хулқ-атворида хос бўлган хислатларга эга бўлади.

Оилавий шароитнинг салбий таъсири ҳам тарбия бузилиши келиб чиқишига сабаб бўлади. Айрим оилаларда бола учун зарурий имкониятлар мавжуд эмаслиги сабабли у нохуш ҳолат билан ёлғиз кураш олиб бориш кечинмалари билан яшайди. Ўсмир дунёсида оилавий шароитга нисбатан пайдо бўлган норозилик ҳисси кундан-кун авж олиб, ички кўзғолонга айланиб боради.

Педагогик қаровсизлик куйидаги даражаларда тавсифланади:

1. Паст. Хатти-ҳаракат, хулқ-атвордаги беқарорлик. Ўз «мен»ига ортиқча баҳо бериш. Асосан ёшига хос бўлган характер белгиларининг устунлик қилиши.

2. Ўрта. Катталар ва тенгқурлари билан алоқанинг бузилиши. Ўқиш ва меҳнатга қизиқмаслик, низолар эгоистик йўналишга асосланиши. Педагогик таъсир чоралари тўғри қабул қилинади, лекин унга амал қилмайдилар.

3. Юқори. Салбий характер хусусиятлари яққол намоён бўлади. Ҳуқуқбузарлик ошқора қилинади. Катталар билан ўзаро муносабатда тажовузкор бўлади. Ўзлари тўғри деб қабул қилган «ахлоқ»ларини оқлашга уринадилар. Улар ҳуқуқбузарлик чегараларини тушуниб етмайдилар.

4. Криминал. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар бўлиб, уларнинг хулқ-атворини бошқариб бўлмайди. Бундайлар ҳар қандай тарбия воситаларига қаршилик кўрсатадилар. Хатти-ҳаракатларида тажоввузкорлик кўпроқ учрайди. Улар ўзларининг хуқуқбузарлик мотивларини ўзлари белгилаган «ахлоқий меъёр»лар билан ўлчайдилар, натижада жиноятга қўл урадилар.

Маълумки, оиладаги низолар болалар ва ўсмирларни оиладан бездиради. Ота-онага ва оиланинг бошқа азоларига нисбатан ишонч ҳиссининг йўқолишига олиб келади. Ўзаро ишончнинг йўқолиши эса ота-онанинг тарбиявий таъсирчанлик даражасини тушириб юборади. Ота-онанинг тарбиявий таъсир даражаси пасайиши, ўз навбатида, ўсмирда ўзи хоҳлаган хатти-ҳаракатларни амалга оширишга йўл очиб беради. Натижада тарбиявий таъсирсиз, назоратсиз қолган ўсмирда аста-секинлик билан хулқ-атвор ўзгариши келиб чиқади.

Оилавий муносабатлардаги носоғломлик болалар ва ўсмирларнинг шахс сифатида шаклланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади ва улар хулқ-атворида салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради. Демак айтиш мумкинки, тарбияси оғир ўсмирларнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом муҳит асосий омил сифатида намоён бўлади.

Оилада тез-тез бўлиб турадиган жанжаллар, ота-оналарнинг келишмовчиликлари, ўсмирларнинг жисмоний жазоланиши табиий равишда улар хулқида ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бундай муҳитда тарбияланган болалар ва ўсмирлар хулқида қўзғалувчанлик, асабийлик, ўзини тута олмаслик, баджаҳллик, боридан қаноатланмаслик, душманлик, қўрқув, ишончнинг йўқолиши, ёлғизликни хуш кўрувчанлик, беғамлик каби хусусиятлар кўзга ташланади. Бу сифатларнинг ҳар бири бола психик ва шахс хусусиятларининг ҳамда иродавий сифатларининг шаклланишига ва ақлий тараққиётига салбий таъсир кўрсатади.

Оилада ота-оналарнинг алкоголизмга берилиши, бола кўз ўнгида ичиш, чекиш ва ножўя қилиқларни қилиши болага кўргазмали таъсир кўрсатади. «Қуш уясида кўрганини қилади» деганидек, ўсмир оиласида ота-онасидан кўрган қилиқларига тақлид қила бошлайди. Аввалига чекишни, ичишни ўрганиб олади, сўнгра кучлироқ таъсир этувчи моддаларга ўтади. Қарабсизки, оиласи ва ота-онасида кузатилган ҳолатлар болада ҳам такрорлана бошлайди.

Маълумки, ота-оналарнинг болаларга нисбатан бўлган муносабати икки асосий хусусият яъни, ота-оналик муҳаббати ва ижтимоий бурч нуқтаи назаридан белгиланади. Инсонпарвар жамиятда бу хусусиятлар бир-бирига зид келмайди. Чунки, кишини севиш унга бахт тилашдир, бахтиёрлик эса жамиятга кўпроқ фойда келтириш демакдир. Аммо ҳар қандай ҳиссиёт сингари ота-оналик муҳаббати турли даража, яъни энг яқинлик фактини бевосита акс эттиришдан токи енгил ва ахлоқий эътиқодга мувофиқ тарздаги чуқур меҳрибонликкача бўлади. Бунда кишининг ахлоқий эътиқоди қанчалик юксак бўлса, унинг ота-оналик муҳаббати шунчалик узоқни кўрадиган ва талабчан бўлади.

Кузатиш ва тадқиқотларимизга қараганда, болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишида моддий етишмовчилик кўпинча сабаб сифатида эмас балки, хулқ оғишининг келиб чиқиши учун қизиқиш ва шарт-шароит тарзида хизмат қилганлиги намоён бўлади [5]. Демак айтиш мумкинки, болалар ва ўсмирларда хулқ оғишининг келиб чиқишида иқтисодий етишмовчилик омили асосий сабаб сифатида намоён бўлмасдан, балки у фақатгина хулқ оғишининг келиб чиқиши учун муайян шарт-шароит сифатида хизмат қилади холос.

Вояга етмаганлардаги ёш даври хусусиятига кўра фикр доирасининг торлиги, дунёқараш саёзлиги, маънавий-маърифий жиҳатдан суст ривожланганлик ҳолати ҳам вояга етмаганларнинг хулқ-атворда нуқсонларнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатади. Чунки, маънавий олами тор, дунёқараш ва ақлий тараққиёти ўзига яраша ўсмир бундай пайтда ўз эҳтиёжларини қондиришнинг ғайриқонуний томонларини излайди ва ўғирлик, йўлтўсарлик, босқинчилик жиноятларига қўл ўради. Кўпинча бундай ҳолатларда болалар ва ўсмирлар қонуний йўл билан пул топишни, меҳнат қилиб бойликка эришишни ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Натижада бундай ўсмирларда ғайриқонуний хулқ-атворнинг келиб чиқишига замин яратилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, болаларда тарбиянинг бузилиши ва хулқ оғишининг ижтимоий-психологик сабабларини ўрганиш вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олишда муҳим ҳисобланади. Бундай муҳим ижтимоий масалани ҳал этиш инсоният ва кенг жамоатчилик учун бир қатор ижтимоий тадбирларни амалга оширишни тақоза қилади. Ушбу тадбирларни амалга оширишнинг муҳим шарт сифатида жамият ва ижти-

мой турмушда юзага келаётган муаммоларни, шу жумладан болалар ва ўсмирларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини илмий жиҳатдан ўрганиш талаб этилади.

### Адабиётлар

1. Амбрумова А.Г., Жезлова Л.Я. О некоторых формах девиации поведения у подростков /Актуальные проблемы психоневрологии детского возраста. – М., 1973. 26-31 б.
2. Ганишина И.С. Неблагополучная семья и девиантное поведение несовершеннолетних. / Учебное пособие. – М.: Издательство МПСИ, 2006. 345 б.
3. Змановская Е.В. Девиантология (психология отклоняющегося поведения) – М., 2007, 4-нашр. 285 б.
4. Умаров Б.М. Болалар ва ўсмирларда хулқ оғиши келиб чиқишининг ижтимоий-психологик сабаблари. /Ж.: «Психология», 2011. 4-сон. 30-34 бетлар.
5. Умаров Б.М. Болалар тарбияси бузилиши ва унинг олдини олиш юзасидан ота-оналарга маслаҳатлар/ /Услужбий қўлланма. – Т.: Турон иқбол, 2012. 57 бет; Умаров Б.М. Тарбияси оғир болалар ва улар хулқ – атворидаги оғишларнинг келиб чиқиш сабаблари. /Услужбий қўлланма. – Т.: Алоқачи, 2011. 67 бет.
6. Нормуродов Ғ. Вояга етмаган қонунбузар ўсмирларни тарбиялашда оиланинг роли. //Педагогик маҳорат 2006, № 1. Б. 34-36.

## ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРИ БОР ОИЛАЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ЎЗИГА ХОСЛИГИ

### • Н.Ш.Умарова, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Бугунги кунда ногирон боласи бор оилаларни жамиятимиз, маҳалла аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиши жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, ногирон фарзанди бор оилаларнинг ўзига хос руҳий эмоционал кечинмалари борки, бу оилалар кўп ҳолларда табиийки, ногирон фарзандлари туфайли ўз иш жойларидан ажраладилар ёки воз кечадилар, жамоат ишларида фаол иштирок эта олмасликлари ўзларини четга олиб, ажралиб қолишларига олиб келади.

Олиб борган назарий тадқиқотларимиз натижаларига таяниб, имконияти чекланган боланинг ижтимоийлашувига таъсир қиладиган омиллар: тиббий, ижтимоий-психологик, иқтисодий, оиладаги ўзаро муносабатлар, шахсий режалар (ҳам касбий, ҳам оилавий)га дахлдор, оилавий ижтимоий меросни ўзлаштира олмаслик каби энг муҳим муаммоларни санаш мумкин. Айниқса, оиладаги ўзаро муносабатлар ва шахсий режалар (ҳам касбий, ҳам оилавий)га дахлдор муаммоларнинг мавжудлиги, ўз навбатида, ўзини-ўз химоялаш, ҳаётга бўлган қизиқишнинг йўқолишига сабабчи бўлади.

Маълумки, Ҳукумат томонидан қабул қилинган амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатида имконияти чекланган болалар тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва оилалар интеграцияси муҳим ўрин эгаллайди. Республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳисоботларига кўра, мамлакатимизда умумий ногиронлар сони 799708 нафар (ижтимоий нафақа олувчилар сони билан аниқланган)ни ташкил этади. Шунингдек, ҳозирги кунда ногирон боласи бор 130000 дан ортиқ оила мавжуд бўлиб, бу оилаларнинг айримлари биттадан ортиқ ногирон болани тарбияламоқда.

М.Н.Гуслова (2002) бир гуруҳ соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазаларини умумлаштириб, оилада тинчлик ва саломатлик бу бир саодат, агар оилада фарзанд саломатлиги билан боғлиқ муаммо юз берса, ота-она мушкул аҳволга тушади. Туғилган болада аниқ физиологик ёки ақлий заифлик бўлса, она унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни ярата оладиган биринчи инсон ва фақатгина чидам, тушуниш, болага меҳр, муҳаббат билан унга ёрдам бера олади, шу билан биргаликда уни келажакда таълимга йўналтира олади. Лекин, бунинг учун у ўз устида ишлаши ва боласини чуқур ўрганиши зарур. Ота-она тушкунлик ҳолатига тушганда эса, ҳар қандай фаолиятга қисқа муддатга бўлса ҳам қизиқиши сўнади. Одамлардан қочишга, эски қадрдонларидан алоқани узишга ҳаракат қилишади. Айнан шундай ҳолатда оналарга касал бола билан қандай мулоқот қилиш уни бошқариш масаласида ёрдам керак бўлади, деб алоҳида эътироф этади [1].

Сир эмаски, кўп ота-оналар ногирон фарзандлари борлигини яширишга ҳаракат қиладилар.



Баъзи ҳолларда эса фарзандлари мактаб ёшига етгач, мактабга юбормаслик ҳолатлари ҳам учраб гуради. Натижада, бундай болалар ҳеч қандай таълим билан қамраб олинмайди. Яна кундалик ҳаётда ногирон болаларидан умуман воз кечиб, мурувват уйларига ёки меҳрибонлик уйларига топшириб юборадиган оилаларни ҳам учратамиз. Аслида ногирон бола жамиятнинг тўлақонли бир аъзоси сифатида бошқа болалар каби таълим олишга тўла ҳақли экан, бу борада айниқса ота-оналар манфаатдор эканликларини ҳар лаҳза ёддан чиқармаслик жуда муҳимдир.

Имконияти чекланган боласи бор оилада ўз-ўзидан ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида тиббий, иқтисодий ва ижтимоий-психологик муаммоларнинг келиб чиқиши натижасида оиланинг ҳаётга бўлган қизиқишларини пасайишига олиб келиши мумкин келиб чиқиши, табиийдир. Бу ҳолларда бундай оилаларга қариндошлар ва дўстларнинг ёрдами қўллаб-қувватлашлари жуда ҳам зарурдир. Лекин кўпчилик ҳолларда оиласида алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган боласи борлигини эшитган таниш-билишлар улардан ўзини четроққа олишини маъқул кўришади. Бу эса оиланинг жамиятдан анчайин узоқлашишига олиб келиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, оила – имконияти чекланган болаларнинг одамлар билан ўзаро мулоқотга киришиши ва маънавий эҳтиёжларини қондириши учун энг биринчи ўриндаги ижтимоий институтлардан бири бўлиб ҳисобланади. У имконияти чекланган болалар тарбиясидаги энг олдинда турувчи субъектлардан биридир. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда (1989) «бола шахсининг тўлиқ ва ҳар томонлама уйғунликда ривожланиши учун у оила қуршовида, ўзаро бир-бирини тушуниш, меҳр-муҳаббат, бахтли муҳитда ўсиши зарур» деб таъкидланган.

Интернет маълумотларига кўра, «ногирон» атамаси йиллар давомида турли хил маъноларга ўзгариб келмоқда. «Ногирон» сўзи лотинчадан таржима қилинганда – *invalidus* – нимжон, ёрдамга муҳтож маъноларни беради. Ҳаттоки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Марказий Ассамблеясининг 20 декабрь 1993 йилда қабул қилган «Ногиронларнинг тенглик имкониятларни таъминлашни стандарт қоидалари» қарорида, иккита атама билан номланган: «ногиронлик» термини ўз ичига турли хил вазифаларнинг чекланиши маъносини қамраб олади ва «меҳнатга лаёқатсизлик» термини жамият ҳаётида бошқалар билан бир қаторда фаолият юритишнинг йўқолиши ёки чекланиши маъносини билдиради [2].

Фикримизча, ҳаётда ҳар томонлама соғлом шахснинг яшаши қанчалик эътиборли бўлса, жисмонан ногирон, кўзи ожиз, қар ёки соқов (бир сўз билан айтганда имконияти чекланган) болаларнинг турмушда ўз ўринларини эгаллашларига ёрдам бериш ҳам жамиятнинг олдидаги энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, шахсга таъсир этувчи ижтимоий омилларга, энг аввало, оилани киритишимиз керак. Чунки шахснинг психологик хусусиятларининг қай тарзда шаклланиши уни ўраб турган ижтимоий муҳит билан ўзвий боғлиқ. Оиладаги соғлом муҳит, оила аъзоларининг бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари, ота-она-фарзанд муносабатларидаги илиқлик, самимийлик ва яна дўстлар яқин қариндошлар билан ўрнатилган мулоқатлар имконияти чекланган болаларнинг ижтимоийлашувидаги муҳим омиллардан ҳисобланади.

Республика «Оила» маркази томонидан олиб борилган тадқиқотларга қараганда, жумладан, Д.Р. Холиқов (2008) ва бошқаларнинг қайд этишларича, имконияти чекланган, алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни тарбиялаш учун махсус муассасалар мавжуд бўлса-да, аммо болани оилада тарбиялаш самаралироқ натижани беради. Бундай болаларни оилада тарбияланиши мустақил жамиятимизда ижтимоий характерга эга, чунки оила жамият билан узвий боғланган ҳолда умумий манфаатлар ва аниқ мақсадлар сари интилади, худди шу асосда таълим-тарбия ишлари амалга оширилади. Оиладаги тарбиянинг асосий мақсади – миллий кадриятлар, анъаналарга таянган ҳолда боланинг соғлигини мустаҳкамлаш, таълим жараёнлари учун сифатли шарт-шароитларни яратишдан иборатдир [3]. Болани оилада тарбиялашнинг мақсадларидан бири бу – боланинг шахсий сифатларини ривожлантириш, нуқсон ва камчиликлардан иложи борича бартараф этиш. Бундан ташқари имконияти чекланган болаларнинг ахлоқий тарбиясида оиланинг ўрни бекиёсдир. Оилада бундай болаларни нотўғри тарбиялаш натижасида бошқалар ҳаракатининг туб мазмунини англамаслик сабабли, уларга нисбатан ишончсизлик ёки бўлмаса ёвузлик ҳисси пайдо бўлади. Баъзи ҳолларда имконияти чекланган болаларнинг яққаланиши, ёлғизликка интилиши, атрофдаги одамларнинг ғазабли ёки камситишлари таъсирида юзага келади. Мана шу камчиликларни бартараф этилиши, атрофдагилар билан яхши алоқа ўрнатишда оиланинг устуворлиги кўринади.

Болани ўз ота-онасидан яхшироқ билувчи инсон бўлмайди. Ота-оналар ўз фарзандлари қобилиятини, характери ва соғлигини ҳаммадан кўра яхши билади, шуларни ҳисобга олган ҳолда боласини таълим олиши ўз-ўзига хизмат қилиши, жисмоний чиниқтириши, ҳис-туйғуларини ва қобилиятларини шакллантиришга эътиборини қаратмоғи лозим.

Оила – бу ота-оналик, эр-хотинлик, қариндош-уруғчилик билан боғлиқ, жамиятда энг зарур бўлган ижтимоий функцияни бажарадиган, инсон ҳаётида асосий рол ўйновчи, маънавий қизиқишларни шакллантирувчи ва қондиришни таъминлайдиган, шу билан бир қаторда, шахсинг биринчи ижтимоийлашувини таъминловчи инсонлар ҳамжамиятидир. Ижтимоийлашув (лотинча *socialis* – ижтимоий) – индивиднинг ижтимоий тажрибалар, ижтимоий муносабатлар ва алоқаларни ўзлаштириш жараёнидир [4]. Оилада фарзанднинг илк болалик чоғлариданоқ жамият учун керакли бўлган кўпгина шахс қирралари, хулқ-атвор стереотиплари, жинслараро тафовути ва қадриятларга йўналганлига шакллана бошлайди.

Шу ўринда савол пайдо бўлиши табиий: бу аёл ва болалар оғир руҳий зарбаларни «бошдан кечириб» қайтган инсонлар. Уларнинг руҳиятида, соғлиғида жангли воқеаларнинг излари қолган бўлиши ва бу бутун умр уларни безовта қилиши мумкиндир?! Бразилиялик психологик саломатлик, ҳарбий зиддиятли ҳудудлардаги катта ёшдагилар ва болаларга психоижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича эксперт Dr. Marcio Gagliato нинг фикрича, «аксарият ҳолатларда бундай воқеалар гувоҳлари ёки иштирокчилари бўлган инсонлар психологик барқарорлик (резильентлик) ни, яъни оғир синовларни енга олишга нисбатан қобилятни намойиш қиладилар». Шу сабабли бу инсонларга «зўравонлик қурбонлари эмас, аксинча, зўравонлик оқибатларини енган инсон» сифатида қараш мақсадга мувофиқ. Мураккаб вазиятларда инсонда психологик муаммолар ривожланишига ёки резильентликнинг намоён бўлишига таъсир кўрсатувчи кўплаб ўзаро таъсир кўрсатувчи ижтимоий, психологик ва биологик омиллар мавжуд бўлади. Фавқулоддаги вазиятлар табиатидан келиб чиқиб, инсонларнинг алоҳида тоифаларигина ижтимоий ва психологик муаммолар юзага келиши мумкин бўлган юқори хатар гуруҳига кирадилар. Гарчи ижтимоий ёрдам турлари барча тоифадаги инсонларга қаратилиши зарур бўлса-да, бирмунча мураккаб ҳолатдаги ва юқори хатар вазиятидаги инсонларга алоҳида қўшимча кўмак турларининг ҳам белгиланиши мақсадга мувофиқ. Мазкур кўмак турлари фуқароларда боқимандалик кайфиятининг шакллантирилишига эмас, аксинча уларнинг келгусида ўз ҳаётий муаммоларини ўзлари мустақил ҳал қила оладиган даражага етишларига кўмаклашишга хизмат қилиши лозим.

Марказ ижтимоий иш ходимлари томонидан репатриация қилинган аёллар ва болалар билан олиб борилаётган психоижтимоий баҳолаш жараёнида оиланинг ўз ҳаётини мустақил тиклай олишлик салоҳияти ёхуд кейинги психоижтимоий кўмакка муҳтожлиги масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Баҳолаш жараёнида халқаро тажрибага суяниб, биз қуйидаги мезонлар асосида юқори хатар гуруҳига кирувчи психоижтимоий ёрдамга муҳтожларни аниқлаш, муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсияларни шакллантириб, ечим йўлларини излашга ҳаракат қилдик:

- аёлларнинг бошқа мамлакатларга кетгунига қадар ўрта маълумотни олмагани ёки тугалламагани ва бугунги кунда ўрта таълимни давом эттириш зарурияти;
- аёлларнинг муайян касб-ҳунарга эга эмаслиги ёки тиббий (асосан ўрта-махсус) маълумотга эга бўлганларнинг узоқ вақт тиббиёт соҳасида ишламаганликлари учун уларнинг тегишли йўналишида малака ошириши зарурияти;
- муайян касб ёки ҳунарга эга эмаслиги;
- аёл ёки боланинг ҳарбий ҳудудларда жароҳат олганлиги сабабли жисмоний соғлиғини тиклаш учун чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган даволовчи, реабилитация курсларини олишга муҳтожлиги;
- репатриация қилинган аёллар ва болаларнинг қўшнилар ёки маҳаллий аҳоли томонидан тазйиққа олинаётгани;
- қариндошлар тазйиғи ёки уларнинг репатриация қилинган қариндошидан «воз кечиши» ҳолатлари;
- аёлнинг 0-3 ёшгача парваришга муҳтож фарзандларининг мавжудлиги ҳамда оила бюджетини таъминлашда кўмаклашиши мумкин бўлган яқинининг йўқлиги;
- ота ёки онасининг ўлим факти расман тасдиқланмаганлиги сабабли боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақани олиш имкониятининг ҳали йўлга қўйилмаганлиги. Бу эса оиланинг молиявий ва моддий муҳтожлиги даражасининг ошишига сабаб бўлувчи омиллардан бири;
- боғча ёшидаги болаларнинг соғлиғи ҳолатидан келиб чиқиб ўрнатилган тартибда зарур эмлашларни олмаганлиги сабабли мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинишининг асосли кечиктирилиши;
- болаларнинг руҳий ва жисмоний ривожланишида ихтисослаштирилган чуқур тиббий-психологик-педагогик кўрик ва даволаш, реабилитация зарурияти бўлган муаммолар;
- умуман мактабга чиқмаган болаларнинг ёшлари бирмунча катта бўлиб қолгани сабабли ўзидан кичкина болалар билан 1-синфга чиқиб ўқишга уялиши, бу каби психологик муаммони бартараф этиш мақсадида жадаллаштирилган дастур ёрдамида болаларни ўз ёшидаги болалар гуруҳига «етказиб олиш» зарурияти;
- репатриация қилинган аёл ва болаларга мавсумий кийим ва пойафзалларнинг етишмаслиги ва б.

Юқорида санаб ўтилган психоижтимоий муаммолар самарали бартараф этилмагунига қадар оилаларнинг ўз ҳаётини мустақил тарзда тиклай олишига эришиш бирмунча қийин кечади. Аёлларда келгусида ўз маиший муаммоларини ўзи мустақил тарзда ҳал қилиш, давлат томонидан кўрсатиладиган вақтинча моддий ёки молиявий ёрдамга умидвор бўлиб қолмасдан, балки ўз ҳаётий муаммоларини ўзи ҳал қила оладиган шахсий ресурсларини шакллантиришга эътибор қаратиш муҳим.

Ўрганиш ишларининг кўрсатишича, репатриация қилинган аёл ва болаларга нисбатан кўрсатилаётган қўллаб-қувватловчи ёрдам оилалар томонидан суиистеъмол қилиниб, баъзи аёлларда давлат кўмагига нисбатан боқимандалик кайфияти билан қараётганлар ҳам учрамоқда. Шу сабабли оилага кўрсатилаётган барча ёрдам турлари оиланинг ички ресурсларини шакллантириш ҳамда жамиятда эмин-эркин ҳаётий фаолият кечириши учун шароитлар яратишга қаратилмоғи лозим. Хусусан, қуйидаги чораларнинг кучайтирилиши муҳим:

- ўз оилавий бюджетини ўзи шакллантира олиши ва даромад манбаига эга бўлиши учун иш билан таъминлаш. Айниқса, кичик ёшдаги болалари бор аёлларнинг уй шароитида турли касаначилик ҳунарлари билан даромад топишига, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишига кўмаклашиш;
- аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориб, уларнинг бу оилаларга нисбатан толерантлик туйғусини ошириш, айниқса, дўстона муносабатни намоён қилиш, аёллар ва болаларни

турли таҳқирланишларига йўл қўймаслик бўйича маънавий тадбирлар (сухбатлар, маслахатлар, жамоатчилик тадбирларига жалб этиш) га эътибор қаратиш;

- ўрта маълумот олишни якунига етказмаган аёлларнинг мустақил таълимини йўлга қўйиб, экстернат йўли билан ўрта маълумотга эга бўлиш имкониятини таъминлаш. Аёлларнинг тугалланган маълумот (шаҳодатнома) га эга бўлиши уларнинг келгусида қобилиятлари ва қизиқишларига мос ишга киришларида муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади;
- болаларнинг вафот этган ота-оналарига нисбатан ўлим фактининг тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши оила учун давлат томонидан қафолатланган боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия ёки бошқа ижтимоий нафақа турларининг белгиланишига хизмат қилади. Оиланинг кейинчалик барқарор молиявий манбага эга бўлиши уларда боқимандалик кайфиятининг йўқолиши учун хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиёт ва ҳужжатлар

1. Руководство МПК по психическому здоровью и психосоциальной поддержке в условиях чрезвычайной ситуации. Женева.Межведомственный постоянный комитет, 2007 г.
2. «План действий по снижению рисков в процессе реабилитации и оказания помощи семьям, вернувшимся из конфликтных зон» утвержденный КМ РУз от 09.07.2019 г. № 14/1-2157

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА ПЕДАГОГОВ И РОДИТЕЛЕЙ КАК УСЛОВИЕ КАЧЕСТВА ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

- Т.Л. Чаброва, к.п.н. РЦСАД,
- М. Музаффарова, магистр ТГПУ им. Низами

В настоящее время государственная образовательная политика в Узбекистане находится в состоянии архидинамичного развития, характерной особенностью которого является организация разных форм и вариантов дошкольного образования. Организовано и активно функционирует Министерство дошкольного образования, которое ориентировано на реализацию права каждого ребенка на качественное и доступное образование, что привело к переосмыслению и развитию идей активного участия родителей в жизни дошкольного образовательного учреждения и их отношения к дошкольному образованию своих детей в целом.

Отечественной и зарубежной педагогической наукой накоплен значительный опыт в сфере взаимодействия детского сада и семьи по разным методикам обучающих программ (Г.Э. Джанписова, Т.Л.Чаброва, П.Ф. Каптерев, С.Т. Шацкий и др.). В современной педагогике выделены основные типы, виды педагогического взаимодействия. Современные исследователи ближнего зарубежья (В.Г. Алямовская, Т.А. Данилина, Т.Н.Доронова, М.Г. Дрезнина, О.Л. Зверева, Т.В. Кротова, Л.В. Свирская, З.И. Теплова и др.) отмечают важность сотрудничества педагогов и родителей для воспитания и развития детей старшего дошкольного возраста. Проблемы содержания и модели субъектного взаимодействия педагога с детьми и их родителями глубоко исследованы в работах ученых ближнего зарубежья Б.Б. Алассан, Т.И.Бабаевой, И.В. Гребенникова, О.Л. Зверевой, А.И. Карпенко, М.В. Крулехт, Д.Л. Фьонг, Ю. Хамялайнен и др.

Сегодня в условиях ежемесячного пребывания на курсах в РЦСАД сотрудничество специалистов с семьей становится решающим фактором полноценного развития в целом, образования ребенка по изобразительному искусству в частности (Т.Н. Доронова, О.Л. Князева, Т.Л.Чаброва и др.).

Активное включение семьи как партнера в образовательную среду РЦСАД качественно изменяет условия взаимодействия специалистов-педагогов и родителей, имеющих собственные стратегические интересы в сфере дошкольного образования ребенка. Проблема процесса взаимодействия специалистов РЦСАД и родителей, посещающих центр, может быть успешно решена на основе единых подходов к планированию совместной деятельности, выбору показателей ре-



зультативности работы, единой методологической, организационно-структурной и методической основы на условиях взаимного партнерства.

Под партнерством в образовании понимается «система взаимообусловленных педагогических действий, где каждое действие одного из участников образовательного процесса вызывает ответные действия другого, причем результатом таких взаимодействий является единая для всех субъектов система общих представлений и ценностей как основа для разработки совместных действий» (М.Н. Недвецкая).

Воспитание ребенка – это всегда сложная и ответственная задача для родителей. В связи с этим многим не под силу справиться с этой сложной задачей самостоятельно, поэтому они прибегают к квалифицированной помощи специалистов РЦСАД. На сегодняшний день существует достаточно большое количество форм и методов взаимодействия РЦСАД и семьи. Основная цель центра – установить доверительные отношения между детьми, их родителями и педагогами. Важно призвать родителей общаться, слушать и помогать ребенку, так как в современном мире в погоне за материальной независимостью родители забывают об этом. Исходя из этого, становится актуальной проблема изучения представлений о семье, расширения представлений о формах, содержании и методах взаимодействия с семьей и поиске индивидуального подхода к ней через занятия изобразительным искусством. Данной проблеме посвящены работы ряда авторов: Т.А. Марковой, Л. Свирской, Т.Н. Дороновой, О.И. Давыдовой, Е.С. Евдокимовой и др.

Включение родителей в планирование образовательного процесса по изобразительному искусству в РЦСАД возможно при следующих условиях:

- при постоянном участии родителей на всех уровнях и этапах планирования образовательного процесса наблюдается динамика в воспитании и обучении детей;
- при наличии методики поэтапного включения родителей в планирование образовательного процесса, предполагающей на первом этапе – актуализацию потребностей родителей в образовании собственного ребенка, на втором – педагогическое просвещение родителей как заказчиков на образовательные услуги в РЦСАД; на третьем этапе – партнерство специалистов РЦСАД и родителей в планировании и организации образовательного процесса;
- при условии осуществления планирования на основе системного подхода и наличия в нем трех основных уровней: стратегического, тактического и оперативного.

Родители в РЦСАД представляют различные группы по образовательному и профессиональному уровню. Нами выделено пять групп, причем каждая имеет свои особенности по характеру затруднений и ожиданий родителей в воспитании и обучении детей, что позволило определить направление, содержание и формы работы с ними. Это делает процесс педагогической подготовки родителей максимально дифференцированным и целенаправленным. Организация работы с родителями включает:

- инструктивно-педагогический блок (лекции, семинары);
- организационно-методический блок (игровые занятия);
- психологический блок (лекции, семинары, тренинги);
- совершенствование практических навыков (практические занятия по технике рисования, обмен опытом, детские выставки). Создана диагностическая карта для освоения программы «Мир волшебников».

Включение родителей в планирование образовательного процесса в РЦСАД осуществлялось по следующим направлениям:

- изучение интересов, потребностей родителей в образовательных услугах;
- привлечение родителей к разработке планов. Программы развития по изобразительной деятельности, учебного индивидуального плана, карт индивидуального развития ребенка, совместных планов специалистов и родителей и др.

Художественно-эстетическое воспитание является неотъемлемой частью духовного мира, нравственного облика, становится одной из необходимых предпосылок повышения культуры общества, творческого мышления современного человека и художественных способностей, а у детей способствует развитию эстетических потребностей, вкусов, взглядов, отношений к окружающей действительности и миру искусства, красоты, художественного творчества. Воспитание у детей художественного вкуса, формирование творческих умений, осознание ими чувства пре-

красного – важная задача специалистов РЦСАД. В РЦСАД художественно-эстетическое воспитание осуществляется во всех видах деятельности, которое целенаправленно сосредоточено на развитии художественно-эстетических чувств, поэтому имеют большое значение систематические занятия по изобразительному искусству – рисованию, лепке, аппликации, особенно когда специалисты центра учат детей подбирать формы, цвета, составлять красивые орнаменты, узоры, устанавливать пропорции в своих работах. Специалистами РЦСАД подготовлена программа «Мир волшебников», в которой запланированы занятия по методике изобразительной деятельности по всем возрастным группам, по которой уже второй год ведется работа. По ее итогам организуются выставки, конкурсы детского рисунка как на отечественных площадках, так и за рубежом.

Традиционные формы работы специалистов с семьей совмещаются сегодня в новой социальной обстановке с вариативными инновационными технологиями организации взаимодействия специалистов РЦСАД с родителями. Основное направление всех форм взаимодействия центра с семьей: установка доверительных взаимоотношений с детьми, родителями и специалистами, их объединение, развитие желания делиться между собой проблемами и сообща разрешать их, делиться успехами и увеличивать их. Специалистам РЦСАД необходимо стараться более полно использовать педагогический потенциал различных форм и методов работы с семьей и искать новые, инновационные формы взаимодействия с родителями, чтобы их компетентность преумножалась.

Предлагаем вашему вниманию критерии оценки полученных детьми знаний и умений на занятиях по изобразительному искусству в РЦСАД.

<b>Критерии оценки: 3 балла – правильное выполнение задания; 2 балла – замедленное выполнение задания; 1 балл – ребенок может выполнить задание только с помощью воспитателя; 0 баллов – невыполнение задания.</b>		
<b>Показатели</b>	<b>Содержание заданий</b>	
1. Сформированы умения изображать предметы по памяти	Например, понаблюдав на прогулке за синицами в кормушке, за транспортом, за работой дворника и т.д., предложить детям нарисовать их по памяти.	
2. Сформировано умение рисовать с натуры, учитывается наблюдательность, способность замечать характерные особенности (форма, пропорции, расположение на листе и т.д.).	Предложить детям нарисовать яблоко с натуры. Отметить наблюдательность, способность замечать характерные особенности (форма, пропорции, расположение на листе).	
3. Сформировано умение сюжетного рисования (вблизи – вдали, дерево высокое – цветок низкий и т.д.)	Во время проведения занятия по сюжетному рисованию понаблюдать, умеют ли дети изображать предметы в соответствии с их реальным расположением: ближе или дальше от рисующего, ближе к нижнему краю листа или дальше от него. Умеют ли передавать различия в величине изображаемых предметов: дерево высокое, цветок ниже дерева; воробышек маленький, ворона большая и т.д.	
4. Работать цветными карандашами	Предложить детям для рисования различные материалы на выбор: цветные карандаши, гуашь, акварель, цветные мелки, сухую и жирную пастель, сангину, угольные карандаши, фломастеры, гелевые авторучки, кисти разных размеров. Понаблюдать, умеют ли дети ими пользоваться, используют ли в своей работе разные материалы для создания выразительного образа.	
5. Работать гуашью		
6. Работать акварелью		
7. Работать цветными мелками		
8. Работать угольным карандашом		
9. Работать фломастерами		
10. Работать кистями разных размеров		
11. Сформированы умения в одном рисунке использовать разные материалы		Предложить ребенку обвести простым карандашом с легким нажимом контур трафарета и оценить умение ребенка обводит с легким нажимом.

12. Сформированы умения рисовать акварелью по сырому слою	Предложить детям акварель, чтобы нарисовать пейзаж по сырому слою. Для этого лист бумаги смачивается водой, затем наносятся разноцветные пятна, которые перетекают одно в другое, соединяясь в оттенки. На более подсохший фон акварелью определенного цвета наносится рисунок кустарников, деревьев, гор и т.д.
13. Сформированы умения чувствовать плавные переходы оттенков цвета	Предложить детям нарисовать радугу. Напомнить им о темпе работы, о том, что необходимо набирать определенное количество воды, чтобы получались плавные переходы оттенков цвета.
14. Сформированы умения обозначать оттенки двух цветов (желто-зеленый и серо-голубой)	Предложить ребенку полоски бумаги разных оттенков, в том числе оттенков двух цветов (желто-зеленый и серо-голубой). Попросить его назвать эти оттенки.
15. Сформированы знания природных оттенков (малиновый, персиковый...)	Предложить вниманию ребенка полоски бумаги природных оттенков (малиновый, персиковый, кирпичный, салатный и др.). Попросить его назвать эти оттенки.
16. Сформированы умения различать оттенки (нежно-зеленый, бледно-зеленый, темно-зеленый...)	Предложить вниманию ребенка полоски бумаги схожих оттенков: нежно-зеленый, бледно-зеленый, темно-зеленый и т.д. Попросить его назвать эти оттенки.
17. Сформированы умения рисовать по замыслу	Когда дети ведут самостоятельную деятельность в изоуголке, понаблюдать, что они рисуют, какими техниками и материалами пользуются. Поговорить с ними об их творчестве.
18. Сформированы знания об особенностях узбекской игрушки	Предложить вниманию ребенка узбекскую игрушку бабушки Хамро. Попросить ребенка показать узбекскую игрушку. Назвать ее особенности: материал, из которого она сделана, основные цвета, элементы росписи.
20. Сформированы знания особенностей ташкентской росписи, называет ее цвета и оттенки	Показать ребенку изделия с ташкентской росписью. Попросить его назвать эту роспись, рассказать о ее особенностях: из какого материала изготовлены изделия, какие элементы, цвета и оттенки характерны для росписи.

### Литература

1. Виноградова Н.Ф. Воспитателю о работе с семьей. – М.: Просвещение, 1989. 189 с.
2. Воспитание дошкольника в семье / Под ред. Т.А.Марковой. – М.: Педагогика, 1979.
3. Воспитатели и родители / Сост. Л.В.Загик, В.М.Иванова. – М.: Просвещение, 1985. 96 с.
4. Чаброва Т.Л. Бирга расм чизамиз. – Т: ComplexPrint, 2016. 60 б.
5. Чаброва Т.Л. Болага нима керак? – Т: Complex Print, 2016. 36 б.

# УЮШМАГАН ЁШЛАРДА САЛОМАТЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

- Д.Д.Шарипова, п.ф.д. профессор
- Ў.К.Умурзақов, Тошкент давлат педагогика университети мустақил тадқиқотчиси

Инсон етук интеллектуал ва баркамол шахс бўлиб шаклланиши учун жисмоний жиҳатдан чириккан, соғлом, онг ва тафаккури шакланган маънавий етук, дунёқараши кенг, жамият тараққиётида фаол қатнашадиган, инсон ҳаётида учрайдиган баъзи ноахлоқий (спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларига ружу қўйиш, турли хил гиёҳванд моддалар таъсирига тушиб қолиш, психотроп таблеткалар ҳамда айни кунларда ёшлар орасида оз бўлса-да учраб тураётган чилим, электрон сигареталарни истеъмол қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни содир этиш ва ҳ.к.) иллатларга нисбатан муросасиз ҳамда соғлом фикр эгаси бўлмоғи лозим.

Бунинг учун инсон соғлом турмуш тарзига риоя қилиши, иродаси мустаҳкам, сабрли, ишчанлик қобилиятини ҳамда ташқи кўркемликни сақлашга эришишнинг асосий омилларидан бири – жисмоний маданият бўлмоғи лозим. Хўш, «жисмоний маданият» деганда нимани тушунамиз?! «Жисмоний маданият» – умуминсоний маданиятнинг бир қисми бўлиб, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий фаолият соҳаси саналади.

Жисмоний тарбия билан шуғулланиш – бу жисмоний машқларни мунтазам бажариш, кун тартибига ва гигиена қоидаларига риоя қилиш, танани куёш, ҳаво ва сувдан самарали фойдаланиб, чиниктириш демакдир.

Жисмоний маданият тиббиёт, экология, педагогика, психология каби фанлар билан боғлиқ ҳолда шакланган ва ривожланган. У жамият тараққиёти, одамларнинг самарали меҳнат қилиши, ақлий имкониятларининг равнақ топиши, ахлоқий покланиш, келажак наслларнинг жисмоний аҳволига тўғридан-тўғри таъсир ўтказиши. Шунинг учун ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўзидан кейин қоладиган авлоднинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб ўсиши ҳақида қайғуради.

Юртимизда ёшларга оид сиёсатни янада такомиллаштириш ва уларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиш боради 2017 йил 5 июлидаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб қувватлаш тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 3 июнидаги ПҚ 3031-сонли «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори, Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурди [1,2].

Уч минг йиллик тарихга эга бўлган «Авесто»да «Бизга шундай камёблик бахш айлагилки, навқирон ва кучли ёрлар топаёлик. Токи улардан хушёр ва соғлом фарзандлар дунёга келсин» дея таъкидлагани ўша даврлардаёқ инсониятнинг жисмоний маданият ёрдамида соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратганидан далолат беради. Ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш» достонида эса кураш, мерганлик ва чавондозлик мусобақаларига катта эътибор берилган. Достонда ёзилишича, қизлар Алпомишдек олдиларига қўйилган шартларни бажарган йигитларнигина куёвликка лойиқ қўришган [3].

Жисмоний тарбия ва спорт орқали соғлом ёшларни тарбиялаш бутун бир жамиятнинг вазифаси бўлмоғи керак. Ҳар бир инсон, оила, маҳалла, ота-она жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни одат даражасига чиқариши билан бирга, қадрият сифатида эъзозлаши жамиятнинг узлуксиз равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан уюшмаган ёшлардаги муайян хусусиятлар ҳамда жисмоний тарбия ва спорт ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш зарур ҳисобланади. Уюшмаган ёшларнинг хусусиятлари бевосита уларнинг маънавиятида мужассамлашган бўлиб, ундаги туйғуларни ривожлантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни жуда муҳимдир.

Ёшларда, айниқса, уларнинг уюшмаган қатламида маънавият шакланган бўлса, у ўзидаги имкониятлардан умум манфаати йўлида фойдаланади. Акс ҳолда унда ўз манфаатини бошқалар манфаатидан устун қўйиш ҳолатлари, хоҳиш-истаклари ғолиб чиқиб турли бузғунчи иллатларга



беради бошлайди. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия ва спорт инсон маънавиятини шакллантирувчи ажралмас қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш:

- маънавиятнинг асосий вазифаларидан бири инсон руҳини поклаш бўларкан, жисмоний тарбия ва спорт ҳам инсон танасини чиниқтириш орқали танада руҳнинг имкониятларини кенгайтиради. Руҳнинг барқарорлиги миллий ғурурни ҳам шаклланишида муҳим аҳамият касб этади;
- инсон қалби ва руҳи мутаносиблиги учун қалбнинг кенглиги талаб қилинаркан, жисмоний тарбия ва спорт орқали ҳам қалб тенглиги ҳам шакллантирилади;
- инсон ички дунёсининг бойишида ҳам катта аҳамият касб этади;
- инсон ички дунёси маърифат билан бойиб боради. Маърифатли бўлиш асосида ҳам машаққат ётади. Машаққатнинг моҳиятини жисмоний жиҳатдан чиниққан инсонгина тўлиқ англаб ета олади;
- иродани шакллантиришда ҳисса қўшади. Турмушнинг қийин даврларида инсон иродасининг мустаҳкамлиги унинг қийинчиликларни енгишида асосий омиллардан бири бўлиш билан бирга, қолган омиллар ва хусусиятларни шакллантиришда ҳам асосий ёрдамчи восита бўлиб хизмат қилади;
- инсон иймон-этикодини бутун қилишда ҳам иштирок этади. инсон жисмоний жиҳатдан соғлом ва тетик бўлгандагина бошқаларга ёрдам бера олади, унинг маънавиятлилиги эса берган ёрдамини миннат қилмаслиги орқали кўринади. Бунда инсон ўзини назорат қилиш кўникмасини ҳам шакллантириб боради;
- инсон виждонини уйғотишда ҳам катта ёрдам беради.

Жисмоний тарбия ва спортнинг юқоридаги кўплаб хусусиятларини иноботга олиб, уюшмаган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кўпроқ жалб қилиш орқали уларда миллий хусусиятлар ва жамоавий кадриятларни шакллантириш мумкин. Чунки жисмоний тарбия ва спортнинг жамоавий турлари уюшмаган ёшларда жамоада ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантириши уларни жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол бўлишига хизмат қилади.

Е.М.Ревенко, Е.Ильин, А.В.Шаболтас каби олимлар томонидан тузилган сўровномалардан фойдаланган ҳолда биз уюшмаган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга қизиқишларини ошириш ва мотивациялаш масалаларини ўргандик. Олинган натижалар асосида ушмаган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилишнинг тизимли ташкил этиш бўйича қуйидаги ишларни амалга оширишни тавсия этган бўлар эдик. Хусусан:

1. Барча сектор раҳбарлари ушмаган ёшлар бўйича қуйидаги вазифаларни бажарилишини ўз назоратига олишлари муҳим аҳамият касб этади.

2. Маҳалла фуқаролар йиғинлари штат таркибида олий маълумотга эга жисмоний тарбия ва спорт соҳаси вакили ишлашини таъминлаш ҳамда ўша соҳа вакили атрофида ташаббускор спортчи ёшлардан иборат гуруҳ тузиш. Гуруҳ зиммасига маҳаллаларда ёшлар ва уларнинг уюшмаган қатлами орасида спорт мусобақаларини тизимли олиб бориш ҳамда истеъдодли ёшларни кашф этишни юклаш.

3. Спорт федерациялари, спорт клублари раҳнамолигида ушмаган ёшлардан ташкил этилган жамоаларни тузиш.

4. Маҳаллалардаги спорт фахрийларини жисмоний тарбия ва спорт ишларига жалб қилиш орқали ёшларни улар атрофига бирлаштириш. Маҳаллаларда ўтадиган тантана, юбилей маросимлари муносабати билан спорт мусобақаларини ўтказишни оммалаштириш. Хотира турнирларини ўтказиш.

5. БЎСМ мураббийлари ва мактаб, коллеж жисмоний тарбия фани ўқитувчиларини маҳалла спортига кўмаклашишини ташкил этиш.

6. МФЙ бинолари олдида «Маҳалламиз ифтихорлари» номи остида ёшлар тасвирий ойнасини ташкил этиш ва у ерда иқтидорли спортчи ёшларнинг суратларини қўйишни ташкиллаштириш.

7. Барча сиёсий партияларни уюшмаган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш юзасидан йиллик режа асосида тадбирлар ўтказишларини янада жадаллаштириш.

8. Маҳаллаларда, айниқса, қишлоқ қизлар ва аёллар спортини жонлантириш учун аёл мураббийларни ушбу соҳага олиб кириш зарур.

Замон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки давлатнинг эртаси мазкур жамиятда яшаётган ёшларнинг қандай камол топаётгани билан чамбарчас боғлиқ.

Ёшлар онги ва қалбида мустақиллик ғоясига юқори маънавият ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғулари янада чуқур илдиз отиши, радикализм ҳамда экстремизмдек ёт ғояларга қарши иммунитетини мустаҳкамлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган мақсадли ва тизимли равишда жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларини ҳамда тадбирларни ўтказиб боришни йўлга қўйишимиз, жисмоний тарбия ва спорт орқали уюшмаган ёшларни жамиятда ўз ўринларини топиб олишларига имкониятлар яратишимиз лозим.

### Адабиётлар

1. 2017 йил 3 июндаги ПҚ 3031-сонли «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори
2. 2017 йил 5-июль кунги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони
3. Аҳатов Л.К, Расулов А.Г Мутафаккирларнинг спортга оид қарашлари муҳим манбаа кашфиёти сифатида. // Жисмоний тарбия ва спортда фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялардан фойдаланиш. – Қарши, 2018.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЗДОРОВЬЕСБЕРЕГАЮЩИХ ТЕХНОЛОГИЙ В РАБОТЕ С ДЕТЬМИ С ОСОБЫМИ ПОТРЕБНОСТЯМИ ЗДОРОВЬЯ

- **Д.Д. Шарипова, д.п.н., акад.,  
Республиканский центр социальной адаптации детей**

Анализ научной литературы, посвященной системным исследованиям по работе с детьми, имеющими проблемы со здоровьем и обучающимися в условиях инклюзивного образования, позволяет отметить: в подобных школах в качестве ведущих выделяются вопросы сохранения здоровья, оптимизации учебного процесса, разработки здоровьесберегающих технологий обучения, формирования ценностей здоровья и здорового образа жизни с учетом влияния факторов среды и состояния здоровья обучающихся [1].

Знание и использование здоровьесберегающих технологий в школе с инклюзивным образованием ведет к повышению профессиональной компетентности руководителей образовательных учреждений, преподавателей, кураторов, что необходимо для успешного выполнения здоровьесберегающей деятельности с учетом новых условий, запросов и потребностей государства и общества в целом по социальной защите детей с ограниченными возможностями здоровья.

Здоровьесберегающие технологии, относясь к качественной характеристике образовательной технологии, можно рассматривать как совокупность тех принципов, приемов и методов педагогической работы, которые, дополняя традиционные технологии обучения и воспитания, наделяют их признаками здоровьесбережения с учетом условий среды и необходимости сохранения здоровья обучаемых.

Термин «здоровьесберегающие образовательные технологии» (далее – ЗОТ) можно рассматривать и как качественную характеристику любой образовательной технологии, ее «сертификат безопасности для здоровья», и как совокупность тех принципов, приемов, методов педагогической работы, которые дополняют традиционные технологии обучения и воспитания, наделяют их признаком здоровьесбережения [2].

В образовательной практике, в том числе с детьми, имеющими проблемы со здоровьем, выделяют три источника угроз для здоровья обучающихся и педагогов:

- гигиенические, средовые факторы;
- организационно-педагогические факторы;
- психолого-педагогические факторы.

ЗОТ, в первую очередь, касаются третьей группы факторов, что выдвигает на первый план задачу формирования соответствующей компетенции у всех работников образовательных учреждений. К трем общепринятым факторам угрозы для здоровья обучающихся необходимо отнести

также недостаточную грамотность обучающихся в вопросах здоровья. Таким образом, ЗОТ можно рассматривать как альтернативу угрозам здоровью, исходящим из всех источников, так или иначе связанных с образовательным процессом.

Формирование у обучающихся в условиях инклюзива ответственности за сохранение здоровья окружающих, в том числе и за свое, – это целенаправленный, многоаспектный воспитательный процесс, который следует рассматривать в качестве одной из важнейших задач учреждений с инклюзивным образованием.

Перед человеком, который осознал ответственность за собственное здоровье, почувствовал потребность заботиться о нем, встает вопрос о том, как это грамотно делать. И здесь от образовательных программ целесообразно обратиться к технологиям здоровьесбережения, научить ребенка, подростка, молодого человека общим принципам, современным системам и методам охраны и укрепления здоровья.

Постановка задачи здоровьесбережения в образовательном процессе может рассматриваться в двух вариантах: задача-минимум и задача-оптимум. Задача-минимум отвечает фундаментальному принципу медицины и педагогики «Не навреди!». Реализация ее рабочей программы включает выявление и каталогизацию факторов, оказывающих или потенциально способных оказать вредное (патогенное) воздействие на организм обучающегося, – его физическое, психическое (психологическое), репродуктивное, духовно-нравственное здоровье, и в дальнейшем устранение самих этих факторов или смягчение их воздействия на обучающихся и педагогов.

Понимание ЗОТ как задачи-оптимум включает в себя решение задачи-минимум, а также формирование у обучающихся физического, психического, духовно-нравственного здоровья, воспитание у них культуры здоровья, действенной мотивации на ведение здорового образа жизни [3].

Критерием здоровьесберегающих показателей образовательных технологий является состояние здоровья обучающихся и педагогов. Согласно исследованиям, в настоящее время принята следующая классификация здоровьесберегающих технологий:

- медико-гигиенические технологии (МГТ);
- физкультурно-оздоровительные технологии (ФОТ);
- экологические здоровьесберегающие технологии (ЭЗТ);
- технологии обеспечения безопасности жизнедеятельности (ТОБЖ);
- здоровьесберегающие образовательные технологии (ЗОТ), которые делятся на три подгруппы:
- организационно-педагогические технологии (ОПТ);
- психолого-педагогические технологии (ППТ);
- учебно-воспитательные технологии (УВТ). [4]

Особое место занимают еще две группы технологий, включаемые во внеучебную работу образовательных учреждений:

- социально-адаптирующие и личностно-развивающие технологии – формирование и укрепление психологического здоровья обучающихся; повышение ресурсов психологической адаптации личности (социально-психологические тренинги, программы социальной и семейной педагогики);
- лечебно-оздоровительные технологии составляют самостоятельные медико-педагогические области знаний: лечебную педагогику и лечебную физкультуру, воздействие которых обеспечивает восстановление физического здоровья обучающихся [5].

Рекомендуется базовая модель системной комплексной работы по сохранению и укреплению здоровья в учреждениях с инклюзивным образованием. Она состоит из шести блоков:

1. Здоровьесберегающая инфраструктура образовательных учреждений.
2. Рациональная организация учебного процесса.
3. Организация физкультурно-оздоровительной работы.
4. Просветительно-воспитательная работа с обучающимися, направленная на формирование ценности здоровья и здорового образа жизни.
5. Организация системы просветительской и методической работы с преподавателями и специалистами для повышения квалификации работников образовательного учреждения, работающими с детьми, у которых есть проблемы со здоровьем.
6. Профилактика и динамические наблюдения за состоянием здоровья обучающихся.

Переступив порог образовательного учреждения, обучающийся столкнется с теми воздействиями, которые окажутся для него непереносимыми ввиду неготовности к взаимодействию с ними. Подготовить обучающихся к самостоятельной жизни – значит сформировать у них адекватные механизмы адаптации: физиологический, психологический, социальный. Это и должно делать образовательное учреждение через ЗОТ – тренируя, обучая, воспитывая. Создание на занятиях моделей реальных условий жизни – те мостики, которые позволяют обучающемуся в дальнейшем использовать полученные знания, умения, навыки на практике.

У образовательных учреждений с инклюзивом достаточно ресурсов для помощи своим воспитанникам в сохранении здоровья как в период обучения, так и после окончания. Это и учебно-воспитательные программы, и внеклассная работа, и воздействие через родителей обучающихся, и т.п. Содействие процессам формирования адаптационных ресурсов обучающихся, возможностей противостоять вредному воздействию окружающей среды – как природной, так и социальной – важнейшая стратегическая задача, решаемая доступными образовательным учреждениям средствами (обучением, воспитанием, содействием развитию обучающихся, а также реализации пропаганды здорового образа жизни).

Из определения здоровьесберегающих технологий видно, что важнейшей целью внедрения ЗОТ в образовательный процесс является формирование у обучающихся культуры здоровья. Культура здоровья должна не изучаться, а воспитываться. Психологическая основа этого – мотивация на ведение здорового образа жизни. Как отмечал А.Г. Маджуга, для сохранения и укрепления здоровья необходимо изменить отношение человека к своему здоровью: оно должно стать значимым в иерархии мотивов и ценностей личности. Отношение к здоровью интегрирует в себе такие компоненты, как когнитивный, аксиологический, эмоциональный, поведенческий [6].

Неотъемлемой частью культуры здоровья детей с проблемами здоровья является информированность в вопросах ЗОЖ. Как добиться успеха, как не стать жертвой алкоголя или наркотиков – приобщившись к культуре здоровья, за ответами на все эти вопросы обучающиеся обращаются именно к педагогу детей с проблемами здоровья, специалисту. И тогда полученная от них информация имеет максимальные шансы для детей с проблемами здоровья быть использованной на практике. Итак, обучение вопросам здоровья, воспитание культуры здоровья, использование здоровьесберегающих технологий при обучении детей в условиях инклюзива как основного инструмента педагогической работы составляют единое целое – дорогу к сохранению и укреплению здоровья.

Следует отметить, что модель работы с детьми с ограниченными возможностями, ведущей к здоровьесбережению, включает три этапа. На первом педагог сообщает обучающимся здоровьесберегающую информацию (рассказывает, читает, демонстрирует в визуальной форме), построенную с таким расчетом, чтобы стимулировать (спровоцировать) их вопросы по сохранению здоровья. На втором этапе обучающиеся задают вопросы о том, как сформировать ЗОЖ. На третьем – учитель на них отвечает. Поощряется как задавание вопросов, так и попытки ответить на вопрос – чужой или свой собственный.

Современный уровень цивилизации и культуры выдвигает в число важнейших для человека приоритетов задачу самому научиться не болеть, быть здоровым или сохранить нарушенное здоровье. Для системы здоровья образования эта задача трансформируется в императив – использовать для достижения этой цели те здоровьесберегающие технологии, которыми как раз и владеет педагог, психолог, призванные направлять основные усилия на укрепление и сохранение здоровья как здоровых, так и обучающихся с ними детей с особыми потребностями здоровья.

### Литература:

1. Шарипова Д.Д. и др. Использование здоровьесберегающих технологий в системе непрерывного образования в целях духовно-нравственного и культурного развития подрастающего поколения. Ташкент: Fan va texnologiyalar, 2014. – 114 с.
2. Смирнов Н.К. Руководство по здоровьесберегающей педагогике. Технология здоровьесберегающего образования / Н.К. Смирнов. – М., 2008. – 288 с.
3. Коваленко В.М. Здоровьесберегающие технологии. М., 2004. – 154 с.
4. Здоровьесберегающие технологии в общеобразовательной школе: методология, анализ, формы, методы, опыт применения / Под ред. М.М. Безруких, В.Д. Сонькина. – М.: ИВФ РАО, 2002. – 181 с.



5. Сократов Н.В. Современные технологии сохранения и укрепления здоровья детей: учебное пособие. – М.: Сфера, 2005. – 224 с.
6. Маджуга А.Г., Синицина И.А. Здоровьесберегающая педагогика: теория, методология, опыт, перспективы развития. – М.: Логос, 2014. – 508 с.

## **НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

- **Р.К.Юсупов,**  
**Самарқанд давлат университети Ижтимоий фанлар кафедраси доценти**

Инсон ҳуқуқлари тизимида ногиронларни ҳимоя қилиш механизмларини ривожлантириш уларнинг мустақил шахслардан хайрия ёрдами олувчи сифатидаги мақомини тубдан ўзгартириш имконини беради. Бундай ёндошув ногиронларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш орқали уларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши учун имкониятлар излашга қаратилгандир. Ногиронларнинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш фақат махсус хизматларни тақдим этишдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки уларга камситиш назари билан қарашга барҳам берувчи чора-тадбирларни амалга оширилишини, ногиронларнинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари таъминланишини кафолатловчи ҳамда бу борадаги тўсиқларни олиб ташловчи қонунлар, дастурлар қабул қилинишини ҳам назарда тутати.

Яхлитликда инсон ҳуқуқлари тўғрисида Халқаро қонунлар тўпламини ташкил этувчи асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил), иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт (1966 йил) ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт (1966 йил)да фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар кафолатланган, аммо уларда ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғридан тўғри тилга олинмаган [1]. Ногиронлар ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган махсус ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги давлатларнинг ногиронлар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлигининг сезиларли даражада фаоллашувига туртки берди.

Ногиронлар масаласи бир неча марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кўриб чиқилган, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган. 1975 йил 9 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Декларацияни қабул қилди ҳамда унинг асосида ўн йиллик давомида ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш Дастури (1983–1992 йиллар) ишлаб чиқилди. Ногиронларга нисбатан Бутунжаҳон ҳаракат дастурининг мақсади ногиронликнинг олдини олишга, уларнинг меҳнатга лаёқатлилигини тиклашга, ногиронларнинг ижтимоий ҳаёт ва жамият тараққиётида «тенг» ва «тўлақонли иштирок этишлари»ни таъминлашга қаратилган мақсадларни амалга оширишнинг самарали чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва ҳаётга тадбиқ этилишига кўмаклашишдан иборатдир [2]. Бунда бутун аҳоли учун бўлгани каби яшаш шароитларини яратиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш натижасида турмуш шароитларини бир хилда яхшилаб бориш тушунилади. Мазкур концепциялар барча мамлакатлар томонидан бир хилда қўлланилиши керак ҳамда уларнинг ривожланиш даражасидан қатъий назар биринчи галдаги ва муҳим вазифалар сирасига киради.

1982 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ногиронларга нисбатан муносабат бўйича Бутунжаҳон ҳаракат дастури қабул қилинади [3]. Мазкур дастур иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар барча мамлакатларда ногиронларнинг ижтимоий ҳаёт ва ривожланиш жараёнларида бир хилда фаол иштирок этишларини таъминлашни мақсад қилиб қўйган эди.

Бош Ассамблея 1982-1992 йилларни «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ногиронлар ўн йиллиги» деб эълон қилди ва барча давлатларни ушбу даврдан ногиронларга нисбатан муносабат бўйича Бутунжаҳон ҳаракат дастурини амалга ошириш учун воситалардан бири сифатида фойдаланишга чақирди [4].

1993 йилда Бош Ассамблея тавсия характерига эга бўлган «Ногиронлар учун бир хил имкониятларни таъминлаш бўйича стандарт қоидалар» номли ҳужжатни қабул қилди [5]. Мазкур қоидаларда ногиронларнинг жамият ҳаётида тенг шароитларда иштирок этишларига ҳалақит бе-

радиган тўсиқларни бартараф этиш юзасидан давлатларнинг мажбуриятлари акс этган бўлиб, улар кейинчалик аксарият давлатларнинг миллий қонунчилигига киритилди. Гарчи иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Халқаро пактда ногиронлик билан боғлиқ қоидалар акс этмаган бўлса-да, 1994 йилда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита томонидан «Ногиронликнинг бирор бир шаклига эга шахслар» номли 5-рақамли умумий тартибдаги мулоҳазалар қабул қилинди [6].

2006 йил 13 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция сифатида қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ногиронларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда халқаро ва миллий мониторингни ташкил қилиш учун иштирокчи давлатлар томонидан қабул қилиниши керак бўлган мақсадлар, умумий принциплар, мажбуриятлар, аниқ ҳуқуқ ва чора-тадбирларга бағишланган 50 та моддадан иборат.

Конвенциянинг Факультатив протоколига кўра, алоҳида шахслар ва уларнинг гуруҳлари Қўмитага Конвенциянинг исталган қоидаси бажарилмаётгани ёки бузилаётгани тўғрисида хабар бериши мумкин. Факультатив протокол шунингдек, Қўмитага ногиронларнинг ҳуқуқлари тизимли ва қўпол равишда бузилаётгани ҳақида асосли ва ишончли маълумотлар бўлганда ушбу давлатларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини ҳам беради [7].

Конвенцияда «ногиронлик» атамасининг кенг қамровли таърифи мавжуд эмас, Конвенциянинг преамбуласида «ногиронлик» вақт ҳамда турли ижтимоий-иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб ўзгариб туриши мумкин бўлган, динамик ёндошувга асосланадиган, ривожланиб боровчи тушунча сифатида қайд этилган (е – банд). Конвенцияга кўра, барқарор жисмоний, рухий, ақлий ёки сенсор нуқсонларга эга бўлган ва улар жамият ҳаётида тўлиқ ва самарали иштирок этишига халақит берадиган шахслар ногирон ҳисобланади (1-модда).

Конвенциянинг асосий принциплари 3-моддада баён этилган: инсонга хос бўлган кадр-қимматнинг, шахсий мустақиллик ва эркинликнинг ҳурмат қилиниши; камситмаслик, имкониятлар тенглиги, эркаклар ва аёллар тенглиги; жамият ҳаётига жалб этилиш ва киришиб кетиш; инсонлар орасида мавжуд бўлган фарқни ҳурмат қилиш ҳамда инсонлар хилма хиллиги фактини қабул қилиш; имкониятларни таъминлаш; ногирон болаларнинг ривожланиб боровчи қобилиятларини ҳурмат қилиш ҳамда уларнинг ўз индивидуаллигини сақлаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш. Конвенцияни ратификация қилган давлатларнинг айримлари унинг баъзи қоидаларини шарҳлар асосида ўзгартиришга ҳаракат ҳам қилишган. Ваҳолонки, ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 46-моддасига кўра, қатнашчилар шарҳлар асосида ўзгартириш киритишларига йўл қўйилди, фақат ушбу шарҳлар «мазкур Конвенциянинг объекти ва мақсадларига зид келмаслиги керак» [8]. Инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа асосий халқаро шартномалардан фарқли равишда мазкур Конвенцияда ногиронлар ҳуқуқларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш борасида халқаро ҳамкорлик нуқтаи назаридан долзарб бўлган тўртта йўналиш назарда тутилган:

1. Ногиронлар учун қулай бўлган ва инклюзив халқаро ҳамкорлик, жумладан халқаро ривожланиш дастурлари.

2. Мавжуд имкониятларни, жумладан ўзаро маълумот ва ахборот, тажриба, дастурлар ва илғор ишланмаларни алмашиш йўли билан мустаҳкамлаш.

3. Тадқиқотлар ҳамда илмий-техник билимларни ўзлаштиришга имконият яратиш соҳаларида ҳамкорлик.

4. Техник-иқтисодий ёрдам, жумладан қулай ва ассистив технологиялардан фойдалана олишни осонлаштириш ҳамда уларни ўзаро алмашиш йўли билан, шунингдек, технологияларни етказиб бериш воситасида ёрдам кўрсатиш [9].

Ногирон болалар ҳуқуқларининг ҳар қандай тарзда бузилиши улар томонидан ўз индивидуалликларини намоён этиш имкониятини бермасдан, инсоний кадр-қимматини йўқотишига сабаб бўлади [10].

Ногирон болалар ҳуқуқларига оид махсус қоидалар 1989 йил Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенцияда ўз аксини топади. У болаларни соғлиғининг ҳолатига қараб камситишни (2-модда) тақиқлайди, шунингдек, ногирон болаларни ижтимоий ҳаётга кенгрок жалб этиш мақсадида уларга ғамхўрлик кўрсатиш мажбуриятини юклайди (23-модда). Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенцияда ҳам битта модда болаларга бағишланган (7-модда), унга кўра давлатлар ногирон

болаларнинг ҳуқуқлари бошқа болалар билан бир хилда ва тенг асосда амалга оширилишини таъминлашлари, уларнинг олий манфаатлари йўлида ҳаракат қилишлари, ҳамда уларни эшитиш ва тушуниш бўйича ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлашлари шарт [10].

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг принципларидан бирида (3-модда) ногирон болаларнинг ривожланиб боровчи қобилиятларини ҳамда ногирон болаларнинг ўз индивидуалликларини сақлаш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, шунингдек, давлатнинг тегишли қонунчилик ва стратегияларини ишлаб чиқишда болалар билан, уларнинг манфаатларини ақс эттирувчи ташкилот орқали маслаҳатлашиш бўйича умумий мажбурияти (4-модданинг 3-банди) белгилаб қўйилган. Соғлиқнинг мумкин бўлган энг юқори даражасига эришиш ҳуқуқи ҳамда сифатли ва ҳамёнбоп тиббий хизмат олиш ҳуқуқи ҳар бир боланинг дахлсиз ҳуқуқи ҳисобланади [11]. Жаҳон банкининг Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрлаган маърузасида ногирон инсонларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган 9 та тавсия берилган:

1. Барча универсал тизим ва хизматлардан фойдалана олишни таъминлаш.
2. Ногиронлар учун мўлжалланган махсус дастурлар ва хизматларга инвестицияларни йўналтириш.
3. Ногиронлик бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режасини ишлаб чиқиш.
4. Ногиронларни ишга жалб этиш.
5. Кадрлар салоҳиятини ошириб бориш.
6. Зарур молиялаштиришни таъминлаш ҳамда иқтисодий қулайликни ошириш.
7. Жамиятнинг ногиронлик муаммосидан хабардорлигини ошириш.
8. Ногиронлар тўғрисида маълумотлар тўплашни яхшилаш.
9. Ногиронлик муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотларни кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш [12].

1992 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 3 декабрни «Халқаро ногиронлар куни» деб эълон қилди. БМТ барча аъзо давлатларни шу куни ногиронларнинг жамият ҳаётига интеграциялашувига, уларни доимий ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга, шунингдек зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган тадбирларни ўтказишга чақиради [13].

Ўзбекистонда ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлатнинг ишончли ҳимояси остига олинган. Шу мақсадда 1991 йил 18 ноябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ногиронлар ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган принциплари ва қоидаларида белгилаб қўйилган фуқаролик, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини бошқа фуқаролар билан бирдек ва тенг асосда амалга оширишларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди. 2008 йилда мазкур Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шундай қилиб, бизнинг мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича яхлит институционал ва ҳуқуқий база яратилди. Қонун ҳужжатларида ушбу тоифага мансуб шахслар учун турли имтиёзлар белгилаб қўйилган. Жумладан, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида ногиронларнинг, хусусан, ногирон болалар ва болалиқдан ногирон шахсларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, реабилитациянинг барча турларидан фойдаланиш, дори-дармонлар, протез-ортопедия буюмлари, ҳаракат воситалари билан имтиёзли тарзда таъминланиш, шунингдек касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтиш (малака ошириш) борасидаги ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Унда, шунингдек ногиронларнинг давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-санитария хизматидан, уйда қаровдан фойдаланиш, доимий қаровга муҳтож бўлган ёлғиз ногиронлар, сурункали руҳий касалликка чалинган ногиронлар меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларида яшаш ҳуқуқига эга эканлиги ўз аксини топган.

Фуқароларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ва барча турдаги реабилитациядан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфида жисмоний имкониятлари чекланган шахсларга маданий-маиший хизматлар кўрсатувчи 11 та ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитацияси марказлари, 180 та ижтимоий марказлар, 33 та давлат тиббий-ижтимоий муассасалари – «Саҳоват» ва «Мурувват» уйлари фаолият олиб боради [13].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони билан мазкур муассасалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказилган. Фуқароларнинг тўлақонли санатория-курорт даволанишини, соғлиғини тиклаши ва дам олишини ташкил қилиш учун тиббиёт фани ва амалиётининг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда тиббий-реабилитация хизматлари кўрсатишга ёндошувнинг халқаро талабларига тўла жавоб берадиган 8 та санатория, 134 та реабилитация техника воситаларини ижрага бериш пунктлари фаолият олиб бормоқда. Ҳар йили ўртача 30 минг нафар жисмоний имкониятлари чекланган шахслар соғломлаштирилади. «Саҳоват» ва «Мурувват» уйларида йилига етти мингдан зиёд ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга тиббий-ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатилади. Ҳар йили салкам олти минг нафар фуқарога протез-ортопедия жиҳозлари етказиб берилади, уч минг нафар фуқаро ногиронлар аравачалари, салкам беш ярим минг нафар шахс бошқа ортопедик жиҳозлар ва ҳаракат воситалари билан таъминланади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги имконияти чекланганларни моддий қўллаб-қувватлаш, санаторийларда соғломлаштириш, реабилитация техник воситалари билан таъминлаш, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан белгиланган хайрли ишларни республика Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Қизил яримой жамияти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди сингари ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосида рўёбга чиқармоқда. Умуман олганда, бугунги кунда вазирлик томонидан мазкур соҳада 300 га яқин нодавлат тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бундан ташқари, БМТ Тараққиёт дастури, Япониянинг ЛСА ташкилоти, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА), ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан турли ижтимоий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда [14].

Республикамизда мазкур йўналишда амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар ногиронлар мамлакат Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган барча ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлақонли фойдалана олишларини таъминлашга қаратилгандир. 2009 йил феврал ойида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенциясига қўшилди. Бу ногиронлар учун махсус қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид илк битимдир. Унда жисмоний имкониятлари чекланган шахслар ҳомийлик ва хайрия объектлари эмас, балки ҳуқуқ эгалари ва ривожланиш учун ўзгаришлар объектлари эканлиги қайд этилган. БМТ Конвенциясига қўшилиш Ўзбекистоннинг давлат томонидан олиб борилаётган ногиронларга нисбатан замонавий сиёсати таянадиган асосий принципларни тан олишини, халқаро стандартларга, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, юридик ва бошқа ҳаётий муҳим ҳуқуқларга риоя этишга тайёрлигини билдиради. Мазкур ҳужжатнинг мақсади ҳамма ногиронларга нисбатан барча инсон ҳуқуқлари амалга оширилишини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашдан, шунингдек, уларга хос бўлган кадр-қимматни рағбатлантиришдан иборат.

### Адабиётлар

1. Управление Верховного комиссара ООН по правам человека. Наблюдение за осуществлением Конвенции о правах инвалидов: Руководство для наблюдателей в области прав человека. Серия материалов по вопросам профессиональной подготовки № 17. 2010.
2. [www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/disability.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/disability.shtml)
3. Международная Ассоциация социального обеспечения. Бюллетень социальной политики. 2012. – С.23.
4. Резолюция 37/53 Генеральной Ассамблеи от 3 декабря 1982 года. <http://www.invalidnost.com/forum/11-2447-1>
5. Стандартные правила обеспечения равных возможностей инвалидов, прилагаемые к резолюции 48/96 Генеральной Ассамблеи от 20 декабря 1993 года. <http://www.invalidnost.com/forum/11-2447-1>
6. Замечания общего порядка № 5 «Лица с какой-либо формой инвалидности»// E/C. 12/1994/20, 1994.
7. Совет по правам человека. Доклад Верховного комиссара ООН по правам человека о ходе осуществления рекомендаций, содержащихся в исследовании о правах человека инвалидов. A/HRC/4/75. 17 January 2007.
8. Совет по правам человека. Тематическое исследование Управления Верховного комиссара по правам человека Организации Объединенных Наций в целях повышения уровня информированности о Конвенции, о правах инвалидов. A/HRC/10/48. 2009.



9. Совет по правам человека. Тематическое исследование Управления Верховного комиссара Организации Объединенных Наций по правам человека, который по вопросу о роли международного сотрудничества в поддержке национальных усилий по реализации прав инвалидов. А/ HRC/16/38. 2010.
10. Доклад Генерального секретаря «О состоянии Конвенции о правах ребенка» A/66/230, 2011.
11. [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/disability.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/disability.shtml)
12. World report on disability. World Bank. WHO; 2011: 261.
13. <http://uznews.uz/category/Social/792>
14. Маҳкамова Ф. Ижтимоий шерикчилик институти ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда// Халқ сўзи 21 октябрь 2015 йил.

## **РАЗВИТИЕ МЕТОДИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВОСПИТАТЕЛЯ ДОШКОЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ – ЗАЛОГ УСПЕШНОЙ СОЦИАЛИЗАЦИИ ДЕТЕЙ С ОСОБЫМИ ПОТРЕБНОСТЯМИ**

- **А. Юсупов, соискатель Института переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов системы дошкольного образования**

В нашей стране реализуются широкомасштабные реформы по организации инновационной системы дошкольного образования, направленные на внедрение эффективных форм и методов образования и воспитания с учетом передового зарубежного опыта. В Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года определены такие приоритетные задачи, как создание условий для всестороннего интеллектуального, нравственного, эстетического и физического развития детей дошкольного возраста, внедрение в систему дошкольного образования инноваций, передовых педагогических и информационно-коммуникационных технологий, направленных на развитие методической компетентности педагога-воспитателя и образования детей дошкольного возраста в соответствии с государственными требованиями дошкольных образовательных организаций.

На сегодняшний день возрастает значимость развития методической компетентности педагога дошкольного образования, являющаяся составной частью системы непрерывного образования, возрастают запросы науки и практики в раскрытии особенностей повышения квалификации педагогических работников в самих учреждениях образования, что способствует успешной социализации детей с особыми потребностями.

В словарях иностранных слов понятие «компетентный» толкуется как обладающий компетенцией – кругом полномочий какого-либо учреждения, лица или кругом дел, вопросов, подлежащих чьему-либо ведению. Competent (франц.) – компетентный, правомочный. Competens (лат.) – соответствующий, способный. Competere – требовать, соответствовать, быть годным. Competence (англ.) – способность (компетенция).

Понятие же «ключевые компетенции» было введено в употребление в начале 90-х гг. XX века Международной организацией труда, работающей под эгидой ЮНЕСКО, и с тех пор стало определять требования к подготовке кадров в профессиональной школе. В психолого-педагогической литературе при рассмотрении процесса формирования и развития профессионализма используются два понятия: «компетенция» и «компетентность».

Появление понятия «компетентность» обусловлено широтой его содержания, интегративностью его характеристики, объединяющей такие понятия, как «профессионализм», «квалификации», «профессиональные способности».

В современной педагогической науке существует многообразие трактовок понятию «компетентность»: совокупность знаний и умений, определяющих результативность труда; объем навыков выполнения задачи; комбинация личностных качеств и свойств; комплекс знаний и профессионально значимых личностных качеств; вектор профессионализации; единство теоретической и практической готовности к труду; способность осуществлять сложные культуросообразные виды действий и др. Термин «компетентность» обычно употребляется применительно к лицам опреде-

ленного социально-профессионального статуса и характеризует меру соответствия их понимания, знаний и умений реальному уровню сложности выполняемых ими задач и решаемых проблем.

«Компетентность» и «компетенция» являются взаимодополняемыми и взаимообусловленными понятиями: компетентный человек, не обладающий полномочиями (компетенцией), не может в полной мере и в социально значимых аспектах ее реализовать. Такое понимание отражено в определении А.С. Белкина, характеризующего «компетенции как совокупность того, чем человек располагает, а компетентность – как того, чем он владеет». В основе профессиональной деятельности лежит способность использовать имеющиеся умения и навыки на практике. Психолого-дидактические конструкты, которые позволяют использовать комплекс имеющихся знаний, умений и навыков в области профессиональной и социальной деятельности, получили название компетенции. Компетенции лежат в основе профессиональной компетентности специалиста. Что, в свою очередь, определило: **методическая компетенция** – это самостоятельная разработка и нахождение путей решения проблем; умение самостоятельного получения информации; умение извлекать пользу из опыта; умение работать с научно-методическими документами; проявление самоконтроля и самодисциплины; развитый сенсомоторный потенциал. Методическая деятельность педагога-воспитателя ДОО осуществляется как специально-научная деятельность, направленная на получение новых продуктов – новых методов и средств научного исследования.

Современная ситуация в образовании ставит педагога в принципиально новые условия, для которых характерны отсутствие жесткой регламентации педагогической деятельности, значительное расширение информационного поля, модернизация социальных функций педагога, развитие индивидуальности, готовность к принятию решений, мобильность применения профессиональных качеств.

В структуре методической компетентности ученые выделяют следующие компоненты:

- личностный,
- деятельностный,
- познавательный (когнитивный) и др.

**Личностный компонент методической компетентности** воспитателя дошкольной образовательной организации мы соотносим с умениями, связанными с психологической стороной личности педагога: коммуникативные, перцептивные, рефлексивные.

**Деятельностный компонент** включает в себя накопленные профессиональные знания и умения, умение актуализировать их в нужный момент и использовать в процессе реализации своих профессиональных функций. Также он предполагает овладение воспитателем исследовательскими и творческими умениями.

**Познавательный компонент** основывается на умениях, составляющих теоретическую подготовку педагога-воспитателя:

- аналитико-синтетические (умение анализировать программно-методические документы, выявлять методические проблемы и определять пути их решения, умение классифицировать, систематизировать методические знания);
- прогностические (умение прогнозировать эффективность выбранных средств, форм, методов и приемов, умение применять методические знания, навыки в новых условиях);
- конструктивно-проектировочные (умение структурировать и выстраивать процесс обучения, отбирать содержание и формы проведения занятий, подбирать методики, методы и приемы, умение планировать методическую деятельность).

В ходе исследования были определены **педагогические условия развития методической компетентности воспитателя** дошкольной образовательной организации в процессе его педагогической деятельности:

- развитие ценностного отношения к педагогической деятельности на основе интеграции личностной позиции педагога-воспитателя и имеющихся у него общекультурных, психолого-педагогических, методологических и методических знаний, актуализации его индивидуального опыта;
- осуществление дифференцированного целостного методического сопровождения деятельности воспитателя, которое имеет аналитический характер, а его результаты – диагностическую направленность, и предусматривает выработку педагогических умений и навыков, необходи-

мых для самостоятельного осуществления педагогической деятельности (самоорганизация, саморегуляция);

- рефлексия педагогических действий на разных этапах деятельности (самоанализ и самооценка).

**Развитие методической компетентности** – процесс, продолжающийся всю профессионально-педагогическую деятельность педагога-воспитателя ДОО, поэтому определить временные рамки этапов формирования методической компетентности не представляется возможным. Вместе с тем, исходя из задач методической работы по повышению квалификации педагогических работников и соотнеся этапы с уровнями сформированности методической компетентности, можно выделить **три уровня развития методической компетентности воспитателя ДОО:**

- начальный, или базовый (развитие происходит на имеющемся уровне методической компетентности в индивидуальном режиме методического сопровождения);
- основной, или продуктивный (воспитатель – деятельностный участник методической системы дошкольной образовательной организации);
- креативный (процесс развития происходит самостоятельно на основе самореализации, носит исследовательский и творческий характер); при этом процесс развития методической компетентности рассматривается как многоуровневый.

Компетентностный подход в образовании детей дошкольного возраста предполагает подготовку растущей личности ребенка к жизни, формированию у него способов деятельности, необходимых для решения жизненно важных задач, связанных с освоением нравственных норм и ценностей, общением с другими людьми, построением образа «Я». В связи с этим в сотрудничестве с ЮНИСЕФ по республике в три этапа были проведены семинары-тренинги по внедрению государственной учебной программы «Илккадам» и государственных требований к развитию детей раннего и дошкольного возраста. Целевая группа данных семинаров-тренингов – педагоги-воспитатели дошкольных образовательных организаций. Данная программа ставит своей целью индивидуальный подход к развитию ребенка, уважение к его личности, учет его интересов, потребностей и уровня развития, заботу об эмоциональном комфорте, стремление к созданию условий для свободного творческого самовыражения. Поэтому, наряду с планированием, наблюдение за развитием ребенка является важным моментом в работе педагога. Педагог систематически наблюдает за жизнью детей, чтобы лучше понять ребенка и настоящие причины его поведения, увидеть развитие ребенка, его внутренний мир, поддержать, определить пути развития, выявить потребности и интересы. На основе педагогических наблюдений разрабатывается и улучшается планирование образовательной деятельности.

Таким образом, в свете современных требований, развитие методической компетентности педагога-воспитателя ДОО, пройдя путь от обучения простейшим действиям по подбору методов и приемов к работе в рамках целой методической системы, является необходимым условием для развития профессиональной компетентности педагога в целом.

Все вышепредставленные задачи исполнимы в случае высокого уровня методической компетентности педагога-воспитателя дошкольной образовательной организации.

### Список использованной литературы

1. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4312 «Об утверждении Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 мая 2019 г.
2. Чуракова Р.Г. Моделирование педагогических ситуаций в ролевых играх. – М., 1991.
3. Шарифбаева Х.Я. Педагогические условия совершенствования подготовки преподавателей профессиональных колледжей на основе сравнительных исследований. Дисс. Т., 2005 г.
4. Шаюсупова А.А. Касб-хунар коллеж ўқитувчилари малакасини ошириш ўқув-услугий мажмуасини яраташнинг илмий услубий асослари п.ф.н. дисс. ... Т., 2005 й.
5. Уматалиева К.Т. Непрерывное развитие методической компетенции преподавателя колледжа с использованием инновационных образовательных технологий (на примере системы повышения квалификации). дисс. ... Т., 2018 й.
6. Ursula Bade-Becker. Qualitätsmanagement in der wissenschaftlichen Weiterbildung an Hochschulen in Deutschland (Stand-Entwicklungen-Perspektiven). Diss. ... dr. phil. –Bielefeld: Universitat Bielefeld, 2005. – 191 S.

# ЭШИТИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ТАҲСИЛИДА МУЛЬТИМЕДИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

- **Д.Б.Якубжанова, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент вазифасини бажарувчиси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

Таълимни ахборотлаштириш ва компьютерлаштиришнинг асосий йўналишларидан бирини ривожлантирувчи таълимни амалиётга кенгроқ татбиқ қилиш ва мактабда таълим даражасини ошириш мақсадида нисбатан янги ахборот технологияларидан фойдаланиш ташкил қилади. Мактаб ўқувчилари учун компьютер ва ахборот технологиялари, нафақат уларни ўрганиш ва ўзлаштириш предмети сифатида, балки анча таъсирчан ва самарали коррекцион таъсир кўрсатиш воситаси сифатида ҳам қимматга эга. Шу сабабли ҳозирги замон амалиётида янги компьютер технологияларидан фаол фойдаланмай туриб машғулотлар олиб боришни тасаввур қилишнинг ўзиёқ мушкулдир. Шундай экан, ахборот технологияларининг коррекцион ишдаги, шунингдек мактаб предметларини ўқитиш жараёнидаги қиммати ва самарадорлиги ҳам компьютер таълим методларининг анъанавий таълим методлари билан мақбул бирикувда амалга оширилиши билан белгиланади.

Жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болаларга таълим бериш воситаларидан фойдаланиш методикаларини ишлаб чиқиш ҳамма даврларда миллий ва чет эл махсус педагогикада олиб бориладиган илмий ишларнинг ажралмас йўналиши сифатида олиб қаралган.

Таълимда ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг педагогик шарт-шароитлари, электрон таълимни ривожлантириш, электрон ахборот таълим ресурсларни яратиш ва қўллашнинг имкониятлари, ресурс, эксперт-ўқитиш тизимлари, интеллектуал тизимларига мамлакатимиз олимлари А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, А.И.Аширова, У.Ш.Бегимқулов, Р.Р.Боқиев, Ф.М.Закирова, М.М.Мамаражабов, Н.А.Муслимов, Н.И.Тайлақов, С.Қ.Турсунов, М.Р.Файзиева, А.Ғ.Ҳайитов ва бошқаларнинг илмий ишларида алоҳида эътибор қаратилган ва уларда ўқитувчиларни касбий тайёрлашда компьютерлардан фойдаланишни ташкил этишнинг восита ва усуллари, таълимни ахборотлаштириш, ягона ахборот маконини яратиш, таълим тизимида масофали таълимни қўллаш тушунчаси ва муаммолари илмий асосланган.

Сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида Россия махсус таълимида компьютер технологияларидан фойдаланиш соҳасида салмоқли назарий ва амалий тажриба тўпланди. Е.Л.Гончарова, Т.К.Королевская, О.И.Кукушкина, Л.Р.Лизунова, Н.Н.Малофеев, Т.В.Пелимская каби тадқиқотчилар ишларида махсус таълимнинг турли соҳаларида ривожлантирувчи ҳамда коррекцион масалаларни ҳал қилишда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича ёндашувлар ишлаб чиқилди, илмий асосланди ва экспериментал жиҳатдан исботлаб берилди. Россия махсус таълимида компьютер технологиялари болаларнинг индивидуал хусусиятларига ҳаммадан кўра кўпроқ мослашадиган воситалардан бири сифатида қўлланиб келинади [3].

XX асрнинг 70-йиллари охирларидан бошлаб, Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда махсус таълим тизимларининг ўз ривожланишида сифат жиҳатдан мутлақо янги босқичга ўтказилиши амалга оширилмоқда ва интеграция, ҳозирги даврга келиб инклюзия босқичининг бош тенденциясига, компьютер эса асосий ашёсига айланмоқда. Олимларнинг изланишлари болаларнинг ижтимоий ва таълимий интеграцияси масалаларидан келиб чиқади, шунинг учун янги, интерфаол, ахборот технологияларини яратиш махсус педагогиканинг жадал ривожланаётган йўналиши бўлиб бормоқда. Бу каби технологияларнинг моҳияти ва мақсади боланинг ривожланишидаги камчилик «ўрни»ни компьютер ёрдамида тўлдириш ва шу йўл билан бола учун жамиятга қўшилиш (интеграцияланиш) ва таълимга йўл очиш имкониятини осонлаштиришдан иборат [4, 5].

Таълим олишда алоҳида эҳтиёжга эга болаларни ўқитиш ва тарбиялаш мақсадида компьютер технологияларидан фойдаланиш борасида мавжуд дастурий маҳсулотлар ва методик қўлланмалар таҳлили натижасида шу нарса аён бўлдики, республикамиздаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг бошланғич синф эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларида математик та-



саввурларни шакллантиришга қаратилган компьютер технологияларидан фойдаланиш соҳасида яратилган илмий тадқиқотлар деярли мавжуд эмас. Мамлакатимизда ушбу категорияга мансуб болаларга мўлжалланган компьютер дастурий таъминоти ва уни ишлаб чиқиш концепциялари мавжуд эмас дейиш тўғрироқ бўлади.

Бундан келиб чиққан ҳолда, компьютерларнинг ўзига хос имкониятларини шу соҳага мослаштирган ҳолда ишлаб чиқиш, компьютер технологияларидан бошланғич синфларнинг эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларида математикага оид тасаввурларни шакллантириш ва ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланиш ниҳоятда муҳимдир. Эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларга математикафанини ўқитишнинг асосий мақсади куйидагилардан иборат:

- биринчидан, ўқувчиларда кундалик фаолиятда қўллаш, фанларни ўрганиш ва таълим олишни давом эттириш учун зарур бўлган математик билим ва кўникмалар тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;
- иккинчидан, жадал тараққий этаётган жамиятда муваффақиятли фаолият юрита оладиган, аниқ ва равшан, танқидий ҳамда мантиқий фикрлай оладиган шахсни шакллантириш;
- учинчидан, миллий, маънавий ва маданий меросни кадрлаш, табиий-моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва асраб-авайлаш, математик маданиятни умумбашарий маданиятнинг таркибий қисми сифатида тарбиялаш.

Шундай қилиб, компьютер технологияларидан фойдаланиб, бошланғич синфларнинг қар ва заиф эшитувчи ўқувчиларида математик тасаввурларнинг шаклланиш самарадорлигини оширадиган амалий ечимларни топиш зарурати туғилади. Республикадаги махсус мактаб-интернатларда компьютер технологияларини қўллаш муаммосининг долзарблиги куйидаги ҳолатлар ўртасидаги биз томонимиздан аниқланган зиддиятлар билан белгиланади:

- компьютер технологияларининг жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига жуда тез суръатларда жорий этилаётгани, аммо махсус таълим шароитида уларнинг мутлақо қониқарсиз қўлланаётгани, шу жумладан, бошланғич синфларнинг эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларда математик тасаввурларни компьютер ёрдамида шакллантириш соҳасида;
- бошланғич синфларнинг эшитишида нуқсони бўлган ўқувчилари билан олиб бориладиган коррекцион-ривожлантирувчи ишни компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда яхшилаш зарурати, аммо ушбу категорияга мансуб болаларда математик тасаввурлар ва билимларни шакллантириш жараёнида бу технологияларни жорий этиш бўйича дидактик таъминотнинг мавжуд эмаслиги.

Кўрсатиб ўтилган қарама-қаршиликлар нуқтаи назаридан, биз мазкур тадқиқот муаммосини математик тасаввурларни шакллантиришда самарали фойдаланиш имкониятини берадиган таълим мазмуни, методлари, шакллари, компьютер дастурий таъминотини яратиш заруратидан келиб чиқиш долзарб муаммо деб белгиладик.

Таълим жараёнига компьютер технологиялари жорий қилинса, дарслар компьютердан фойдаланган методик ҳамроҳликда олиб борилса, ўқув фаолиятида компьютердан фойдаланган ва анъанавий шаклларнинг ўзаро мутаносиблигига эришилса, бошланғич синфларнинг эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларида математик тасаввурларни ўзлаштириш даражасининг ортишига эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Шундай қилиб, ахборот технологияларининг махсус таълимга интеграцияси имкониятлари чекланган ўқувчилар таълимида шахсга йўналтирилган ёндошувни амалга ошириш имконини беради деб таъкидлаш мумкин. Бошланғич синфларнинг эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларига математика фанини ўқитишда мультимедия технологияларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг ушбу фандан мустақил билим олишлари учун шарт-шароит яратишга ёрдам берадики, бу компьютер технологиялари тақдим этадиган куйидаги имкониятлар ҳисобига эришилади:

- 1) компьютер яратиб бера оладиган ажойиб кўرғазмалилик ҳисобига;
- 2) муаммоли таълим методикасини махсус тайёрланган ўқув дастурларидан фойдаланиб амалга ошириш ҳисобига;
- 3) таълим натижаларининг назоратини автоматлаштириш ҳисобига, бу эшитишида нуқсони бўлган ҳар бир ўқувчига индивидуал тарзда реал вақт ўлчамида билимларни ўзлаштириш жараёнининг бориши ҳақида (яъни дарс давомида унинг муваффақиятлари ҳақида) тўлиқ ва холисона ахборотга эга бўлиш имконини беради;

4) компьютернинг дидактик таълим воситаси сифатидаги техник имкониятлари ҳисобига, бу имкониятлар ривожлантирувчи таълимнинг самарали амалга оширилишини таъминлайди;

5) ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш ва ўзини – ўзи намоён қилишга бўлган психологик (руҳий) тайёрликни шакллантириш имкониятлари ҳисобига.

Шундай қилиб, махсус таълимда (эшитишида нуқсони бўлган ўқувчилар таълимида) компьютер технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари шу билан белгиланадики, ушбу технологияларнинг, бошқа таълим воситалари билан солиштирганда, таълимнинг асосий принципларини амалга оширишдаги имкониятлари ниҳоятда кенг бўлиб, бу имкониятлар асосан коррекцион-ривожлантирувчи таълимни синф шароитида индивидуаллаштириш, ҳар бир ўқувчига фақат унинг ўзигагина мос ва хос билим олиш суръати ва усулларини таъминлаб бериш, ўқувчига мустақил маҳсулдор фаолият имкониятини, индивидуал ёрдамни тақдим этишда ўз ифодасини топади.

Тадқиқотнинг юқорида белгилаб олинган муаммоси, кўрсатиб ўтилган долзарблиги бизга тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини, методларини белгилашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг ташкил қилиниши ва асосий bosқичлари ишлаб чиқилди. Тадқиқот ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар базасида олиб борилади. Тадқиқот доирасига республиканинг 3та вилоятдан бошланғич синфларнинг 130 нафар эшитишида нуқсони бўлган ўқувчилари жалб қилинади.

### Библиографик рўхат

1. Абдуқодиров А.А. Теория и практика интенсификации подготовки учителей физико-математических дисциплин. Аспект использования компьютерных средств в учебно-воспитательном процессе: Дис. ... док. Пед. наук. – Т: ТГПИ, 1990. 360с.
2. Арипов М., Файзиева М. МўСҚЛ маълумотлар базасини бошқариш тизими имкониятлари // Педагогик таълим. – Тошкент, 2014. – №1. –Б. 48-52.
3. Кукушкина О.И. Компьютер в специальном обучении. Проблемы. Поиски. Подходы // Дефектология. 1994. №5. С. 46-52.
4. Brett E. Shelton, Boise State University, Boise, ID, USA Mary Ann Parlin, Boise State University.; Boise, ID, USA. Teaching Math to Deaf/Hard-of-Hearing (DHH) Children Using Mobile Games: Outcomes with Student and Teacher Perspectives. Date: Jan. 1, 2016, From: International Journal of Mobile and Blended Learning(Vol. 8, Issue 1.)Publisher: IGI Global.
5. GelmanR.,&Meck E. (1983). Preschoolers' counting: Principles before skill. Cognition, 13, 343-359. doi:10.1016/0010-0277(83)90014-8.

## АЛОҲИДА ЭҲТИЁЖГА ЭГА БЎЛГАН БОЛАЛАР БИЛАН ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ЯҚИНЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

- **А.А.Қамбаров, фалсафа фанлари номзоди, доцент  
Фарғона давлат университети**

Кучли ижтимоий сиёсат мустақил Ўзбекистон танлаган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг муҳим тамойилидан биридир. Бу тамойил кўп асрлардан буён шаклланиб, ҳаёт тарзимизга айланган энг муҳим инсоний фазилатлар: меҳр-мурруватлилик, хайр-саховатлилик, олийжаноблилик, ҳамдард-ҳамфикрлилик каби ўзига хос хусусиятларда яққол намоён бўлади. Ўзбекистонда танлаб олинган бу тўғри йўл барча соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг бош мақсади инсон ва унинг манфаатларига хизмат қилишга қаратилган бўлиб, бу жараёнлар аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини кучайтириш ва соғлом болалар билан бир қаторда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни тарбиялашда ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратишни талаб қилади.

Соғлом авлодни тарбиялаш бу мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосини ташкил этади. Соғлом авлодни тарбиялашнинг бош мезони эса болалар саломатлигига, қолаверса уларнинг ижтимоий-маънавий юксалишига юксак эътибордан келиб чиқиши ҳеч кимга сир эмас. «...бола тарбиясида соғлом насл рол ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Ана шуни ҳар қайси инсон

яхши англайки, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бе-баҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди» [1].

«Бизнинг биринчи даражали вазифаларимиз қаторида ижтимоий соҳани янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади»[2]. Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳимоялаш принципи катъийлик билан амалга ошириб келинмоқда. Бу кучли давлат сиёсатининг муҳим бир йўналиши ногиронларга, хусусан, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялашга, ижтимоий ҳимоялаш тизимининг устуворлиги алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни ижтимоий фаоллаштириш масаласини ҳал қилишга кенг йўл очади.

Жамиятда яратилган ижтимоий ҳимоялаш тизими алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар учун касб танлаш, индивидуал иқтидори ва қобилиятини, интеллектуал салоҳиятини намоёиш қилиш ва ҳаётда фаол позиция танлашида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиларкан, бу ижтимоий тизимда бадий ижод йўналишларидан оқилона фойдаланиш талаб даражадаги самарани беради. Шунингдек, ижтимоий ҳимоялаш алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ҳар бир болаларни ижод соҳаларининг турли йўналишларида ўзларини синаб кўриб, ижодий фаолиятга кириб келиши таъминланади. Шу боис ҳам бадий ижод йўли орқали ижтимоий фаолликка эришаётган болалар фаолиятини чуқур илмий-амалий ўрганиш, ижтимоий фаоллашиш тенденцияларини аниқлаш шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида ижтимоий-маданий тараққиётини таъминлашга қаратилган ислохотлар тизимида алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ёшлар саломатлиги ва уларни фаол ижтимоий ҳаётга қайтаришда мамлакатимиздаги махсус таълим тизимларидаги спорт, музика, хореография, амалий ижод, бадий, театр ва бадий санъат каби тўғарақлардан унумли фойдаланишни асосий мақсад қилиб олинган. Жумладан:

- спорт тўғарақларида: эпчилликни, иродани, ўзига бўлган ишончни, чидамлилиқни ошириб, кийинчилиқларни енгишга ўргатишни;
- хореография тўғарақларида: жисмоний-эстетик жиҳатдан ўзини-ўзи кашф этишни;
- бадий санъат тўғарақларида: кичик моторика ва тасаввурни ривожлантириш, сабрни оширишни;
- музика тўғарақларида: тинглаш қобилиятини ривожлантириш, ритмни ҳис қилишни;
- театр тўғарақларида: сўзларни чиройли талаффуз қилишни ва тўғри гапириш, ҳисларини ифодалаш, ўз танасини бошқаришни;
- амалий ижод тўғарақларида: ганчкорлик, кашта тикиш, мунчоқ териш каби ижтимоий-маданий фаолиятда киришувчанлик, мақсад йўлида ҳамжиҳатлик, ўзидан қониқиш, иродалилиқ, ўзини намоён этишга интилувчанлик, ташаббускорлик, келажакка ишонч мазмунидаги ижтимоий ҳислатлар таркиб топтиришнинг назарий ва амалий таҳлиллари тадқиқ этилади.

Бугунги кунда инклюзив таълимни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, шунингдек, таълим мазмуни ва сифати масалаларига устувор аҳамият берилётганига қарамай, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ўқувчиларни таълимга жалб қилиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мутахассислар фикрича, республикада алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар реабилитациясининг тиббий, касбий, ижтимоий ва руҳий жиҳатларга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, уларнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлашга жавобгар бўлган идора ва муассасалар фаолиятига эътиборни қаратиш зарур. Бу борадаги камчилик ва нуқсонларнинг вақтида бартараф этилмаганлиги сабабли мамлакат бўйича 88 минг нафар мактаб ёшидаги ногирон боладан 3.5минг нафари таълим олмаяпти ёки умумтаълим мактабларида таълим олаётган 75 фоиз ва махсус мактаб-интернатлардаги 78 фоиз ногирон болалар мактабдан ташқари таълим муассасаларига жалб этилмаганлиги ачинарли ҳолдир.

Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни тиббий-педагогик-психологик комиссия кўригидан ўтказиш тўғри йўлга қўйилмагани оқибатида улар вақтида таълимга жалб этилмай қолаётир. Баъзи жойларда эса алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ўз ёшига нисбатан паст синфларда ўқишмоқдалар. Халқ таълими, соғлиқни сақлаш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари ўртасида зарур ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги оқибатида алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ҳақидаги маълумотларда тафовутлар юзага келганлигини кўрамыз. Бу ҳолдаги тафовутлар ногиронлар таълимини ташкил этишда муаммолар туғдиради. Шунинг учун алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ҳуқуқий ҳолатини яхшилаш учун уларга тиббий-ижтимоий реабилитациянинг ҳуқуқий асосларини яратиш, ижтимоий ёрдам ташкил этишни такомиллаштириш,

болалар билан ишлаш учун дефектолог мутахассисларни тайёрлаш, махсус адабиётлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминлашни йўлга қўйиш ҳамда молиявий маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатиш зарурият деб ҳисоблаймиз. Махсус мактаб-интернатларни тамомлаган болаларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, уларнинг ижтимоий кўнигиши учун имкониятига мос келадиган хунар олиши бўйича шароитларни яратишга эътиборни кучайтириш керак.

Мақолани ёритишда Фарғона шаҳар Республика имконияти чекланганлар касб-хунар коллежи, Қувасой шаҳар № 90-сонли мактаб-интернат ҳамда Андижон ва Наманган вилоятидаги махсус мактаблардаги алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларнинг фаолиятлари ўрганилди. Шунингдек, мустақиллик йилларида алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларнинг ҳар жиҳатдан камол топишлари борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда бу жараёнларда ижтимоий иш ҳодимининг олдига қўйилаётган вазифаларнинг моҳият-мазмуни, йўналишлари, уларнинг амалий натижалари таҳлил этилди.

Ўрганиш жараёнида алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни соғлом болаларга яқинлаштириш, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларнинг ижтимоий-маданий тадбирларда фаол иштирокини таъминлаш, маънавий кадриятлар (хунармандчилик), миллий маданий мерос (халқ оғзаки ижоди), таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини амалий тадқиқ этиш ҳамда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган хулосалар, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқилди ва қўйидаги вазифаларни амалга ошириш режалаштирилди:

- алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ёшлар саломатлигини муҳофаза қилишда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган тадбирларда ижтимоий ишнинг асосий йўналишларини аниқлаш;
- алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ёшлар саломатлиги борасида ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Дастурларнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрнини аниқлаш;
- алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ёшлар саломатлиги масалаласида давлатимизнинг оила қолаверса, маҳаллаларнинг олдига қўйган вазифаларининг амалий ифодасини топиш жараёнини тадқиқ қилиш;
- алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ёшларни Мурувват уйларига тушиб қолишларини олдини олишда оиланинг кучли ижтимоий ҳимоялашнинг аҳамиятини кўрсатиш;
- алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ёшларни махсус мактаб-интернатларда касбга ўқитиш орқали уларни жамиятимизнинг фаол аъзолари қилиб шакллантириш;
- алоҳида эҳтиёжга эга бўлган ёшларни руҳан соғлом ва ақлан етук бўлиб камол топишларида махсус таълим тизимларидаги спорт, мусиқа, хореография, амалий ижод, бадиий ижод, театр ва бадиий санъат каби тўғарақларнинг афзалликларини илмий тадқиқ этиш.
- буюк аждодларимизнинг маънавий-ахлоқий меросини тўла ўрганиш асосида алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни соғлом болалар каби жамиятда ўз ўрнини топтириш;
- маданият, маънавият, кадриятлар, ижтимоий идеаллар, урф-одатлар, анъаналар, эътиқод, менталитет, ахлоқ нормалари алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларнинг ҳам ички руҳий олами инъикоси эканлигини аниқлаш;
- алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар тарбиясида оқилона турмуш тарзини шакллантириш ва такомиллаштиришга қаратилган давлат аҳамиятига молик бўлган меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талаблар асосида тадқиқот ишини ташкиллаштириш;
- шу соҳа мутахассислари бўлган педагог ва тарбиячи, иштимой иш ходимлар учун алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар тарбиясини шакллантиришда инновацион усулларида фойдаланиш масалаларига оид бўлган умумтаълим ва махсус таълимнинг бирлигини таъминловчи ва уларни амалиётга жорий этувчи махсус методик тавсияларини ишлаб чиқиш;
- алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларнинг имкониятларини ўрганиш учун махсус социологик тадқиқотлар ўтказиш, шу мақсадда анкеталар тузиш, суҳбатлар ташкиллаш, кузатишлар ташкил этиш каби махсус усуллардан фойдаланиш;
- Фарғона, Андижон, Наманган вилояти аҳолисининг зиёли қатламини, айниқса, магистр ва талабаларни мазкур жараёнларга кенг жалб этиш ва эришилган натижаларни оммавий ахборот воситалари орқали доимий ёритиб бориш;
- маҳаллий ва хорижий олимлар тадқиқотларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни ўрганишда тизимли тадқиқот ишларини олиб бориш шулар жумласидандир.



1. Ислон Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. Б- 56
2. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халкимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт қафолатидир. «Халқ сўзи» газетаси, 2016 йил 2-ноябрь № 216

## УЮШМАГАН ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

• **М.Қуронов, педагогика фанлари доктори, профессор**

Бугунги глобаллашув ва тезкор ахборот асри ёшларимизнинг қалби ва онгини ёвуз хавф-хатарлардан ҳимоя қилишни энг долзарб вазифалардан бири сифатида қўймоқда. Жумладан, уюшмаган ёшлар муаммоси бугунги кунда муайян бир давлат доирасидан чиқиб аллақачон дунё муаммосига айланиб улгурди. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёшлар муаммосининг долзарблиги ва унинг ечимига дунё ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб: «...биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда.

Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этади.

Сайёрамизнинг эртанги кунини, фаровонлигини фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етишига боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз» [1], деди.

Уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш ушбу йўналишдаги ишларнинг муҳим шартларидан биридир. Бу эса уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятнинг ривожланганлик даражаси, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўғри англаши ва улардан самарали фойдаланиши, ўз мажбуриятларини виждонан бажариши ҳамда ўз фаолиятида қонунга асосланиш кўникмасининг шаклланиши билан белгиланади. Бунда республикамизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга эришилмоқда.

Айни вақтда бу ўринда гап ёшлар тарбияси, мазкур жараёнда барча давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги ва масъуллигини ошириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, уюшмаган ёшлар орасида қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ижтимоий-педагогик механизмларини жорий этиш ҳақида бормоқда. Зеро, бугунги кунда мамлакат келажаги саналмиш ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифаси муҳим ижтимоий педагогик вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Уюшмаган ёшлар орасида олиб бориладиган маънавий-профилактик ишлар ҳуқуқий тарбиянинг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлгани боис уларни бевосита алоқадорлика таҳлил ва талқин қилиш мантиқан тўғри бўлади. Дунёда рўй берган, юз бераётган ҳар бир нотинчлик, низо, бахтсиз воқеа, бузилган оила, синган тақдир тарихи «лента»сини орқага қайтарсак, тарбияга бориб тақалади. «Олдин пул, кейин маънавият» йўлини тутиш бўлиб чиқади.

Уларнинг бу хатоси «дунёда бой берилган авлод» – «Lost generation»<sup>1</sup> иборасини пайдо қилди.

1. Ингл. «Lost generation» – беқарорлик, депрессия шароитида туғилган, худбин, лоқайд, жамиятга фойдаси етмайдиган, шафқатсиз аламзада, ичкиликбозликка берилган, жиний ишларга қўл урган, қўлидан иш келмайдиган, уюшмаган ёшлар тоифаси.

Бутун бошли оилалар моддий бойлик ортидан қувиб кетишди. Фарзандлар тарбиясини эса бегоналарнинг қўлига топшириб қўйишди. Тарбиядан (!) вақтларини тежаб, 10 пул фойда топишди ҳам. Бугун эса... жонсарақ бўлиб, болаларини қайта тарбиялашга 1000 пул сарфлашмоқда. Лекин самара 10 пуллик бўлаётир. Чунки вақт бой берилган. Мана, сизга «олдин моддий ҳаёт, кейин маънавият» деб яшашнинг аянчли оқибати. «Бой берилган авлод» муаммосининг педагогик маҳсули» [4]. Афсуски, бундай вазият республикамизда ҳам етарли даражада учраши аччиқ ҳақиқат. Айрим ота-оналар ўзларининг ҳуқуқий нигилизими билан фарзандларига ибрат бўлишаётгани ҳам, таассуфки, ҳақиқат.

Уюшмаган ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифасининг долзарблиги шу билан изоҳланадики, ушбу тоифага мансуб ёшларда олдинги авлодлар тажрибасини ўрганиб, янги ижтимоий муносабатларни англаш, уларга мослашиш ва жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга интилиш компетенциялари етарли шакллантирилмаган бўлади. Бу ҳолат эса ўз навбатида, уюшмаган ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг ўзига хос усул, шакл ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш масаласида хориж тажрибасига эътибор қаратиш бу борада муайян самараларга эришишга замин яратади. Уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида хориж тажрибасини ўрганишда қизиқарли ҳолатларни учратиш мумкин, мисол тариқасида – «кўча ҳуқуқи» деб номланувчи моделга эътибор қаратайлик.

Кўча ҳуқуқи атамаси (инг. тилида *street law* – кўча ҳуқуқи) ўз ичига доимий турмуш тарзида учраб турадиган талаб ва таклиф ҳақидаги ҳуқуқий билим олиш тизимини ўз ичига олади. Мазкур атама келиб чиқишига кўра, американча талкинда «*to be street smart*» (айнан таржимаси кўчада ақлли бўлмоқ), яъни илм хазинасига эга бўлган инсон, ёки «китобий» билимларга эмас, ҳаётий тажрибага эга бўлишга асосланади [5].

*Street law* тизими ҳаётда учраган муайян муаммо ва вазифаларни маълум билим ва тажрибага таяниб ҳал этишни ўз ичига олади. Мазкур тизим маълум бир фикрлаш доирасига оид ва ҳаётий тажрибаларни, тўпланган билимларни замонавий интерактив усуллардан фойдаланиб, амалиётга татбиқ этишни ўз қамровига олади.

*Street law* тизими шунингдек, «ҳар бир кун учун ҳуқуқ», «жонли ҳуқуқ» каби тушунчаларни англатади, унинг асосий мақсади – ёшларни амалий ҳаётий фаолиятидаги талаб ва таклифлардан, уларни хажм ва шакларидан келиб чиққан ҳолда ҳар куни асқотиши мумкин бўлган билим ва тажрибаларни жорий этишдир. *Street law*ни ўқитишни ҳуқуқий технологияси америкача ҳуқуқни амалий ўргатиш дастури асосида шаклланган, демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳамда ҳуқуқий маълумот ва уни ҳосил қилиш услубиётининг бирикиши асосида вужудга келган. У ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШнинг Жоржтаун университетида вужудга келган ва юридик ўқув муассасаларидаги ҳуқуқий (юридик) клиника таркибида фаолият кўрсатган [6]. Клиниканинг аъзоси бўлган юридик факультет талабалари туман мактабларида камбағал аҳоли яшайдиган жойларда ҳуқуқни тушунтириш ишларини олиб боришган. Оммага ҳуқуқни етказишни куйидаги интерактив усулларида – мунозара, кичик гуруҳлар билан ишлаш, роль ўйинлари, ссуда, қарз ва бошқалардан иборат. Ўқитишнинг асосий мақсади зерикарли қонунларни кўр-кўрона ёд олиш эмас, балки ҳар куни ҳаётда керак бўладиган амалий вазиятга оид ҳуқуқни ўргатишдир. Натижада мактабларда қонунбузарликлар даражаси анча камайган.

Умуман олганда, «юридик клиника» тушунчаси XIX асрнинг ўрталарида пайдо бўлган, профессор Д.И.Майер томонидан Қозон университетида юридик клиника ташкил қилгандан бошлаб пайдо бўлди. Клиникада билимларини юридик факультет талабалари томонидан осон ўзлаштирилиши учун тиббий тайёргарликни ўргатиш андоза қилиб олинган. «Менинг назаримда, – деб ёзади Майер, – клиника бу бор билимларни амалиётда қўллашнинг айнан ўзидир» [7]. Германияда эса 1881 йилда профессор Фроммельд олий юридик таълим муассасаларида клиникани ташкил этишни таклиф қилган, у ерда талабалар профессор-ўқитувчилар назорати остида ўйлаб топилган қазусларни эмас, балки ҳақиқий, ҳали ечимини топмаган ҳаётий масалаларни кўриб чиқишади [8].

Ҳозирги кунда бундай клиникалар нафақат АҚШда балки, 40 дан ортиқ мамлакатларда, хусусан, Белорус, Болгария, Венгрия, Қозоғистон Латвия, Литва, Польша ва бошқаларда мавжуд.

Ўзбекистонда эса бундай клиника Тошкент давлат юридик университети ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетларида ташкил этилган.

Бундай муаммоларнинг олдини олиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлаш ёки мамлакатда қонунийликни таъминлаш учун ҳуқуқий таълимни бугунги кун талабидан келиб чиқиб ислоҳ этиш зарур. Ўзбекистонда дунёни янгилаш идрок этадиган, ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунадиган, ижтимоий фаол ўз тақдирини халқи, ватани тақдири билан бир деб билиб, фаолият кўрсатадиган янги авлодни шакллантиришга эришиш долзарб масаладир.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Асамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь). Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 20 сентябрь.
2. Куронов М. Болам бахтли бўлсин, десангиз...: ота-оналар учун. – Т.: Маънавият, 2013. Б. 44-45.
3. [http://www.ug.ru/ug\\_pril/gv/98/38/t6.htm](http://www.ug.ru/ug_pril/gv/98/38/t6.htm) – Мурожаат санаси 2018 йил 10 июнь.
4. [www.streetlaw.org](http://www.streetlaw.org) – мурожаат санаси 2018 йил 10 июнь.
5. Майер, Д. И. О значении практики в системе юридического образования [Электронный ресурс]/Д.И.Майер//[http://fictionbook.ru/author/d\\_i\\_meyier/o\\_znachenii\\_praktiki\\_v\\_sisteme\\_sovremenn/](http://fictionbook.ru/author/d_i_meyier/o_znachenii_praktiki_v_sisteme_sovremenn/). Мурожаат санаси 2018 йил 11 июнь.
6. Frommhold, G. Juristische Kliniken [Elektronische Ressource] /G. Frommhold // Digitale Bibliothek, Max-Planck-Institut für Europäische Rechtsgeschichte. – Zugriffsmodus: <http://dlib-zs.mpier.mpg.de/pdf/2173669/05/1900/21736690519000470.pdf>. – Zugriffsdatum: 11.06.2018.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАРГА ОИД УСТУВОР ДАВЛАТ СИЁСАТИ (ҳуқуқий, статистик ва ижтимоий-психологик таҳлил)

- **О.Э.Ҳайитов, психология фанлари номзоди, доцент**  
**Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги**  
**жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш,**  
**қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази**

БМТнинг 2030 йилгача барқарор тараққиёт бўйича кун тартиби ҳеч кимни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларидан ортда қолдирмасликни кўзда тутди (инглиз тилида «leave no one behind»). Айниқса, мазкур жараёнлар ривожда ижтимоий ҳимояга муҳтож – ногиронлиги бор инсонларга бўлган эътибор жуда муҳим.

Бутунжаҳон ногиронлик ҳисоботида кўра, ногиронликнинг қайсидир шаклига эга бўлган инсонлар сони 1 миллиарддан зиёдроқ ёки дунё аҳолисининг 15 фоизини ташкил этади, уларнинг 80 фоизи эса ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилади. Кўплаб давлатларда ногиронлар малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим олиш, жамоат транспортида юриш, айниқса, ишга жойлашишда муаммоларга дуч келишади.

Ўзбекистонда сўнгги 10 йил давомида аҳоли орасида ногиронлиги бор деб топилган шахслар улуши 2-3 фоизни ташкил этиб келмоқда. 2007 йилдан бошлаб ногиронлиги бор шахсларнинг Ўзбекистон аҳолиси таркибидаги улуши камайиб бормоқда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2015 йилда 31 миллион аҳолининг камида 1,89 фоиз ёки 586 мингдан зиёд фуқароларда ногиронлик ҳолати қайд этилган. 2016 йилдан буён расмий манбаларга кўра ногиронлик даражаси турли кўрсаткичлар орқали акс этмоқда. Шундай қилиб, Гендер статистикаси портали маълумотларига кўра, энг кам ногиронлиги бор инсонлар сони 2016 йилнинг охирида кузатилган ва 588,9 мингни ташкил қилган. Ўзбекистон статистика қўмитасининг очиқ маълумотларига кўра, 2016 йилда ногиронларнинг сони бир миллион кишидан ошиқ ва аҳолининг 3,24 фоизини ташкил қилади. ЎЗА ахборот агентлиги маълумотларига кўра, 2017 йил 1 январидан бошлаб 650 минг 284 киши ногиронлар рўйхатига киритилган ва уларнинг 84908 нафарини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил қилади [1].

2019 йил 1 апрел ҳолатига ногиронлик пенсияси олувчилар – 374 999 нафар (жами пенсия ва нафақа олувчиларнинг 10,6 фоиз) ни ташкил этади [2].

Қонунчилигимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар қатори ногиронларни ишга жойлаштиришда ҳам турли имтиёзлар кўзда тутилган. Хусусан, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддаси ҳамда Меҳнат кодексининг 68-моддасида давлат ногиронлар, шунингдек, ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарни ишга жойлаштиришда қўшимча кафолатлар билан таъминлаши белгилаб қўйилган. Ногиронларга ишга жойлашишида кўмак бериш «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасида ҳам назарда тутилган.

Республикамызда демографик жараёнларнинг ҳолатини ўрганишда мамлакат ҳудудида ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида дастлабки аҳоли рўйхати 1897 йилда ўтказилган бўлиб, ушбу рўйхат маълумотлари XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд оилалар сони, аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. Ўзбекистон ҳудудида кейинчалик 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Аҳолининг сони, ёш-жинс таркиби, ҳудудий жойлашуви хусусиятлари ва бошқа ижтимоий-демографик ҳолатларидаги ўзгаришлар аҳолининг жорий ҳисоби бўйича мавжуд маълумотларни қўллашни сезиларли даражада чекламоқда.

Ушбу долзарб масалаларни ҳал этиш ва халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси» тасдиқланди. Ушбу Фармонда «...маълум бир санада аҳолининг аниқ сони (ёши ва жинси таркиби, фуқаролиги, миллий таркиби (кенг қамровли), барча аҳоли пунктлари бўйича сони, оилавий аҳоли, маълумот даражаси, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, аҳоли бандлиги (касби ва мутахассислиги) ва ишсизлиги, даромад олиш манбалари, ногиронлиги бўйича батафсил маълумот олинади» [3].

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунда «жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож бўлган шахс ногирон ҳисобланади» дея таъриф берилади. Шундай қилиб, ногиронлик касалликка ёки инсон танаси аъзоларининг функциялари бузилишига тенглаштирилади. Аммо, БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциясида «ногиронлик – тана функциялари бузилган инсонлар ҳамда муносабат ва инфратузилма билан боғлиқ тўсиқлар орасидаги ўзаро алоқа натижасида вужудга келадиган ҳолат» деб таъкидланади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бу нафақат инсон танасининг нуқсонлари, балки қулай атроф-муҳит йўқлиги ва бундай одамларнинг жамият ҳаётида иштирок этишига қаршилик қилаётган тўсиқлар ва салбий стереотиплардир [4].

Республикамызда Ногирон болалар учун интернат уйлари сони 6 тани ташкил этиб, уларда 1788 нафар бола яшайди.

Шунингдек, ногиронларнинг орасида боғча, мактаб, лицей ва коллежларга қатнай олмайди-ганлари, яъни таълим олишга лаёқатсизлари ҳам бор. Бунга имконияти етадиганларини ўқитиш керак. Улар келажакда қийналмаслиги учун ҳам таълим-тарбия олиши, касб-хунар ўрганиши лозим. Қонунчилигимизда умумий ўрта таълим мажбурий ва бепул этиб белгилангани нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар томонидан Ўзбекистоннинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш соҳасидаги энг катта ютуғи сифатида эътироф этиб келинади. Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, ногирон болаларни мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактабларига қамраб олишда муаммо деярли йўқ, борларини ҳам йўл-йўлакай ҳал қилса бўлади. Уларнинг лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ўқишлари учун зарур шарт-шароит яратиб бериш эса кун тартибидаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди.



Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Республикамизда ихтисослаштирилган таълим муассасалари, уларнинг ихтисослашувига мувофиқ қуйидаги (I-VIII) турларга бўлинади: I – қар (эшитмайдиган) болалар учун мактаб-интернатлар; II – заиф эшитадиган ва кейинчалик қар бўлган болалар учун мактаб-интернатлар (1, 2-бўлим); III – кўзи ожиз (кўр) болалар учун мактаб-интернатлар; IV – заиф кўрадиган ва кейинчалик кўр бўлган болалар учун мактаб-интернатлар; V – нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар учун мактаб-интернатлар; VI – таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун мактаб-интернатлар; VII – психик ривожланиши суст бўлган болалар учун мактаб-интернатлар; VIII – ақли заиф болалар учун (ёрдамчи) мактаблар, мактаб-интернатлар [5].

Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси томонидан берилган маълумотларга кўра, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида имконияти чекланган, шу жумладан, эшитиш қобилияти паст, қар, кўр, заиф кўрувчи, турли даражадаги ақли заиф, умумий касалликлар билан касалланган ногирон ҳамда оёқ-қўлида нуқсони бор болалар ўқитилапти. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази маълумотларига кўра ҳозир академик лицейларда 419, касб-хунар коллежларида 3576 нафар ногирон йигит-қиз қамраб олинган бўлиб, улар эшитиш қобилияти паст ва қар, кўр ва заиф кўрувчи, бошқа касалликлар билан касалланганлар, ақли заифлардир.

Ҳозирги кунда 130000 дан ортиқ ногирон боласи бор оилалар мавжуд бўлиб, бу оилаларнинг айримларида биттадан ортиқ ногирон бола бор истиқомат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфида бугунги кунда республика-мизда 84 та махсус-мактаб ва мактаб интернатлар фаолият юритади. Ана шу мактаб-интернат ҳамда махсус-мактабларда ҳаммаси бўлиб 19483 нафар бола таҳсил олади. Давлат қонунчилиги ота-оналар хоҳиш-истакларини инobatга олган ҳолда, болаларни уйда таълим-тарбияга жалб этиш ҳақида ҳам бош қотиради, хусусан, 9 мингдан зиёд ногирон болалар индивидуал уй таълим дастури бўйича таълим олади.

Мактабга бориш ва ўқиш имконияти чекланган болаларга эса «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, уй шароитида ўқитиш ташкил этилган. Бундай педагогларга қўшимча имтиёзлар ҳам берилади, улар 6 соатлик дастур асосида ногирон болага энг зарур билим, малака ва кўникмаларни уй шароитида берадилар. Нормал тараққиётли болалар мактабгача тарбия муассасаларидан сўнг мактабга жалб этилиши ва бунда таълим-тарбиянинг самарадорлиги оила билан ҳамкорликка таяниши барчага маълум.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуннинг 23-моддасида «Ногирон болаларни ҳар томонлама уйғун ривожлантириш, уларда ижтимоий фаолликни, меҳнатга қизиқишни тарбиялаш, уларни фан, техника, санъат ва спортга жалб этиш мақсадида халқ таълими идоралари, бошқа давлат идоралари ногирон болаларнинг мактабдан ташқари тарбиядан баҳраманд бўлишларини таъминлашга, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратишга мажбурдир» деб алоҳида кўрсатиб қўйилган [6].

Мавриди келганда, жисмоний имконияти чекланган ёшлар қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Масалан, ўтган йиллар спортчиларимиз учун жуда омадли келди. Эроннинг Техрон шаҳрида ўтказилган футзал бўйича Осиё чемпионатида кучли учликдан, Арманистоннинг Ереван шаҳрида бўлиб ўтган юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатида ғолиблар қаторидан жой олишди. Ампутант футболчилар ўртасида уч карра жаҳон чемпионига айланган футболчиларимиз Россияда ўтган халқаро турнирда бош совринни қўлга киритишди. Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳри мезбонлик қилган Параосиё ўйинларида вакилларимиз 22 та олтин, 5 та кумуш ва 4 та бронза, жами 31 та медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида 41 мамлакат спортчилари орасида 5-ўринни эгаллашди. Шунингдек, 2016 йилда Бразилиянинг Рио ди Жанейро шаҳрида ўтказилган Паралимпия ўйинларида 8 та олтин, 6 та кумуш, 17 та бронза, жами 31 та медални қўлга киритишиб, медаллар сони бўйича 16-ўринни қўлга киритишган. 32 нафар спортчимиз 31 та медаллар шодасини қўлга киритишиб, натижалар бўйича Марказий Осиёда 1-ўрин, МДХ давлатлари ичида 2-ўрин (Украинадан кейин), Осиёда 2-ўрин (Хитойдан сўнг)га сазовор бўлишган.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Токио-2020 Олимпия ва Паралимпия ўйинлари йўлланмаси учун Республикамизнинг турли вилоятларидан номзод спортчиларни саралаб олган бўлиб, уларнинг сони 380 нафарни ташкил қилади. Шулардан 64 нафари паралимпия спортчиларидир. Токио-2020 йил Паралимпия ўйинлари учун 2019 йил 15 октябрь ҳолатига 7 нафар спортчимиз лицензияни қўлга киритиб улгуришган [7].

2018-2019 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида «Адаптив жисмоний тарбия ва спорт» таълим йўналиши очилиб, ушбу таълим йўналишида 40 дан ортиқ имконияти чекланган ёшларимиз таҳсил олмақда.

Умуман олганда, адаптив жисмоний тарбия ва спорт таълим йўналиши учун малакали педагоглар жамоаси махсус психология ва коррекцион педагогика асосларини, соғлом болалар билан биргаликда ўқитишнинг технология ва махсус методларини ўзлаштиришмаганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Заиф кўрувчи ва эшитиш қобилияти паст ёшларга касбий таълим бериш учун кўшимча махсус жиҳозлар, дидактик воситалар талаб этилади. Масалан, кўр болалар учун брайл дисплейли компьютерлар, «гапирувчи» ва бўртма нуктали дарслик ва дафтарлар, катталаштирувчи мосламалар керак. Бундан ташқари, дарслар тифлопедагог, сурдопедагог ва тиббий ходимлар иштирокида олиб борилиши лозим. Имконияти чекланган ёшларга касбий таълим беришнинг масофали шакллари ривожлантириш зарур. Адаптив жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини инклюзив таълим талабларидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш керак. Умуман олганда, оммавий инклюзив касбий таълимга ўтиш давлат ва жамиятнинг вақтинчалик эмас, балки биргаликдаги изчил хатти-ҳаракатларини, жумладан, илғор хорижий тажрибани ҳамда форсайт технологияларни маҳаллий шароитга мослаштиришни тақозо этади.

### Адабиётлар рўйхати

1. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/02/06/statistika>
2. <http://uza.uz/uz/business/zbekistonda-pensiya-va-izhtimoiy-nafa-a-oluvchilarning-umumi-10-05-2019>
3. <https://stat.uz/uz/548-foydali-ma-lumotlar/7105-ma-lumotlar>
4. <https://uzanalytics.com/jamiyat/4192>
5. <http://www.lex.uz/acts/1866997>
6. <http://lex.uz/acts/140824>
7. <https://olympic.uz>

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН БОЛАЛАР МУАММОЛАРИНИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

- **Шеров Маъруф Болтаевич**  
Самарқанд давлат университети  
Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга қулай иш шароитларини яратиб бериш чора-тадбирларини амалга ошириш устивор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади[1]. Унга кўра, 2017-2021 йилларда ижтимоий соҳани ривожлантиришда “Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий сектор шериклигини ривожлантириш”[2] асосий мақсад сифатида кўрсатилган.

“Ҳаракатлар стратегияси”нинг узвий қисми бўлган ҳамда 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилиниши ва қабул қилинган Давлат дастури, авваламбор ногиронлиги бўлган шахслар муаммоларини ечимига қаратилгани билан аҳамиятлидир[3]. Шу боис, давлат томонидан халқимизга хос бўлган меҳр-шафқат ҳамда эзгулик туйғуларини ҳисобга олган ҳолда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг муҳим эҳтиёж ва талабларига алоҳида эътибор қаратилмоқда[4]. Ушбу муаммони социологик жиҳатдан ижтимоий иш фани ва амалиётида аниқ амалий ечимини илмий асослаш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу ҳақда: «Туғма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар қутилган на-

тижани бермаяпти. Чақалоқларни перинатал скрининги кўригидан ўтказиш туғма нуқсонларни ўз вақтида аниқлашни ва ногиронликнинг кейинчалик олдини олишни таъминламаяпти», – деб таъкидлаган эди[5].

Мазкур муаммонинг долзарблигидан дарак берувчи яна бир омил ногиронлиги бўлган шахслар каби имконияти чекланган аҳоли қатламининг жамиятда эркин интеграциялашуви, ўз ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, нормал ҳаётгий фаолиятига тўсик бўлувчи ижтимоий тўсиқларнинг ҳамон сақланиб келаётганлигидир. Бугунги кунда дунёда 1 миллиарддан ортиқ одам (дунё аҳолисининг 15 фоизи) ногиронликнинг бирор бир шаклига эга. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 600 минг нафарга тенг[6]. Уларнинг кўпчилиги жамият ҳаётида тўлақонли ва тенг ҳуқуқларда иштирок этишларига тўсқинлик қиладиган муаммоларни бошдан кечиришади. Бу ҳол айниқса, транспорт, ишга жойлашиш, таълим, ижтимоий ва сиёсий фаолият каби соҳаларда яққолроқ намоён бўлади. Масалан, мамлакатимизда шахар ва транспорт инфратузилмасида ногиронлик учун қулайлик яратилганлиги ҳолати (жумладан, 64 598 та давлат органи объектларидан фақат 23 901 тасига ногиронларнинг кириш имконияти яратилган ва пандуслар мавжудлиги) ўрганилди[7].

Ўзбекистонда ҳар доим халқимизга хос бўлган раҳмдиллик, мухтожларга ёрдам қўлини чўзиш, уларни турли вазиятларда қўллаб-қувватлаш каби фазилатлар юксак кадрланган. Инсонларнинг ногиронларга нисбатан муносабатини ўзгартириш, атрофдагиларни уларнинг жамиятда тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштироки ҳақида хабардор қилиш ногиронларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ўта муҳим ва биринчи навбатдаги қадам ҳисобланади. Ушбу мақсадда “ногирон” тушунчаси муомаладан чиқарилмоқда ва у энг аввало, инсон эркинлигини ҳисобга олган ҳолда умумэътироф этилган “ногиронлиги бўлган шахс” атамаси киритилмоқда. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга олинганлар асосан меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, яъни икки асосий гуруҳ: жамоавий фойдали меҳнатга лаёқатлилиқ қобилятини йўқотганлар ва меҳнатга лаёқатли ёшга етмаганлардан иборат. Ўзбекистонда шундан келиб чиқадиган иккита асосий ижтимоий ёрдам тури мавжуд: биринчиси пенсиялар шаклида ёрдам кўрсатиш ва иккинчиси бу ижтимоий нафақалар шаклида ёрдам. Жами пенсия ва ижтимоий нафақа олувчи шахслар сони 2017 йилдаги маълумотларга кўра 3488,8 минг кишини ташкил этади. Жумладан республикаимизда ёшга доир 2568,3 минг киши, ногиронлиги бўйича 368,5 минг киши, боқувчисини йўқотганлар 247,7 минг кишини, ижтимоий нафақа олувчилар сони 304,4 минг кишини ташкил этади[8].

Таҳлилларга кўра вазият аста-секин ижобий томонга ўзгариб бормоқда, ногирон инсонларни ҳам жамоатчилиқ, ҳам давлат даражасида тинглаш, тушуниш ва қўллаб-қувватлашга тайёрлик кўзга ташланмоқда. Аммо, айни пайтда, жамиятнинг кўпчилиқ аъзоларида шаклланган ногиронларга нисбатан нотўғри муносабат аксарият ҳолларда жамоатчилиқ онгида соғлиқ жиҳатдан имконияти чекланган инсонларнинг ижобий тимсоли шаклланмаганига бориб тақалади. Мисол учун дунёнинг ривожланган ва етакчи давлатларида сўнгги 30 йил давомида олиб борилган илмий ишлар ва тадқиқотлар натижасида, замонавий жамиятда ногиронлик ҳамда ногиронлар ҳақида асосан икки хил қараш мавжуд. Ушбу қарашлар “моделлар” деб юритилади, яъни “ногиронликнинг тиббий модели” ва “ногиронликнинг ижтимоий модели”. Бу моделларнинг ғоявий ўзаги бир-бирдан тубдан фарқ қилади, шунинг учун мазкур моделлар тарафдорлари ўртасида тушунмовчилик ҳолатлари юзага келиб туради. Ҳозирги кунда ногиронлик масалалари халқаро даражада ва ривожланган давлатлар миқёсида тез суръатлар билан “тиббий модел”дан “ижтимоий модел”га ўзгармоқда. Бундай ҳаракатлар дастлаб ўтган асрнинг етмишинчи йилларининг ўрталарида АҚШда ногиронлар ташаббуслари билан бошланган. “Ижтимоий модел” ногиронлар томонидан “тиббий модел”га жавоб тариқасида тузилган[9]. Бунда асосий эътибор ногиронларнинг жамиятдаги тўлақонли иштироки ва тенг ҳуқуқлилигига қаратилган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасида 2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида комплекс маълумотларни (ногиронлиги бўлган шахсларга оид шахсий маълумотлар, пул тўловларининг турлари ва миқдори, ажратилган техник реабилитация воситалари, протез-ортопедия буюмлари ва бошқалар) ўз ичига олган ногиронлиги бўлган шахсларнинг ягона электрон реестри жорий этилган эди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2019 йил 17 январда имзоланган “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонга мувофиқ, 2019 йил 1 февралдан бошлаб,

ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига қўмаклашиш йўналишидаги ишлар Халқ қабулхоналари томонидан мувофиқлаштириб берилмоқда[10].

Бундан кўзланган мақсад жисмоний имконияти чекланган, турли сабабларга кўра ногирон бўлиб қолганларнинг жамиятга қўшилиши учун шароит яратиб бериш, атрофдагиларнинг уларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлишини таъминлаш ҳамда уларни рағбатлантириш жамиятнинг комиллик даражасини белгилаб беради. Давлатимиз сиёсати ногиронларга болалик чоғидан бошлаб ғамхўрлик кўрсатишни назарда тутди. Шунга асосланган ҳолда республикада қонунлар, фармонлар ва бошқа норматив актлар ишлаб чиқилди, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя-лашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият билан интеграциялашуви учун тенг имкониятларни таъминлаш учун инклюзив таълимни амалга оширила бошланди. Бундан ташқари, ушбу соҳада тиббий-касбий-ижтимоий реабилитацияни ўзаро уйғунликда олиб бориш, ногиронлар учун мос тушадиган янги технологияларни яратиш, ассистив технологияларни енгиллаштирадиган воситаларнинг илмий тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини олиб бориш хусусиятларига алоҳида аҳамият қаратилган йўналишларда ҳам тадқиқотлар олиб берилмоқда.

Ҳозирги кунда, фаол ногиронлар ва уларнинг тенг ҳуқуқли иштирокини қўллаб-қувватловчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан “ижтимоий модел”га асосланган қараш ва тушунчалар дунёнинг ривожланаётган мамлакатларида кенг тарғиб этилмоқда. Шундай қилиб, ногиронлиги бўлган шахслар муаммолари ўз ечимини топса, жамиятимиз кучли бўлади, жамиятимиз тараққий этса, давлатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлайди шубҳасиз. Зеро, ногиронлиги бўлган шахслар муаммоларини олдини олиш, бартараф этиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олишимиз, ҳар бир ҳолат бўйича илмий ёндашишимиз, ҳамкорлик ишларини кучайтиришимиз лозимлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Имконияти чекланган болалар таълими сифатини ошириш, бандлигини таъминлаш ва реабилитация тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- ногиронлиги бўлган болалар билан инклюзив таълим асосида таълим олаётган соғлом болаларда уларга нисбатан толерантлик муносабатини шакллантириш;
- Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорликда вилоятларда ногиронлар билан ишлаш секторини ташкил қилиш;
- ногиронлиги бўлган болалар билан ишловчи тегишли мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ва реабилитация марказларининг илмий базасини такомиллаштириш

Хулосамиз шуки, замонавий жамиятларда содир бўлаётган трансформацион жараёнлар инсон ҳаётининг фаолиятининг барча соҳаларида тарихан шаклланган ижтимоий-маданий меъёр ва қадриятларнинг ўзгаришига, турмуш тарзи, кундалик ҳаёт ва меҳнат фаолияти, турли гуруҳлар ва қатламларнинг мавқеи ва мақомига ўз таъсирини ўтказмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. [https:// www.gov.uz](https://www.gov.uz)
2. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70. <http://www.Lex.uz> Дата обращения к ресурсу 13.04.19
3. Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи 2018 йил 29 декабрь, № 271-272 (7229-7230)
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чор-тадбирлари тўғрисида//Халқ сўзи 2017 йил 2 декабрь, № 243 (6937)
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши / Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил 1 август, – 151(6845).
6. <http://www.uznews.uz/category/Social/792>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чор-тадбирлари тўғрисида//Халқ сўзи 2017 йил 2 декабрь, № 243 (6937)



7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида//Халқ сўзи 2017 йил 2 декабрь, № 243 (6937)
8. Кузнецова Л.П. Основные технологии социальной работы. Учебное пособие. – Владивосток: Изд-во ДВГТУ, 2018, - С. 92.
9. Халқ сўзи 2019 йил 19 январь № 18 (7248)

## МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

№№	ФИО автора / Муаллифнинг ФИШ	Мақола номи / Название статьи	Саҳифа / Страница
1.	Абдуллаева М.М.	Эшитишда муаммоси бўлган болалар оиласида шахслараро муносабатининг ўзига хос хусусиятлари	3-6
2.	Абдуллаева Г.С.	Влияние фонетической ритмики на формирование устной речи у детей с нарушениями слуха	6-8
3.	Абдурахимова Д.А.	Мактабгача ёшдаги болаларда толерантлик маданиятига оид тушунчаларни шакллантиришда халқ оғзаки ижоди – эртақларнинг ўрни	9-10
4.	Абдурахманова С.	Алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ривожланиши ва тарбиясида оиланинг ўрни	10-13
5.	Абдурахмонова М., Толибов Б.	Мамлакатимизда самарали ижтимоий ҳимояни ташкил этиш масалалари	13-15
6.	Абдухалилов А.А.	Ногиронлиги бор болаларни ижтимоий реабилитация қилишда ижодий фаолиятни ривожлантириш усуллари	15-17
7.	Абидова М.	Ота-она қарамог'исиз қолган болалар билан ижтимоий ишда касбий ахлоқ масалалари	17-19
8.	Абидова Н.З., Зоҳидова Э.	Современные формы взаимодействия дошкольного образовательного учреждения с семьей	20-21
9.	Авазова Г.	Ваколатлилик таълими – оиладаги муаммолар ечимининг омили сифатида	22-23
10.	Азимова Н.	Преимущества инклюзивного образования	23-24
11.	Акрамова Ф.	Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни аниқлаш ва ёрдам кўрсатиш усуллари	24-26
12.	Алимова В.С.	Мамлакатнинг болаларга нисбатан ижтимоий сиёсатни амалга оширишида республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг ўрни ва роли	26-31
13.	Аллабергенова Ш.	Негативные последствия трудовой миграции	31-32
14.	Алифановене Д.	Анализ профессионального стресс-дискурса специалистов по оказанию образовательной помощи: субъективный опыт специалистов	33-36
15.	Арзиқулов Д.	Вояга етмаганларда ҳуқуқбузарлик ҳулқининг юзага келишини олдини олишда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти	36-38
16.	Ахмаджонов З.З.	Болаларга нисбатан зўравонликни олдини олишда таълим муассасасининг роли	38-40
17.	Ахмедова З.М.	Имконияти чекланган болаларни инклюзив таълимга жалб этишнинг ижобий самараси	41-43

18.	Ашурова С.Ю., Куватова Н.Б., Гаффаров Ф.Х.	Ребенок с особыми образовательными потребностями и инновационные методы работы	43-45
19.	Аюпова М.Ю.	Мураккаб нуқсонли болалар нутқининг ўзига хос хусусиятлари	45-47
20.	Аъзамова М.Н.	Мактабга тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчиларида дўстона муносабатларга асосланган ҳамкорликни аниқлаш ва ривожлантириш	48-50
21.	Базаров А.А.	Об особенностях правовых гарантий социально уязвимых детей в Узбекистане	51-53
22.	Базарова Р.	Ўзбекистонда миграция таъсиридаги болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш: ҳуқуқий кафолат, амалиёт ва тавсиялар	54-57
23.	Бахадирова З.А.	Мактабгача ёшдаги болалар нутқ камчиликларини бартараф этишда ота-она билан ҳамкорлик	58-60
24.	Бекназарова С.С., Абдуллаева О.С.	Важность и необходимость обучения учащихся правилам безопасного поведения в интернет- пространстве	61-63
25.	Билолова З.	Вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқбузарликка мойиллигини психологик таҳлили	64-65
26.	Ботирова Д.	Аёлларни фарзандидан воз кечишга ундовчи омиллар таҳлили	65-68
27.	Визель Т.Г., Прохорова А.В., Клевцова С.В.	Как развивается ребенок	68-73
28.	Ганиева М.	Совершенствование системы социальной защиты детей в Узбекистане	73-76
29.	Зайтов Э.	Ўзбекистон институционал муассасаларида ногиронлиги бор болалар манфаатларининг ҳимояси	76-78
30.	Илхомова Д.А., Хамидова Х.А.	Эффективность различных форм психологической коррекции психоэмоционального состояния детей с детским церебральным параличом	78-81
31.	Инагамова Л.У.	Бошқариш фаолиятида раҳбар имижига – фаолият самарасига сифатида	81-83
32.	Исамова П., Перпер А.М.	Психологическая поддержка детей группы риска в рамках оказания им комплексной помощи	83-86
33.	Исламбекова З.И., Шодмонхожиева И.Н.	Опыт Узбекистана в инклюзивном образовании	86-87
34.	Исламова Д.Б.	Алоҳида эҳтиёжли болаларга таълим-тарбия беришдаги ёндошувлар	87-89
35.	Исмаилова Б.Х., Уринова Ш.П.	Ижтимоий хавф остидаги оилалар ва болалар билан ишлаш	89-92

36.	Исмаилов И.	Профилактическая работа органов внутренних дел с несовершеннолетними	92-95
37.	Исраилова Н.А., Узакова С.Ш.	Правовое воспитание, психолого-педагогическая помощь детям группы риска и их семьям: эффективные технологии	95-99
38.	Кабанов В., Новикова М.	Практики воспитания в замещающей семье в России XX века	99-102
39.	Кадыров Х.Ш., Жалилова С.Х., Халилова Н.И.	Особенности творческой мотивации одаренных детей	102-103
40.	Калбаева Х.Ж.	Эшитиш нуқсонига эга бўлган болаларни оилада тарбиялаш ва ўқитишнинг коррекцион йўналтирилганлиги	103-106
41.	Камалиева А.	Педагогический менеджмент как наука управления образовательными системами и процессами	106-109
42.	Камилов Ф.	Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ҳимоя қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлари	109-111
43.	Каримова В.М.	Имконияти чекланган болаларга таълим беришда жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда яратилган шарт-шароитлар	111-114
44.	Кодирова Ф.	Инновационные технологии подготовки к социальной жизни детей с проблемами слуха	114-117
45.	Комилова Н.Г., Яхьяева М.Ш.	Уюшмаган ёшлар: юзага келиши сабаблари ва олдини олиш юзасидан тавсиялар	118-120
46.	Латипова Н.М.	Концептуальный анализ проблемы насилия в современности	120-124
47.	Мадбабаева М., Камалова Н.	Ижтимоий ва ҳуқуқий хатар гуруҳидаги болаларнинг тарбиясида ғоявий-сиёсий маданият масалалари	125-127
48.	Мамаражабова З.	Оилада бадий асар билан мулоқот боланинг ривожланиш омили	127-129
49.	Мамаражабов Б.	Шарқ мутафаккирлари оилавий таълим-тарбия хусусида	129-130
50.	Матчанов А.А.	Об особенностях процессуального статуса несовершеннолетнего обвиняемого и обеспечении его прав и законных интересов	131-134
51.	Махкамова У.А.	Нутқ бузилишлари: дудуқланиш юзасидан педагогик ёндашувлар таҳлили	134-136
52.	Махмудова М.М.	Ижтимоий иш соҳаси – бугуннинг йўналиши	136-138
53.	Мақсудова Н.А.	Миллат илмий салоҳиятини оширишда инклюзив таълимнинг роли	138-139
54.	Мукумова Д., Ярова С.	Секреты эффективного общения	139-143



55.	Муминова Л.Р., Ахмедова З.М.	Принципы формирования инклюзивной готовности педагогов в образовательном пространстве	143-145
56.	Муминова Л.Р., Назарова Д.А., Шодмонхожиева И., Узакова З.	Личностно ориентированный подход в инклюзивном образовании	146-147
57.	Муминова Л.Р., Назарова Д.А.	Заиф эшитувчи болалар сўзлашув нутқини ривожлантиришда ота-оналарнинг роли	147-150
58.	Муминова Л.Р., Каримова Ш.Т., Махкамova У.А.	Использование информационных технологий в логопедической работе	151-152
59.	Мусаева Н.С.	Интеллектида нуқсонли бўлган ўқувчилар оғзаки нутқини ўйинлар орқали шакллантириш	152-154
60.	Мухамедова Г.	Болалар ижтимоийлашувида репродуктив саломатликнинг аҳамияти	154-155
61.	Мўминджонова М.	Аҳолининг ижтимоий фаровонлигини ошириш – инсон омили сифатида	155-157
62.	Назарова Д.А.	Заиф эшитувчи болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш муаммолари ва ечимлари	157-159
63.	Нажметдинова М.М.	Ногиронлиги бўлган шахсларни тарбиялашда инклюзив таълим	159-161
64.	Наимова Х.А., Умирова С.М.	Влияние реабилитации на качество жизни детей с детским церебральным параличом	161-163
65.	Нарметова Ю.К.	Психосоматик ва соматопсихик бузилишларнинг ўзига хослиги	164-165
66.	Нуридинова С.Ф.	Соғлом турмуш тарзи омиллари	166-168
67.	Нуркелдиева Д.А.	Ўзбекистонда алоҳида ёрдамга муҳтож илк ёшдаги болаларнинг коррекцион-педагогик абилизацияси ва комплекс қўллаб-қувватлаш	168-169
68.	Нуркельдиева Д.А., Тахирова Ш.	Ранняя помощь в системе оказания комплексных адресных услуг детям с особыми потребностями в Республике	170-172
69.	Нурматова И.	Социальное благополучие молодой семьи: проблемы и тенденции	173-175
70.	Нурмухамедова Л.Ш., Жалилова М.Ф.	Подготовка родителей ребенка с нарушениями развития для включения его в среду здоровых сверстников и пути ее реализации	176-180
71.	Orska Rita	Preparing the school community for implementation of mediation: experience in latvia	180-183
72.	Очилова Д.М., Тошпулатова М.Х.	Меҳрибонлик уйида амалга ошириладиган ишлар: боқиш, тарбиялаш, оилага қайтаришга тайёрлаш	183-185
73.	Пак А.В.	Семейная медиация: направления развития в Республике Узбекистан	186-187

74.	Пўлатова Х.М.	Алалик болаларда боғланган нутқни эртақлар орқали ривожлантириш усуллари	188-189
75.	Расулова З.А.	Вояга етмаганлар тарбиясидаги нуқсонларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари	189-191
76.	Рахимов А., Алимов А.	Бола ҳуқуқлари ва виртуал олам	191-193
77.	Рахимова И., Алимова Е.	Профилактика правонарушений среди детей групп социального и правового риска	193-195
78.	Рахматова Г.Б.	Болалар ижтимоийлашувида ўйин терапиясининг ўрни ва роли	196-198
79.	Рахматов О.У.	Ўқувчиларнинг миллий спорт турларига қизиқишини ривожлантириш масалалари (умумий ўрта таълим мактаблари мисолида)	198-200
80.	Реджабаева М.З., Махмудова Д.А., Ярашева Ш.	Психологические особенности применения дидактических игровых технологий в обучении одаренных детей с ограниченными возможностями дошкольного возраста	200-202
81.	Саипова М.Л.	Тўлиқ ва нотўлиқ оилалар фарзандларининг ижтимоийлашувидаги ўзига хосликлар	202-204
82.	Сайфуллаева Д.А., Умматалиева К.Т., Олимов Қ.Т.	Имконияти чекланган ёшларни ўқитиш ва тарбиялашнинг асосий йўналишлари	204-206
83.	Салихова Г.	Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болаларни умумтаълим муассасаларига жалб этиш масалалари	206-208
84.	Соседова Н.В., Исмаилова И.И.	Система социальной защиты в Узбекистане – основа благополучия семьи	208-209
85.	Собирова М.	Уюлмаган ёшларда ижтимоий фаолликни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	209-211
86.	Суюнов Ш.Ж.	Ижтимоий ва ҳуқуқий хатар гуруҳидаги ўқувчи-ёшлар ўртасида қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда оила институтининг ўрни	211-214
87.	Таджиходжаева О.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалалари	214-215
88.	Терентьева И.Б.	Актуальные проблемы перинатальной психологии и психотерапии: психопрофилактическая работа, связанная с выявлением среди беременных групп риска по нервно-психическим расстройствам	215-219
89.	Тохтиярова Ш.Э.	Актуальные проблемы, состояние и перспективы развития деятельности дефектолога в дошкольном образовательном учреждении общеобразовательного типа	219-222

90.	Турғунбоев С.	Ихтисослаштирилган мактаб-интернат битирувчиларини оилавий ҳаётга мослашувининг ўзига хос ижтимоий-педагогик хусусиятлари (қар ва заиф эшитувчи болалар мисолида)	222-224
91.	Умаров Б.	Вояга етмаганларда ҳулқ оғишининг ижтимоий-психологик омиллари	224-227
92.	Умарова Н.Ш.	Имконияти чекланган болалари бор оилаларнинг психологик ўзига хослиги	227-230
93.	Хабиев Т.	Психологическая поддержка родителей из социально уязвимых категорий семей	230-233
94.	Халикова Л.С., Яхняева М.Ш.	Реинтеграция воспитанника в кровную семью	234-236
95.	Халилова Х.А., Мухтаров О.Ш.	Социально-феноменальная реабилитация инвалидов в рамках учреждения психологического обслуживания населения (на примере «детского дома инвалидов Кургантепинского района»)	237-239
96.	Хамидова М.	Эшитишда нуқсонли бўлган болалар оиласига коррекцион-педагогик ёрдам турлари	239-211
97.	Хамроев С.С.	Спорт тўғрақлари орқали ўқувчиларнинг шахсий саломатлигига муносабатини шакллантириш ва жисмоний маданиятини ривожлантириш	242-243
98.	Хохлачёва В.А.	Социальная защита семей группы риска в рамках оказания им комплексной помощи и поддержки	244-246
99.	Хрульнова Г.В.	Проблемы социальной защиты детей, затронутых миграцией	247-249
100.	Худойберганаева З.Н.	Формирование толерантности как неперемное условие подготовки будущих учителей	249-251
101.	Хусанова Д.Г.	Ҳарбий зиддиятли ҳудудлардан қайтарилган оила ва болалар билан олиб бориладиган психоижтимоий хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари	252-255
102.	Чаброва Т.Л., Музаффарова М.	Педагогические условия сотрудничества педагогов и родителей как условие качества дошкольного образования	255-258
103.	Шарипова Д.Д., Умурзақов Ў.К.	Уюшмаган ёшларда саломатлик маданиятини шакллантириш масалалари	259-261
104.	Шарипова Д.Д.	Использование здоровьесберегающих технологий в работе с детьми с особыми потребностями здоровья	261-264
105.	Юсупов Р.К.	Ногиронлар ҳуқуқларини таъминлашнинг илмий-назарий асослари	264-268

106.	Юсупов А.	Развитие методической компетентности воспитателя дошкольной образовательной организации – залог успешной социализации детей с особыми потребностями	268-270
107.	Якубжанова Д.Б.	Эшитишида нуқсони бўлган бошланғич синф ўқувчилари таҳсилида мультимедия технологияларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари	271-273
108.	Қамбаров А.А.	Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар билан ижтимоий-маданий яқинликни такомиллаштириш масалалари	273-276
109.	Куронов М.	Уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик омиллари	276-278
110.	Ҳайитов О.Э.	Ўзбекистон Республикасида имконияти чекланган шахсларга оид устувор давлат сиёсати (ҳуқуқий, статистик ва ижтимоий-психологик таҳлил)	278-281
111.	Шеров М.Б.	Ногиронлиги бўлган болалар муаммоларини социологик тадқиқ этишнинг назарий-услубий асослари	281-284





**Республика болалар  
ижтимоий мослашуви  
маркази**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,  
100100, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.  
Телефонлар: 281-50-16; 281-50-18; 281-49-54 (факс)  
Веб-саҳифа: [www.rcsad.uz](http://www.rcsad.uz)